

ХУДОЁР ЛАТИПОВ

# МАШАҚҚАТЛИ ЙИЛЛАР ЁДИ

*(Тарихий қисса: 1928—2001 йиллар)*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2005

63.3 (5У) Узб-н тарихи

№ 32064  
2

006	Alisher Navoiy
A5329	nomidagi
	O'zbekiston MI

## УМР САВОҚЛАРИ

Ҳар бир инсоннинг босиб ўтган ҳаёт йўли бамисоли ёзилмаган китоб, сувратга олинмаган кинофильм. Афсуски, биз жуда кўп ибратли умр лавҳалари, қимматли, ҳаётий тажрибалардан бебаҳра қоламиз. Кўрган-кечирганларини ёзиб қўйиш, хотира дафтари тутиш кўпларга одат эмас. Натижада биз аввал ўтган ота-боболаримизни яхши билмаймиз, авлодлар занжири узук-юлуқ бўлиб қолади. Бу ўтмишни унутиш, унга сарқит деб қараш, насл-насабни иложи борича эсламаслик, ёки ерга уриш одат бўлган замондан қолган. «Мен фалон йили камбағал деҳқон ошласида туғилганман», деб бошланадиган таржиман ҳоллар кишининг порлоқ келажаги учун гувоҳнома бўлган.

Худоёр Латипов — машҳур чўлқувар, даврининг илғор ёшлари қаторида Мирзачўлни ўзлаштирган, бошидан кўп яхши-ёмон кунларни кечирган инсон. Шеърятга ҳавасманд бўлиб ёзган дафтар-дафтар шеърлари ҳам бор.

Сухбатларнинг бирида Худоёр акага халқимиз тарихининг ўзи гувоҳ бўлган машаққатли, мураккаб даврлари ҳақида хотира ёзишни таклиф қилгандик. Шундай битикнинг дунёга келгани кўп яхши иш бўлибди. Аввало у авлодлар учун эсдалик, қолаверса, китобхонлар учун қизиқarli мемуар.

Хотира ёзиш фақат касби ёзувчилик бўлган кишиларнинг меҳнати эмас. Ушбу китобга тақдимнома битар эканман, ҳар бир ёши улуғ инсон фарзандларга ибрат бўлгулик ҳикоятлар ёзиб қолдиришини орзу қиламан. Уларнинг ҳаммаси ҳам балки китоб бўлиб нашр этилмас. Лекин кўп йиллар ўтиб, келгуси авлодларимиз биздан қолган дафтарларни варақлаб, бобом, момом шунақа даврларда яшаган экан, шундай ўйлар ўйлаб, шундай дардларни бошдан кечирган экан, дея ўзига хулосалар чиқарса, бизларни ёдлаб қўйса, ахир яхши-да!

Китоб муаллифи муҳтарам Худоёр Латиповга узоқ умр, фарзандлар бахтини кўришдек улуғ саодатни тилайман.

Эркин Ваҳидов,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Халқ шоири.

## СЎЗ БОШИ

Мен 1948 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини битирганман. Шунинг учун кўпроқ тарихий роман, очеркларни жон-дилим билан севиб ўқийман. Ўзим ҳам машқ қилиб тураман. Бир неча шеърини китобларим, насрий тўпламларим чиққан. Лекин шоир, ёзувчиликка даъвогарлик қилмаганман. Бир умр далада ишлаган одам, деҳқончиликни ҳаёт мазмуни деган кишида ижодга ҳамиша ҳам вақт топилавермайди.

Мустақиллик арафасида Тошкентда ташкил этилган Республика Улуғбек фондининг бош директори бўлиб ишлаётган ўғлим Исфандиёр менга: — Ота, сизни машҳур шоиримиз Эркин Воҳидов ўз ҳузурларига чақираётирлар, — деб қолди. Бу таклифдан суюниб, Тошкентга йўл олдим. Чунки Эркин Воҳидов билан 1973 йилдан буён яхши таниш эдим. У киши бир неча марта Мирзачўлдаги янги ерларни ўзлаштирувчи чўлқуварлар билан учрашгани борган эдилар. Мен кейинги 14 йил мобайнида директорлик қилаётган 10-«А» (ҳозирги Усмон Носир) совхозига ўзлари билан кўплаб санъат усталари, хусусан, ўзбек санъаткорларининг онахони, буюк актёр Аброр Ҳидоятловнинг садоқатли умр йўлдоши, ажойиб фарзандлар волидаи муҳтарамаси Сора Эшонтўраева каби улуғ санъаткорларни бошлаб бориб, бир неча марта мушоира ўтказиб, бизларга мадад бериб келган эдилар.

Самимий салом-аликдан сўнг, менга қараб Эркин Воҳидов: — Худоёр ака, Гдлян бошчилигидаги қатағон гуруҳи сабабли ўзбекларнинг кўплаб атоқли, доно, ишчан фарзандлари қамалди. Бу ноҳақ зулмга чидамаганлар ўлиб кетди. Сиз қатори ишлаганлардан 2—3 киши қолдиларингиз, холос. Менда бир фикр туғилди. Сиз

бошингиздан ўтган воқеаларни кўрган-биланларингизни бир бошдан қўғозга туширсангиз, уни бир китоб қилиб чиқарсак. Бу китоб халқимизнинг тарихига муносиб бир ҳисса бўлиб қўшилган бўларди. Сиз бунга нима дейсиз? — деб қолди. Мен бу таклифга рози бўлдим-у, лекин соғлиғим ночорлиги боисидан бу китобни ёзишим чўзилиб кетди.

Мана, бугун мустақиллик шарофати билан ёзилган эсдаликларни китоб қилиб чиқариш имконияти пайдо бўлди. Уни сиз, азиз китобхонларга тақдим этаётганим учун шукроналар келтираман.

*Кўзим қорачиғи — Ўзбекистоним,  
Жаҳонга бергусиз ҳур диёримсан.  
Сеники борлиғим — бутун тан-жоним,  
Токи тирикдирман — сен мадоримсан.*

*Ўзбекистон, сени жаҳон олди тан,  
Шукрким, буюрди мустақил Ватан.  
Аллоҳ инъомисан халқимга абад,  
Тупроғинг гавҳардир, томчи сувинг — зар.*

*Минг йиллик сўнгида кўтаролдинг қад,  
Мангу яшнагайсан энди муқаррар.  
Ўзбекистон, сени жаҳон олди тан,  
Шукрким, буюрди мустақил Ватан!*

*Асрий орзулари халқнинг ушалди,  
Тирикдир фидойи фарзандлар ёди.  
Келажак йўлига гуллар тўшалди,  
Халқим умидидир бу кун авлоди!*

*Ўзбекистон, сени жаҳон олди тан,  
Шукрким, буюрди мустақил Ватан!*

I

**ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ**

Улуғ адиб Абдулла Қодирий: «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, дейдилар», деб ёзади. Бинобарин, мустақиллик туфайли ўз тарихимизга, аجدодлар меросига муносабатимиз тубдан ўзгарди. Айниқса, қадим ва яқин ўтмишимизга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Шуни унутмаслик керакки, тарих — узоқ ўтмишдангина иборат эмас, яқингинада босиб ўтилган йўл ҳам тарихдир. Шу боис «Шўро даври» деб аталмиш етмиш йилдан зиёдроқ муддат ҳам узоқ тарихимизнинг бир бўлагига айланди. Бу йиллар давомида халқимиз ҳаётида гоҳ қайғули, гоҳ қувончли воқеалар кўп бўлди. Йўқотишлар билан бирга ютуқларга ҳам эришдик. Бу ютуқлар халқимизнинг ҳалол меҳнатидандир.

Халқимизда: «Ватан остонадан бошланади», деган нақл бор. Демак, ҳар бир киши ўз эл-юрти, ўз насли, тарихини, шу кунларга олиб келган ота-боболаримиз босиб ўтган йўл ва улар чеккан заҳматларни англаб етмас экан, ўзи яшаб турган даврининг қадрига ҳам етмайди, келажакка ҳам нигоҳ ташлай олмайди...

Мирзачўлнинг жанубида, Туркистон тоғ тизмаларининг шимолий томонидаги қир-адирлар орасида, Ўратепа шаҳрининг ғарбида Шаҳристон ҳудудидан чиқадиган булоқ сувларини эмиб, ўзининг майин қиши, салқин ёзи, ажойиб об-ҳавоси, серунум ер иқлими, узумзор боғлари билан машҳур кўҳна Жўйлангар. Мен шу қишлоқда 1922 йили таваллуд топганман. Қишлоқнинг Ипак йўли бўйлаб ҳозирги Ўратепа шаҳри томон боровчи қарвонлар тўхтаб ўтадиган «Қатта йўл» деган оромгоҳи яқингача ҳам бор эди. Шу йўлдан ўтган қарвон албатта Жўйлангарда тўхтаб, ҳордиқ чиқариб кетар эди. Жўйлангарни қадимда бек маскан тутган. Қишлоқ кўп бор турли фалокатларга дучор бўлган. 1942—1944 йилларда эса кампирчопон ва гелетроп каби за-

ҳарли ўт-ўланлар уруғи қўшилиб қолган буғдойдан тортилган унни истеъмол қилиш туфайли бу қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги қирилиб кетган. Ўшанда онажоним — Бибисора ва якка-ю ягона синглим — Ойимнисолардан ажралиб қолгандик.

Ҳозир бу қишлоқ харобалари Афросиёб харобаларини ёдга солади, 20 гектарли текис майдонни эгаллаб ётибди. Майдон ўртасида 1500—2000 киши намоз ўқийдиган тепаси нақшинкор мачит вайронаси ҳамон қад кўтариб турибди.

1925—1930-йилларда қишлоқда 5000 дан ортиқ аҳоли яшарди. Қишлоқда иккита гузар мавжуд бўлиб, ҳар қайси гузарнинг мачити, мактаби, пишиқ гишдан қурилган ҳаммом, чойхона, меҳмонхонаси, дўкони-ю сайилгоҳи бор эди.

Жўйлангарда азалдан Маккаю Мадинада, Бухорои шарифда ўқиб келган кучли муллалар кўп бўлган. Улар орасида Абдуҳолиқ ҳожи, Мулла Муҳаммади, Мулла Гадои кабиларни алоҳида қайд этиш мумкин. Шунингдек, бу ерда халқ қадимдан ихлос қўйиб, асраб келатган муқаддас қадамжолар ҳам бор. Хусусан, Саид Исоқ хўжа мазори, Чиллахона Бобо мазори, Баҳовуддин Балогардон Бобо қадамжолари шулар жумласидан. Ховос туманининг энг йирик қишлоғи Баландчақир бўлиб, бу ерга халқ Жўйлангардан кўчиб борган экан. Қишлоқ қарияларининг айтганларича, бизнинг эл жалойир уруғидан экан. Отамнинг онаси Холбиби бувимни Эшмат бобом Холдорқипчоқ қишлоғидаги қипчоқлардан олган эканлар.

Қишлоқнинг 400 гектар суғориладиган, 3 минг гектар лалми ери бўлган. Сувли ерда боғ, узумзорлар, лалми ерларда буғдой, арпа, зиғир, индов, махсар экилиб, юқори ҳосил олинган. Ерни омов билан сифатли ҳайдаб экилган. Суғориладиган ердан 35—45 центнердан буғдой, арпа, лалми ерлардан эса 15—10 центнердан ҳосил олинарди. Ёмғир кам бўлган йилларда мутлақо ҳосилсиз ҳам қолишарди. 400 гектарли узумзор ва мевали боғдан жуда юқори ҳосил олинарди. Узумзорларда олинадиган жўякнинг чуқурлиги 1,5 метр, эни 2,5 метрдан бўларди. Қишда берилган қавс сувининг шарофати билан ҳар гектар узумзор боғдан деҳ-

қонлар 6—10 ботмонгача (бир ботмони — 16 пуд, 1 пуди — 16 килограмм) майиз ҳосили олишарди. Шу қишлоқда яшовчи Нурматбойнинг ўн минг, Тилов-бердибой, Раҳмонқулбой, Нурқорабой ва Тусматбойларнинг уч-беш минглаб қўй-қўзиси, туяси, қорамоли ва йилқиси бўларди. Жўйлангарликларнинг бой халқ сифатида донг таратишларига ана шу бобокалонлари сабабчи бўлган.

Шу ўринда болалигимда рўй берган бир воқеа ёдимга тушиб қолди. Ўшанда мен саккиз ёшларда бўлиб, иккинчи синфда ўқир эдим. Эсимда, Маъмур амаким ва гузаримизнинг бошқа болалари билан ҳовлимизда чиллак ўйнар эдик. Ҳовлимиз катта кўчанинг ёқаси мачитнинг ёнгинасида эди. Кўчада: «Ур! Ўлдир, коммунистларни, комсомолларни!» деган хитобларни эшитиб, ҳамма болалар югуриб кўчага, дарвозанинг олди-га чиқдик. Кўча тўла одам қонга беланган коммунист Карим Баратов, Шамсиддин Шукуровларни оломон тош-кесак билан уриб кетишди. Тўполон қоронғи туш-гунча тинмади.

Эртаси куни кўчада бақувват отларни минган, эгнида шинель, бошида қизил юлдузи бор сарғиш қулоқчин, оёғига хиром этик кийган, ёнига узун қилич, елкасига милтиқ таққан аскарлар тўп-тўп бўлиб кўчада у ёқдан бу ёққа гала-гала бўлиб ўта бошлади. Уларни ичкаридан қулфланган дарвозанинг тирқишидан томоша қилганим эсимда. Кўча тўла халойиқ, қий-чув, йиғи-сиғи, отлиқ аскарлар йигирмага яқин бой ва эшонларни ҳайдаб кетдилар. Ҳаммалари бўйинларини эгиб ерга қараб кетишарди...

Аслида воқеа бундай бўлган эди.

1929 йили кўклам пайтида Мирзачўл уездидан қишлоққа бир вакил келади. Қишлоқ кенгаши идорасининг олдидаги майдонга халқни йиғадилар. Бир ярим мингга яқин халқ йиғилади. Мажлисни қишлоқ большевиклари фирқа ячейкасининг котиби Шамсиддин Шукуров очиб, сўзни уездком вакилига беради. Уездком вакили мажлис кун тартибини маълум қиларкан: «Мажлисида кўриладиган масала — қишлоқда колхоз тузиш», — дейди. Кейин сўзни давом эттириб, халққа шўро ҳукуматининг колхоз тўғрисидаги сиёсатини ту-

шунтирмоқчи бўлади. У гапириб турган пайтда шу қишлоқлик Қўлдош деган киши вакилга савол беради: «Колхоз» дегани ўзи нима, у қанақа бўлади?» Вакил: «Колхоз» дегани бу умумий жамоа унда ер, сув, ҳам-манинг моли ва мулки ўртада бўлиб, бир жойга йиғилади. Ҳамма нарса ҳамманинг моли ва мулки бўлади. Сеники, меники деган гап бўлмайди. Ҳамма бир қозондан овқат ейди», — дейди. У киши яна сўрайди: «Хотин, бола-чақа, рўзғор нима бўлади?» Вакил: — «Бул ҳам ўртада бўлади. Ҳамма бир кўрпада ётиб кетаверади. Сеники, меники деган гап бўлмайди», — дейди. Шунда Латиф деган киши: «Ҳазоват» эълон қиламиз, ҳамманг ўрнингдан тур, уйингда болта борми, теша борми, ўроқ борми — ол-да, қуроқлан! Ур, ўлдир, коммунист, комсомолларни! Бундай ҳукумат бизга керак эмас, ўлган, «шаҳид», бўлади, ўлдирган «ғозий», деб мажлисдагиларга хитоб этади. Мажлисда ур-йиқит бошланиб кетади, улар вакилни, Шамсиддин Шукуровни ва Карим Баратовни уриб, қонга булғайдилар. «Ур, ўлдир большевойларни!» деган ҳайқириқ оломон орасида жаранглайди. Коммунист ва комсомоллар зўрға қочиб қутилишади. Шамсиддин Шукуров ҳам қонга бўялган вакилни отта миндириб, бир амаллаб Мирзачўлга қараб қочиб қолади, кейин уларнинг ҳар иккаласи уезд бошлиғини олдига кириб борадилар. Мирзачўл уездком ва ГПУ бошлиғи бир майорни раҳбар қилиб, Ўртатепашаҳридаги горнизондан 250 қуроқли отлиқ аскар юборишади ва бир кеча-кундузда қишлоқ кўчаларида ким кўринса, отиб ташлансин, ҳамма ерда большевистик тартиб ўрнатилсин, кўзғолончилар қаттиқ жазолансинлар, деган буйруқ беришди. Қишлоққа етиб келган 250 отлиқ аскар бир кеча-кундуз кўчама-кўча кезадилар. Бу буйруқни олдиндан эшитган жўйлангарликлар уйларига кириб, эшик-ҳовлиларини беркитиб олиб, писиб ётишга мажбур бўлишди. Баъзилари қишлоқдан қочиб кетишади. Бир кеча-кундуз ўтгандан сўнг аскарлар тузилган рўйхат бўйича «кўзғолон ташкил қилган» бой, мулла эшонлар сифатида 6 кишини қидириб топиб, уларидан ҳайдаб чиқадилар. Улар: Тиловбердибой, Нурқорабой, Катта домла, Раҳмонқулбой, Мулла Гадоёбой, Тусматбойлар эдилар.

Кўлга тушган кўзғолончиларни Куркул даласи орқали ҳозирги Мирзачўл шаҳри томон ҳайдаб кетдилар. Уларнинг кетидан ҳеч ким бормасин, деб қайта-қайта огоҳлантиришди. Уларга эргашмоққа ҳеч ким журъат қилмади. Зеро, бундай воқеалар ўша пайтларда жуда кўплаб ўзбек қишлоқлари аҳлининг ёстиғини қуритганини ҳамма билар эди.

Ҳайдаб кетилган бу олти кишини Мирзачўл уездида ГПУнинг уч кишилик ҳайъати (тройка) суд қилиб, отувга ҳукм чиқарди. Улар ўша кунидек отиб ташландилар. Яна қанчадан-қанча бойларнинг мол-мулклари мусодара қилинди, ўзлари қулоқ қилинди, қамоққа олинди, хор-зорликларга дучор этилди. Бу воқеалар халқимизни қуллик ва зулм, хўрлик ва хор-зорлик тобора исканжага олаётганидан, биз учун ёт ақидалар онг-ғуруримизга суқилиб кираётганлигидан далолат эди...

Ҳа, онадай азиз Ватанимиз — жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгунга қадар не-не синовларга дош бермади дейсиз.

## **ЗУЛМ ИСКАНЖАСИДА**

Дўстларим сўзлаб берган воқеалар халқимизнинг қанчадан-қанча илғор вакиллари — асл фарзандларини зулм қанчалар исканжага олганлигига ёрқин мисолдир.

Менинг Д. Н. Алимов деган ҳуқуқшунос қадрдоним бор эди. Кўп йиллар у Ўзбекистон халқ суди тармоқларида хизмат қилиб, кейинги пайтларда бир неча йил Тошкентдаги меҳмонхоналардан бирининг директори бўлиб ишлаган. Шу биродарим менга ўз ҳаётидан кўп воқеаларни қайғуриб гапириб берарди. Д. Алимов бир гал шундай ҳикоя қилганди:

1934 йилда Марғилонда суд раиси бўлиб ишлардим. Бир куни мени станцияга В. Куйбишев ва А. Икромовлар чақиришди. Борсам, эшик олдида қуролланган кўриқчи турибди. Исм-шарифимни айтгандим, мени вагон ичига олиб кирдилар. Вагоннинг бир чеккаси худди идорадек шинам жиҳозланган, тўридаги стулда В. Куйбишев, ёнида эса А. Икромов ўтирибди. Кўл

бериб мен билан кўришгач, улар рўпарасидаги стулга ўтиришга имо қилдилар. Ўтирганим ҳамоноқ В. Куйбишев менга русчалаб, «ёзинг», деди. Мен ёздим, у бир колхоз номини ва колхоз раисининг исм-шарифини айтди. Сўнг: «Танийсизми?» — дея сўради. «Танийман», — дедим. У эса: «Ҳозир бориб шу одамни топиб олиб келиб, бугун суд қилиб, уни давлатга пахта топширишда саботаж қилаётир, деб айблаб, отувга ҳукм чиқарасиз. Шу бугун оттириб, кечқурун ҳукм ижросини менга олиб келиб топширасиз», — деди. Кейнидан яна сўради: «Тушундингизми?» «Тушундим», — дедим. «Сизга жавоб, кечқурун сизни кутаман», — деди.

Ёнида ўтирган Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби А. Икромов чурқ этмади. Мен: «Хайр!» деб чиқиб кетдим. Мени В. Куйбишевнинг адъютанти вагондан кузатиб қўйди.

Идорамга келгач, милиционер юбориб, бечора раисни топдириб келдим, икки маслаҳатчи чақиртириб, уларга ҳам Куйбишев топшириғини тушунтиргач, суд мажлисини бошладим. Суд қилиб, мутлақ бегуноҳ одамни пахта топшириш графигини бажармай, давлатга қарши саботаж қиляпти деган уйдирма билан отувга ҳукм чиқаздим, гуноҳсиз одамнинг зорлангани ҳамон қулоғим остидан кетмайди. Ҳукм қатъий, бу бошқаларга намуна бўлсин, деган ўй билан қилинган зулмининг ўзгинаси эди. Уни махсус жойга олиб бориб отиб ташладик. Кечқурун раиснинг суд ҳукми билан отиб ўлдирилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни шахсан Куйбишевнинг қўлига топшириб қайтганман. Лекин қилган ишимга ҳали ҳам ўзимни кечира олмайман.

Д. Алимов гапни давом қилдириб, яна бир воқеани айтиб берганди:

Куйбишев билан А. Икромов бир колхозга бориб, дала агрономини суриштиради.

Идора олдида турганлар орасидан соддароқ бир киши: «Агроном жума намозини ўқигани мачитга кетди», — дейди. В. Куйбишев шу пайт колхоз бухгалтерини чақиртириб: «Агрономни топинг, биз қайтиб келамиз. Келгунимизча шу ердан қимирламай турсин», — деб тайинлайди.

Агроном унинг кўрсатмаси бўйича белгиланган жойда кутиб ўтиради, улар қайтиб келадилар, В. Куйбишев келиб, «Агроном сенмисан, номозга, борганмишсан», дейди. Шошиб қолган агроном бечора: «Ҳа, бордим», — дея чин сўзлайди. В. Куйбишев ёнидан шартта наганини олиб, «Мана, сенга муллавачча», дея агрономга қарата ўқ узади. Шўрлик агроном шу замони жон беради. Бунга гувоҳ бўлиб, қараб турган одамлар қочиб қоладилар. Бу хабарни эшитган Фарғона водийсининг халқи ўшанда ўзлари ётадиган кўрпаларни ҳам йиртиб, ичидаги пахтасини савачўп билан савалаб пахта пунктига топширганини кўрганман.

Қибрайлик машҳур хўжалик раҳбари Абдужамил ака Матқобиловнинг ҳам Куйбишев ҳақида айтган шундай гапини эшитганман: — Тошкентда жаллод Куйбишевга ҳайкал қўйибдилар. Бу қонхўр неча-неча етук ўзбек йигитларининг ёстиғини қуритган, у шахсан менинг беғуноҳ акамни ҳам ўз қўли билан отиб ўлдирган.

Бундай мудҳиш воқеаларни кўплаб ёдга олиш мумкин. Айтайлик, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Беҳбудий, Фитрат каби ўнлаб миллатимиз гулларини беғуноҳ қатафон қилинганликларини қай тил билан сўзлаш мумкин?! Шукрки, мустақиллик туфайли уларнинг пок номлари тўла оқланди. Эндиликда пойтахтдаги барча золиму босқинчиларнинг ҳайкаллари таг-томири билан олиб ташланиб, уларнинг ўрнига ўтмишдаги буюк алломаларимизнинг сиймолари қад ростламоқда.

## СУРОНЛИ ЙИЛЛАР САДОСИ

Миллионлаб беғуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган «халқлар отаси» Сталин суронли 20-йиллардаёқ ўзининг сиёсий муҳолифларини бирин-кетин йўқ қилишга эришган эди. Унинг учун Троцкий ва Бухарин энг хавфли душман ҳисобланган. Троцкий Мексикага бадарға қилиниб, у ерда ўлдирилади. Бухарин Сталиннинг сиёсатига қарши очиқ гапирар эди. Бухарин юксак назарий билим соҳиби, ўткир ақл эгаси, идрокли фирқа арбоби эди. Комфирқада катта обрўга эга бўлган Н. И. Бухарин ва А. И. Риков бошчилигидан 21 киши

Троцкийнинг «думи» сифатида қамоққа олинади, улар орасида Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар ҳам бор эди. Улар устидан очиқ суд мажлиси 1938 йил 3 март куни бошланганди. Унда давлат айбловчиси сифатида собиқ СССР прокурори В. Н. Вишинский, собиқ СССР Олий суди ҳарбий ҳайъати раиси В. В. Улрих иштирок этган. Суд мажлиси 10 кун давом этиб, 13 март куни кечқурун суд ҳукми эшиттирилди.

А. Икромов қамалгандан сўнг Усмон Юсупов республика Комфирқаси МҚ биринчи котиби этиб тайинланди. У. Юсупов 13 йил шу лавозимда ишлаб, Ўзбекистон равнақига кенг йўл очиб берганларидан бири эди. У Ўзбекистонда суғориш ишларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Айниқса, 1941—1945 йиллардаги урушда, Россия, Украина ва Белоруссиядан кўчирилган халқларни Ўзбекистонга жойлаштириш, уларни иш билан таъминлаб, жонларини омон сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатди. Россиядаги самолётсозлик, тракторсозлик, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарувчи ва бошқа кўплаб завод-фабрикалари Ўзбекистонга кўчириб келинди. Шундай қилиб, республикада йирик саноат тармоғининг ривожлантиришга асос солинди.

1942 йил ноябрда уруш кетаётган энг оғир кунларда Фарҳод ГЭСи ва Боёвут канали ишга туширилди. Шу билан бирга Мирзачўл воҳасидан биринчи марта 13,5 минг гектар ер ўзлаштирилди.

Кейинчалик У. Юсупов чўлнинг ёппасига ўзлаштирилишига раҳнамолик қилди. Бекободда унинг етакчилигида металл ва цемент заводлари қурилиб ишга тушурилди.

1941—1945 йиллардаги суронли урушдан кейин собиқ СССР ҳукумати мамлакатнинг урушда вайрон бўлган ўлкаларини тиклаш, бағри қон халқининг аҳволини яхшилашга киришди. Бунинг учун ҳукуматга бошқа ашёлар қатори, ўша вақтда ишлаб чиқариш ниҳоятда камайиб кетган пахта сув билан ҳаводек зарур эди.

Мен 1943 йили урушдан ногирон бўлиб қайтиб келгач, Жўйлангар қишлоқ кенгашининг раиси лавозимида ишлаб юрардим. Эсимда, 1946 йил Тошкентга

келиб, эски шаҳридаги Пушкин номли истироҳат боғига борсам, боғ дарвозаси тепасига «Бу йил давлатга бир миллион тонна пахта берамиз» деган шиор ёзиб қўйилган экан.

Ўзбекистон пахта, пилла, қоракўл, олтин берсин, Марказ сизларга озиқ-овқат, техника ва бошқа кундалик эҳтиёж молларини етказиб беради, дейишарди Москвадагилар. Мен ана шундай шароитда эллик йилга яқин турли раҳбарлик лавозимларида ишладим.

Республикада етиштирилган пахта ва бошқа хом ашёларни тўхтовсиз Россияга олиб кетардилар. Биз, асосан, хом ашё ишлаб чиқарувчи республика эдик, холос. Бироқ биз ҳамма нарсани тушунар эдик. Хусусан, бизнинг пахтамизни, Иваново, Ленинград, Москва каби 3—4 минг километр узоқдаги шаҳарларга ташиб кетиш қанча харажатга тушишини, агар ўзимиз завод-фабрика қуриб пахтамизни қайта ишласак, бойлигимизга бойлик қўшилишини билардик.

Буни Ўзбекистоннинг турли даврлардаги раҳбарлари — Юсупов, Ниёзов, Муҳиддинов, Камолов, Рашидов ҳам жуда яхши билишарди. Лекин улар ҳам замонанинг зайлига, мустабид тузумига қарши чиқа олмасдилар. Агар қарши чиқсалар, уларнинг ҳам тақдири А. Икромов, Ф. Хўжаев каби бўлишини тушундилар. Оқибатда биз фақат «олтин қўлли» меҳнаткаш халқимизни 12—16 соатлаб, оч-яланғоч 360 кун қўлдай ишлатиб, Марказ белгилаган пахта режаларини қандай йўл билан бўлса ҳам бажаришни ўйлардик. Шундай қилолмаганларга кун йўқ эди. Ундайлар мустабид тузумининг беаёв гуруҳи дастидан янчилиб, йўқ бўлиб кетаверарди. Шу тариқа, биз кўп йиллар «улуғ оғамиз»га сажда қилиб мутеликда яшашга мажбур бўлдик.

## СУРЪЕТАИК

Эсимда, урушдан кейин республикада шўролар тузумининг доҳийларидан бири Л. Каганович бир гуруҳ гумашталари билан келганди. Ҳамма ёқда шов-шув гап: «Йўғ-эй, Каганович ҳамма ишини қўйиб, Тошкентга келармишми?! Булар бари миш-миш...» — дейишарди.

Чунки ўша вақтлар одамлар Сталинни худодек ҳисоблашса, унинг ёнидаги Сиёсий Бюро аъзоларини камида пайгамбар ёки авлиё деб билишарди. Бутун мамлакат халқи шундай тарбия қилинган эди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалаба бу тушунчани янада мустаҳкамлаганди. Хуллас, чиндан ҳам Л. Каганович Тошкентга келди. Шунда камина ҳам республика раҳбарлари қишлоқ хўжалиги фаоллари иштирокидаги йиғилишга таклиф этилганлик ҳақида телеграмма олдим. Тайинланган куни Алишер Навоий номли театрнинг биносига етиб келганимизда театр майдонига тумонат одам йиғилганди, карнай-сурнай садолари янграб турарди. Бу ерда мажлисга чақирилганлар ҳам оёқларининг учи билан бўлса-да, баландроқ ерда туриб олдинга интилар, бир-бирлари билан ғала-ғовур қилишиб гаплашишарди.

Ниҳоят, соат миллари ропа-роса 10.00 ни кўрсатганда милиция машиналари қуршовида учта қора «ЗИМ» ва бир неча «Победа» машиналари қатор бўлиб театр олдидаги майдонга яқинлашди. Милиция ходимлари оломон сафларини ёриб, машиналарга йўл очиб туришди. Машиналар колоннаси театр эшиклари ёнида тўхтади.

Ўртадаги қора «ЗИМ»дан эгнига қора қоракўл ёқали пальто, бошига телпак кийган, узун бўйли одам чиқди. Абдували Мўминов ва яна бир неча раҳбарлар чиқишди. Машинадан биринчи бўлиб чиққан баланд бўйли киши ўзини кўриқлаб турган соқчилар орасидан ёриб ўтиб, бошидаги телпагини олиб, халойиққа қараб кўлини кўтариб саломлашди-да, театр биносига кириб кетди. Йиғилганлар унинг кетидан ғала-ғовур қилиб қолишди. Мен ҳам ўзимга берилган чақириқ қоғозини эшик оғасига кўрсатиб, томоша залидаги белгилаб қўйилган ўриндиққа бориб ўтирдим. Бир неча дақиқадан кейин олдинда Усмон Юсупов, унинг ёнида Л. Каганович, уларнинг кетидан президиумга сайланган бир гуруҳ кишилар саҳнага кириб келишди. Залдагилар уларни ўринларидан туриб узоқ давомли қарсақлар билан қарши олдилар. Ишлаб чиқариш илғорлари ва фаоллари мажлисини Ўзбекистон Комфирқаси МҚ биринчи котиби Усмон Юсупов очди. Ўша маж-

лида Л. Кагановичга сўз берилганда, у: «Мени Ўзбекистонга ўртоқ Иосиф Виссарионович Сталин юборди», деганда ҳамма ўрнидан турди, давомли қарсақлар янгради. У яна: «Улуғ доҳиймиз Сталин сизларга алангали салом йўлладилар!» — деганда яна ҳамма ўрнидан туриб қарсақ чалишга тушди.

Кагановичнинг: «Доҳиймиз бардам, тетик, саломатликлари яхши», — деган сўзлари ҳам гулдурос қарсақлар ва олқишларга сабаб бўлди.

Кимдир залдан туриб: «Яшасин доҳиймиз Сталин! Ура! Иосиф Виссарионович Сталинга шон-шарафлар бўлсин!» — деб қичқирди. Зал «Ура!» деган овозларга тўлиб кетди. Шу алфозда бир соатга чўзилган Кагановичнинг сурбетларча қилинган нутқи давомида одамлар ўн мартадан ортиқроқ ўринларидан туриб қарсақ чалдилар десам ҳеч бир муболаға қилмаган бўламан. Аммо Москвадан келган вакил фақат Сталиннинг саломинигина келтирмаган эди. У айти пайтда Москванинг ўзбек меҳнаткашлари олдиға қўйган машаққатли вазифаларини яна бир карра таъкидлаш учун йўлланган эди. Марказнинг буйруғига кўра, республика яқин 4—5 йил ичида пахта ишлаб чиқаришни 3—4 баробар кўпайтириши, пилла, қоракўл, олтин ишлаб чиқаришни кескин ошириши зарур эди.

Л. Каганович: «Бу ишларни бажаришингизга Иттифоқ ҳукумати сизлардан ёрдамини аямайди», — деганида залдагилар яна ўринларидан туриб, гулдурос қарсақларга зўр бердилар.

## **ЗЎРАВОНЛИК**


Пахта, пилла, қоракўл, олтин ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш масаласи кескинлигича давом қилаверди. Шундан кейин Ўзбекистонга кузда пахта тайёрлаш вақтида собиқ Иттифоқ юксак мартабали раҳбару раҳнамоларидан бири А. Косигин бир неча йиллар келиб, бевосита пахта тайёрлаш суръатини кўтариш бўйича муайян ишлар олиб борди. Шу ўринда А. Косигиннинг республикамизга қилган ташрифлари моҳияти хусусида қисқача ҳикоя қилиб бермоқчиман.

1948 йилнинг 24 майида Боёвут каналига сув қўйилганидан сўнг 4-Боёвут, кейинчалик Боёвут туманидаги Усмон Юсупов номи совхоз ташкил қилинди ва бу ерларга илк мартаба оқар сув юборилди. Янги очилган 4-Боёвут совхозининг кўп ерлари шўрхок бўлиб, ҳали бу ерда биронта ҳам иморат йўқ эди. Узоқ-яқиндан совхозга ишлагани келган чўлқувар деҳқонлар янги очилаётган, ҳуллас, ким нимани топса, эка бошлади.

4-Боёвут совхозига Бухоро вилояти ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлаб турган Назаровни директор этиб юбордилар. Назаров тўладан келган, оқ юзли, ҳаддан ташқари этли, вазнининг оғирлиги 120 килограммдан кам келмайдиган оҳиста ҳаракат қиладиган, ақлли одам эди. У киши бир йилча ишлаганидан кейин бу совхозга касби агроном, уста пахтакор, қишлоқ хўжалигининг моҳир ташкилотчиси, тажрибали раҳбари Бегимқуловни директор қилиб юбордилар. Мен ўша кезларда Ховос тумани ижроқўми раиси бўлиб ишлардим. Ўша вақтдаги тартиб бўйича туман фирқа қўмитасининг ҳар бир бюро аъзоси муайян бир хўжаликка мутасадди қилиб бириктириб қўйилар эди. Мени ёш, от минишни яхши кўради дейишиб, 4-Боёвут совхозига мутасадди қилиб тайинладилар. Дарҳақиқат, биз 4-Боёвут совхозига нуқул отда борардик.

Янги директор Бегимқулов гавдали, қорачадан келган, ўрта бўйли, важоҳатли ва ўта ишчан раҳбар эди. У совхозда кўп яхши ишларни ташкил қила бошлади. Бу ерда колхоз-совхозларга қарашли қурилиш ташкилотининг маблағи билан хом ғишдан бир хона, бир даҳлизли кичкина-кичкина уйлар қурила бошлади. Йўллар қуришга киришилди. Натижада халқ узоқ-яқиндан кўчиб келиб, 1949 йилдан бошлаб 4-Боёвут совхозида ҳам пахта экила бошлади.

Ана шундай шароит оғир, ишлар энди ташкил қилина бошлаган бир вақтда пахта топширишни тезлатиш учун Ўзбекистонга келган Косигин ўз одамлари билан мазкур совхозда ҳам бўлди. Совхоздаги аҳвол билан танишгач, давлатга пахта топшириш суръати паст, совхоздаги шарт-шароитлар ёмон, деган фикр билан у 4-Боёвут совхозининг директори Бегимқуловни фирқа сафидан ўчириб, ишдан олдирди.



Келгуси йили эса Москванинг вакили сифатида Ўзбекистонга келган Иттифоқ пахтачилик министри Усмон Юсупов Бегимқуловни 4-Боёвут совхозида қилган хизматлари учун фирқадан ўчириш эмас, аксинча, қаҳрамон қилиш керак эди, деб уни яна фирқа сафига тиклаб, раҳбарлик ишига қўйиб кетди. Бироқ ҳануз совхозда шароит оғир, йўллари қурилмаган эди. Ҳатто хўжаликдаги ижтимоий бинолар ҳам қурилмаган, одамлар эса асосан ертулаларда яшардилар. Техника деярли йўқ, минерал, маҳаллий ўғитлар кам. Пахта майдонларидаги қатор оралари иккита хўкиз қўшилган омов билан юмшатиларди. Аммо шундай бўлса-да, пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олинарди. Чунки урушдан кейинги иқтисодий тангликни халқ яхши тушунарди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, янги хўжаликларнинг тузилиши фаровонликка олиб келади, деган фикрга халқ ишонар эди.

Шунинг учун кам таъминланганига, ертўлаларда қишин-ёзин оиласи билан оч-яланғоч яшашига қарамасдан, 12—16 соат оғир меҳнат билан банд бўлар эди. Меҳнатдан бўйин товлаб, қочган одамни мен билмайман. Тартиб-интизом ҳамма учун баробар эди. Оғир иқтисодий шароитда, Бекобод—Боёвутнинг аёзли шамолларида, қаҳратон қишларида ҳам эски-туски кийимларга ўраниб, бошини қийиқча билан боғлаб ариқзовур кавлаган халқимизнинг минг-минглаб фарзандлари ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди. Улар ўшанда 600 грамм нон, атала учун кунига 12—16 соатлаб жонини жабборга бериб меҳнат қилишарди.

Ўша вақтда оддий бригадирга ҳам қаттиқ итоатда бўлардилар, бирон ножўя иш қилгани билиниб қолса, дарҳол текшириб, қаттиқ жазолар эдилар. Ўз ишидан бўшатилган кишилар «урилган одам» деган тавқи лаънатга қолар эди.

А. Косигин ўз одамлари билан деярли ҳамма вилоятларда бўларди. Кундалик пахта топшириш суръати паст эди. Шунинг учун улар колхоз раислари, совхоз директорлари, туман фирқа қўмитаси котибларини ишдан олиб, фирқа сафидан ўчирар, баъзиларини ҳатто бюро мажлисининг ўзиданоқ қамоққа жўнатар эдилар. 1947 йил кузда Тошкентда икки йиллик фирқа макта-

бида ўқиб турган вақтимизда бизни Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмидан вакил қилиб республика вилоятларига юборишди. Мен бир неча ўртоқлар билан Фарғона вилояти фирқа қўмитасига келдим. Ушанда вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Саъдуллаев бизни ҳар бир туманига 2—3 кишидан тақсимлаб жўнатди. Мен Бешариқ туманига тушдим. Туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби ўртоқ Ражаметов ҳам ўз навбатида бизни қишлоқ кенгашлари ва участкаларига бўлди. Мен Охунбобоев қишлоқ кенгашида, кейинроқ Рапқон участкасида вакиллик қилдим. Ўша вақтда туман ҳудудидаги ерлар шўрлаб кетган зовур-дренажлари жуда кам, борлари ҳам қўлда кавланган сифатсиз, захни тортмас эди. Шу сабабли ғўза ниҳоллари ҳам сийрак, ночор. Техника, пахта терадиган машина умуман йўқ. Туман бўйича 5—6 та машина ишлар эди, холос. Туман фирқа қўмитаси котиби, ижрокком раиси, кўпинча колхозларни отда айланишар. Биз Марказқўм вакиллари ҳам қишлоқ кенгашидаги 5—6 та колхозни отда айланамиз. Колхозларда ҳам нуқул от, хўкиз эшак қўшилган Қўқон аравада пахта ва бошқа юклар ташиларди. Туманда 72 та кичкина-кичкина колхоз бўлиб бирортасига ҳали тош йўл ўтказилмаганди. Дала чанг, лой-ботқоқ йўлдан от, хўкиз эшак арвалар қийинчилик билан юради. Урушнинг таъсири бўлса керак, колхозларда қўй, қора мол, парранда фермасига кўзим тушмади.

Ўша вақтда Бешариқ тумани Фарғона вилоятининг қоқоқ тумани ҳисобланарди. Халқнинг турмуш шароити ниҳоятда оғир, жон бошига «карточка» билан 600 граммдан нон берилади. Кишилар томорқаларига асосан Қўқон жўхори экиб, шу билан кун кечиришади. Бизни ҳам жўхори, гўжа билан сийлаганларини, гўжанинг таъмини эсласам, ҳозир ҳам оғзимнинг сўлаги келади. Бундан ташқари, деҳқонлар томорқасида машҳур Бешариқ шолғоми, турп ва бошқа резавор етиштирар эдилар. Шундай қийин шароитда саҳар вақти туриб, белгиланган нормани бажариш учун тушликка ҳам уйга келмасдан, қош қорайгунча пахта терган халқимизга минг раҳмат. Фарғоналик теримчи хотин-қизларнинг ҳали юлдузлар сўнмасидан пахта теримига чи-

қиб, басма-бас, ким кўп терарга мусобақа қилиб, кам ҳосил пахтазорлардан ҳам 100, 150, 200 килограммдан пахта теришлари ҳамон ёдимда. Айниқса, кеч куздаги совуқ шудрингларда юпун уст-бошлари шип-шилта бўлиб қолса ҳам бошларини кўтармай пахта терган жасоратли теримчиларга ҳозир ҳам офаринлар айтаман.

Одатда Бешариқ туманига фирқа қўмитасининг вакили сифатида вилоят ижроқўми раиси Б. Усмонхўжаев келарди. Унинг ташқи кўриниши, тавсифлаш жоиз бўлса, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: гавдали, оқ сарикдан келган, озгинроқ, қорин қўйган, бошида баъзан дўппи, баъзан телпак, эғнида ҳарбийча гимнастёрка, галифе шим, оёғида кирза этик кийган, калта кесилган сарғимтир мўйлабли киши эди. У кишини Фарғона аҳли ажойиб халқпарвар раҳбар сифатида яхши хотирлайди.

Дарвоқе, Бузрукхўжа ота одамларга меҳрибон, қалби дарё одам эди. Бузрукхўжа ота менинг участкамга келганларида ҳамсуҳбат бўлганман. У киши доим: «Сизларнинг замонларинг кўп яхши бўлиб кетади ҳали», деб эркалаб, меҳрибонлик билан муомалада бўлардилар.

Ноябр, ойларининг охирлари эди. Бешариқ тумани марказида туман фирқа қўмитасининг кенгайтирилган буюроси чақирилди. 72 та колхоз раислари, туман фаоллари йиғилди. Бюро йиғилишига вилоят фирқа қўмитасининг иккинчи котиби Доленко ва вилоят ижроия қўмитаси раиси Б. Усмонхўжаев ҳам қатнашдилар. Бюро мажлисини туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби Раҷаметов олиб борди. Йиғилиш уч соатдан ортиқроқ давом этди. Шу бюро мажлисида давлатга пахта топшириш бўйича колхоз раисларининг ҳисоботлари тингланиб, режаларини уддаламаган колхоз раисларидан, адашмасам, 8 кишини фирқа сафидан ўчириб, ишдан олишга қарор қилдилар. Ана шулардан икки раисни йиғилиш пайтида қамоққа олиб кетишганди. У пайтлар туман фирқа қўмитаси бюро йиғилишлари мана шундай ваҳимали ўтарди.

Ўшанда қолган колхоз раислари ва фаолларини дарҳол жойларингизга бориб, ётиб олмай, пахта теринг-

лар, деб огоҳлантириб, ярим кечада тарқатиб юборганлар. Икки кундан кейин «Қизил Ўзбекистон» газетаси Бешариқ тумани фирқа қўмитасининг ўша ноқонуний бюросини қаттиқ танқид қилган эди. Шу танқидий мақолада таъкидланишича, 8 нафар фирқа сафидан ўчирилган колхоз раисларининг 4 таси фирқа аъзоси эмас экан. Шу фирқадан «ўчирилсин» деган колхоз раисларининг фирқа аъзоси эмаслигини туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби Ражаметов ва бошқа бюро аъзолари ҳам билмас эканлар. Орадан 5—6 кун ўтгач, матбуотда Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг бюроси қарори асос қилиб олиб, Бешариқ туманида ўтган ноўрин бюро йиғилиши, унда фирқа аъзоси бўлмаган кишиларнинг фирқа сафидан чиқарилиши, бюрога вилоят фирқа қўмитасининг иккинчи котиби Доленко раҳбарлик қилгани ва вилоят фирқа қўмитасининг иккинчи котиби Доленко ишдан олиниб, қатор чора тадбирлар белгиланганлиги айтиб ўтилган эди.

Бу пайт Ўзбекистоннинг барча туманларида пахта терими авжида эди. Кундуз куни пахта териш нормасини бажара олмаганларни тошчиरोқ ёқиб кечаси пахта тердириб, кунлик нормани бажаришга мажбур қилинарди. Умуман, пахта тайёрлаш тошчироқ, жинчиروқларда тун яримигача давом этарди. Нормани бажармаганлар бериладиган бир бурда нону тушликдаги атала буламиқдан маҳрум қилинарди. Кечаси соат 2—3 гача уйга юборилмай, далада ушлаб туриларди, бундай бешафқат чоралар деҳқонларни ҳар қандай аҳволда ҳам далага чиқиб ишлашга мажбур қиларди. Бугдой-арпа ўриб олинган ерлардан «машоқ» терганлар қаттиқ жазоланарди.

Шундай қилиб, 1947 йил кузда Фарғонанинг Бешариқ, Ўзбекистон туманларида 3 ойга яқин Марказқўм вакили вазифасини бажариб, фирқа мактабига қайтганман. Бирибир ўша йили Фарғона вилоятининг пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолган эди.

## МИРЗАЧЎЛНИНГ ИККИ ҚИЁҲАСИ

Мирзачўлнинг икки хил қиёфаси шоҳидиман.

Биринчиси, мен эсимни таниб улғайганимдан то сув келгунча, яъни жанубий Мирзачўл каналининг биринчи навбати қурилиб саҳрога сув чиқарилган 1948 йилгача бўлган давр.

Бу вақтгача Мирзачўл ерларининг анча қисми чўли биёбон эди. Бир миллион гектардан ортиқ бўз ер инсониятга наф келтирмай ётарди. Йил ўн икки ой чўлда фақат бир ярим-икки ой ҳаёт жонланарди.

Март ойининг охирларидан май ойининг биринчи ўн кунлигигача кўк ўтлар барқ уриб ўсар, бўз ер гўё бутун далага барқут тўшак ёйгандек товланарди.

Қорабовур, қораялоқ, йўрғатувалоқ гала-гала донлаб юрарди. Қатор-қатор турналар учиб келар, узоқдан гўё бир кўтон кўй юрганга ўхшарди. Чумчуқ, сўфитўрғай, кўккаптар, сардобалар, кўҳна қудуқлар харобасининг абадий меҳмони эди.

Ҳайвонлардан оққуйруқ, кийик пода-пода бўлиб юрарди. Одамни кўрса ёки бирор шовурдан огоҳ бўлса, галаси билан оқ қушлар пастлаб учганда, думини нара қилиб қочарди. Тошбақа сой тошидек кўп эди. Одим жойда ерни кавлаб, тумшугини ерга тиқиб кириб оларди ёки бошини чўзиб, ўрмалаб юрарди. Эсимда, бу тошбақаларни териб олиб Францияга юборишган эди.

Ўша пайтда одамлар чўл кавраги (ҳозир ҳам танқис неъмат)ни териб, ёгини жувоздан чиқариб, шифобахш дори сифатида истеъмол қилардилар. Бу ерларда каврак чунонам кўп ўсардики, ҳозир ҳам бозорларда килограммини анчайин пулга сотишади.

Шу икки ой ичида Мирзачўл далаларида юрган одамнинг баҳри дили очиларди. Юқори тоғ зоналаридан чорвадорлар кўй, эчки, қорамол туя, йилқини кўтони билан ҳайдаб келиб боқишар, чодир тиқиб яшардилар. Молларни сардоба-қудуқ сувларидан, кўлмак сувлардан, яқиндаги Арнасой ёйилма кўлларида ёки узоқ-узоқлардан сувни ташиб келиб суғорардилар. Шу икки ой ичида чўлда ажойиб ҳаёт қайнарди. Аммо майнинг иккинчи ярмидан бошлаб, кўёш тикка нур сочар, биз таъриф этган бемисл гўзал-

лик файзсизлашиб, ранг-баранг гиёҳлар қовжираб қоларди.

Поёнсиз чўлни сап-сариқ сукунат чулғайди. Қушлар, турналар учиб кетади, молбоқарлар, қўйчивонлар молларни ҳайдаб тоғ томон қочиб кетишарди. Биз ҳам тоққа қайтардик. Мирзачўл хувиллаб қоларди. Мирзачўл кўриқ ерларини кейинроқ чинакамига ўзлаштириш бошланди. Шундай қилиб, Мирзачўлни ўзлаштиришнинг иккинчи даври — ҳозирги Мирзачўл канали чўлга сув берган 1948 йилдан бошлаб, 1956 йилда ерни ўзлаштириш халқ ҳаракатига айланиб кетди.

50 йилга яқин умримни янги ерларни ўзлаштириш учун сарфладим...

Ҳозирги Ховос, Боёвут туманлари аҳолиси асосан ўзбеклар ва тожиклар бўлиб, саҳро тарафида қозоқлар ҳам яшарди. Ўтроқ халқ асосан адир, қир, тоғ бағирларида, сой ва булоқлар бўйида кичик-кичик қишлоқларда яшардилар. Деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланишарди. Шунингдек, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол туманлари аҳолиси ҳамсоя бўлиб, ёндош, жондош бўлиб кун кечирардилар.

Жанубий Мирзачўл каналига сув қўйилгач, ерли халқ кўкрагига офтоб тегиб, ҳаёт яхшилана бошлади.

Уратепа шаҳрининг биқинидаги Шаҳристон этагидаги Ховос туманининг юқори зонаси, Зомин, Бахмал, Форишгача ястанган гўзал ерлари бор. Антика об-ҳаво кундузи тоғдан, оқшом чўлдан майин шабада эсиб турарди. Тупроғи олтиндай, сабзи ранг, чўп суқсанг ҳам кўкаради, дейди халқ, фақат сув камроқ, сув Туркистон тоғлари пойидаги булоқлардан олинади. Узум ёнғоқ, нок, олма, анор, анжир, бодом, ўрик, гилос, сув меваларнинг ҳамма тури ўсиб ётади. Сифатини айтмайсизми?!...

Лалми ерларига беда экилиб, мол боқилади. Ҳавотак деган жойдан 1949 йилда иссиқ сув чиққан эди. Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари қурган шифохона, санаторийлар машҳур. Ҳавотакни умр боқий кишилар маскани деб атайдилар. Етмишбой, Саксонбой, Тўқсонбойлар шу қишлоқларда туғилиб ўсишган.

Жўра полвон, Фармон полвон, Уруш полвон, Усмон полвон каби кураги ерга тегмаган курашчилар,

Турдибек, Хоримбой деган машҳур чавандозлар, Жанубий Мирзачўл каналини қурган не-не ўғлонлар, Турсунбой Латипов, Жўрахон Усмонов сингари чўлқуварлар, Пиримқул Қодиров, Ҳалима Худойбердиева каби ёзувчи ва шоирлар шу тупроқда туғилиб ўсган...

Менинг отам деҳқон ўтган, икки таноб ери, бир жуфт кўш ҳўкизи, битта улоқчи оти бор эди. Ёгингарчилик кам бўлган йиллари деҳқонлар ерини ташлаб, молини сотиб, бола-чақасини етаклаб, чўлма-чўл пиёда кезиб, поездларга илашиб, Тирсак деган станцияга тушиб, Зангиотада бир бойга чорикор бўлиб ишлаб, болаларини сақлаб қолган экан. Отамнинг айтишича, очарчилик йиллари Янгийўлга кўчиб келиб қолиб кетган аждодларимиз кўп экан. Жамоа райси бўлиб донг таратган Мамарайим Тошматов, Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов, Маҳмуджон Исматовларнинг отабоболари асли биз томондан бўлиб, Янгийўлга улар ҳам очарчилик йиллари келиб қолишган экан. Учрашиб қолсак, ҳозир ҳам Маҳмуджон Исматов гап орасида: «Худоёр ҳам Янгийўлда туғилган», деб кўяди.

Мен Ховос туманида 1948—1953 йиллари ижрокўм райси бўлиб ишлаганман. Ўша вақтда туманда 1500 гектарга яқин узумзор бор эди, холос. Урсатевскдаги минглаб тонна вино берадиган завод тугатилиб ўрнига тахта-ёғоч омбори қурилибди.

70-йилларда республика мева ва сабзавот саноати вазиригининг режасига мувофиқ, Ховос туманидаги совхозларнинг бирида минг-минг сўмлаб давлат пули сарфланиб, «янги боғ»лар яратилди. Шу вақтда мен «Оқ олтин» тумани 10-А совхозида директорлик қилардим. Бир баҳона билан Ховос тумани юқори зонасига чиқаётиб, кўзим тушиб қолди: «янги боғ»ни эски боғлардан 5—6 километр пастдаги шағал ерда яратишяпти. Ичим куйганидан ўша савхознинг директорига: «Бу ерларнинг таги тош, дарахт битмайди. Сув ерга тортиб кетаверади. Ота-боболаримиз анойи бўлишмаган, шундай жойлар туриб, жарлик ва тепаликларга не-не машаққатлар билан, қўл кучи билан ариқ тортиб, тепаликда боғ яратилган. Чунки тепаликлардаги ерларнинг тупроғи бўлиқ, тагида тош йўқ, деҳқон тили билан айтганда, гўштдор, мағизли ерлар. Бунинг устига ҳаво-

ли. Мевага ҳашарот тушмайди, бир-икки сув билан боғ гуркираб кетаверади», — дедим. «Режа шундай белгиланган, оқсоқол. Мен ижрочиман. «Эк», дейишади, экаман. Бир гап бўлар», — дея жавоб берди у. Ижрочиликка қарши эмасман. Лекин мен ўшанда соғлом фикрларни унутиб қўйганлигимизни, кўпчилик одамлар қалбида шахсий масъулият, ташаббускорлик шамчиروғи аллақачонлар сўниб қолганлигини ўйлаб афсусландим.

Тошкентга тушганимда эринмай вазирлик раҳбариятига учраб, аҳволни тушунтирдим, «кўрамиз», дейишди. Бу тўраларча алдов жавоби эди. Яна йўлим тушиб ўша «янги боғ»ларга назар солдим. Дарахтлар саргайиб қуриб ётибди, ҳосил бермаяпти. Кўпчилик Мирзачўлнинг юқори зонасини билмаса керак. У ерлар олтинга тенг, ҳавоси соф, меваси ақиқдай. Ўша ер, ўша халқ — аҳоли кўпайган бўлса, кўпайганки, камаймаган.

Хулоса қилиб айтганда, Мирзачўл тоғ тизмаси этагидаги ерларда кўҳна узумзор ва боғларни тиклаш керак. Бунинг учун ҳозирги кунда техника ҳам, ишчи кучи ҳам етарли. Ўша боғлар ўрнини текислаб, полизлар яратиш мақсадга мувофиқ. Ва аксинча, пахта ҳамда маккажўхорини чўл зонасида етиштирилса, нур устига аъло нур бўларди. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, ер ости суви яқин ерларга экилган кўчатлар томири шўрга етгандан кейин (5—6 йилда) кам ҳосил бериб қуриб қолмоқда. Бу масалада республика ҳукумати мутахассислардан, тажрибакорлардан вакиллар гуруҳини тузиб, боғ, узум, картошка учун қулай зоналарни белгилаб, қайси зоналарда боғ, узумзор, картошка етиштириш масаласини ҳал этишлари лозимга ўхшайди.

Бир кулгили мисол. Янгиер зонаси шамолли, шўрхок, ери тошлоқ, ёзда гармсел. Шу жойдаги Ховос қишлоғида картошка экилади. 3—3,5 тонна уруғ қадаб, 4—5 тонна ҳосил олишади. Демокчиманки, ернинг об-ҳавоси картошкага мутлақо тўғри келмайди. Илгари шу жойда Боёвут тумани хўжалик деҳқонлари бир неча йил пахта етиштириб, 30 центнердан ҳосил олишган. Мантиқсизликни қарангки, тоғ этагидаги картошка учун об-ҳавоси қулай хўжаликда пахта экилади.

Бундай мисоллар кўп. Олтмишинчи йилларгача Тошкент шаҳри атрофи ҳудудлари мевазор, узумзор боғлар эди. Шунингдек, Самарқанд, Жиззах ва бошқа шаҳарлар атрофлари ҳам боғ-роғ эди. Ҳозир кеккайган кўп қаватли уйлар ёнига ясен, клён, акация каби манзарали дарахтлар, ёввойи узумлар экилган.

Тошкент шаҳри марказидаги тўрт қаватли иморатлардан бирининг ҳовлиси эътиборимни тортди. Бино аслида шаҳардаги бошқа кўпқаватли иморатлардан ҳеч ҳам фарқ қилмайди. Ҳовлиси ҳам. Лекин бу ҳовлида Ўзбекистондаги бор мевали дарахтларни учратиш мумкин: олма, ўрик, гилос ва бошқа мевали дарахтлар боғбонларнинг ҳовлисидагидек барқ уриб ўсиб, ҳосил бериб ётибди. Шу бино ёнидаги кўпқаватли уйлар атрофида эса бутунлай бошқача манзара. У ерда, юқорида айтганимиздек, клён, ясен, терак, ёввойи узум ва бошқа дарахтлар ўсади. Бу албатта, биринчи навбатда одамларнинг ғайрат-хоҳишларига боғлиқ.

Нега шундай? Бир ҳовлида ўсган мевалар бошқа ҳовлида кўкармайдими?

Яхшиямки, бахтимизга республикамызда Шредер бирлашмаси бор экан. Бўлмаса, аҳвол бундан ҳам баттар бўларди. Боғдорчилик институти билан Ховос турмани ижроқўми раиси бўлганимдан буён, яъни 50 йилдан ортиқроқ вақтдан буён шахсан алоқадаман. Ҳар йили институтга 2—3 марта бориб, боғдорчилик янгиликлари билан танишаман, тажриба оламан, ўртоқлашаман. У ердаги Убайдулла Самиёв бошчилигидаги Низомиддин Обидов, Ҳабибулла Русланов, Тожибой Мирзаев, Абдураззоқ Солиҳов, Мадиҳа Розикова каби қўли гул соҳибкорларнинг ерга, табиатига меҳрини кўриб ҳаваси келади кишининг. Мана шу институтнинг олижаноб мутахассислари билан биргаликда 1949—50 йилларида Боёвутда 200 гектар, Пискентда 500 гектар, Мирзачўлдаги Акмал Икромов ва «Тараққиёт» хўжаликларида 250 гектардан ортиқроқ боғ-роғ, мевазор ва узумзорлар, хиёбонлар яратганмиз. Бу нима дегани? Боғдорчилик масалаларига бағишланган мажлисларда баъзи мутасадди ўртоқларимиз оғиз кўпиртириб гапирадилар. Узларича ишга киришадилар. Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча кўчатлар нобуд бўлиб, не-не умид билан яратилган боғлар йўқ бўлиб кетмади дейсиз...

Назаримда ғаразгўйлик маънавий қашшоқлик белгиларидан биридир. Мен бу билан Сардоронинг бутун қиёфасини гавдалантириб бермоқчи эмасман. У ҳам инсон сифатида маълум бир дунёқараш, ўз нуқтаи назарига эга бўлиши табиийдир.

Лекин, менимча, чинакам инсон ва раҳбар бўлиш учун унда, хусусан, одиллик, умумманфаати учун фидойилик етишмасди. Айтмоқчиманки ғаразгўйлик таъсирига тушиб қолган одам одил ва ростгўй, бўла олмайдди. Буни мен кўида исботлаб ўтмоқчиман.

Сардоров Боёвут туманида биринчи котиб бўлиб ишлаган кезларида Усмон Юсупов шу тумандаги 4-Боёвут совхозида директор эди. Ўшанда у «далаларни ўт босиб кетибди» деган ваз билан Усмон Юсуповни фирқадан ўчириш масаласини туман фирқа кўмитаси пленумига қўйганлигини кўпчилик яхши билади. Турсунбой Латипов, Ғойибназар Бердиназаров ўшанда туман фирқа кўмитасининг бюро аъзоси эди. Уларнинг гувоҳлик берилишича, масала овозга қўйилганида Сардоров бир ён, бюронинг бошқа аъзолари бир ён бўлиб қолган. Чунки «далани ўт босди» дегани — бу ҳали «ҳосил режаси барбод бўлди» дегани эмас эди.

Ҳаммани бир фикр безовта қиларди. Усмон Юсупов Ўзбекистоннинг биринчи котиби бўлиб ишлаган пайтларда Сардоров Тошкент вилояти Калинин (ҳозирги Зангиота) туманида биринчи котиб бўлиб ишларди. Туман миқёсида ишни барбод қилганлиги учун вазифасидан четлатилган эди.

Бу ўринда ғаразгўйлик туман котибини йўлдан оздирганлиги аён эди. Чунки Усмон Юсупов бошлиқ хўжалик ўша йили ҳам пахтадан яхши ҳосил олди.

Мен 4-Боёвут совхози ташкил этилган кундан бошлаб, Ховос тумани ижроя кўмитасининг раиси бўлиб ишладим. Ўша йиллар Боёвут совхозлари Ховос туманга қарарди. Мен вакил сифатида уч-тўрт ойлаб 4-Боёвут совхози далаларида бўлардим.

Яна бир гап. Далаларни ўша пайтларда кўпроқ отда айланардик. Ўша ерларда уч-тўрт кунлаб ётиб қолардик. Ховос тумани ҳудуди Хўжамушкент қишлоғидан бошлаб, Боёвут совхозларигача чўзилган эди. У боши-

дан бу бошигача юз-юз ўн километр юриш керак эди. Биз бормаган, кўрмаган бирон бўлак ер қолмасди. Шу боис, колхоз, совхоз раҳбарлари ҳамма участкаларга бирдай ишлов берар, қаровсиз жой бўлмасди.

Ҳозирга кунда эса эркаклар ҳам от минишни унутиб юборишган. Кўпчилик хўжаликларда ишлаётган ёшлар от, эшакдан ва ҳўкиздан кўрқишади. Ҳозир ҳам уддабуро кишилар раҳбарлик қилаётган хўжаликларнинг шахсий от араваси бор. Чорвасига хашакни марзаларда ўриб, аравада ташийди. Эшакнинг устига кажава ортиб пайкалдан қовун, тарвузларни уринтирмай ташиб олади. Бундай хўжаликларнинг чорваси кўп. Қолаверса, улов минган одам жисмоний соғлом бўлади.

Тўғри, ҳозирги кунда замонавий кучли техникаларсиз иш бўлмайди. Лекин бундай уловлар ҳам албатта керак.

## КОТЛОВАН

1942 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Фарҳод ГЭСи қурилиши ва Жанубий Мирзачўл каналининг биринчи навбатини қозиш, Боёвут худудидаги ерларни ўзлаштириш бошланганди. Мен урушдан ярадор бўлиб қайтганимда Фарҳод ГЭСи қурилишида иш қизғин эди.

Канал қозиш ишлари бошлаб юборилди. Бу умуми халқ ҳаракатида Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон, хуллас, республиканинг ҳамма ёғидан одамлар келиб ишлардилар.

Ҳар бир вилоятга иш участкалари ажратилиб, келган одамлар ертўлаларда яшаб, канал қозиш ишлари Катта Фарғона канали сингари халқ қурилишига айланган эди.

Ниҳоят, Фарҳод ГЭСи қурилиб ишга туширилди, Республиканинг асосий саноати шаҳар ва туманларни электр қуввати билан таъминлай бошлади.

1948 йил 24 май кунини Ўзбекистон Комфирқаси биринчи котиби Усмон Юсупов келиб, йиғилишни очди ва лентани кесди. Котлованда тўпланган сув тармоқ каналлар орқали чўл зонасига қон томирдек ёйилиб

кетади. Шу кунни катта сайл, улоқ бўлди. Мен туманда кадрлар бўйича котиб, сўнг ижроия қўмитасининг расиси бўлиб ишладим ва айни чоғда шу канални қозиш бўйича туман штабига бошчилик қилдим.

Ўша вақтларда Боёвут тумани тап-тақир чўл эди. Дўппайган бир бино кўринмас эди. Қуришга хўжалик аъзоларининг қурби етмасди. Ҳукуматнинг ҳам канал бошқармасидан ташқари ҳеч қанақа қурилиш ташкилоти йўқ эди. Канал бошқармаси қўл кучига суянган, заиф эди. Муҳандис-техник ходимлар лойиҳа бўйича қаерда, нима иш бажарилишини кўрсатиб беришарди.

Жанубий Мирзачўл каналининг дастлабки навбатига биринчи экскаватор эллигинчи йилларда келди. У кўп ҳовучлик экскаватор бўлиб котлованнинг жануб томонидан канални кенгайтириш учун иш бошланганида, халойиқ қойил қолиб, томоша қилгани ёдимда. Янги очилган ерларни юқори зонадаги Боёвут хўжаликларга тақсимлаб бердик ва янгитдан 4-Боёвут совхозини ўша йили ташкил қилдик.

Халқ котлованни қўл кучи билан кавлаб, тупроқни замбил ва замбилғалтакда ёки хуржун қопга солиб, елкасига қўйиб кўтариб чиқарди. Озиқ-овқат танқис, кишиларга кунда бир марта бир косадан атала, ярим килограмм нон, чой бериларди, холос.

— Ўша вақтда туман штаби бўлиб хизмат қилган ертўла ҳозир ҳам эсдалик сифатида сақланмоқда, — дейди Ғойиб Бердиназаров. Ўша вақтда канал қозишдан чиққан тупроқ шунча баланд бўлиб кетдики, икки-уч чақирим наридан кўзга тоғдек кўринарди. Бора-бора у одамлар учун белги вазифасини ўтай бошлади. Янги ерга келмоқчи бўлганлар котлованни учрашув жойи қилиб белгилашарди. Канал бошлиғи Гушин — «Фарҳодстрой» бошлиғи Саркисов, қурилиш муҳандиси Ҳаким Жалиловлар ажойиб меҳнатқаш одамлар эди. Гушин котлованда биринчи марта тўрт хонали иморат қурган. Шу иморат бўлиниб, ярми канал бошқармаси учун ҳам идора, ҳам уй эди, ярмига Ховос туманининг штаби жойлашганди. Боёвут зонасидаги, канал бошқармасига битта движок берилди. Котлованда нур тарала бошлади.

Боёвут совхозлари ҳам Ховос туманининг таркибига кирарди. Янги ерлар Ховос туманининг юқори ҳудудидаги 21 та жамоа хўжалигига тақсимлаб берилди. Икки ҳудуднинг оралиғи 60—80 километр келарди. Кўпчилик одамлар янги ерларга қатнаб ишлардилар. Асосан улар от арава, от, эшак, туя миниб қатнашарди.

Юқори ҳудуддаги ғаллани жун қопга солиб давлатга топшириш учун Урсатоевскка эшакда олиб келишарди. Одамлар чайла ясаб, устини хас-чўп, қамиш билан қоплаб, соясида ўтирардилар. Тош чироқ, лампа чироқ, қорамой чироқ ёқиб яшар эдилар.

Ўратепалик сартарош уста Қажум тахта дўкончада сартарошхона очиб, соқол-мўйлови ўсиб кетган одамларни қабул қила бошлади. Ўратепалик ошпаз Бобожон Каримов канал қурилиши бошқармаси берган кичкина вагонда укаси билан ошхона очди. Толиб қассоб тахта дўкон қуриб, қассобхона очгач, буларнинг ҳаммаси канал бошқармасининг туман тўрт хонали биноси ва унга жойлашган штаби билан бир мажмуа бўлиб котлованга янги ерларни ўзлаштириш маркази тусини берди. 50-йилларга келиб, республика қишлоқ хўжалиги банки ажратган кредитга бир оилага мўлжаллаб хом гишдан, устига шифер ёпилган ихчам бир хона, бир дахлизли режали уйлар қурила бошлади. Кредит жамоа хўжалиги орқали берилар эди. Ҳар бир уйнинг олдида 25 сотихдан томорқаси бор. Шу уйлар ҳозир ҳам турибди. Кўп одамлар уларнинг ёнига замонавий уйлар қуриб олишган. Баъзилари ўша иморатларда ҳозир ҳам яшамокда. Чунки 25 сотих томорқасида турли кўчатлар кўкартириб, бир чеккасидан молхона қуриб олишган. Қариндош-уруғлари билан бир маҳалла бўлиб ишламоқдалар. Дарҳақиқат, ўша вақтда янгиерда қишлоқ-қишлоғи, қариндош-уруғи, мол-ҳоли билан қўшиб кўчирма қилинар эди. Бу тартибни комплекс кўчиш дейиларди. Бу омил одамларни чўлда ўтроқ бўлиб қолишлари учун катта имконият яратди. Энди ўйлаб қарасам, янги ерларни ўзлаштиришнинг ана шу усули маъкул экан.

Янги ернинг ҳудудида яшаётган одамлар ҳаётида кўзга чалинмайдиган сир бор. 30 йилдан ортиқроқ чўлда ишлаб-яшаб имоним шунга комил бўлдики, бу ерлар-

даги янги уйларда яшаб-ишлаб турган одамларнинг 80—85 фоизи ўзини вақтинча яшаяпман, деб ҳис қилади. Чўлга бойлик манбаи сифатида қарашади. Шунинг учун чўнтагига пул тўлганидан сўнг янги уйни ўзининг туғилиб ўсган жойида қурмоқда. Ҳатто тўйни ҳам асосан туғилган қишлоғида қилишяпти. Кўплари марҳумни ҳам келган жойларига олиб бориб дафн этмоқдалар. Афтидан, шунинг учун ҳам янги ерлардаги жамоа хўжаликларидида умр бўйи ишлайман деган одамлар кам.

Бинобарин, чўлга одамларни ҳали ҳам бўлса, эллигинчи йиллардагидек тартибда кўчирма қилиш керак. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони, янги ерлардаги ичимлик сув, газ, канализация муаммоларини ҳал қилиш зарур. Шароит ўзгармас экан, эски аҳвол давом этаверади.

Турсунбой Латипов, Қўлдош Маҳкамов, Юсуф Хожибеков, Шерали Жўраев, Жўра полвон Йўлдошев, Комил Сингалов, Қўшоқ Маҳкамов Эркабой Исломов, Раимберди Жумаев, Аҳмадали Маматов, Тошпўлат Мирзақобилов, Эшонқул Бобониёзов, Нормурод Пиримқулов, Раҳмат Ҳатамов, Ғойибназар Бердиназаров, Атоулла Курбонов, Назирқул Мангутов, Абдужалол Салоҳиддинов, Жўра Маҳанов, Элчи Абдусаломов, Абдуллажон Турдиқулов, Муҳиддин Нарзиқулов, Мамадали Шодмонқулов, Муҳиддин Нўъмонов (рўйхатини яна давом эттириш мумкин) янги ерларни ўзлаштиришга бош-қош бўлган бу фидойи чўлқуварлар 1948 йилдан эътиборан ва ундан кейинги йилларда ҳалол меҳнатлари, одамларга ғамхўрликлари туфайли мартабали бўлдилар. Халқ уларни Мирзачўлнинг қуруқ ерларини бўстонга айлантиришда бош-қош бўлган саркорлар деб атайди.

Боёвутнинг янги очилган ерларига кўчиб келганлар юқори ҳудуддан ажраб чиқиб, мол-мулкларини бўлиб олиб, алоҳида жамоа хўжаликлари туздилар. Кейинчалик бу жамоа хўжаликлари чегарасида бўш ётган ерлар янгитдан ўзлаштирилиб, биринчи қадам, янги тажриба ва катта ғалаба эди. Янги ерни ишчилар билан таъминлаш мақсадида ўша йилларда Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳри атрофидаги қишлоқлардан бир талай хўжаликлар кўчириб келинди.

У вақтларда ҳатто дурустроқ тош йўл ҳам йўқ эди. Ўнқир-чўнқир дала йўлидан котловангача бир амаллаб келинади-ю, аммо котловандан ишчиларнинг ертўласигача бориш гўр азоби эди. Суғориладиган ер ёқалаб, тусмоллаб солинган дала йўллари ёзда чанг-тўзон, каламуш ва бошқа кемирувчилар инидан сизиб чиққан ўпқонларга от-арава, полуторка машиналар тиқилиб қоларди.

Хўжаликларда ҳам шароит оғир, техника етишмасди, асосий қўл кучи от, хўкиз, эшак билан бажариларди. Деҳқонлар уюшқоқлик ва қаттиқ интизом билан ишлаб, қийинчиликларни енгиб ўтишарди. «Ҳосилот тўрваси» юқори ҳосил олиш учун катта омил ҳисобланар эди. Яъни ҳар бир хўжалик аъзосининг қўлида ҳосилот тўрваси бўлар, ишга боришда бир тўрва, қайтишда бир тўрва гўнг ёки ҳосилдор тупроқ олиб бориб далага солинарди.

«Тома-тома қўл бўлур», деганларидек мунтазам солиб турилган гўнг ва бегона тупроқ мўл ҳосил гаровидир. Беда кўп экиларди. Маълумотларга қараганда, 1940 йилда Ўзбекистонда 924 минг гектар ерга пахта, 443 минг гектар ерга беда экилган. Демак, пахта майдонига нисбатан беда 48 фоизни ташкил қиларди. Бора-бора беда майдони умумий экиннинг 6—8 фоизига тушиб қолганди.

Ўша йилларда узоқ вақт раҳбарлик лавозимларида ишлаган, бутун умрини Мирзачўлни обод қилишга бағишлаган Тошпўлат Мирзақулов менга Боёвутдаги янги ерларни ўзлаштириш ҳақида қуйидагиларни гапириб берганди:

Туман ижроия қўмитасининг раиси муовини сифатида мени бир колхозга юбордилар. Колхоз раиси Расулберди Мавлонов ҳаммага юзланиб: «Қани, вакилни ким уйига олиб кетади», — деди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Охири раис биригада бошлиғи Шоди полвонга қараб: «Сиз бирга олиб кетинг», деди, Шоди полвон рози бўлди. Полвоннинг уйи болор (тўсин) ташлаб қамишу шох-шабба билан ёпилган каттагина ертўла эди. Йўлакда гарбил тахтадан ясалган оддийгина бир табақали эшик. Кираверишда ўнг томонда ўчоқ, қозон-товоқ, қоп-қора қумфон. Шоди полвоннинг етти

боласи ва хотини увада кўрпа-ёстиқ, шолчаларга ўралиб ухлаб ётарди. Кирган заҳотимиз келин бизни очиқ чехра билан кутиб олди. Алламаҳал бўлгани учун менга ҳам болалар ётган жой четига тўшак солиб берди. Мириқиб ухладим. Эрталаб турсак, ертўла эшиги очилмайди. Кечаси чунонам қор ёғибдики, қаттиқ бўрон бўлиб ертўла эшигини қор қоплаб тамғалаб қўйибди. Итарсак, очилмайди. Хуллас, бир маҳал Расулберди Мавлонов келиб қолди. Овозимизни эшитиб, қорни кавлаб, йўл очди. Чой қайнатай дейишса, сув йўқ. Шоди полвоннинг хотини Ҳурматхон челакни тўлдириб қор олиб келди. Қорни ўчоқда эритиб қайнатди ва арпа унидан пиширилган қотирма нон қўйиб, нонуштага дастурхон ёзди.

Тошпўлат ака яна бир ҳикояни айтиб берди:

Кеч куз, пахта йиғим-терими давом этарди. Вакиллардан мен, идора бошлиғи Норбўта Пиримқулов, туман ёшлар котиби Эркабой Исломов учаламиз уйдан хабар олиб келайлик деб, сўроқсиз кечаси йўлга чиқдик.

Уйимиз туман маркази Урсатевскда эди.

Котлованнинг жанубий томонида турган эдик, бир полторка машина чироғини ёқиб келаверди. Учаламиз машинани тўхтатдик. Сув хўжалигининг бошлиғи Нифедов экан. Уни дарҳол танидик. Машинага чиқамиз деб тиришмоқчи эдик, кабинадан биринчи котиб Нурбой Маматқулов чиқиб: «Ҳа, ишонган вакиллар, йўл бўлсин», деб қолди. «Биз ўзимизни йўқотиб қўйдик», дедим. Эркабой Исломов шошиб қолганданми: «Булар уйга бориб келмоқчи экан, мен кузатгани чиқувдим», дея жавоб берди. Котиб: «Чиқинглар машинага», дегач, мен ва Пиримқул машинага ўтирдик. Эркабой Исломов эса бизни кузатиб қолаверди.

## **БОЁБУТ ТУМАНИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ**

Фарҳод ГЭСи қурилиб ишга тушгандан сўнг Жанубий Мирзачўл каналининг биринчи навбати ҳисобига очилган янги ерлар насослар билан 1, 2, 3 рақамли совхозлар каналдан ариқ сувини ичадиган бўлгач, бу

ерлар Ховос тумани таркибидан 1955 йили ажратилиб, Боёвут тумани ташкил қилинди. Ҳозирги Жанубий Мирзачўл канали ўша Боёвут каналининг кенгайтирилганидир.

Ўша вақтда ҳозирги Боёвут туманининг ерлари Ховос туманига кирарди. Янги ўзлаштирилган ерлар Ховос туманининг юқори ҳудудидаги 23 та колхозига тақсимлаб берилди. Ховос туманининг асосан юқори ҳудудидаги колхозлар билан котлованда ўзлаштирилган янги ерлар ораси 60—80 километр масофани ташкил қиларди.

Ўша маҳалдаги ҳатто тош йўлларнинг йўқлиги, асосий транспорт от, хўкиз, эшак араваларда дала, тупроқ, сўқмоқ йўллар билан ташилганлиги сабабли янги очилган ерларга юқори ҳудуддан туриб раҳбарлик қилиш, ишчи кучи, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, деҳқонларга шарт-шароит туғдириш мушкул иш бўлиб қолди. Шароит янги ерларда, юқори ҳудуддан келтирилган ишчи кучи, асбоб-ускуналар асосида янги колхозларни ташкил қилишни талаб қиларди. 1949—50-йилларда Боёвут ҳудудида очилган янги ерларда 23 та катта-кичик колхоз тузилди.

Канал дамбалари қўл кучи билан қазилган бўш тупроқдан бўлганлиги учун ҳар жой, ҳар жойдан сув тешиб уриб кетарди.

Катта канал суви 1949 йил кўкламда қурилди. Ўша вақтдаги бир неча колхозларни сув кўтариб кетди.

Искандар қишлоғи халқи ўшанда колхоз раиси Қосим ака бошчилигида тупроқ, тош, ҳатто магазиндаги уни қопи билан аравага ортиб, каналнинг уриб кетган ерига босганини кўз ўнгимди.

1950 йил ёзида Ховос туманининг Боёвут зонасига Ўзбекистон Комфирқаси МҚ биринчи котиби А.Э. Ниёзов келадиган бўлди. У киши янги ўзлаштирилган ерлардаги деҳқончилик ишлари билан танишмоқчи бўлди. Лекин котлованга келиб, пахтазорларга машина йўли бўлмаганлиги учун ўтолмади-да, котлован ёнидаги 30—40 метр ердан, баланд кўтарилган тупроқ тепанинг устидан далаларни кузатди. У киши билан бирга тупроқ тепа устига туман фирқа қўмитаси биринчи котиби Нурвой Маматқулов ва мен чиқдим. Шунда

ўртоқ Ниёзов: «Эртага эрталаб менинг ҳузуримга вакилларингни юборинглар. сизларга Каттақўрғон сув ҳавзасидан машина олиб бориб, ҳеч бўлмаса, йўлларингга шағал тўктириб берай», — дедилар. Эртасига қабулхонага вакил бўлиб борганимда у киши Каттақўрғон сув ҳавзаси бошлиғига қўнғироқ қилиб, Ховос туманининг Боёвут зонасидаги янги ерлар йўлига шағал тўкиш учун 40 та машина юбориш тўғрисидаги кўрсатма бердилар. Орадан кўп ўтмай айтилган ҳудудга машина юборилиб, шағал тўкила бошлади. Яна ана шу йўл билан билан боғлиқ бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Кунлардан бир куни Урсатевск посёлкасидаги уйимда ўтирган эдим. Туман фирқа қўмитасига чақирдилар. Борсам, у ерда Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси муовини ўртоқ Аъзам Хўжаев ўтирибди, Саломлашганимдан кейин у киши: «Мен янги очилган ерлар билан танишмоқчиман», деб қолди. Шунда туман фирқа қўмитасининг ташкилий ишлар бўйича бўлим бошлиғи Иноят Бойботиров ҳам бизга ҳамроҳ бўлди.

Аъзам Хўжаев канал бўйлаб кетган тупроқ йўлини имо билан кўрсатиб, қовоғини солиб олди. Бироқ гап очмади, у машинанининг олди ўриндиғида, мен Бойботиров билан орқалаги ўриндиқда. Котловандан ўнг томон бўйлаб 50—60 метр юрган эдик, машина гуп этиб чуқурга тушиб тўхтаб қолди, йўл ўртасидаги бу ҳандақнинг чуқурлиги 60—70 см, эни эса 1—1,5 метрча келарди. Ундан чиққан чанг ва тупроқ машина олдига урилиб, ойнадан ҳеч нарса кўринмай қолди. Бундай йўлга биринчи бор дучор бўлган шофёр, машинадан сакраб тушиб, тўрт томонини текшира бошлади. Бир оз ўтгач: «Ҳаммаси жойида», — деди-ю, машинани қайта юргазди.

Оппоқ кўйлак, бўйнига галстук таққан, янги қора костюм кийган А. Хўжаев йўлнинг аҳволини кўриб жуда ранжиди, аммо бизга гап қотмасдан, шофёрига: «Чамадондан плашни олинг», — деди. Кейин плашни кийди-да, яхшилаб ўралиб олди: «Қани кетдик», — деб юборди. Машина юрди, яна 30—40 метр юрганимиздан кейин ўша аҳвол такрорланди. Ўрнидан қўзғалиб тўхтамасдан аста-секин юриб кетаверди.

Биз-ку, чанг-тўзонга ўрганиб қолганмиз, парво ҳам қилмай юзимизни рўмолча билан артиб орқада қимирламай кетаётимиз. Хўжаевнинг эса газаби кўзиган, ранги оқариб, тимқора кўзлари олайиб, косасидан чиқиб кетгудек бўлиб бораётир. Бир маҳал менга серзарда қараб: «Ўртоқ Латипов, бу туманда доротдел борми?»— деди. «Бор»,— дедим. «Бунақа йўл учун доротдел бошлиғининг бўйнини суғуриб олиш керак»,— деди у газаби тобора ортиб. Мен эса: «Бу ерда доротдел бошлиғининг қанақа айби бор, унинг ихтиёрида ҳам бор-йўғи битта от, бир отлиқ араваси бор, холос»,— дедим. Бундай саргузашт ва баҳслар яна давом этди.

Қисқаси, шу ташриф давомида Аъзам Хўжаев янги ўзлаштирилаётган ерларда аҳвол оғир эканлигини, бу ерда ишлаш жасорат билан тенглигини тушунди, шекилли, бир неча маротаба: «Сизларга ҳақиқатан ҳам оғир экан»,— деди. У киши бир ҳафта туманда бўлиб, янги ерларни ўзлаштиришдаги муаммоларнинг кўпи ҳал қилинишига ёрдамлашди.

Йилдан-йилга Ховос тумани, айниқса, янги ўзлаштирилган Боёвут канали зонасидаги ерларда юқори ҳосил ола бошланди. Янги ерларда колхозлар тузилди. Янги колхозларда эса аҳоли яшашини учун қулай уй-жойлар 25 сотих томорқаси билан, мактаб, боғча, ясли, касалхона, дорихона, савдо дўконлари, ошхона, чойхоналар, кутубхона, сартарошхоналар қуришга киришилди.

Шу йўсинда янги ўзлаштирилган ерларда ҳам ҳаёт жонланиб кетди. Бу ерларга вилоят раҳбарияти, республика ҳукумати ва қишлоқ хўжалиги раҳбарларининг эътибори кучайди. Туманда қишлоқ хўжалик банки очилиб, қурилиш ташкилотлари тузилди, колхоз, совхозларда қурилиш ишларини режа асосида олиб боришга киришдилар.

Айниқса Нуриддин Муҳиддинов Тошкент вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби бўлганидан кейин бу ишлар алоҳида суръат ва кўлам касб этди. Энди у киши билан бевосита боғлиқ айрим хотираларим билан ўртоқлашаман. Кунлардан бирида Нуриддин Муҳиддинов туманимизга келиб қолди. Туман фирқа қўми-

тасининг биринчи котиби Нурбой Маматқулов уйида бетоб бўлиб ётарди. Шу сабабли Муҳиддинов билан бирга юришимга тўғри келди. Шу кун и кечқурун соат тўққизларда Боёвут совхозининг катта клубига тумандаги ташкилотлар бошлиқлари, ёрдамга келган ҳашарчи ташкилотларнинг раҳбарлари мажлисга тўпландилар.

Мажлисни туман ижроқўми раиси сифатида мен очдим. Муҳокама учун қўйилган масала битта — теримчилар шароитини яхшилаш ва етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиб, кузги-қишки ишларни бошлаб юбориш. Бу ҳақда икки колхоз раиси ва уч совхоз директори, ҳашарга келган ТошДУнинг ректори ҳамда Алоқа техникумининг директори 3—4 дақиқадан қисқа сўзладилар. Кейин сўз Тошкент вилояти фирқа қўмитасининг биринчи котиби Н. Муҳиддиновга берилди. Минбарга 33—34 ёшлардаги қадди-қомати келишган, баланд бўйли, кенг ягринли, қора қош, қора соч, кўзида бургутнинг шиддати барқ уриб, юзларидан нур ёғилиб турган йигит чиқиб, сўз бошлади. «Ҳукуматимиз ҳалол меҳнаткашни қувватлайди. Барчангизнинг оилангизга соғлиқ, ишларингизга ривож тилайман!» — Нуриддин Акрамович сўзини яна шундай самимий тилақлар билан якунлади.

Муҳиддинов сўзларини 40 дақиқа давомида залга йиғилганлар чурқ этмасдан, катта эътибор билан тингладилар.

## ИМТИҲОН

1950 йил май ойларининг охири эди, ҳаво иссиқ. Ховоснинг шамоли авжига чиққан кун. Шамол дераза тирқишидан чанг-тўзонни кабинетга қувиб кирган бир паллада туман маориф бўлимининг мудир и Холиқназар Хоназаров ҳузуримга ҳаяжонланган ҳолатда кириб келади: «Худоёр ака, туманда 3 та ўрта мактаб бор. Шу мактабларнинг ўқувчилари бу йил биринчи бор 10-синфни битиришлари керак. Ўқувчилардан битириш имтиҳони олиш учун имтиҳон ҳайъати раиси олий маълумотли педагог бўлиши керак экан. Туманимизда

биронта олий маълумотли педагог йўқ экан. Мутасаддилар: «Битирадиган болаларни ўқитувчиси билан Тошкентга олиб келасан», — деб айтсалар, нима қиламиз, деб олдингизга маслаҳатга келдим», — деди. Мен ҳам: «Наҳотки, шундай катта туманда, битта ҳам олий маълумотли педагог бўлмаса», — дея кўп афсусландим. Кейин маълум бўлишича, ҳатто маориф мудирини Хоназаров ҳам ўрта маълумотли экан. «Нима қиламиз», — десам, у ҳам менга қараб: «Билмадим, бошим қотиб қолди», — деди.

Ўша вақтларда туманда транспорт масаласи чатоқ. «Ҳеч иложи йўқми», десам, Хоназаров менга қараб кулди-да: «Бир иложи бор, имтиҳон ҳайъатига ўзингиз раис бўлишга рози бўлсангиз бас», — деди.

Мен рози бўлдим. Зеро, мен педагогика техникумини битириб, 2 йиллик республика партия мактабида ўқиган вақтимда, яъни бир вақтнинг ўзида, Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг тарих факультетига имтиҳон топшириб, «аъло» баҳолар билан битирган эдим. Ҳар учала ўрта мактабнинг ўқувчиларини бир ерга — Баландчақирдаги мактаб биносига тўпландик. У пайтларда қизларни ота-оналар 7—8-синфни битирганларидан кейин ўқишга юбормай, турмушга бериб юбораверишарди.

Ҳаммамиз Баландчақирдаги «П» шаклида қурилган, нисбатан замонавий мактаб залига тўпландик. Мажлисни маориф бўлими мудирини Х. Хоназаров очди. У қисқагина кириш сўзидан кейин навбатни имтиҳон ҳайъати раисига — менга берди.

Мен ўшанда қисқа қилиб келажагимиз бўлган ёшларга қарата: «Азиз ўқувчилар, мана, бу йил сизлар 10-синфни битирасизлар. Илтимосимиз, имтиҳонга пухта тайёрланиб, мактабни яхшилаб битиринглар.

Яна битта шартимиз бор. Бу йил 10-синфни битирганларнинг юз фоизи Тошкентга ўқишга боради. Чунки туманимизда олий маълумотли мутахассис-ўқитувчилар, врачлар, инженерлар, аграрномлар етишмайди. Борларининг эса малакаси паст. Бошқа шаҳарлардан юборилган мутахассислар бу ерларнинг шарт-шароитларига чидамай, кетиб қолаётир.

Мана, туманимизнинг Боёвут зонасида Жанубий Мирзачўл каналининг биринчи навбати қурилиб, янги ерларга сув бера бошлади. Фарҳод ГЭСи эса электр қуввати бераётир. Мирзачўлда эндиликда мўлжалдан ортиқроқ суғориладиган унумли ер бор.

Мирзачўлга Сирдарё сувининг чиқазилиши янги-янги колхоз, совхозлар тузилишига имкон бермоқда. Шу сабабли бизга турли касблар бўйича билимдон, малакали кадрлар керак бўлади. Шунинг учун бу йил 10-синфни битириб чиққанларнинг ҳаммаси Тошкентга ўзи хоҳлаган институтига кириб ўқиши зарур. Сизларнинг ўқишга киришларинг учун қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз»,— дедим.

Шундай қилиб, битирув имтиҳонлари бошланди. Имтиҳонни асосан ўқувчиларни ўқитган муаллимларнинг ўзлари олишди.

Имтиҳонлар туманда хўжалик ишлари қизғин кетаётган пайтга тўғри келгани учун мен фақат онда-сонда имтиҳонларга қатнашиб турдим.

Имтиҳонлар тугаган куни эрталаб мактабга келиб то кечгача ўқувчилар билан яккама-якка суҳбат ўтказдим.

Шу куни 59 та ўқувчининг ҳаммасига 10-синфни битирганлиги ҳақида аттестат беришга қарор қилдик. Ўқувчилардан ким, қайси институтга боришини бирма-бир ўзларидан сўраб, белгилаб олдик. Ўқувчилар хоҳиш билдирган институтлар ректорлари номига туман раҳбарияти номидан туманимизга етук мутахассислар зарурлигини кўрсатиб, тавсифномалар ёзиб бердик. Уша йили мактабни битирган 59 нафар ўқувчининг ҳаммаси институтларга ўқишга кирди.

Шу тариқа имтиҳон олиб, институтларга йўллаш 3 йил давом қилди. Ўқишга кирганларнинг ота-оналарини ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб туриш ҳам назоратга олинди. Сўнг олий ўқув юртини битирганлар эса ўзларидан кейинги ёшларни институтларга тортдилар. Ҳозир уларнинг бари зўр мутахассис, раҳбарлар бўлиб Жиззах ва Сирдарё вилоятларида фидокорона хизмат қилмоқдалар.

## ШҶРО ҲУКУМАТИНИНГ ИШТАҲАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон урушдан кейин, яъни 1946 йилда 1 миллион тонна пахта етиштирган бўлса, 10 йилдан кейин пахта тайёрлаш уч баробарга ошиб, 1956 йили 3 миллион тонна пахта топширди. 1980-йилларга келиб эса бу рақам роппа-роса 6 миллионни ташкил этди. Шу билан бирга, пилла, қоракўл, шоли, галла, маккажўхори каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб топшириш ҳам ортиб борди. Ўзбекистондаги ерости бойликларини қазиб олиб кетиш Олмалиқ, Оҳангарон, Навоий, Чирчиқ, Таллимаржон каби шаҳарлар барпо этилгач, янада қулоч ёйди. Мазкур шаҳарлар асосан 1950—60-йилларда бунёдга келди.

Ўзбекистоннинг серунум ерларидан пахта ва ерости бойликларини олиб кетиш мақсадида марказ ҳеч нарсани аямади. Мирзачўл, Фарғона, Қарши, Сурхон воҳаларидаги чўллар ўзлаштирилди. У ерларда дарё, йўллар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари қурилди. Сирдарё, Амударё, Чирчиқ, Оҳангарон, Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа сув ҳавзаларида йирик сув омборлари барпо этилди. Бу сув омборларидан сув олиниб, янги ерларга асосан пахта экилди. Темирийўл шохобчалари қурилди.

Шўро ҳукуматининг асл мақсади Ўзбекистон ерларидан миллион-миллион тонна пахта олиш эди. Шундай қилиб, Ўзбекистон аллақачон Россиянинг хом ашё етказиб берувчи базасига айланиб қолган эди. Арзон ва мўл пахта ишлаб чиқариш учун Тошкентда пахта териш машиналари, қишлоқ хўжалиги машиналари, трактор ишлаб чиқарадиган заводлар қурилди. Улар колхоз ва совхозларга керакли машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқара бошлади. Олимларимиз пахтанинг тезпишар, машинабоп навларини ишлаб чиқдилар. Туксиз чигит тайёрлаб, доналаб чигит ташлайдиган сеялкалар билан колхоз ва совхозлар таъминланди. Айниқса, уяларга доналаб, туксизлантирилган чигит ташлайдиган сеялкалар жуда қўл келди.

Квадрат уялаб экиш ўрнига пахтани ер шароитига қараб, 90x10—20 сантиметрга битталаб ўстириш қўл келди. Натижада пахта ҳосилининг кескин кўтарили-

шига эришилди, кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етказиш тажрибаси галаба қилди. Илғор хўжаликларда умуман қўл кучи ишлатмасдан, машинанинг ўзи билан ҳар гектар ердан 25—34 центнер пахта олишга муваффақ бўлинди. Масалан, шу усулда ишлаган Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги «Фарғона», «Андижон», Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли совхозлар (бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин) шундай ютуқларни қўлга киритди. Пахтачиликда илғор усулларни амалга оширган кўплаб совхозларда меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш пудрат усули ижобий натижа берди. Ишчилар меҳнат сарфлаб, кўп ҳақ олдилар. Ўзим 13 йил раҳбарлик қилган 10-А совхозни меҳнаткашлари шу тизимнинг ижодкори бўлиб, 5500 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан қўл кучи ишлатмасдан 30—34 центнер ҳосил етиштириб, давлатга топширдилар. 120 та пахта териш машинасининг ҳар бирида ўрта ҳисобда 135 тоннадан пахта теришга эришилди. Совхозимиз давлатга ҳар йили 15—16 минг тонна пахта топширарди. Шунингдек, хўжалик қарамоғида 1000 бош қорамол, 800 бош қўй, 30 минг товуқ, 8 минг ўрдак, 300 бош чўчқа, 10 та от боқилар, 136 км узунликдаги зовурда балиқ кўпайтирилди.

## **ПИСКЕНТДА КЎРГАН-КЕЧИРГАНЛАРИМ**

Тошкент канали қурилиб, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Бўка, Оққўрғон туманларига сув бера бошлаган бўлса-да, бу туманларда сув танқислиги сезилиб, хўжаликлар ўртасида сув танқислиги ҳамон давом этарди. Ўзлаштиришга қулай ажойиб ерлар сувсизликдан ҳансираб, янтоқзор ва юлғунзор бўлиб ётарди. Иккинчи томондан, юқоридаги туманлар қоқ ўртасидан ёриб ўтувчи Оҳангарон дарёси март, апрель, май ойларида кўтарилиб, ўзининг тошқин суви билан қирғоғидаги кўплаб майдонларни ювиб кетарди. Сув тошқини вақтида Пискент, Бўка, Бекобод, Оққўрғон тумонларга, Олмалиқ шаҳрига ўтиб бўлмасди. Айниқса, Оҳангарон дарёсининг тошқин суви Пискент туманига жиддий зарар етказарди.

Юқоридаги ачинарли аҳволни эътиборга олиб Ўзбекистон ҳукумати 1953 йил 23 декабрда Оҳангарон дарёси ҳавзасида Туябўғиз сувомборини қуриш ва Оҳангарон дарёси тошқинларидан халқ хўжалигини ривожлантиришда фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилди. Туябўғиз сувомбори (Тошкент денгизи)нинг қурилишига бошчилик қилиш таниқли муҳандис Фахриддин Нажимов ва бош муҳандис Николай Каминовлар зиммасига юкланди.

Ўнг қирғоқдаги қурилиш ишларини таъминлашни Ўрта Чирчиқ туманига, чап қирғоқдаги ишларни эса Пискент туманига топширишди. Мен Пискент тумани фирқа кўмитасининг биринчи котиби эдим. Қурилишга асосий етакчи раҳбар Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси Усмон Юсупов эди. Бу улкан қурилиш ишлари 1953 йилда бошланиб, 1957 йилда тугалланди. Пискент тумани раҳбари бўлганим сабабли Тошкент денгизининг чап қирғоғи учун масъулият менинг зиммамга тушганди. Айниқса, Тошкент денгизи қурилишини электр энергияси билан таъминлаш долзарб масалалардан эди. Биз бунинг учун Бекободдан, яъни Фарҳод ГЭСидан кучли электр шохобчасини олиб келдик ва денгиз теғрасидаги туманларни электрлаштирдик. Сувобморининг ҳажми 2500 миллион куб метрга етди: сатҳи 28 квадрат км, узунлиги 8 км, кенглиги эса 3,5 км ни ташкил қиларди.

Денгизга 500 метр узунликда, 35 метр баландликда бетон тўғон кўтарилди. Тўғоннинг устки сатҳи 20 метр кенликда бўлиб, ундан Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғига йўл очилди.

Қурилиш давомида 6 миллион куб ер ишлари, 200 минг кубометр бетон ва темир бетон ҳамда металлоконструкция ишлари бажарилди. Бу ишларни бажаришда Пискент, Ўрта Чирчиқ ва бошқа туманларга қарашли кўп миқдордаги экскаваторлар, бульдозерлар, автомашиналар тинмай ишлади. Қурилишга кўзга кўринган мутахассислар жалб этилди. Уларнинг барчаси ақл-заковот билан фидойиларча меҳнат қилардилар. Жумладан, Баҳодир Одиллов, Михаил Суворов, Эшонқул Аҳмедов ва бошқа инчилар қурилишни сифатли қилиб, мўлжалланган вақтда бажаришда фидокорона

меҳнат қилдилар. Шунингдек, бош муҳандис Николай Каминов, Файзи Акбаров, механик А. Рябов бош энергетик Клим Чун, инженер Осим Алимов, Сергей Гушин, Сафо Қориев, Н.Иванов, қурилиш бошлиғи йирик ташкилотчи муҳандис Фахриддин Нажимовларнинг номларини ҳам алоҳида фахр билан тилга олиш керак деб ўйлайман.

Шундай қилиб, Тошкент денгизининг қурилиши Оҳангарон дарёсидан сув ичадиган 50 минг гектар суғориладиган ерларни сув танқислигидан қутқарди, яна 3 минг гектар чанқаб ётган янги ерлар ўзлаштирилди. Тошкент денгизи минтақасидаги туманларнинг қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг кескин кўтарилишига сабаб бўлди. Халқнинг иқтисодий аҳволи бирмунча яхшиланди. Тошкент денгизини қуришда иштирок этган 1500 нафар ишчи-хизматчилар учун қурилган уй-жой, боғча, мактаб, маданий-маиший бинолар заминида ҳозирги Тўябўғиз шаҳарчаси пайдо бўлди. Ҳукуматнинг қарори билан Тошкент денгизи курорт зонаси деб эълон қилинди. Бу ерда кўплаб дам олиш уйлари, пансионатлар, болалар дам олиш оромгоҳлари, спорт майдончалари, маиший корхоналар ташкил этилди. Ангрен темир йўлидан денгиз бўйига темир йўл олиб келинди.

Хуллас, Тўябўғиз сувомборининг қурилиб ишга туширилиши республикамиз равнақи учун ниҳоятда фойдали иш бўлди.

Пискент тумани Тошкент шаҳрининг яқинида жойлашган қадимий кентлардан ҳисобланади. Туманда 80 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Туман Тошкент вилоятининг серунум йирик ҳудудлардан бири ҳисобланади. Афсуски, шундай туман Иккинчи жаҳон урушидан кейин фақат вилоятда эмас, балки республиканинг энг қолоқ туманларидан бири бўлиб қолган эди. Аслида пискентликлар асосан пахтачилик, ғалла ва чорвачилик билан шуғулланардилар. Пискент азалдан ўзининг ширин-шакар меваси, айниқса Пискент узуми билан, уста боғбонлари билан машҳур. Пискентда эски пахта заводи, мой-сут заводи бор. Йирик Олмалиқ шаҳри ҳам Пискент туманидан ажралиб чиққан.

Туманга Носир Маҳмудовни фирқа қўмитасининг биринчи котиби этиб юбордилар. Мени Ховос тумани ижроқуми раислигидан Пискент тумани ижроия қўмитасига раис қилиб ўтказдилар. Ўша пайтларда қишлоқ хўжалигининг асосий оғир юкни кўтарадиган иккита МТСдан бирига директор қилиб Оққўрғон туманида яшаган таниқли мутахассис В. Капатунни, иккинчисига эса республикада атоқли МТС директорларидан И. Ваксманни тайинладилар. Тошкент шаҳрининг Марказий туманини Пискент туманига оталиқ қилишга бириктириб қўйдилар. Ишлар жонланиб кетди. Туман хўжаликлардаги 23 та колхозни мустаҳкамлаш учун анча тадбирий чоралар белгиланди. Афсуски, 1954 йилнинг ёзида Носир Маҳмудовни Бухоро вилоятига раҳбарлик ишига олиб кетдилар. Туманда белгиланган режаларни амалга ошириш эса ўз-ўзидан менинг зиммамга юкланди. Мен белгиланган ишларни амалга ошириш мақсадида 1954 йилнинг эрта кўкламида туман марказидаги боғдаги клубга бутун хўжаликлар бўйича кекса, тажрибали оқсоқолларни йиғдим. Шу жумладан, мачитнинг имоми бошлиқ қарияларни ҳам маслаҳат мажлисига таклиф қилдим. Кекса оқсоқолларга мурожаат этиб, нутқ сўзладим. Сўзимда қадимий Пискент ери серунумлигини, бу ерни бир пайтлар Йўлдош Охунбобоев «Пискентнинг ери парварда, сув қуйсанг эриб кетади, серунум, фақат билиб, яхши меҳнат қилиш керак», дея таърифлаганини эслатдим. Туманда машҳур пахта устаси Ҳаким полвон Қодировнинг ҳаётидан ибратли бир воқеани сўзлаб бердим. Ҳаким полвон айтиб беришича, у туз конидаги шифохонага даволанай деб борганда, ўша ерлик бир тили ўткир кишининг: «Пискент дегани бу ишларини бажара олмайдиган дангасалар юртимми?!» деган гапига орияти қўзғанидан дам олиш, даволанишдан ҳам воз кечиб, уйига қайтган экан. Мен бу гапларни кекса, тажрибали, ориятли пискентликларга айтиб, уларга мурожаат қилиб:

«Сиз, кексалар, далага чиқиб, кетмон чолиб, сув тараб, пахта терманглар, лекин бригада шийпонига келиб, ҳорманглар, десаларинг, уруғ сепишни ўргат-

саларинг бас, ёшларнинг ғайратига ғайрат қўшилади. Ишчи ёшларга насиҳат қилиб турсангиз шунинг ўзи кифоя», — дедим.

Шу мажлисда, қариялар билан ишлаш учун 9 кишидан иборат кексалар қўмитасини тузиб, унга 70 ёшли отахонни раис қилиб сайладик. Эртаси куни далага чиқиб қарасам, одам чунонам кўпки, сон-саноқсиз турналар учиб келиб, далаларга қўнгандек. Кексалар ўзларига қарашли одамларни далага чиқариб, ўзлари беда уруғини сепган, чой қайнатган, баъзилари пахта экиладиган даладан ғумайнинг томирини териб чиқиб, топширишяпти. Дарвоқе, у пайтлари биз жамоаларда даладан териб топширилган ғумайнинг ҳар килограммига бир тийиндан пул беришни ташкил қилган эдик.

Шундай қилиб, қисқа вақт ичида ишлар жонланиб кетди. Ўша кунларда туманимизга вилоят фирқа қўмитасининг котибаси Бродова бошчилигида 5 кишидан иборат текширув комиссияси келди. Бродова билан бир оз гаплашиб ўтирдик. У: «Сен, чолларнинг мажлисини ўтказдингми?» — деб сўради. Мен: «Ҳа, уларни йиғиб илтимос қилдим», — дедим. «Ёнингда мачитнинг мулласи ҳам президиумда ўтирдими?» — дея истехзоли жилмайди у. «Муллани танимайман, фақат бир неча чол ўтирди, холос», — дедим унга жавобан. Кейин Бродова: «Сен коммунистик ғояларни мулла-эшонлар орқали халққа етказмоқчи бўлдингми?» — деб анчагина вайсади. Мен унга: «Ҳеч қанақа мулла-эшонлар орқали иш қилганим йўқ, фақат чоллардан туманни қолоқликдан чиқаришга баҳоли қудрат ёрдам беринглар», — деб илтимос қилдим, холос. Мана, ҳамма кексалар далага чиқиб, колхозчиларга ёрдам берганликлари учун туман бир неча йилдан бери биринчи марта вақтида кўкламги экишни соз ўтказди», — деб тушунтирдим. Шунда Бродова менга ўз ишим билан шуғулланишим кераклигини тайинлади. Мен эса парво қилмай, ҳар галгидек, ўз ишимни қилавердим. Комиссия уч кун ишлаб, талайгина одамларни сўроқ қилиб кетди. Кейин билсам, кимдир Бродовани қизиқтирган гапларни, оқсоқоллар мажлисининг эртаси куниёқ Тошкентга бориб, тегишли идораларга етказган экан.

Комиссия кетганидан кейин беш кун ўтгач, туман фирқа қўмитасининг 9 нафар бюро аъзосини кеч соат 10.00 да Тошкентга, вилоят фирқа қўмитаси бюросига чақирдилар. Биз у ерга кеч соат 9 ларда бордик. Мени биринчи котиб ниҳоятда зийрак, ишчан, ўта қаттиққўл Ориф Алимов қабул қилди. Саломлашиб бўлганимиздан сўнг: «Худоёр, хом қилган бир ишингни менга айтиб бердилар. Тузум учун ёт ва тақиқланган ишни қилибсан. Мана, комиссиянинг фикрларини ўқи», — деб вилоят фирқа қўмитаси бюроси қарори лойиҳасини менга кўрсатди. Уқисам, унда сиёсий калтабинлиги учун Пискент тумани фирқа қўмитасининг биринчи котиби Х. Латипов ишдан олинсин, деган гаплар ёзилган. «Ўқиб кўрдингми?» — сўради Алимов. «Ўқидим, Ориф ака», — дедим. «Энди бундай қиласан, — тушунтирди Ориф ака маслаҳат оҳангида, — бюро иштирокчилари гапириб, сени танқид қилаверишсин. Сен гапингиз тўғри, деб ўтираверасан, охирида мен ҳам мажлисга яқун ясаб, сени уларга қўшилиб роса дўппослайман. Хом бўлмасанг, туман фирқа қўмитасининг мажлисида мачитнинг имомини президиумда ёнингда олиб ўтирасанми?! Майли, бўлар иш бўпти. Бу ёғини ўзим тўғирлайман. Бундан кейин ҳушёр бўласан, эсингда бўлсин». У шундай деб менинг елкамга қоқиб қўйди. Мен, раҳмат, деб унинг ҳузуридан чиқдим. Бюро бошланди. Маърузани Бродова қилди. У 20 минутдан ортиқроқ гапирди. Шундан кейин комиссиянинг бошқа аъзолари, вилоят фирқа қўмитаси фаоллари гапириб, мени роса дўппослашди. Яқунловчи сўз Ориф Алимовга берилгач, у шундай деди: — «Ўртоқ Бродова ва бошқа ўртоқларнинг гаплари, таклифлари 100 фоиз тўғри, Худоёр Латипов чиндан ҳам ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараб, сиёсий жиҳатдан қўпол хато қилган. Қилган айби учун уни туман фирқа қўмитасининг биринчи котиб вазифасида ишлаши мутлақо мумкин эмас. Лекин бир нарсани унутмаслигимиз керак. Латипов ҳали ёш. Энди 31 га кирган, ғайратли. Биласиз, Пискент туман 20 йилдан бери қолоқликда эди. Мана, ҳозир бу ерда ҳамма ишлар ўз вақтида бажарилаётир. Уни тарбия қилсак, фирқа ва ҳукуматга анча фойда келтириши мумкин. Мен танқидларингизни уму-

ман тўғри деган ҳолда, унинг ёшлигини эътиборга олиб, Латиповга ҳайфсан эълон қилишни таклиф қилман. Ўртоқ Маннон Фуломовга эса шундай топшириқ берсак: у Пискентга бориб туман фирқа кўмитасининг пленумини чақириб, вилоят фирқа кўмитаси бюроси қарорини муҳокама қилиб, бундан кейин сиёсий хатоларга йўл қўймаслик борасидаги кўрсатмаларни бериб келсалар».

Бюрода қатнашганлар Алимовнинг таклифига қўшилдилар. Ўша куни бюро мажлиси тун соат 3.00 да тугади. Мен 50 йилдан ортиқроқ раҳбарлик ишларида ишлаб олган хайфсан шу. Шунга қарамай, туманда ишлар бир маромида борарди. 1955 йили туман, вилоят ва республика биринчилар қаторида пахта тайёрлаш режасини бажарди. 1956 йил март ойида бўлган Ўзбекистон комфирқаси Марказқўмининг XIII съездида менга сўз бердилар. Съездда КПСС Марказқўмининг вакили А. Косигин қатнашаётган эди. Мен сўзимда пахтанинг таннархи паст, ўз харажатини қопламаслиги, уни ошириш учун эса ҳар гектар ердан 15 центнердан кейин 50 фоиз бериладиган қўшимча мукофотларни бекор қилинишини кам қувват колхоз ва совхозлар номидан таклиф қилдим. «Шу бекор қилинган мукофот ҳам пахтанинг таннархини оширишга қўшилса, ёмон бўлмасди», — деганимда залда гулдурос қарсақлар янгради. Танаффус вақтида Косигин мени ёнига чақириб, 15 минутлар суҳбатлашди. Шундан кейин бирор муддат ўтиб, пахтанинг таннархи ошиши ҳақида ҳукумат қарори чиқди. Шу қарордан кейин ўнлаб, колхоз ва совхозлар иши жонланди.

Пискент туманига ҳам эътибор кучайди. Туябўғиз—Пискент—Бекобод, Олмалиқ—Пискент асфальт йўллари қурилди. Оқтепада пахта қабул қиладиган пункт, завод қурилди. Кўп жамоалар қарзларидан қутулди. 1957 йилда вилоятнинг бир йиллик қурилиш фонди тўлиғича Пискент туманида қолдирилди; туман марказида клуб, ҳаммом, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, чойхона, савдо дўконлари, Ойбек номли мактаб, 300 болага мўлжалланган интернат қурилди. Туман маркази, колхозлар Фарҳод ГЭСи орқали электрлаштирилди. Тумандаги раҳбарлик ўринларида асосан Тошкент

ва бошқа ердан келган кадрлар ишлар эди. Секин-аста уларга жавоб бериб, ўринларига маҳаллий ёшларни тайинладик. Ёшларни олий ўқув юргларига ўқишга юбориб, малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор бердик, маҳаллий аҳолининг савияси, зиёлилик даражаси ошди. Мана, ҳозир пискентликлардан 52 та олим чиқди, шундан 11 нафари фан доктори бўлиб, республикамизнинг турли илмий даргоҳларида ишлашмоқда. Қувонарлиси шундаки, бир пайтлар мен билан туман кўмитасида оддий котиб бўлиб ишлаган ёш, ғайратли йигитча Ёрқин Соатов ҳозир техника фанлари доктори, Насриддин Маматов медицина доктори. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Пискент қадим-қадимдан жуда улуғ зотларга ватан бўлган. Ҳамид Олимжонни ўқитиб тарбиялаган Абдулла Алавий, республикамизнинг таниқли фаолларидан Султон Сегизбоев, Акмал Икромовлар ҳам Пискентда тарбия топган инсонлардан.

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушиб кетди. 1967 йили мен Мирзачўлдаги А. Икромов номли 26-совхозда директор бўлиб ишлаб юрган вақтимда А. Икромовнинг тўнғич ўғли Ургут отасининг номига қўйилган совхозга меҳмон бўлиб келганди. Мен ўшанда уни Пискентга олиб келиб қариндош-уруғларини топишга ёрдам бергандим.

Ҳалигача Ургутнинг ўша дамлардаги ачинарли аҳволини эсимдан чиқаролмайман. 50 ёшга бормаган йигитнинг қулоғи кар, кўзи икки қаватли кўзойнак орқали кўрарди, зўрға юрарди, мажруҳ-ногирон, шу аҳволда турмада 13 йил ётиб, яна қайтиб келгандан сўнг ўқиб, химия фанлари номзоди даражасини олганига қойил қолмай бўладими?! Ўшанда Ургут Икромов менга ўз саргузаштларини сўйлаб берганди: «Отамни халқ душмани сифатида қамоққа олишгандан кейин мен қочиб, Тошкент вокзалига келдим, Россияга қараб жўнаётган юк вагонига чиқиб, яшириниб олдим. Шунда 13 ёшда эдим. Поезд жўнади. Уч кундан кейин юк эшелони Куйбишев (Самара) шаҳрига етиб келди. Шаҳарга тушдим. Ёнимда бир тийин ҳам пулим йўқ эди. Тиланчилик қилиб кун кечириб юрган эдим, милиция ушлаб олиб, мени етимлар уйига топширди. Бир

неча кун юрганимдан кейин фамилиямдан «халқ душмани» Акмал Икромовнинг ўгли эканимни билишиб, турмага олиб кетишди, кейин Сибирга жўнатдилар. Турмада мени роса дўппослаб урдилар. Шундан кейин қулогим кар, кўзим кўрмайдиган, ўзим ярим жон бўлиб қолдим. Сал тузалганимдан кейин ишга чиқиб, ўрмонда дарахт кесдим. Болалар уйига борганимда фамилиямни ўзгартириб айтганимга ҳалигача пушаймон қиламан». Унинг бу ҳикоясини тинглаб, мен мудҳиш қатағон йилларининг даҳшатларини яна бир бор ҳис қилгандим ўшанда.

Машҳур арбоб Султон Сегизбоевнинг отаси ҳам Пискентнинг Оқтепа—Оққўрғон ҳудудида катта бойлардан бири бўлган. 1917—20-йилларда Пискентда жойлашган инқилобий ҳарбий кенгашнинг раиси бўлган Султон Сегизбоев Файзулла Хўжаевдан кейин Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган, сўнгра уни ҳам халқ душмани деб, қатағон қилиб юборганлар...

Шу ўринда Пискентдан учта туман-шаҳар ажралиб чиққанлигини айтиб ўтмоқчиман. Булар — Оққўрғон (1935 йилда), Бўка тумани (1943 йилда), Олмалиқ шаҳридир (1953 йилда). Бундан аввалроқ 1951 йил 10 августда Олмалиқнинг алоҳида шаҳар деб эълон қилингани ҳақида қарор чиққан эди. У пайтда шаҳарда жами 7 минг киши яшар эди, холос. Ҳозир Олмалиқ шаҳри шунчалик кенгайганки, 140 мингдан ортиқ аҳоли яшамокда. Бу шаҳар бугун мамлакатимизга кўплаб маъдан ва минерал ўғитлар етказиб берувчи саноат марказига айланган.

## **ҒАҒУР ҒУЛОМ — ЭЛ АРДОҚЛАГАН АДИБ**

Турксиб йўли... поезд келяпти. Вагонлар тўла. Ғарбдан Иккинчи жаҳон уруши жабрлийдалари келмоқда. Турон халқи бағрини очиб уларни кутиб оларди. Икки хонали уйи бор оилалар уларга ўз уйи хонасининг бирини берарди. Еб турган нонининг ярмини ҳам уларга берарди. Борини баҳам кўриб, бирга яшаб, бирга ишларди.

Гўдаклар, отам, онам деб зорланади... Шундай оғир паллада халқ шоири Ғафур Ғуломнинг меҳрга тўла «Сен

етим эмассан!» шеъри уларга далда бўлганди. Унда шундай мисралар бор:

*Сен етим эмассан,  
Тинчлан, жигарим,  
Қуёшдай меҳрибон,  
Ватанинг — онанг,  
Заминдай вазмику,  
Меҳнаткаш, мушфиқ,  
Истаган нарсангни тайёрлагувчи,  
Халқ бор — отанг бор.*

Зеро, бу шеърдаги мисралар улар қалбида келажакка — ғалабага катта умид ва ишонч уйғотган эди.

Фарҳод ГЭСи қурилиши, одамлар орасида ўзбекининг саркардаси Усмон Юсупов, у билан бирга бўлган шоирлар Ғафур Ғуллом, Чустий ва бошқалар чангга ботиб, тупроқ устига чиқиб шеър ўқирдилар, ваъз айтардилар. Артистлардан Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Зайнаб Полвонова, Маъмуржон Узоқов, Карим Мўминовлар кечаюкундуз хизматда эдилар. Уларнинг сафдори Қори Ёқубовнинг ўзи ҳам қўшиқ айтарли:

*Ғайра-ғайра дамба-дам,  
Оромижоним, қайдасан.  
ГЭСни қуриб, канал қазсанг,  
Нурга тўлиб, бой бўласан...*

Поездларни ҳам тебратаётган Бекободнинг шамоли ўкириб турган пайтда ҳам Мукаррамхоним Турғунбоева оқ нафис жужунча, шойи кўйлак билан одамлар даврасида ўйнаб, халқни завқлантирарди. Ҳанузгача уларнинг ҳаммаси кўз ўнгимдан, қарсақларнинг товуши қулоғимдан кетмайди.

Усмон Юсуповнинг топшириғи билан Ғафур Ғуллом бошчилигидаги санъаткорлар Фарҳод ГЭСини, Жанубий Мирзачўл каналининг Боёвут зонаси қисмини қозишда иштирок этаётганларга мадад бериш учун ўн кунлаб ўша ерда ётиб қолардилар.

Ана шу воқеалар сабаб бўлдими, ҳар ҳолда мен ҳаётимда кейинчалик ҳам шоирлар, санъаткорлар, жур-

налистлар билан яқиндан таниш бўлиб кетдим. Ҳозиргача кўпгина шоирлар, маданият ходимлари менинг энг яқин дўстларимдир.

Мен адабиётни севганим учун Гофур ака билан жуда яқин бўлиб қолгандим. Қаерда ишламай, қачон Тошкентга келмай, Фафур аканинг Муқимий театри ёнидаги ҳовлиларига кириб, суҳбатларини олиб, бир пиёла чойларини ичиб кетардим. У кишининг хонадонни билан менинг марҳум катта ўғлим Дониёржон жуда яқин эди.

Фафур Фулом билан бирга бўлган ҳар учрашувимиз худди кечагидай эсимда.

1955 йил мен Пискент туманида ишлардим. Фафур ака билан бирга Ҳамид Фулом ҳам келган эди. Ҳамид ака ўша вақтда ёш, соч-кўзлари қоп-қора, келишган, жўшқин йигит эди. Улар бир кун бизда меҳмон бўлдилар. Далаларни айланиб, боғча ва мактабларни кўришди. Фафур ака ўшанда менга қараб: «Сиз элнинг ҳурматини қозонаман десангиз, ёшларнинг тарбиясига эътибор беринг, кам бўлмайсиз», — деганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Фафур Фулом Пискентга қилган сафарларидан сўнг «Таниш башаралар» деган Пискент ҳақидаги қиссалари босилиб чиқди.

Шундан сўнг кўп ўтмай, Фафур ака «Қурултой мурожаатномаси»ни айтиб турдилар. Мен билан бирга борган стенографистка ёзипти. Бир ярим соатча вақт ичида ҳеч тўхтамасдан «Қурултой мурожаатномаси»ни айтиб тугатдилар. Мен машинкада кўчиртириб «Қурултой мурожаатномаси»ни республика Қурултойида ўқиб бердим. Ҳеч бир ўзгаришсиз қабул қилдилар.

Фафур Фулом кўнгли дарё, ноёб истеъдод соҳиби эди, деб таърифлаганди шоир Султон Акбарий.

Фафур ака буюк шоир, чин инсон, ўзбек халқининг жонкуярларидан эдилар. У киши бизга ноёб асарлари билан бирга, ибратли оила, ақли ўғил-қизлар, ҳавас қилса арзигулик авлодлар қолдириб кетганлар. Сўзсиз, Фафур Фулом ўзбек халқининг миллий ғурури ва ифтихори эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

## АДАБИЁТ ЖАЛЛОДАРИ

Рус тилига таржима қилинган Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романининг рус китобхони қўлига етиб бормаслиги учун барча чораларни кўришди. Шахсан Мильчаков чоп этишга тайинли асари бўлмаган «Звезда Востока» журналидан романга жой беришни истамасди.

Таржимон С. П. Бородин Ойбекка ёзган мактубларида Мильчаковнинг романга бўлган совуқ муносабатининг сабабини унинг муаллифига нисбатан туйган адоватида кўради. Уюшма раҳбариятида ҳам Марказқўмда ҳам Мильчаковни қўллаб-қувватлайдиган кимсалар борлигидан зорланади. Чиндан ҳам, 1951 йилнинг августида роман ва унинг таржимаси Марказқўмда кенг муҳокама қилинди. Муҳокамада маъруза билан чиққан А. Удалов гарчанд асарга юқори баҳо берган бўлса-да, дастлаб Р. Фуломов, сўнг В. Мильчаков узоқдан-узоқ нутқ сўзлаб, Ойбекнинг зарарли асар ёзгани, С. Бородиннинг эса уни ёмон таржима қилганини оғиз тўлдириб гапиришди. «Звезда Востока» журналининг таҳририятида Марказқўм романи «бузуқ асар» деб топди, уни «муглақо қайта ишлаш керак», деган овозлар авжига чиқди. Шу тарзда романга қарши кураш Ойбекка қарши курашнинг асосий ҳалқаларидан бирига айланди.

Ўттиз босма тобоққа яқин роман таржимоннинг елиб-югуриши оқибатида журналнинг 1951 йилги 7—8-сонларида «чумчуқнинг кўзидай» бўлиб чиқди. 1952 йил апрелининг охирида эса журнал таҳририяти Тошкент тўқимачилик комбинатининг инженер-техник ходимлари билан учрашди. Мильчаков журнал фаолияти ҳақида маъруза қилгач, комбинатнинг аввалдан тайёрланган икки ходимаси — П. Савушкина ва З. Зяблицева ёзувчи шаънига таъна тошларини ёғдира кетди. Журналнинг ўша йилги 6-сонидан эса Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг профессори Е. Михайлов романга «бузуқ асар» деган муҳрни босди. Улар Ойбекни чаён бўлиб чақишда Мильчаковга кўмакка келишди. Бу кимса яна қандай яширин йўллар билан Ойбек, Шайхзода каби яна қанчадан-қанча ўзбек ёзувчилари-

ни чаён бўлиб чаққан экан?! Афсуски, ҳали кўп ҳужжатлар темир сандиқларда сақланмоқда. Аммо ҳурматли шоиримиз Шухрат домланинг ўша пайтда айтишича, Мильчаков бошчилигидаги бир гуруҳ ёзувчилар Ойбекни миллатчи сифатида айбловчи ҳужжатларни тўплаб Александр Фадеевнинг ҳузурига боришган. Ҳозир ҳам бу ҳужжатлар Тошкентдаги архивларнинг бирида сақланмоқда.

Адабиётимиз бағрида Ойбек, Шайхзода ва бошқа ўнлаб истеъдодли ижодкорларни бадарға қилмоқчи бўлган кимсалар ҳаммадан бир айб топиб, оттириб юборишни ва ёниб кетган уйининг мўрисидай бўлиб адабиётда ёлғиз ўзлари сўппайиб қолишни орзу қилишган эди. Лекин бахтимизга, ҳақиқат ва адолат деган кўпинча кечикиб келса-да, ҳар қалай илоҳий кучини кўрсатадиган қудрат бор: бир кун ёлғоннинг миси чиқиши мумкин.

Шу ўринда яна икки маълумот: биринчиси — адабиётимиз жаллоди Мильчаков «Ўзбек совет адабиёти-ни тараққий эттиришдаги катта хизматлари учун» «Ҳурмат белгиси» ордени ва бошқа нишонлар билан тақдирланган. Иккинчиси — Сталиннинг ўлиmidан кейин ҳаётбахш шабадалар эса бошлаганда Мильчаков Ўзбекистонда яшашдан уялиб, хайрият, кеч бўлса-да, виждони қийнаган, шекилли, Россиянинг қайси бир вилоятига кўчиб кетган. Ўша ерда кўзи кўр, қўл-оёғи фалаж бўлиб, хорлик ва зорликда ўлган.

## **МУСТАҲКАМ ИРОДА СОҲИБЛАРИ**

Москвада 1950 йил 5 апрелда Пахтачилик министрлиги тугатилди. Усмон Юсупов Пахтачилик министри эди. Бу воқеадан кейин у Ўзбекистонга қайтиб келди. Шундан сўнг ташқи ва ички душманларнинг унга ўтказган тазйиқларининг гувоҳиман.

Тошкентга қайтиб келган Усмон Юсуповни Министрлар Совети раислигига тайинлашди. Тез орада бу вазифадан бўшатишди. Шу фаоллар мажлисидан сўнг залда концерт бўлди. Усмон ота ҳам ҳеч нима бўлмагандек, парво қилмасдан концертда ўтириб, томоша

қилавердилар. Шу вақтда унинг чап ёнида мен, ўнг ёнида Зулфия опа ўтирдик. Карим Мўминов Ҳамид Олимжоннинг «Куйгай» шеъри билан айтиладиган қўшиқни ижро этар эди. Усмон отанинг ёнида ўтирган Зулфия опа чидай олмай йиғлаб чиқиб кетдилар.

Усмон Юсупов Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси вазифасидан тушгандан сўнг бирмунча вақт ишсиз юрдилар. Охири чидамай Ўзбекистон Комфирқаси Марказкўмига мурожаат қилдилар. Ўша даврдаги Марказкўмнинг биринчи котиби Собир Камолов Усмон Юсуповни — Боёвут совхозининг директори қилиб тайинлади. Бу совхоз республикадаги энг қолоқ совхоз эканлигини билсалар ҳам, Усмон ота у ерга бориб ишлашга рози бўлдилар.

Мен у ернинг далаларида бўлганман. Совхознинг ерлари ўта шўр, уруғ ташласангиз 40—60 фоизи чиқмасди. Чиққанлари ҳам ночор ўсарди. Уй-жой кам, шароит йўқ эди. Шунга қарамай, ота кўчиб бориб иш бошлади.

Хайриятки, У. Юсуповни Мирзачўлдаги энг оғир совхозга директор қилиб юбориш билангина жазоландилар.

Лекин Усмон Юсупов — Боёвут совхозига директор бўлиб келгач, кирза этик, фуфайка кийиб олиб, машинани ҳам ўзлари бошқариб, бутун вужудлари билан ишлаб, бор истеъдодларини ишга солдилар. Ҳурматли отага бутун республика халқи ёрдам берди. Кўпгина яхши одамлар отанинг ҳурмати учун совхозга кўчиб келиб, ёрдам қўлларини чўздилар. Усмон Юсупов раҳбар бўлиб келгандан кейин совхознинг ишлари жонланиб кетди. Йилдан-йилга зовур-дренажлар қазилиб, анча шўр ерлар ҳам тозаланди. Шундай оғир шароитга қарамасдан, Усмон Юсупов чўлда 60 гектарли боғ яратдилар. Боғ бўлганда қиёси йўқ боғ бўлди. Шредер номли институтдан, Фарғона водийси, Сурхон воҳасидан энг керакли мева кўчатларини олиб келиб экиб, уларни кўкартириб, ҳосилга киритдилар...

Усмон ота жуда оддий, ҳалол ҳаёт кечирган, камтарин ва олижаноб инсон эдилар.

Нуриддин Акрамович Муҳиддинов 1918 йилда Топкентда туғилган. 1941—1945 йиллардаги урушда қат-

нашган. 1946 йили урушдан қайтиб келиб, Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмида масъул ходим, Наманган, Тошкент вилоятлари фирқа қўмиталари биринчи котиби, Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган.

Н. Муҳиддинов қайси лавозимда ишламасин, ўзининг тугма раҳбарлик қобилияти, жўшқин нутқи, одампарварлиги ва ишбилармонлиги билан ҳаммани қўйил қолдирарди.

1955 йилнинг 22 декабрида Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаётган Н. А. Муҳиддинов Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби этиб сайланди. Муҳиддинов раҳбарлик қилган йиллар республика салмоқли ютуқларга эришди. Чунончи, 1956 йилда давлатга 3 миллион тонна пахта топширилди. 1957 йил 2 январда Навоий театрининг томоша залида Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўми ва Ўзбекистон Олий Советининг Қўшма мажлиси очилди. Мажлисида КПСС Марказқўми Бош котиб Н.С.Хрушчев қатнашди.

Навоий театрининг фойесига йўлаклар Ўзбекистоннинг турли-туман ноз-неъматлари билан безатилган бўлиб, узум, олма, нок, анорлар деворларга худди ишқомдагидек қилиб осилганди. Театр зали эса чақирилган меҳмонлар билан лиқ тўла, театр олдидаги майдон ҳам Хрушчевни кутиб олиш учун йиғилган оломонга тўла. Соат 10.00 да бир неча қора рангли «Победа» машиналари театр биноси олдига келиб тўхтади. Улар ортидан келган қора «ЗИМ» машинасидан Хрушчев, Муҳиддинов, Рашидов, Камоловлар чиқишди. Оломон гулдурос қарсак чалиб Хрушчевни қутлади, у ҳам қўлини қўтариб ҳамма билан саломлашган бўлди. Бинонинг ичига кирганда Хрушчевга нон ва туз билан Ҳамроқул Турсунқулов, Турсунной Охунова, Ризамат ота Тошмуҳаммедовлар пешвоз чиқишди. Хрушчев тўхтаб нондан озгина синдириб, тузга текизиб, оғзига солди. Хрушчев яқин таниши Ҳамроқул Турсунқулов билан самимий сўрашди. Кўп ўтмай Ҳ. Турсунқулов учинчи марта Меҳнат Қаҳрамони унвонига эга бўлди.

Н. Муҳиддиновнинг ташаббуси билан 1956 йил 17 майда КПСС Марказқўми ва СССР Министрлар Сове-

тининг Мирзачўлни ёппасига ўзлаштиришга оид махсус қарори қабул қилинди ва улкан иш бошлаб юборилди. Булардан ташқари, Н. Муҳитдинов Сталин даврида қатағон қилинган Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби халқимизнинг асл фарзандлари номлари оқланишига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Ёш истеъдодли Нуриддин Ақромовични 1957 йили КПСС Марказқўми котиби қилиб Москвага олиб кетдилар. У Москвада ушбу лавозимда олти йил ишлади.

## ЯЛПИ ХУЖУМ

Фарҳод ГЭСи қурилиб, шу асосда Боёвут ҳудудига сув келтирилгач, қуш учса — қаноти, одам юрса — оёғи куядиган дашту биёбонни ўзлаштириш катта иқтисодий самара бериши мумкинлиги кўзга яққол ташланиб қолди. Бинобарин, КПСС Марказқўми ва СССР Министрлар Совети 1956 йилги Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун ёппасига ҳужумга ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. Мен ўша чўлқуварлар шароити билан танишганман. Жазирама офтоб, изғирин шамолларга, сувсизликка чидаб ер ўзлаштирган халқимизга минглаб ташаккурлар айтгим келади. Бундай шароитга фақат бизнинг халқимизгина чидай олиши мумкин эди. Ана шундай ноқулай шароитда Мирзачўл кўриқ ерларини ялпи ўзлаштириш халқимиз елкасига тушди. Бунинг учун ирригация, мелиорация ишларини тураржой, жамоат бинолари қурилиши билан қўшиб олиб бориш лозим эди.

Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун энг яхши ишчи ва хизматчилар сафарбар этилди. Йирик давлат арбоби С. Зиёдуллаев Мирзачўл кўриқ ерларини ўзлаштириш ташкилотининг биринчи бошлиғи этиб тайинланди. Ирригация-мелиорация мутахассиси, бош муҳандис И. Каминский, бой қурилиш тажрибасига эга Д. Терситский ва И. Низомовлар бошлиқ ўринбосарлари қилиб тайинландилар. Дастлабки Мирзачўл тумани фирқа қўмитаси «Голодностепстрой» штаби вазифасини ўтади. Ташкилот хизматчилари аввалига Мирзачўл посёлкасидаги чодирларга жойлашишди, шу ерда иш-

лаб, шу ерда яшадилар. Шу чодирларда мутахассислар режаларини чизишарди, лойиҳа ва схемалар тузишарди. Барча шаҳар ва қишлоқларга чўлда ишлаш учун даъват қилиб хатлар юборилди, газеталарда, радиода биринчи чўлқуварларнинг мақола ва чиқишлари ташкил қилинди.

Қурилиш ишини биринчи навбатда йўл қурилишиндан бошлашга қарор қилинди. Ўзбекистон Йўл қурилиш вазирлиги 600 километрли йўлнинг қурилишини жадал суръатлар билан олиб борди. Сирдарё, Жиззах темир йўли қурилиши бошланди. Тураржой қуриш жадаллаштирилди.

1957 йил 15 мартда Мирзачўлда кўриқ ерларни ўзлаштириш маркази Янгиер шаҳри қилиб белгиланди. Уша йилнинг май ойида «Голодностепстрой»га Ақоп Абрамович Саркисов бошлиқ қилиб тайинланди. Кўп ўтмай ташкилот Тошкентдан Янгиерга кўчиб келди. Шу йилнинг ўзида Янгиер шаҳар фирқа ва ижроия кўмиталари ташкил этилди. Янгиер шаҳар фирқа кўмитасининг котиби бўлиб ишлаган Исмоил Раҳматов ўша вақтдаги воқеаларни қуйидагича эслайди:

«Дастлабки пайтлар чодирда яшадик, кейин ёғоч девордан бир қаватли уйлар қурдик. Яшаш шароити жуда оғир эди. Ҳар бир оила неча кишилигига қарамай, бир хонали уйда яшарди. Шу кўйи биз уч йил 4—5 жон бир хонада яшардик. Одамлар ертўлаларда, чодирларда яшаб, Ховоснинг чанг-тўзон, изғирин шамолида ишлардилар, руҳлари тетик, хушмуомала эдилар. Улар истиқболли ишга бош қўшаётганликларини, келажак авлод бу эзгу ишларини унутмасликларини яхши билардилар. Шунинг учун қийинчиликларга бардош берар эдилар».

Бунёдкорлар, аввало, эски Сирдарё, Мирзачўл, Боёвут туманларидаги яроқсиз сув иншоотларини тартибга солиб, 20 минг гектардан ортиқ янги ерни ўзлаштириб бердилар. «Гулистон», «Фарҳод», «Дўстлик» хўжаликларини тартибга солдилар. Уша пайтлар бу ерларнинг шўри кўтарилиб, қамиш, юлғун босиб ётар эди. Посёлкалар аҳволи аянчли эди.

Ернинг шўрхоклигидан кўпчилик пайкалларга экилган пахта, беда, макка униб чиқмас, чиққан тақдирда

ҳам май ойининг биринчи ярмидан кейин кўқарган ниҳоллар офтоб тафтида бир кунда қовжираб, қуриб қоларди. Ҷша йиллари Мирзачўл деҳқонлари орасида тарқалган «калков ер» деган ибора ҳозир ҳам бор. Бунинг маъноси шуки, карталарнинг ўйдим-чуқур жойларида экин битмасди. Ҳамма бало ерости сувининг юзага яқинлигида эди. Мутахассисларнинг айтишлари-ча, Мирзачўл ерларининг ҳар гектаридан минг тонна туз олса бўлар экан. Бу туз баъзи жойларда ер қатламининг устироғида, баъзи жойларда эса 2—3 метр чуқурликда жойлашган. Лекин барибир туз бор. Шунинг учун Мирзачўл кўриқ ерларидан бир текисда юқори ҳосил олиш, ерости сувларини қочириш учун аввало дренаж тармоқларини ишга тушириш, уларнинг муттасил ишлаб туришини таъминлаш лозим.

«Голодностепстрой» айнан шундай қилди. Биринчи бўлиб 4, 5, 6-хўжаликларини қуришга киришди.

Ичимлик сув, канализация, электрлаштириш, қурилиш учун металл асбоблари тайёрлаш каби ишлар учун алоҳида қурилиш бригадалари тузилди. Зомин сув ҳавзасидан янги совхозларга ичимлик сув келтириш мақсадида қувурлар ётқизилди.

Бу кенг кўламли ишларни бажариш учун, шубҳасиз, мутахассислар етишмасди. Шунинг учун марказий устахоналар қошида курслар очилиб, ёшлар турли хил мутахассисликка ўқитила бошлади.

Янги тузилган хўжаликлар асосий режадаги ишлар тўлиқ бажарилгунча, ерлар ўзлаштирилиб, алмашлаб экишга тўлиқ ўтилгунча қурилиш ташкилотлари билан бир тизимда қолдирилди. Мирзачўл кўриқ ерлари совхозлар қуришнинг ялпи дастурини бажариш учун республика ташкилоти совхозлар қурилишини жадал усул билан амалга оширишга киришди. 1943—1948 йилларда қурилган Фарҳод ГЭСи канали 500 метр куб сувни ўтказишга мўлжалланган бўлиб, узунлиги 13,5 километрни ташкил қиларди. Бу эса 300 метр куб сувни қабул қилиб олувчи узунлиги 126 километрли Жанубий Мирзачўл канали қурилишини тезлаштириш, шу асосда 300 минг гектар кўриқ ерни ўзлаштириш имконини берди. Шу билан бир вақтда Марказий Мирзачўл коллекторини қуришга киришилди.

Эсимда, 1960 йил 25 декабрда КПСС Марказий Қўмитасининг котиби М. А. Суслов котлованга келди. Шу куни Бекобод шамоли авжига чиққан, 15 даража совуқ бўлганига қарамасдан, котлованга минглаб қурувчилар, ишчилар, зиёлилар, раҳбарлар йиғилди. Канал атрофи байрам тусига кирди. Карнай-сурнай садоси янграб турарди. Турли миллат вакиллари юзларида табассум, қувонч. Машинадан Суслов тушиб, бир гуруҳ раҳбарлар билан лента томон яқинлашди. «Средазир-совхозстрой» бошлиғи А. Саркисов лентани кесиш учун Сусловга қайчи узатди. Лента кесилиши билан Александр Савчук бошлиқ экскаваторчилар тўғонни очиб юборишди. Қалқиб турган сув ёлдор арслондай ўмба-лоқ ошиб, пишқириб ўзан бўйлаб оқиб кетди. Шундан бери Жанубий Мирзачўл канали кўҳна саҳрога жон бахш этиб, ҳаёт гавҳарини тараб келмоқда.

Мирзачўлнинг қўриқ ерларини ўзлаштириш кўплаб иқтидорли кадрларни талаб этарди. Шу боис ўнлаб ишчан, серғайрат кадрлар, хўжалик раҳбари, ҳосилот, бош муҳандис сифатида чўлга келдилар. Улуғбек Юсупов, Саттор Усмонов, Б. Пономарёв, Шомурод Шариповлар шулар жумласидандир. 1963 йил февраль ойида Мирзачўл қўриқ ерларини ўзлаштириш асосида Сирдарё вилояти тузилди ва ташкилотчи раҳбар Носир Маҳмудов вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби қилиб сайланди. Носир Маҳмудов шу вақтга қадар 20 йилдан ортиқроқ Самарқанд, Тошкент ва бошқа вилоят ва шаҳарлар фирқа қўмиталарининг котиби бўлиб ишлаган эди, эндиликда у қўриқ ерда раҳбарлик лавозимида ишлаш учун юборилганди.

## **БОҒ ЯРАТГАН — ХОР БЎЛМАС**

Чўлда янги шаҳар ва қишлоқлар қад кўтара бошлади. Иморатлар кўпайиб борди. Жанубий Мирзачўл каналидан шарқираб оққан обиҳаёт саҳрога жон киритди. Боғ-роғлар барпо бўлди. Фарҳод ГЭСи ишга тушгандан сўнг котлованга ва унинг теварагидаги хўжаликларга нур таралди. Маданий ўчоқлар пайдо бўла бошлади. Ўша даврда дарахт экиш, боғ яратиш, кўка-

ламзорлаштириш асосий муаммолардан бири ҳисобланарди. Айниқса, кўчат топиш мураккаб эди.

Боёвутда боғ яратишга бел боғладик. Машҳур колхоз раислари Турсунбой Латипов ва Юсуф Ҳожибеков билан Бекобод туманига колхоз раиси, Меҳнат Қаҳрамони Абдуқодир Шукуралиев хўжалигига бориб, боғни айланиб чиқдик.

1950 йил кўклами. Туман ижроия қўмитаси идорасига тўладан келган, ўрта бўйли, олтмишни қоралаб қолган, буғдойранг, қоп-қора қошлари туташган, сочлари ҳам қоп-қора, салобатли одам кириб келди. Кўлида қизил папка, бошида сур телпак, эгнида жигарранг пальто. Пальтосининг ичидан кител билан шим кийиб олган. Қарасам, Муҳиддин ака Исамуҳамедов. Кучоқлашиб кўришдик. Яхши танирдим. Бир йил илгари Тошкент вилояти ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлар эди. Жуда хушфезъл, ширинсўз, жонкуяр раҳбарлардан.

— Зарур иш билан келдим, — деди Муҳиддин ака саломлашиб бўлганимиздан сўнг. — Ўзингизга маълум, Боёвут канали бўйида жуда кучли Бекобод—Ховос шамоли эсади. Бу шамол одамларга ҳам катта зиён етказиб, ернинг қаймоғини олиб кетади. Ана шу офат кучини қирқиш учун иҳотазорлар яратиш керак.

— Жуда яхши бўларди, — дедим.

— Баракалла, шундай дейишингни билганим учун қарор лойиҳасини Тошкентдан тайёрлатиб келдим, — деди чехраси ёришиб Муҳиддин ака, — ўттиз гектар ер кифоя.

Лойиҳа билан танишиб чиқдим. Пухта ўйлаган экан. Шу лойиҳа бўйича Фарҳод ГЭСи то темир йўл (ҳозирги Янгиер чегараси)гача котлован тармоқлари бўйлаб 1, 2, 3, 4-Боёвут совхозлари ерларидаги канал ёқалаб икки қатор дарахт экилган. Ҳар қаторнинг эни 60 метр, оралиғидаги очиқ жой 120 метр эди. Мўлжал бўйича шамол биринчи қатордаги дарахтларга урилиб кучини йўқотади, иккинчи қаторга келиб совийди ва кўтарилиб кетади.

Кўчат, харажат, одамлару техника вазирлик ҳисобидан эди. Иш қизиганидан қизиб кетди. Кўчатлар Фарҳод ГЭСидан бошлаб Жанубий Мирзачўл канали

бўйлаб ғарбга қараб лойиҳа бўйича экилмоқда эди. Кун оғиб қолган эди чоғи, хонамга вазирлик агрономи кириб келди. Рухсиз, негадир асабий эди.

— Тинчликми? — дедим сабрим чидамай.

— Иш чатоқ, бўш стуллардан бирига «тап» этиб чўкди. — Биринчи котиб Нурбой Маматқулов келиб қолди, қилди тўпалонни: «Ким рухсат берди. Нимага пахта экиладиган ерга чўп суқяпсиз?» деб. Мен вазирликдан эканлигимни, ихотазор барпо этаётганимизни, бу ҳақда туман ижроия кўмитаси қарор чиқарганлигини ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлдим. Қаёқда дейсиз. «Жўна, баринг, ҳозир жўнаб қолинглар», — деб ўдағайлаб кетди. Ёнимда турган раис Атавулло Қурбоновни жеркиб, «Нега пахтанинг ерида дарахт экяпсан? Сени ишдан олдириб, фирқа сафидан ўчираман. Ҳозир бу номаъқулчиликни тўхтат, ҳаммасини суғуриб ташлайсан», — деб дўқ урди. Атавулло Қурбонов ишимизни тўхтатиб, ҳайдаб юборди.

Рост экан. Шу аснода мени қидириб қолишди. Борсам, биринчи котибнинг важоҳати бошқача. Саломга алик ҳам олмай тутақиб кетди:

— Нега ўзбошимчалик қияпсиз?

— Мени кечирасиз-у, бу хайрли, фойдали иш бўлгани учун бошлаб юборган эдик. Бунинг устига ҳамма харажатни республика Ўрмон хўжалиги вазирлиги ўзиммасига олган. Бу иш ҳозир ҳамма ерда амалга ошириляпти. Қолаверса, мен сиз хурсанд бўласиз, деб ўйлаган эдим. «Ховос шамоли»ни ўзингиз яхши биласиз, — деб жавоб бердим босиқлик билан. Биринчи котиб истеҳозли назар ташлади:

— Маҳмадона тилидан тояди. Ҳали ҳеч нарсани тушунмас экансиз. Пахта — бу муқаддас, давлат монополияси. Пахтанинг жойига бошқа ҳеч нарса экилмайди, тушундингизми?

— Тушунаман, — дедим мен ҳам бўш келмай, — 37 гектар ер пахта режасини бажаришга ҳеч қандай таъсир қилмайди.

— Ҳали ҳам тушунмаяпсизми? Сизга топшириқ: ҳозироқ Янгиерга боринг, колхоз раисларини чақириб, биргаликда қадалган чўпларни суғуртириб, ерни тайёрлаб, чигит экинлар. Тушунарлими?

— Тушунарли, — дедим киноя билан ва чиқиб кетдим. Ўша заҳотиёқ котлованга келиб, раислар — Турсунбой Латипов, Аҳмадали Маматов, Тошпўлат Мирзақобилов, Эгамберди Мавлонов ва Атавулло Қурбоновларни йиғиб, биринчи котиб топшириғини маълум қилдим.

Биринчи бўлиб Тўрсунбой Латипов сўз олди:

— Оғайнилар, ахир бу ишни бизлар ҳам пахта учун, одамлар учун қилаяпмиз-ку? Худоёр қарорга қўл қўйиб тўғри иш қилган. Қачонгача туман раҳбарлари нима дер экан, вилоят раҳбарларига маъқул бўлармикан, деб оғиз пойлаймиз? Каллани ҳам ишлатиш керак-да, сизларни билмайман-у, аммо мен боғни йўқотиш у ёқда турсин, бир туп кўчат суғурилишига ҳам йўл қўймайман.

— Менинг фикрим ҳам шундай, — деди қисқа қилиб Маматов.

Ҳамманинг фикри бир жойдан чиққач, бу ҳақда Маматқуловга хабар қилдим. Уларнинг ва шахсан ўз фикримни ошкора айтдим. Бу уни янада газаблантириб юборди, қаттиқ айтишиб қолдик. Ўша кунни асабим бузилганиданми, кечаси билан ухлай олмадим. Жўйлангарда қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб ишлаб юрган кезларимда келган раҳбарлардан бирининг айтган гаплари бот-бот хаёлимга келарди. «Уйдаги ва ишхонадаги дилхиралик ёмон, — деган эди у. — Кўчада бегона билан сен-менга борсанг, ишхонага ё уйга келиб унутасан. Лекин ишхонада ёки уйда ади-бади айтишсанг, икки йўлдан бирини танлаш қолади, ё муроса, ё орани очиқ қилиш».

Бу ўринда Маматқулов билан муроса унга ён бериш дегани эди.

«Орани очиқ қилиш учун ҳақ эканлигимни исботлашим лозим. Тонг отсин, вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби билан маслаҳатлашиб кўраман. Қандай қилиб бўлмасин, ихотазорларни сақлаб қолиш керак», деган фикрга келдим.

Гапнинг очиги, Маматқулов қилаётган ишларга ақлим етмасди. Майли, ихотазорга у пахта туфайли қарши чиқди, дейлик. Экин майдонининг қисқариб кетишини истамади. Аммо ўзи бола-чақаси билан яшаб

турган ҳовлидаги дарахтларни нега кестириб юборганини ҳали-ҳали тушунолмаيمان.

Воқеа бундай бошланган эди. Туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби Алихон Мансуровнинг етти сотихдан иборат ҳовлиси, лоф қилиб айтганда, Эрам боғидан қолишмасди: узум, шафтоли, олма дарахтлари сулув келинчаклардек яшнаб турарди. Ёз кунлари ҳовлига киришингиз билан анвойи ҳидлар кўнглингизни яшнатиб юборарди. Токи ишком қилиниб, бир учини даҳлизга киритиб, ҳосил олган одамни эшитганмиз. Алихон ака эса бундан завқланарди. «Ховоснинг ерлари ҳосилдор, сув келаверсин, ҳар бир ҳовлида шундай боғ яратамиз», — деб орзу қиларди.

Боёвут канали қурилишининг бошида туриб не-не азобларни кечирган бу оқкўнгил инсон, афсуски, каналга сув қуйилишидан уч ой олдин ишдан ноҳақ бўшатилади. Унинг ўрнига тайинланган Нурбой Маматқулов жаннатдай шу ҳовлига кўчиб кирди.

Июнь ойлари эди. Дам олиш куни бўлгани учун Нурбой акани йўқлаб бордим. Остона хатлаб ҳовлига қадам қўйдим-у, оғзим очилиб қолди. Дарахтлар кесиб ташланган эди.

Мен кирганда Нурбой аканинг укаси Нишонбой қўлида ўткир ойболта, Алихон ака ҳафсала билан ўстириб тараган токни қирқиб, шохларини айвондан тортиб олаётган экан. «Нишонбой тинчликми?» — десам, «Акам айтдилар, шунга қараяпман», — деб жавоб берди пинагини ҳам бузмай.

Ичкари кирдим. Нурбой ака айвондаги сўрида ярим яланғоч девдай бўлиб ётибди.

Ўрта бўй, буғдойранг, гавдаси энига қараб ўсган бу киши бир ярим центнер келарди, ҳаддан ташқари семириб кетган эди.

— Дарахтларни бекор кестирибсизлар-да, — дедим гап орасида.

— Ҳамма ёқни димиқтириб юборди, — дея жавоб берди Нурбой ака юзу кўзида қилаётган ишидан мамнунлигини сездириб. Ҳа, биров ўйлаб қурар, биров ўйнаб бузар, деганлари шу бўлса керак-да!

...Эртасига соат тўққизларда идорага келдим. Вилоят фирқа қўмитасига кўнғироқ қиламан деб турганим-

да телефон ўзи жиринглаб қолди. Гўшакдан: «Ким бу?» деган таҳдидли овоз эшитилди. Ўзимни таништирдим. «Мен Тўхтабоевман, — деган овоз келди нариги ёқдан. Бу Тошкент вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Азиз Тўхтаевич эди. — Ўзбошимчалик қилмагин, бола. Бўлмаса кавушингни тўғрилаб қўяман». Шундай деди-ю, «тақ» этказиб гўшакни қўйиб қўйди.

Бу ҳақда қайтиб бошқа гап бўлмади. Лекин бошлаган улкан иш чалалигича қолиб кетди. Шунга ҳам элик йилдан ошди. Мана, ўша дарахтзор ҳозир осмон бўйи, Фарҳод ГЭСидан то деярли котловангача саф тортиб, далаларни чангу тўзон, кучли шамоллардан асраб келяпти.

## ОҚ ПАХТАНИНГ ОВИР ТАШВИШЛАРИ

1954 йилнинг декабрь ойида Н. С. Хрушчев Тошкентга келиб, пахтакор республикалар раҳбарлари ва мутахассислар иштирокида йиғилиш ўтказди. Йиғилиш Тошкентдаги Навоий номли театр биносига ўтди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва ерларнинг самарадорлигини ошириш, таннархни камайтириш масалалари муҳокама қилинди. Бунинг учун алмашлаб экишни жорий этиш, маккажўхори етиштиришни кучайтириш, хўжаликларни хўжалик ҳисобига ўтказиш тавсия этилди.

Ана шу йиғинда пахта қатор орасини қандай схемада экиш керак, деган масалада қизгин баҳслар бўлиб ўтди. Ўша вақтда Ўзбекистонда қатор ораси асосан 70 сантиметрли схемада экилар эди. Баҳсга асосан айрим республикаларда пахта 45х45 квадрат уялаб экилаётганлиги, пахтага икки томонлама ишлов бериш натижасида юқори ҳосил олинаётганлиги ҳақидаги мулоҳазалар сабаб бўлди.

Аслида пахта қатор орасини 70 см қилиб экиш ҳам кам эди, шунинг учун 90 см схемага ўтиш афзалроқ эди. Чунки бу пайтда Америкада қатор ораси ҳатто бир метр қилиб пахта экиларди.

Ҳийла вақт чўзилган мунозара ва тортишувлардан сўнг минбарга Хрушчев чиқиб, пахтакор республика-

лар олдида турган вазифаларга батафсил тўхталди ва пахта схемасига келганда, ўзбекистонликлар пахта қатор орасини 45 сантиметр қилиб экиш схемасини бошқа республикалардан ўрганиб келишларини маслаҳат берди.

Ана шу йиғиндан кўп ўтмай (Пискент фирқа кўмитасининг биринчи котиби эдим) туманимиз МТС директорлари жамоа хўжалиги раислари ва бошқа мутахассисларни олиб, Ленинободга бордик. Ўттиз киши эдик. Биринчи котиб билан учрашгач, қишлоқ хўжалигининг бўлим бошлиғи Қодиров ҳамроҳлигида уч кунда дала айландик.

Декабрнинг сўнги кунлари иссиқ, пахта терими ҳамон қизғин давом этар эди. Дастлабки ишимиз Меҳнат Қаҳрамони Ўрун Хўжаев сардорлик қилаётган колхозда бўлди. Бу хўжалик республикадаги бақувват, илғор хўжаликлардан экан.

Автобусда боғ ва экинзорларни, пахта далаларини айланиб чиқдик, ер-сув шароити, одамларнинг турмуши билан танишдик. Аммо пахта қатор ораси 45x45 сантиметр квадрат уялаб экилган пайкалларга дуч келмадик. Шундай бўлса-да, сафаримиздан норози эмас эдик. Кўшни республика пахтакорлари меҳнати, оддий одамлар ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлган эдик. Бизни хўжаликда қурилган клуб биноси ўзига ром этди. Бино пишиқ гиштдан қурилган кўркам қаср бўлиб, меъморчиликнинг шарқона услубига хос безаклари билан ажралиб турарди.

30 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган қиротхона ҳам шу бинода жойлашган. Кечқурунлари буфет ишлаб турарди, кинозалда эса бадий ва хужжатли фильмлар намойиш қилинарди. Бу эса ўша давр учун катта янгилик эди.

Шу пайтгача муддаомизни аниқ айтмаган эдик. 45x45 схемада квадрат уялаб пахта экилган далани кўриш истагида эканлигимизни билишгач, бундай пайкал Нов туманида борлигини, у ерда битта бригаданинг 10 гектарлик майдонига пахта 45x45 схемада квадрат уялаб экилганини айтишди. Ўша ерга бордик. Бригада бошлиғининг гувоҳлик беришича, пахта бу ерда аввал 45 сантиметр кенгликда экилган-у, аммо бирон марта иш-

лов берилмаган. Шундан сўнг бизни бошқа туманларга ҳам олиб боришди. Бироқ кўндалангига 45x45 схемада ишлов берилган пахта майдонини бу ерларда ҳам учратмадик. Ленинобод вилоятининг кўпчилик ерлари тошлоқ бўлганлигидан 45 сантиметр схемада экилган пахта майдони кўп деб айтган эдилар. Лекин на туман, на хўжалик раҳбарлари ёппасига кўндалангига қирқиб ишланган яхлит майдонни кўрсата олмадилар. Шунга қарамай, бутун республикамиз бўйлаб 70 сантиметрли схемадан воз кечилиб, янги усулда пахта етиштиришни тажриба қилина бошлади. Жумладан, Пискент туманида ҳам пахтани қиятоб ва қумоқ ерларда 50 сантиметр кенгликда экиб, шунча кенгликда кўндалангига кесиб ишлов беришга ўтдик. Баъзи жойларда пахтани 60x50, кейинроқ, 60x60 схемада экиб, икки томонлама ишлов бердик. Лекин натижа кутилганидек бўлмади: далаларни ўт босаверди, ҳосилга барака кирмади. Сабаби икки томонлама ишлов берилганига қарамай, 14 фоиз экин майдонидаги ўтни қўлда юлиб олишга тўғри келди...

Кўп йиллик тажриба пахтани кенг қаторлаб экиш самарали эканлигини кўрсатди. Лекин бунга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

Маълумки, Хрушчев ҳукмронлик қилган даврда маккажўхори етиштиришга эътибор кучайди. Тошкент вилояти «Политотдел» колхози бригадаси бошлиғи Любов Ли донг таратди. Ҳар гектар ердан 2000 центнердан силосбоб кўкпоя ва 100 центнердан сара дон олинганлиги ҳақида хабар тарқатилди.

Кўп ўтмай илғор тажрибали ходимларни қишлоқ хўжалик ишларига раҳбарлик лавозимларига юбориш ҳаракати бошланди. Мени ҳам йўлланма билан 1960 йилнинг бошида Ўрта Чирчиқ тумани хўжалиklarидан бирига раис қилиб юборишди.

Ҳаво очик, кеч куз кунларининг бирида кабинетда ўтирган эдим, кутилмаганда Тошкент вилояти фирқа қўмитасининг биринчи котиби Малик Абдураззоқов кириб келди. Тўғриси айтсам, ҳайрон бўлиб, шошиб қолдим. Чунки одатда вилоят раҳбари келиши аввалдан маълум қилинар, ёнида туман раҳбари ҳам бўларди. Бу сафар ҳеч ким йўқ эди. Машинани кўчада

қолдириб, бир ўзи кириб келибди. Шийпонга таклиф қилиб, чой узатдим.

— Сезяпман, кутилмаган ташрифимдан ҳайрон бўлиб турибсиз, — дея гап бошлади Малик Абдураззоқов. — Пленумдан хабарингиз бор. Хрушчев Ўзбекистондан борган раҳбарларни қабул қилди. Л. М. Хван ишидан мамнун бўлиб гапирди. Ўзбекистондан ҳам ана шундай донгдор жўхорикорлар етиштириш зарурлигини таъкидлади. Ана шу тавсияга кўра сиз раҳбарлик қилаётган хўжаликда 100 гектар ерга серҳосил «Днепропетровск-200» деган янги нав маккажўхори экишга қарор қилдик. «Белорусь» трактори, қатор орасини 90 сантиметрдан қилиб экишга мосланган сеялка ва культиватор берамиз. Тўғри, бу борада тажрибангиз йўқ. Шунинг учун маккажўхори экилиб то йиштириб олингунча, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг галла ва маккажўхори бўлимининг бошлиғи Солянка вакил сифатида сизлар билан бирга бўлади. Ишни шундай ташкил этиш керакки, бу ҳақда шахсан Хрушчевга ахборот бериб туришимиз керак. Нима дейсиз?...

Масала равшан, бу аввалдан тарозига солинган, кўнгил учун берилаётган савол эди. Рози бўлдим. Таклиф кенгайтирилган мажлисда маъқулланди. Ислому бригадир, Осмон — тракторчи этиб тайинланди.

Эртаси кунийёқ хўжалик муҳандиси Муҳиддин Дўсинбоев Осмон билан бирга бориб, тўрт гилдиракли «Белорусь» трактори, культиватор ва сеялка олиб келди.

Хўжаликка Солянка ҳам етиб келди. Келгуси йил ҳосили учун куздан тайёргарчиликни бошлаб юбордик. Вазифа масъулиятли эди. Картанинг ҳар жой, ҳар жойидан чуқур қазиб, шу ерларга гўнги тўқдира бошладим. 100 гектар майдонга гўнгли яхоб суви ҳайдадик.

Эрта кўкламда агротехника асосида маккажўхори экиб, парвариш қила бошладик. Маккажўхори дегани қанча ўғит, сув кўп берсангиз, шунча мўл ҳосил берар экан. Парвариш даврида режадагидан ортиқроқ ўғит ва сув бердик. Парвариш оби тобида ўтказилгани учунми, чунонам маккажўхори бўлдики, кўрганнинг ҳаваси келарди.

Поя ўриб олингач, котиб ўринбосари Алимов бегона киши билан келиб қолди.

— Бир ишдан хабарингиз борми, — деди у мени четга тортиб, кейин ғоят муҳим янгиликни айтаётгандек овозини пасайтириб шипшиди. — Маккажўхорингиздан олти тупини махсус қутига жойлаб Москвага юбордик. Раҳбарлар уни Хуршчевга кўрсатишди.

Шундан сўнг «Сельская жизнь» газетасининг мухбири билан таништирди. У биз ҳақимизда мақола ёзишга келган экан. Кўп ўтмай мақола ҳам чиқди. Ўша йили маккажўхори бригадаси бошлиғи ва мен Бутуниттифоқ хўжалиги кўргазмасининг олтин медали билан тақдирландик. «Днепропетровск-200» навли маккажўхори довуғи ҳамма ёққа таралди. Кўплаб хўжаликлар биздан уруғлик сотиб олишди. Аммо икки йил ўтмай, донни уруғликка ҳеч ким олмай қўйди. Чунки бу нав юқори ҳосил бергани билан жуда кечпишар экан. 135—140 кунда етилади. Шундай қилиб, Сурхондарё вилоятидан бошқа ерга экишга тавсия қилинмади. Шу сабабли дони омборда, силоси далада, дуч келган жойда қолиб кетди. Солянка ҳам келмай қўйди.

Хўжалик ҳосилоти Парпи Тўхтаев билан келишиб, маккажўхори экиб келинган 100 гектар ерга пахта экадиган бўлдик.

— Парлибой бир таваккал қилиб кўрмаймизми? — дедим миямга келган фикримдан кўнглим ёришиб. — 90 сантиметр кенгликда макка экадиган сеялка билан чигит экамик, нима лединг?

— Синмасни кулол яратмас, дейишади, Худоёр ака. Майли бир синаб кўрайлик, — деди у ҳам розилик бериб. Икков гапни бир жойга қўйгач, овоза қилиб ўтирмай, 40 гектар ерга 90 сантиметр қатор оралиғида чигит эдик.

Ғумайироқ ер эди. Бунинг устига икки йил маккажўхори экканимиз учунми, ғумайи янада кўпайган экан.

Чигитни эртaroқ қадаган эдик. Ғумай куч олиб, қалин ўт босиб кетди. Қарасак, эплаш қийин. Ўйланиб қолдик. Шунда механизаторимиз Осмон: — Кўндалангига олтмиш сантиметрга кесиб ишлов бераман, ўти йўқ бўлади, — деб қолди.

Бироқ кўндалангига қирқилганидан кейин, даставвал, пахта сийрак кўринади. Парваришни кучайтирдик. Ҳали сийрак деган пахтамиз шунақа шохлаб кетдики, юқоридан келган вакилларни шу ерга олиб келадиган бўлдик.

Шу йили хўжалик ўрта ҳисобда 29 центнер ҳосил олган бўлса, маккажўхори ўрнига 90 сантиметр қилиб пахта экилган майдондан 32 центнердан хирмон кўтардик. Муваффақият менда ва мутахассисларда пахтани 90 сантиметрли схемада ўстириш юксак самара беришга қатъий ишонч ўйғотди. Уша йил ниҳоясида Ўзбекистон раҳбарияти таклифига биноан мен «Средазирсовхозстрой»нинг Акмал Икромов номли 26-совхозига директор қилиб тайинландим.

«Средазирсовхозстрой» бошлиғи Саркисов билан илгаридан таниш эдик. Шунинг учун масалани кўндаланг қўйдим:

— Пахтани 90 сантиметрли схемада доналаб экишга рухсат берсангизлар, майли бораман, — дедим.

— Хўжаликдаги тажрибангиздан хабарим бор. Илгор усул самара келтирса, ундан чекинмаслик керак. Ишни бошлайверинг. Зарур техника ҳам берамиз, — деди у.

26-совхоз қўриқдаги йирик хўжаликлардан. Унинг маркази 980 хўжаликка мўлжаллаб пишиқ гишдан қурилган 2, 3 ва 4 хонали икки қаватли уйлардан иборат. Барча уйлар электрлаштирилган, табиий газ тушурилган. Лекин ичимлик суви танқис. Сув қувурлари ўтказилган бўлса-да, ундан бир томчи ҳам сув тушмайди. Фақат ҳовлидаги қувур қудуғига бир суткада уч соат эрталаб, тушликда ва кечқурун сув берилади. Текканга тегиб, тегмаган қуруқ қолаверади. Шунинг учун сув келиши олдидан ҳамма аёллар турна қатор бўлиб туришади.

Ҳамма уйлар буғ билан иситишга мўлжаллаб қурилган. Марказий қозоннинг номи бор-у, самараси йўқ. Қувурлар занглаб, чириб ётибди. Биронта уй остида мевазор боғча йўқ. Унда-бунда заранг қаққайиб турибди.

Уша пайтлар бу ернинг қиёфаси ана шундай эди. Афсуски, ҳозиргиси ҳам аввалгисидан кам фарқ қилади. Тўғри, биз қўлимиздан келганича марказни обо-

донлаштиришга ҳаракат қилдик, йўл ёқаларига турли хил кўчатлар экдик, гуллар ўтқаздик...

Эндиликда Тошкент—Самарқанд катта трактидан юрганларнинг кўпчилиги «Наврўз» ресторани ёнидаги серсоя оромгоҳга тўхтамасдан ўтмайди. 1965 йилда йўл ёқасидаги бу жой бўм-бўш, бир чети пахтазор эди. Шу ерда ҳовуз қазиб, атрофига тол, терак, чинор экиб, шийпон қурдик. Унга «Наврўз» деб ўшанда ном берганмиз. «Наврўз»дан то марказгача бўлган 4 км ораликда 100 гектарга яқин боғ яратдик. Афсуски, ҳозир бу боғ бузилиб, пахта экиб ташланган.

Хуллас, 1965 йилда хўжаликнинг 6 минг 500 гектар ерига қатор орасини 90 сантиметр қилиб чигит қададик. Бундай схема учун ишлов техникалари йўқлиги аввалига бир оз қийинчилик туғдирди. Қўл қовуштириб ўтирмадик. Техник ускуналарни устахонада ўзимиз қайта мослаб чиқдик.

Деярли барча совхоз ўша йили 60х60 схемада пахта етиштирарди. Сирдарё туманининг Малик совхозида ҳам Жавод Кўчиев 10 гектар ерга 90х20 схемада уруғ қадаган эди. Биз мавжуд пахта майдонининг барчасида чигитни 90х10, 90х15, 90х20 схемада уруғ олиб, парваришни кучайтириб юбордик.

Ўша қатор ораси 90 сантиметр схемада экилган ердан бирон натижа чиқишига, гапнинг очиги, ўша пайтларда раҳбарлар ҳам, мутахассислар ҳам шубҳа билан қарашарди. Дарвоқе, ёдимдан кўтарилибди. Чигитни 90 сантиметр ораликда беш минг гектардан зиёдроқ ерга экиб қўйиб, кабинетда бош муҳандис Икромжон Муҳаммадиев билан кундалик ишларни фикрлашиб турсак, «Голодностепстрой» бошқармасининг бошлиғи Саттор Усмонов билан шимолий ҳудуд бошлиғи Зокир Санақулов келишди.

Саттор Усмоновнинг қовоғи солиқ эди. Ҳе йўқ, бе йўқ, терсланиб: — Нима учун бошқарма буйруғини бажармаяпсиз? Ким сизга 90 сантиметрли схемада чигит эк, деб кўрсатма берди? Сизни деб квадрат уялаб экиш режамиз барбод бўляпти, — деб қолса бўладими!

— Буйруқ нима қилсин, Саттор Усмонович, — дедим вазминлик билан ҳовуридан тушиб қолар деган

ниятда. — Совхозни қабул қилмасдан олдин бу ҳақда гаплашиб олганмиз-ку. Буни Саркисов ҳам билади. Бунинг устига схеманинг кенг майдонда қандай натижа бериши устида илмий иш олиб бораётганлигимдан ҳам хабарингиз бор.

— Бунисини билмайман. Санакулов билан юқоридан келяпмиз. У ердагилар квадрат уялаб экиш режасини бажармаяпсизлар, деб таҳлил кўрсатишди. Графикни бажаришимиз керак. Чигитни бошқатдан экишингизга тўғри келади, — дея чиқиб кетди Усмонов.

Гапнинг очиги, пахтачиликни яхши тушунадиган, кўп йиллар ҳамфикр, ҳамдард бўлиб келган Саттор Усмоновнинг бу дашномалари суяк-суягимдан ўтиб кетган эди.

Ахир, пахтачиликнинг эртасини ўйлайдиган бўлсак, кимдир таваккал қилиши, панд берса ҳам изланишлар олиб бориши керак эмасми? Ҳолбуки, янги бу схемада илгари ҳам деҳқончилик қилганмиз! Хайриятки, бу усулни бутун хўжалик миқёсида амалга ошираётганимиздан хабар топган «Средазирсовхозстрой» мутахассислари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири А.Д. Дадабоев, иқтисод институти директори Х. М. Жалилов ишимиз билан яқиндан қизиқиб қолишди. Натижада шу институтга мени изланувчи-тадқиқотчи қилиб олишди. Қолаверса, янгилик ҳамиша ҳам кучоқ очиб кутиб олинаверган эмас.

Шундан сўнг қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юбордик. Сами Отамуродов, Оппоғой Рустамова, Равшан Оқмирзаев бош бўлган бригада далалари хўжалик бўйича тажриба участкаси қилиб белгиланди. Хўжаликнинг барча катта-кичик раҳбарлари қўлларига қалам, дафтар, чизғич олиб ишларни қайд этиб, таҳлил қилиб боришди.

Биринчи йилнинг ўзидаёқ 60х60 схемада квадрат уялаб экишга нисбатан 90 сантиметр схемада кенг қаторлаб аниқ уяга доналаб чигит ташиш афзаллигини кўрсатди. Агар 60х60 сантиметр схемада икки томонлама ишланганда 86 фоиз майдон трактор билан ишланадиган бўлса, 90 сантиметр қилиб ишланганда 88 фоиз чигит экилган майдон трактор билан ишланар экан.

Шунга қарамай, пахта майдонларини ёввойи ўт боса бошлади. Шунинг учун мутахассислар ташаббуси билан ўтни ҳам механизм ёрдамида йўқ қилувчи қўшимча мослама ишлаб чиқаришга киришилди. Ғолиб учун 500 сўм мукофот пули ажратиб, танлов эълон қилдик.

Бу тадбир техникага ишқибоз каттаю кичикни илҳомлантириб юборди. Ўша кунлари қўлларига тушган бир парча темирни букиб ўзларича нималарнидир ясаётган болаларни ҳам тез-тез учратиш мумкин эди. Ҳаёт берган сабоқ ҳамиша унутилмасдир. Ушанда мен бир қарашда оддий кўринган, елкасига кетмон ташлаб олганича уйдан пахтазорга, даладан эса уйига ўйчан қиёфада қатновчи одамлар қалбида катта ҳаётий илм мудраб ётганига ишонч ҳосил қилганман. Хуллас, энг яхши қўлбола мосламани аниқлашнинг ўзи бўлгани йўқ. Ўнлаб шундай мосламаларни синаб кўриш, адолат билан иш тутиш, энг яхшисини ажратиб олиш лозим эди. Кўрик ҳайъати оддий тракторчи Равшан Оқмирзаев ясаган мосламани энг яхши деб топди. Мосламага «Равшан қулоқ» деб ном бердик.

«Равшан қулоқ» ўтни барралигидаёқ, яъни биринчи ва иккинчи культивация жараёнидаёқ ўлдириб, кўмиб кетарди.

Механизаторларнинг шу кунги йиғилишида «Равшан қулоқ»ни янада такомиллаштириш билан бир қаторда суғориш учун жўяк тортганда ҳам ўтни қирқиб ташлайдиган мослама ишлаб чиқиш ҳақида янги танлов эълон қилдик. Унга ҳам хўжалигимиз жамғармасидан 500 сўм ажратдик.

Орадан бир ойча вақт ўтгач, 150 дан ортиқ тракторчи, мутахассислар, бўлим раҳбарлари семинар-кенгаш ўтказдик.

Семинар-кенгаш даланинг қоқ ўртасида оёқда туриб ўтказилди. Олдин бир неча тракторчи, кейин бош муҳандис Икромжон Муҳаммадиев, бош агроном Ўктам Носиров гапириб, пахтани 90 сантиметр схемада экиб, тўғри иш қилаётганимизни таъкидлашди. Бу схемада культивацияни 86—88 сантиметр кенликда ва «Беларусь» тракторида 18—20 сантиметр чуқурликда олиб бориш имкониятларини берди. Культивация ва қир-

қиш вақтида бегона ўтларнинг уядаги қисми кўмилиб кетади. Ўсиб кетганларининг эса белини синдириб, шаштини қайтарди.

Дарҳақиқат, совхозда бундан бошқа имконият йўқ эди, чунки далада ишлайдиган ҳар бир ишчига 12—15 гектардан зиёд пахта майдони тўғри келар, шунча жойдаги ўтни кетмон билан чопишга ҳеч кимнинг қурби етмасди. Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида ўт жуда кўп ўсади, айниқса, туяқорин, оқбош, шамак, ғумай, печак каби ўтларнинг уруғи, бир томондан, сув билан оқиб келса, иккинчи томондан, шамол учуриб келиб сочарди.

Шунинг учун бегона ўтларни фақат культивация вақтида механизм кучи билан йўқ қилиш бирдан-бир имконият эди.

Бундан ташқари, Мирзачўл пахта майдонлари кенг, узун ва текис ерлар. Бундай пайкалларда 60 сантиметр кенгликдаги жўякларда сув яхши оқмайди. Натижада сув қўллаб, баъзи жойларда ғўза яхши ривожланмай қолиб, ҳосилга путур етарди.

90 сантиметр схемада экилган катакларда, жўяклар чуқур ва кенг олингани сабабли, сув яхши оқиб, экинлар бирмунча текис сув ичади. Ўз навбатида сувчиларга талай қулайликлар яратилади. Ниҳоят, семинар-кенгаш иштирокчилари қатор орасига жўяк олганда ўрнатиладиган мосламанинг энг яхшисини танлаб олишди. Бу Мирзачўлга Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан келган тракторчи Салим яратган мослама эди. Унга «Салим қулоқ» деб ном бердик. Унга ҳам даланинг ўзида мукофот пули берилди. Кенгаш қарорига кўра совхоз маъмурияти мавсум охиригача ҳар икки мосламани қўллаб, пахтани ўт бостирмай ўстирган ҳар бир тракторчига август ойининг охирида 300 сўмдан мукофот бериш тўғрисида буйруқ чиқарди. Келишилгандек, август ойининг охирида тегишли комиссия хулосага кўра, тракторчиларга жами ўттиз минг сўмдан ортиқроқ пул мукофоти кенгайтирилган мажлисда топширилди. Шундай иқтисодий имконият совхозда мавжуд эди, албатта. Чунки совхоз ҳар йили икки миллион сўмдан ортиқ қўшимча даромадга эга, рентабелли хўжаликка айланган эди. Бу-

нинг устига, пахта бригадаси бошлиқлари юз фоиз нарядсиз тизимига ўтган бўлиб, йилнинг охирига натижасидан манфаатдор эдилар.

Турли қарама-қаршиликларга дуч келишимга қарамасдан, ўша йили гектаридан 18 центнердан ҳосил олдик. Бу ўша вақтда янги ерларни ўзлаштириш шароитида юқори кўрсаткич эди. Лекин муҳими бу эмас. Асосий гап пахтачиликнинг кейинги йилларидаги истиқболига йўл очилганида эди.

Эндиликда республикамизнинг аксарият майдонларида пахта 90 сантиметр кенгликда экилмоқда. Кенг қатор, аниқ уяга доналаб чигит экиш ягана қилишдек ортиқча оворагарчиликларга, беҳуда харажатларга чек қўйди. 1948 йилдаёқ яратилган, аммо баъзи раҳбарларнинг эътиборсизлиги ва боқибеғамлиги туфайли то 1967 йилгача қантариб қўйилган СХМ-48-М терим машинасидан чигитни кенг қатор оралаб, аниқ уяларга доналаб экиш, чинакамига фойдаланиш имконияти яратилди. Чунончи, «Ўзбекистон» нашриёти томонидан 1980 йилда чоп этилган «Мирзачўлнинг забт этилиши» номли китобда бу ҳақда шундай дейилади: «Етакчи совхозлар илғор техникани қўллаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Масалан, 1967 йили 26-совхоз пахта тайёрлаш режасини тўлиқ машина билан бажарди. Мирзачўл совхозларида 1967 йилдан бошлаб пахта теримида машина ҳиссасини тобора ошириб бордилар» (251—252-бетлар).

Мен бу китобни ҳали-ҳануз тез-тез варақлаб турман. Шайнимизга илиқ сўзлар айтилгани учунгина эмас. Ташаббускорлик ва уюшқоқлик эвазига қўлга киритилган бу ютуқлар замирида энг аввало ҳалол меҳнат, пахтачилик равнақи учун, деҳқон меҳнати чинакамига қадрланиши учун бўлган катта интилиш ётарди. Ҳолбуки, қандай қилиб бўлмасин, юқори, ҳосил олиш, ном қозониш учун пахтачилик агротехникасининг энг оддий талабларини бузиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турарди. Бундай ноўрин ҳаракатларга умумий кўрсаткичга маҳлиёлик туфайлигина эътибор бермаслик мумкин эди.

Фикрим исботсиз бўлмаслиги учун бир мисол келтирай. 1963—1964 йилларда А. Икромов номидаги 26-совхоз тузилган йиллари совхозга бириктирилган жами 7800 гектар ернинг ҳаммасига пахта экилган. Ҳолбуки, совхоз янги бўлганлиги сабабли 2500 гектар ерга зовур очилмай ва дренаж қурилмасдан пахта экиб юборилган.

Совхознинг аввалги раҳбарлари режа орқасидан қувиб, кўпчилик ерга чуқур ариқлар тортиб, чигит экиб юборишган. Адолат нуқтаи назаридан шу нарсани айтмоқчиманки, ерга нисбатан агротехника қондасининг бундай бузилишидан хабар топган «Главсредэ-строй»нинг ўша пайтдаги бошлиғи дренажсиз экилган 2500 гектар ердаги пахтани дарҳол ҳайдаб ташлаш, то зовур, дренаж қуриб битказилмагунча экин экмаслик ҳақида буйруқ чиқарган эди. Совхоз раҳбарлари режани рўкач қилиб, юқори ташкилотга арз қилдилар.

Икки ўртадаги жанжал Ўзбекистон раҳбариятига ҳам етиб келади. Бу тортишув қандай асосларга кўра ҳал этилганлиги номаълум. Лекин экин майдони бузилмай қолди. Совхоз 16 минг тонна пахта топшириб «донг» таратди. 1964 йил якунига бағишлаб «Сельская жизнь» газетаси совхоз ҳақида мадҳиядан иборат бир саҳифа материал ҳам эълон қилади.

Бу «ютуқ» совхоз директорининг Янгиер совхозлар бошқармасига бошлиқ қилиб тайинланиши учун йўл очади. Мен совхозга ана шу воқеалардан кейин директор қилиб тайинландим ва хўжаликка етти йил раҳбарлик қилдим. 1—2-бўлимнинг 2500 гектар майдонида ҳеч нарса битгани йўқ. Тўғри, кейинчалик ҳар гектарига 150 метрдан дренаж қуриб, зовур қазидик. Бу билан ҳам дурустроқ натижа чиқмагач, гектарига 70 метрдан дренаж қуришга мажбур бўлдик. Далалар шўри обдон ювилди. Лекин орадан 25 йилча вақт ўтишига қарамай, ўша ерлар кам унумлигича қолаверди. Мана, таъбир жоиз бўлса, шуҳратпарастлик туфайли қилинган хато оқибати. Афсуски, ўша йиллари бундай мисоллар ягона эмас.

## МАШИНА ТЕРИМИГА КЕНГ ЙЎЛ

Маълумки, пахта териш машинаси СХМ-48-М мамлакатимизда 40-йилларда яратилган. Кейинчалик шу машина бирмунча такомиллаштирилди-ю, аммо асосий иш принципи ўзгармай қолаверди. Машина яратилишга яратилди-ю, хийла вақт — тахминан 15—20 йил мобайнида кўпинча номигагина ишлатиб келинди. Бунга биринчи сабаб — Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда машина теримига эҳтиёжнинг камлиги бўлса, иккинчи сабаб — деҳқонларгина эмас, ҳатто кўпчилик раҳбарлар ҳам пахтани машина билан териш афзалликларини ўз вақтида тушунмаганликларида эди. Машина пахтани тоза термайди, деб уни атайин ишлатмай, машинага ажратилган ердаги пахтани қўлда тердириб юбориш ҳоллари кўп учрайди.

Шу муносабат билан бир воқеа ёдимга тушади. Пискентда туман фирқа кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган пайтларим 1958 йилнинг куз фасли, октябрь ойининг биринчи ўн кунлиги эди. Ҳаво очиқ, каттаю кичик теримда. Туманга Ўзбекистон Комфирқаси Марказкўмининг иккинчи котиби Мельников билан Тошкент вилояти фирқа кўмитасининг биринчи котиби С. Нуриддинов келиб қолишди. Бирга дала айландик. Саидота қишлоғидаги хўжалик даласида чамандек очилиб ётган, ҳали бир чаноғи ҳам терилмаган пахтазорга бориб қолдик. Буни кўрган Мельников қовоқ солиб олди: «Бу нимаси? Нега шунча пахта туриб, одамлар, яши очилмаган далаларда тентираб юришибди?» — деб сўради. Мен, бу карта машинага ажратилган, машина шийпон олдида шай турибди. Лекин ҳали 2—3 кун вақт бор, шуни кутиб турибмиз, дедим. Шунда Мельников менга қараб: «Машинани пахта учун чиқарганмиз, пахтани машина учун эмас, машина термаяптими, бугундан бошлаб қўл билан тердириб юборинг, бизга тинчлик керак», — деди.

Биз жўнаб кетганимиз заҳоти бундай кўрсатмадан вақти чоғ бўлган эски миришкор раис Холиқул ака Абдиқулов дарҳол машинага ажратиб қўйилган чамандек очилган картага теримчиларни тушириб юборибди.

Теримчилар хурсанд бўлишиб, завқ билан то қоронғи тушгунча бир-бирларидан қизганиб, ким 100 килограмм, ким 160 килограмм, баъзи чевар теримчилар 200 килограммгача пахта теришибди. Икки кундан кейин картага келсам, дала қип-қизил чивик, чаноқда ҳам, ерда ҳам бир дона чигит қолмабди.

Хуллас, 4 та СХМ-48-М янги пахта териш машинаси бутун мавсум давомида хўжалик шийпонида қантарилганича тураверди. Энди ўйласам, ўша вақтлардаги машина теримига бўлган муносабат, фақат мен ёки колхоз раисининг эмас, балки юқори ташкилот ва республика раҳбар ходимларининг техника аҳамиятини тушуниб етмаганликлари оқибати экан.

Мирзачўлда эса шароит бошқача эди. Мирзачўл қўриқ ерларида пахтачиликка механизацияни кенг жорий қилганимиз, меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор усули — нарядсиз тизимга ўтишимиз ақлимизнинг бирдан ўсиб кетганлигидан эмасди, албатта. Қўриқ ерлардаги оғир шароит, мавжуд вазиятнинг ўзи чуқур изланиш, ишга ижодий муносабатда бўлишни тақозо этарди.

Бир мисол. Акмал Икромов номли совхозда 7000 гектар пахта майдони бор эди. Совхозда эса директордан тортиб то қоровулгача ҳаммаси бўлиб 600 чоғли қўл кучи бор эди, холос.

«Сентябрчилар», «октябрчилар» деб ном олган чўлга фақат даромад қилиш учун келган «учар»лар томорқаларини йиғиштириб, аллақачон жуфтакни ростлаб қолишган.

Хўш, шундай шароитда нима қилиш керак? Фақат битта чора бор, у ҳам бўлса, пахтачиликни механизациялаштириш.

Бинобарин, Саркисов ташаббуси билан «Ташсельмаш» заводи тарихда биринчи марта А. Икромов совхозини учун 150 та қатор ораси 90 сантиметр бўлган янги пахта териш машинаси тайёрлаб берди. «Ташсельмаш» заводи, шунингдек, хўжалигимизни оталиққа олиб, машина терими учун керакли асбоб-ускуналар, эҳтиётқисмлар билан таъминлаб туради. Натижада совхоз машинада пахта териш режасини бажариб, икки миллион сўмдан ортиқ соф фойда олди.

Лекин чигитни 90 сантиметр кенгликда уялаб, аниқ қадаб экишга қарши турган янги ерларни ўзлаштириш бошқармаси йил охирида пахта тайёрлаш режасини ҳам, машина терими режасини ҳам барбод қилиб, давлатга ўттиз миллион сўмдан ортиқроқ зарар келтирди. Шу сабабли бошқарма бошлиғи ўзгартирилиб, бу вазифага моҳир ташкилотчи, янгиликни ўз вақтида сезиб амалга оширишда деҳқонларга ёрдам бериб, чўлқуварни руҳлантириб ишлатиш қобилиятига эга, ўша вақтда шаҳар фирқа қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаб турган Эркабой Исломов тайинланди. Айни вақтда «Средазирсовхозстрой» буйруғига бинотан, янги ерларни ўзлаштириш бошқармаси «Голодно-степстрой» бошқармаси ихтиёридан ажралиб чиқиб, тўғридан-тўғри «Средазирсовхозстрой»га итоат этувчи мустақил бошқарма бўлиб қолди.

Бундай ўзгариш натижасида пахтачиликни механизациялашга қулай имконият туғилди. Кўлда терилган пахтанинг бир тоннасига 100—150 сўм тўланса, машинада терилган пахтанинг тоннасига 5—10 сўмдан тўлана бошланди. Шундан кейин машина теримининг ҳам қулай, ҳам арзон эканлигига кўпчиликнинг имони комил бўлиб, республикада машинада пахта теришга эътибор кескин кучайди.

## **ЯНГИЛИКНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ОДИМИ**

Киш кунлари эди. Тошкентдаги Семашко номидаги шифохонада даволанаётган вақтимда тасодифан Ҳалим Усмонхўжаев билан танишиб қолдим. Маданиятли, хушчақчақ киши экан. Бунинг устига тенгқур эканмиз. Тез орада апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Тез-тез суҳбатлашадиган бўлдик. Бир кун пахтачилик равнақи, уни механизациялаш ҳақида гаплашиб қолдик. У киши асли муҳандис бўлиб, механика лабораториясига бошлиқ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси экан. Ўшанда Ҳалим ака кўнглини очиб қолди.

— Лабораториямизда кун бўйи ишлатилса-да, ювилмайдиган шпиндель яратдик, афсуски, ишлаб чиқаришга жорий этолмаяпмиз. Агар терим машиналарига

шу шпиндель қўйилса, машиналар кун бўйи тўхтамасдан ишлаб, пахтакорларимиз ишларини анча енгиллатган бўларди. Ҳосил ҳам тезроқ йиғиб олинарди. Аниқ ҳисоб-китобларга қараганда, машиналарнинг иш унуми 25—30 фоиз ортади. Хўжаликлар пахта териш машинасини камроқ сотиб оладилар, анча-мунча маблағ иқтисод қилиб қолинади. Ювилмайдиган шпиндель давлат синов комиссиясидан ҳам яхши ўтди.

Бу мен учун кутилмаган янгилик, пахтачиликда гоят муҳим воқеа эди. Гап шундаки, тракторчилар ҳар қадамда шпиндельни ювавериб, қимматли вақтларини елга совураётган эдилар. «Шундай керакли мослама яратиб қўйиб, нега ишлаб чиқармаяпсизлар? Бир иккитасини бизга беринг, айти муддао бўлади-да», — дедим теримга сиғмай. Беҳуда қувонаётган эканман.

— Эй, оғайни сиз ҳали тушунмаяпсиз, — деди Ҳалим ака «уфф» тортиб, — республикада «бўлма, меники бўлсин, бўлмаса, ўртаб кетсин», дегувчи қўплаб шахсиятпараст одамлар юқори лавозимларга ўтириб олиб, янгиликка тўғаноқ бўляптилар, уларнинг дастидан ариғингиздаги сув ҳам оқмай қолади. Йўл беришмаяпти.

— Катталарга учрашсангиз бўлар экан, — дедим.

— Учрашдим, Рашидовгача бордим. Қанча оворагарчиликдан сўнг, мана энди тўртта 90 сантиметрли схемага мўлжалланган машинага ювилмайдиган шпиндель қўйиб чиқаришга топшириқ беришди.

— Жуда соз бўпти, — дедим энди чинакамига хурсанд бўлиб.— Шу пайт тўртта машинани менга бера-сиз. Тажрибада қўлаб кўраман. «Ташсельмаш» заводи хўжалигимизни оталиққа олган.

Шу воқеа сабаб бўлиб, тўртта ювилмайдиган шпиндель ўрнатилган машинани олиб келиб, теримга тушириб юбордик. Мавсумда оддий машиналарда ўртача 101 тоннадан пахта терган бўлсак, янги машиналарда терган пахтамыз 140—150 тоннага етди. Механизатор Оппоғой Рустамова 150 тонна пахта териб олди. Бундан ташқари, ўз тажрибамизда ювилмайдиган шпинделли машинанинг иш унуми 25—30 фоиз зиёд эканлигига амин бўлдик.

Мени кейинчалик қолоқ совхозига директор қилиб ўтказганларидан сўнг ҳам шпинделлари ювилмайдиган пахта териш машинасининг тўрттасини «Ташсельмаш» заводида тайёрлатиб, олиб келиб ишлатдик. Тажриба жараёнида барча мутахассислар туман, вилоят, республика раҳбарлари бу янгилик айти зарурат эканлигига иқрор бўлдилар. Совхозларга 100 та ХУМ ўрнига, шундай 65—70 машина кифоя. Яна бир қулай томони шундаки, янги совхозлар шароитида ХУМ ҳайдайдиган тажрибали тракторчилар етишмасди. Тўғри келган тракторчига шундай қимматбаҳо агрегатни топширармай, тракторчиларни саралаб олиш имконияти туғилди.

Шунга қарамасдан, ювилмайдиган шпиндель оммалаштирилмади. Бунинг сабабини кейинроқ тушундим.

Бир кун Марказқўмнинг қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Зинин Гулистон ремонт заводида менга топшириқ бериб, 50 та пахта териш машинасига пневмоподборшчикни кўйдирди. Бу механизмни Шполянский деган олим такомиллаштирган экан. Пневмоподборшчикни биз ҳам бир ишлатиб кўрдик. Лекин натижа бермади. Шундай кунларнинг бирида хўжалигимизга Зинин ва Сирдарё вилояти фирқа қўмитасининг биринчи котиби В. А. Хайдуrow пневмоподборшчик иши билан танишиш учун келиб қолишди. Бу механизм яхши натижа бермагани боис тракторчилар биринчи теримда уни ўчириб қўйиб, пахта теришаётган экан. Бу Зининни ранжитди. Мен бу подборшчик бундан 20 йил илгари чиққан схема, 48-М машинасидаги подборшчикнинг айнан ўзи эканлигини, механизаторлар ювилмайдиган шпинделли машинани афзал кўраётганликларини айтганимда, у айниқса тутақиб кетди. Шунда англадимки, бу масалада Зининнинг фикри қатъий: пневмоподборшчик ишлатилиши керак. Яхши, ёмонлигининг аҳамияти йўқ. Ювилмайдиган шпиндел эса афзалликлари яққол кўриниб турган бўлса-да, ишлаб чиқаришга тавсия этилмаслиги лозим эди.

Шунга қарамасдан, биз автомат шпинделли машинанинг афзалликларини таҳлил қилиб, Москвага ҳам хат йўлладик.

Бўлган воқеаларни талай раҳбариятларга, жумладан, шпиндел муаллифи Ҳалим Усмонхўжаевга ҳам айтганимда, у чуқур хўрсинди-да, чорасиз қўл силтади:

— Сизга қандай тушунтирсам экан. Бу осонгина ҳал бўладиган иш эмас. Зўрники тегирмон юргизади,— деб кўйди.

Аммо мен ҳам қараб турмадим. Автомат, яъни таркибий шпиндель афзалликларини кўрсатувчи, рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида мақола тайёрлаб, Москвада чиқадиган «Хлопководство» журнаliga жўнатдим. Ниҳоят, журналнинг 1976 йил май сонидида «Автомат шпинделлар қачон жорий этилади?» сарлавҳали мақолам чиқди.

Автомат шпинделли агрегатнинг ҳар бири 35 кун далада бўлиб, 193 тоннадан пахта териб олди. Бир кунлик терган пахтаси 5,5 тоннага тенг бўлди. Худди шундай, бироқ серияли шпиндел ўрнатилган машина 34 кунда 125 тонна пахта терди, холос.

Маълум бўлдики, автомат шпинделли агрегатнинг меҳнат унумдорлиги серияли шпинделли машинаникидан 30—40 фоиз ортиқ. Бундан ташқари, автомат шпиндел жуда кам ифлосланди. Пахтани узиб олиш жараёнида у ўзини ўзи тозалаб боради. Ўша йили совхозда 124 та пахта териш машинасида 9544 тонна пахта йиғиб олинди.

Бундан хулоса шу эдики, автоматли шпинделли машинада шунча пахта териш учун хўжаликда 79 та агрегат кифоя. Бу, хўжалик бир йилда 169 минг сўм иқтисод қилиб қолади, дегани эди.

Албатта, синов давомида янги машинанинг жузъий камчиликлари ҳам кўзга ташланди. Терим жараёнида пахтани тортиб олувчи лентаси тез-тез узилиб турарди. Бунинг асосий сабаби у шпиндел ўқига мустақкам бириктирилмаган эди. Мазкур нуқсон бартараф этилса, янги шпиндел самарадорлиги янада ортиши мумкин.

1975 йили совхозда автомат шпинделли тўртта агрегат пахта терди. Бутун мавсум давомида автомат агрегатда бирон нуқсон кузатилмади. Ана шу далиллардан келиб чиқиб, мақолада автомат шпинделни оммавий чиқариш мақсадга мувофиқ эканлиги ўртага ташланганди.

Мақола билан ёнма-ён пахтачилик ва ипакчилик учун машина чиқарувчи ўша даврдаги Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси бошлиғи Л. Назаряннинг жавоби ҳам эълон қилинди. Унда, жумладан, шундай дейилган эди:

«СССР қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Союзсельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмаси ва қишлоқ хўжалик машиналари вазирлигининг бирлашган илмий-техника кенгаши таркибий шпинделли (мақолада «автомат шпиндел» деб номланган) пахта териш машинасининг давлат синов-тажриба натижаларини кўриб чиқиб, бундай машиналарни мамлакатнинг пахтакор хўжаликларида қўллашни тавсия этади».

Мазкур жавоб хатида, шунингдек, «Ташсельмаш» заводи 1977 йилда таркибий шпинделли ХН-3,6 агрегатини чиқаришни режалаштираётгани баён қилинганди.

Афсуски, шундан кейин ҳам манфаатпараст кишилар тазйиқи натижасида автоматли шпиндел жорий этилмай келди. Ҳозирги кунда, юмшоқ қилиб айтганда, таркибий шпинделдан фойдаланиляпти. Лекин у етарлича чиқарилмаяпти. Бир неча йил олдин механизаторлардан бири республика телевидениеси муҳбири саволларига жавоб бериб: «Таркибий шпинделлар бизга кўплаб қулайликлар беряпти. Бироқ улар кам, етишмаяпти», — деб жавоб берганди. Ўшанда янгилик ҳалиҳануз равон йўлга чиқиб олмаганлигига иқрор бўлгандик.

## ПУДРАТ

1965 йилнинг бошида Акмал Икромов номли совхозда 100 гектар пахта етиштирадиган бригадада бёки 7 ишчи ишларди. Шунинг биттаси — бригадир, биттаси — табелчи, биттаси — тракторчи, биттаси ошпаз, қолган бир ёки иккитаси сувчи ва бошқа хил ишларни бажаришарди. Бўлимларнинг асосан суғориладиган 800—900 гектар ери бўлиб, 40—50 аъзоси бўларди.

Бўлимда ҳам бошқарувчи, агроном, механик, гидротехникадан ташқари, бош бухгалтер, катта табелчи,

иқтисодчи, хўжалик мудирини штатда турарди. Нарядсиз ҳақ тўлаш тизимига ўтилгандан кейин, бу штатларнинг ҳаммаси тугатилди. Тракторчи бригадирлик вазифасини ҳам бажарди. Бўлимда ҳам бош ва ёрдамчи бухгалтерлик, иқтисодчи ва хўжалик мудирини штатларидан воз кечилди. Далада ишловчилар сони кўпайди. Ишчилар баробар ҳақ олганларидан кейин, баробар ишлашга ўз-ўзидан мажбур бўладилар, ўзаро назорат кучга кирди. Гап шундаки, оз ишчи кучи сарфлаб, мўл ҳосил етиштириш учун совхозда комплекс механизациялашган тизимни жорий этиш лозим эди. Бундай бригадаларнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш учун 1966 йили Малик совхозининг бригадирини Ж. Кўчиевнинг иш тажрибасини ўрганиб чиқилди. Негаки, у комплекс механизация воситасида бор-йўғи саккиз-ўн киши билан ҳосилнинг деярли барчасини машиналарда териб олаётган эди.

Мутахассислар Кўчиев тажрибасини бизнинг совхозда қандай кенг ёйиш мумкинлигини аниқлаш мақсадида семинар ўтказдилар. Шу фикрга келиндикки, бу ерда ишчиларни танлаш, уларни малака ва лаёқатларига кўра иш билан таъминлаш, ишга масъулият билан қараш муҳим. Энг асосийси бригаданинг ҳар бир аъзоси кўп ва сифатли хом ашё етиштиришдан моддий манфаатдор бўлади.

Шундан кейингина нарядсиз ҳақ тўлаш тизимида ишловчи комплекс механизациялашган бригадалар тузишга киришдик.

Бригада ва унинг бошлигини ҳисобга киритиб 6—8 кишидан иборат бригадалар тузилди. Бригадаларга зарур агротехника билимига эга ташкилотчилар, қобилияти кўзга ташланган тажрибали механизаторлар бошлиқ этиб қўйилди. Ҳар бир бригада таркибида 2—3 сувчи, тракторчи, иккитадан тўрттагача дала ишчиларини йиғиш имкониятлари туғилди. Бригадага, алоқадор ишлар бажарилишига шартлашиб олинди. Бироқ бригада бошлигининг кўрсатмасига биноан, улар зарур пайти бошқа ишларни ҳам бажараверадилар.

Бригадирни директор тайинлайди, улар бўлим бошқарувчисига бўйсинадилар. Тажриба кўрсатадигани, йирик бригадалар тузилса, бўлим бошлиғига ҳожат қол-

мас экан. Шундай қилиб, нарядсиз ҳақ тўлаш тизимида ишлаётган комплекс механизациялашган ҳар бир бригада учун алоҳида бир центнер хом ашёга кетган харажат, иш ҳажми, мавжуд техника ва иш ҳақи фонди, шунингдек, уруғ, ёнилғи, ўғит, химикатлар миқдори ва бригадага йил давомида керак бўлиши мумкин бўлган, бошқа моддий воситалар қайд этиб борилди. Бригадаларда эса моддий маблағ воситалари, меҳнат сарфи, бажарилган иш ва топширилган хом ашё харажатлари ҳисобга олиб борилди. Иш ҳақи ишчининг иш кунига қараб табақалаб белгиланди.

Нарядсиз ҳақ тўлаш тизимида ишлаётган комплекс механизациялашган бригадаларда унинг барча аъзоларига йил давомида аванс бериб борилди. Бригадир тракторчига 130—150 сўм, 80 гектардан ошиқ ер майдони бўлган жойларда иккинчи тракторчига ҳам 130—140 сўм, биринчи категорияга мансуб тажрибасиз ишчиларга 80 сўм, учинчи категорияли тажрибали ишчилар ва сувчиларга 100 сўмдан тўлаб келдик. Йил охирида эса етиштирилган ҳосил салмоғи ва сифатига қараб ҳисоб-китоб қилдик.

Тажриба нарядсиз ҳақ тўлаш тизимига бригадалар бошқа бригадаларга қараганда юқори ҳосил олиш имкониятига эга эканлигини кўрсатди. Ҳар бир ишчиларнинг ўз ишига муносабати ва масъулияти сезиларли даражада кучайди.

Ана шу тажрибаларни умумлаштириб, «Хлопководство» журналининг 1968 йилги 4-сониди, 1971 йилги 6-сониди мақолалар билан чиқдим. Бу ҳақда алоҳида рисола ҳам эълон қилинди. Режани опириб бажарганимиз, даромадимиз салмоқли бўлаётганига, тақдирланишимизга қарамай, шахсан ўзимга деярли ҳар йили режадаги маош фондиди ортиқча сарф қилганим учун ҳайфсан беришарди. Чунки ишчилар меҳнат ҳақларининг ҳар бир сўмига йил охирида уч-тўрт сўмдан қўшимча ҳақ олишар, бу анча-мунча суммани ташкил этарди. Бу ҳолат то 1982 йил 20 февралда «Правда» газетасида «Дадиллик истиқболи» мақоласи эълон қилингунича давом этиб келди.

Кейинчалик меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш, пудрат тизими кенг қанот ёйди.

## ҚАЛИН КЎЧАТ АГРОТЕХНИКАСИ

Даставвал қабул қилинган 90x20 схемаси Мирзачўл кўриқ ерлари учун сийраклик қилди. Шунинг учун биз кўчатлар оралигини 90x15x2; 90x10x1; 90x7x1 схемага мослаб тажриба ўтказдик. Тупроқ шароитига қараб, бир текис, ўз намига кўчати тўлиқ унган, текис зич бўлса, очилган пахтани машинада териб олиш қулай. Ерга кам тўкилади.

Агар чигит доналаб уяларга экилса, ҳар уяда биттадан кўчат ўз намига униб чиқса, пахта бир текис очилиб, машинада тоза терилиб, юқори ҳосил олинади.

Менинг шундай фикрга келишим қизиқ бўлган. Чигитни квадрат уялаб экиб, ҳар уяда 4—5 кўчат қолдириб, икки томонлама ишлов берилса, уларнинг томири, шохи бир-бири билан айқашиб кетарди. Шуни кузатиб туриб, болалигим ёдимга тушди. Оилада тўққиз жон эдик. Бир уйда яшаб, бир қозондан, тўғрироғи, бир товоқдан овқат ердик. Ёнғоқ дарахтидан ўйиб ясалган каттагина ёғоч товоғимиз ва ёғочдан ясалган, узун дастали учи ингичка, орқа томони энли бир дона қошигимиз бўларди. Онам атала пишириб, ёғоч товоқни тўлдириб сузиб келиб, қотирма нон билан дастурхон ўртасига қўярди. Ҳаммамиз дастурхон теварагида доира қуриб, тиз чўкиб ўтириб олардик. Икки кўзимиз аталада бўларди. Отам қотирмани майда-майда қилиб тўғраб, ёғоч товоқ теварагида расамади билан териб чиқарди, кейин: «Қани, келинлар, болаларим», деб аввал ўзи қошиқ хўпларди, сўнг қошиқни онам тарафга қўйиб, қошиқ галма-галига айланар, то яна навбат келгунича танглаймиз қотиб, ичимиз таталаб турарди. Энди шароит бутунлай бошқача. Дастурхон атрофида ҳар кимнинг ўз косаси, ўз қошиғи бор...

Шулар эсимга тушиб: «Чигитни ҳам ҳар уяга тўртта-бештадан эмас, биттадан ташлаб, гўзани ҳам ҳар уяда биттадан ўстирсак, ҳар гўзанинг кичкина бўлса ҳам, алоҳида ўз «коса»си бўлса, қандай бўларкин?» — деган фикрга келдим. Бригада бошлиғи Сами Отамуродов билан маслаҳатлашгач, биринчи йили 86 гектар ернинг ҳар 5—7 сантиметрига биттадан чигит экиб, парвариш қилдик. Натижада жуда яхши бўлди. Келгуси йили эса

Раҳимов, Оқмирзаев, Дўсанбоев, Рустамова, Эштоево бригадаларида ғўзани 90x6x1, 90x7x1 схемада парвариш қилдик. Бу бригадаларда ҳосил мўл бўлди.

Шундай қилиб, уч йил барча далаларда 90x6x1 схемада пахта етиштирдик. 10-А совхозига директорлик қилганимда ҳам асосий экин майдонларида юз фоиз 90x6x1 схемада, янги ерларда эса 90x4x1 схемада чигит қададик, шуни унутмаслик керакки, қандай схемада чигит экишни тупроқ шароитига, ернинг кучига ва намлигига қараб ҳал қилиш керак. Масалан, биз механизатор-бригадир Саидкул Шербекоев таклифига кўра бир пайкалнинг ўзига сеялкани 3 марта сошлаб, 3 хил қалинликда чигит эдик, яъни лотокка яқин, сувга қонган, захкашроқ ерга 90x8x1 схемада, пайкал ўртасига келганда, яна сеялка қопқоғини ўзгартириб, кўпроқ, қалинроқ, яъни 90x6x1 схемада, қуруқ ерга келганда 90x4x1 схемада уруғ қададик. Ҳосил кутилганидан ҳам юқори бўлди. Шу тартибни совхозда қатор йиллар қўллаб, яхши натижаларга эришдик.

Ҳолбуки, 10-А совхози Мирзачўлнинг мелиоратив жиҳатдан ноқулай бўлган қисмида жойлашган. Ернинг кўпчилиги қисми паст-баланд, нотекис, тупроқ унумдорлиги паст, механик таркиби жиҳатдан ўртача, қумоқ, оч тусли бўз тупроқдан иборат. Асосий қисми ҳам ўртача даражада шўрланган.

Шунга қарамай, чуқурлиги 50 сантиметрли шўр-гор, пол олиб, шўр ювиш ва кўчат қалинлигини ошириш туфайли хўжаликда пахта ҳосилдорлиги беш йил мобайнида икки баравар ортиб, ялпи ҳосилдорлик ҳам шунга мувофиқ кўпайди. Пахта етиштириш учун қилинадиган харажат икки баравар камайиб, даромад салмоғи уч баравар ортди.

Авалло, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, қалин кўчат технологиясининг алифбоси чигит экишдан бошланади. Чигитни бир чизиқда ҳар 3—4 сантиметрга битталаб аниқ ташлаб экиш лозим. Бир уяда бир неча кўчатнинг ғўж бўлиб тўпланиб қолишга асло йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда чўғига зарар. Иккинчидан, чигитни экиб бўлгандан сўнг кўчат тубидан 14—15 сантиметр ичкарига қочириб, 16—19 сантиметр чуқурликда ҳар гектар ерга 80—100 килограммдан селитра бериш

лозим. Сўнгра шонага кира бошлаган пайтида 16—18 сантиметр чуқурликда ғўза қаторининг икки тарафидан дори берилади. Умуман чигит экилгандан то биринчи сувгача ўз намига 2—3 маротаба яхшилаб кўчатларнинг остини юмшатиб олиш керак. Айниқса, захкаш майдонларда экинларнинг тагини яхшилаб юмшатиб турилса, кўчатлар барқ уриб ривожланади. Учинчидан, қалин кўчат схемасида экилган ғўзаларни суғоришга шошилмаслик керак, чунки қалин кўчатлар кўп сувни ёқтирмайди. Пахтага сув эмас, нам керак.

Биринчи сувни ер шароитига қараб, ғўзалар қийғос гуллаб, баъзи майдонларда эса дастлабки кўсақлар пайдо бўлгандан сўнг бериш мақсадга мувофиқдир. Биз кузда яхоб берилган, намга тўқ майдонларни бир марта, бошқа майдонларни эса, асосан, икки марта суғориб ҳосил олган эдик.

Қалин кўчатларни суғориш бошқа схемадаги ғўзаларни суғоришдан фарқ қилади. Қалин кўчатларни бостириб, суғориш зарарлидир. Кекса деҳқонлар ғўзага сув эмас, нам кераклигини яхши билишади. Қалин кўчатни суғорганда жўякларни нисбатан кенг ва чуқурроқ олиш керак. Шу боис механизаторларимиз чопиқ асбоблари қанотига махсус мосламалар, яъни «қулоқ»лар пайвандлаб, жўяк олишни ихтиро этган эдилар. «Қулоқ»ларнинг вазифаси жуда оддий. Улар эгат олаётган чопиқ асбоби қанотларида кўтарилаётган тупроқни қайтиб яна эгатга ошиб тушишига йўл қўймайди ва тупроқни ғўзалар остига ётқизади. Таги мустаҳкамланади. Бунинг фойдаси, биринчидан, ғўзалар остидаги майда бегона ўтлар кўмилиб қолади, иккинчидан, сув жўяклардан озикланган ғўзаларнинг бўғзига етиб бормаё, тупроқни намлаб, илдизи орқали етиб боради. Бунда ғўза янада эркин ривожланади, ҳосил тез йиғади. Фақат ана шундай мосламалар билан жўяк олишнинг ҳам баъзи нозик томонлари бор. Аввало, барча чопиқ асбоблари мустаҳкамланиб тракторга бир чизиқда, ип тортгандай қилиб тиркалмоғи лозим. Чопиқ асбобларини тиркаш пайтида сал бўлса-да, хатога йўл қўйилса, биринчидан, ғўзаларга шикаст етади, иккинчидан, чопиқ асбоблари қанотига ўрнатилган бу мослама тракторнинг юкини бир оз оғирлаштиради,

юлиб шикаст етказиб кетади. Шунинг учун жўяк олаётган механизатор чопиқ асбоблари ишини доим назорат остига олиб бориши, тишининг сифатига катта эътибор берилиши лозим.

Эсимда, 1976 йили вилоят раҳбарлари совхозимизнинг Абдумалик Пардаев бошлиқ бригадасида олиб борилаётган дала ишлари мисолида юқоридаги мавзуда кўргазмали семинар ўтказган эди. Унда қалин кўчат қатор ораларига қандай жўяк олинishi лозимлиги кўрсатилади, совхозимизда ихтиро этилган янги мосламалар — «Салимқулоқ», «Равшанқулоқ» намойиш этилди. Қўли гул механизаторларимиз томонидан ишланган бу мослама хўжалигимизга катта фойда келтирган эди. Совхозимизнинг деярли барча бригадаларида бегона ўтларни йўқотиш учун қўл кучи ишлатилмасди. Жумабой Раҳмонов, Элмурод Рустамов, Лапас Шойқулов, Тожикул Сайдиқулов, Абдумалик Пардаев бригадаларида эса умуман қўл кучи ишлатилмай, 30—35 центнер ҳосил етиштирилди. Буларнинг бари техникадан фойдаланиш самарасидир. Юқорида қайд этилган тадбирлар муваффақиятли амалга оширилса, ғўзалар ғовлаб кетмай, калта бўғин бўлиб ривожланади.

Умуман, қалин кўчат схемасида ғўзаларнинг бўйи 80—85 сантиметрдан ошириб юборилмаса, айти муддао. Ва ниҳоят, қалин кўчат схемасининг яна бир муҳим талаби шундаки, ғўзаларга бериладиган маҳаллий ва минерал ўғитлар салмоғини оширмақ лозим. Кўчатларнинг кўп бўлиши озиқани ҳам кўпроқ талаб қилади. Ана шу маслаҳатларга амал қилинса, қалин кўчатлардан мўл, арзон, сифатли пахта ҳосили олиш турган гап. Биз ўша йиллари гектарига 200 минггача кўчат қўйиб, юқори ҳосил олган эдик. Бу билан ҳамма жойда шундай иш тутиш керак демоқчимасмиз.

Маълумки, 1965 йилларгача республикада ўртача кўчат қалинлиги бир гектар ер ҳисобига 65—75 минг тупдан ошмасди. Аслида 90 минг, 100 минг, ҳатто 120 минг тупгача кўчат ўстирса бўларди.

Хуллас, демоқчимизки, ўн беш сантиметрми, ё олти-тўрт сантиметр оралиқдами, ҳар туп ниҳолнинг алоҳида ўз уяси, деҳқончасига айтганда, кичкинагина бўлса ҳам, ўз косаси бўлсин. Шунда ғўза яхши ривож-

ланиб, бир текис ўсиб, бир текис пишиб, машина билан териб олишга қулай бўлади. Айниқса, одам кучи кам қўриқ ерларда барпо этилган, тошлоқ ерли хўжаликларда ғўзани шундай ўстириш қўл келади.

Янги ўзлаштирилган қўриқ, тошлоқ ва қумоқ ерларда уруғ ҳар 2—3 сантиметрга биттадан қадалиб, кўчат қалинлиги гектарига 150 мингдан кам бўлмаслиги керак. Буни биз тажрибада синаб кўрганмиз.

Яна бир мисол: Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги «Тараққиёт» совхози 1987—1988 йилларда шу йўсинда иш тутиб, пахта тайёрлаш йиллик режасини 17 кунда асосан терим машиналари ёрдами билан бажарганди.

## **ЭКИННИНГ ҚОН ТОМИРИ**

Пойдевор — иморат асоси. Пойдевор қийшиқ бўлса, иморат хунук, пойдевори омонат иморатнинг умри қисқа бўлади.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш, ундан баракали, доимий ҳосил олиш учун экин экишдан, иморат тиклашдан олдин дренаж қуриш пойдевор солишдек муҳим. Доимий ишлаб турадиган зовур-дренажи тикланмаган қўриқ ерда деҳқончилик қилиш, уруғни сувга оқизиш, меҳнатни кўкка совурмоқ билан баробар. Шулар назарда тутилиб, Мирзачўл қўриқ ерларини ўзлаштиришдан олдин ҳар гектар ер ҳисобига 150 метрдан дренаж қуришни жадаллаштириб, қуриладиган дренажнинг ҳар бир метрига бир сўм пул ажратилган эди. Қурилиш ташкилотлари, дренаж қуриш учун ажратилган ҳамма пулни ўзлаштириб, ҳазм қилиб юбордилар. Лекин, «Мирзачўл қўриқ ерларини ўзлаштириш якунлангани», деб собиқ Иттифоқ съездларида эълон қилинганига қарамай, ҳозир Мирзачўл қўриқ ерларида ташкил қилинган хўжаликларнинг биронтасида ҳам муттасил ишлайдиган дренаж йўқ ҳисоби. Мирзачўл қўриқ ерларида ташкил этилган хўжаликларда бири-бирига ўхшаган камчиликлар, амалга ошмай қолган ишлар талайгина эди.

Келинг, «Средазирсовхозстрой»нинг кўрғазмали тажриба хўжалиги ҳисобланган «Оқ олтин» туманида-

ги ўша вақтдаги 10-А совхозида қурилган дренажлар тақдирига назар солайлик.

Совхоз ташкил қилингандан эътиборан 15 йил мобайнида юқори ҳосилли хўжалик бўлиб келди. Шу давр ичида беш минг гектар ердаги пахтадан 25—30 центнердан кам ҳосил олинмади. Хўжалик давлатга миллионлаб сўм соф фойда берди. Минг бошга яқин қорамол боқилди, 130 гектар боғ яратилди. Бир қаватли уйларда яшовчи совхоз ишчиларининг ҳовлиларига мевали дарахтлар, узум экилди. Совхозда гулзор, хиёбонлар ташкил этилди. Далаларга, бетон ариқлар бўйларига ихота дарахтлари ўтқазилди. Уйларга электр, сув қувири, газ киритилди.

Хуллас, бундай қараганда, халққа тўлиқ шароит яратилганди. Аммо намунали хўжаликка тўғри келмайдиган ҳолат ҳукм суради. Чунончи, дренаж масаласини олиб кўрайлик. Совхозда 126 километр ёпиқ кўндаланг дренаж бўлиб, шунинг 50 фоизидан ортиқроғи ишламасди. Сабаби, дренажни қураётган вақтда масъулиятсизлик билан «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутишган. Сопол қувурлар экскаваторлар билан қазилиб, бўш тупроқ билан кўмилган. Чуқурлиги 5—6 метр, кенлиги 8—10 метрли канал устидан ҳеч бўлмаса, бульдозер ёки тупроқ тамбалагич билан зичлаш у ёқда турсин, бир неча бор илтимоснома хатлар ёзиб, комиссия таклиф қилинишига қарамасдан, сув зовурга чиқиб кетадиган жойлар мустаҳкамланган. Натижада жала суви ёки биринчи экинга қўйилган сув қочиб келиб, бу ерларга тўпланади. Оқибатда биринчи йилнинг ўзидаёқ кўндаланг дренажнинг зовурга сув тушадиган ерида чуқурлиги 5—6 метр, 7—8 метр, узунлиги 15—20 метрлик жар пайдо бўлди. Унда тўпланган лойқа коллекторни ҳам босади. Бундай жар масъулиятсиз сувчи, бригада бошлиқлари учун сув тутиш вақтида ташлама ролини бажариб, уларнинг айбини беркилади, суғориш самарадорлигини пасайтиради.

Имонлироқ совхоз, туман, вилоят раҳбарлари ёки назорат қилувчи орган ходимлари бундай аҳволни кўриб жиғибийрон бўлишди. Ўзларини гуноҳкор сезган ишчилар эса бунинг чорасини кўрадилар: бульдозер ва текислагичлар билан дарҳол етиб келадилару, дренаж-

ларни зовурга сув чиқадиган жойини тупроқ билан гиппа кўмиб ташлайдилар. Натижада қуриган дренажлар олди боғланиб, умуман зах сув чиқмайди. Шундай қилиб, бундай пайкалларнинг дренаж қурилмаган карталардан фарқи қолмайди. Биринчи йилда зах кўтарилиб, ҳосил пасайиб кетади. То мутахассислар келиб, зах сув йўлини очгунларича орадан икки-уч йил ўтиб кетади, ер ишдан чиқади. Чунки совхознинг ўзида дренажни ремонт қилиб, ишга сола оладиган техника йўқ. Ёлгон мукофот хўжакўрсинга кўчма байроқ кетидан қувувчи баъзи кўзбўямачиларнинг худбинларча қилган ишлари олдида булар ҳали ҳолва. Кўпчилик ерларда зовур кавлаб, қувур кўммасдан, яна қайтариб тупроқ билан кўмиб, дренаж қурилди дея акт тузиб, давлат чўнтагига қўл солдилар.

Даъвомнинг асоссиз бўлмаслиги учун бир мисол келтираман. 10-А совхозидан қўшни совхозга сув ўтадиган ЛР-6 канали остидаги ёпиқ дренаж-коллектор умуман уланмасдан канал қуриб юборилган. Натижада уч-тўрт йил ўтгандан кейин совхознинг 2500 гектар, бошқача айтганда, 35 фоиздан ортиқ пахта майдонида зах кўтарилиб, иккинчи марта шўрланиш бошланди. Бу воқеа бутун «Голодностепстрой» тизимида катта шов-шувга сабаб бўлди. Унинг ўша пайтдаги бошлиги раҳбарлигида бир гуруҳ муҳандис-техник келиб жуда кўп техника билан бир-икки ой вагон уйларда яшаб, канал сувини тўхтатиб, ёпиқ дренажни бир-бирига қўшиб чиқишди. Шундан кейингина сув қочирилиб, ўзлаштирилган ерлар аранг сақлаб қолинди. Афсуски, ушбу кўзбўямачилик давлатга кам эмас, кўп эмас 100 минг сўмга тушди. Надоматлар бўлсинки, шу совхознинг ўзида бундан ташқари, яна олти жойда қаллоблик аниқланиб, дренаж қайтадан қурилди.

Совхознинг мевали боғ, узумзор учун мўлжалланган 74 гектар ер майдони ҳам дренаж қурилмай топширилганди.

Марказий посёлкадаги 500 дан зиёд хонадон, 800 ўринли икки қаватли мактаб, болалар боғчаси, магазин, ошхона ва бошқа бинолар тўрт-беш йил ўтар-ўтмас зах тортиб, деворлар ёрила бошлади. Мутахассислар хулосасидан маълум бўлдики, аҳоли истиқомат жойларига дренаж умуман қурилмаган экан.

Аҳволни тузатиш учун совхоз ишчилари учун мўлжалланган истироҳат боғи, гулзорлар ичига экскаватор солиниб, бузиб бир амаллаб тўпланган сув қочирилди. Лекин бу шошилинч чора ҳам совхоз посёлкасининг зах босиш хавфидан тўлиқ қутқазмади.

Дренаж ҳақида иккинчи масала. Уша пайтда дренажни ишлата биладиган мутахассис ишчи-хизматчилар, зарур техника йўқ эди. Совхозга 4—5 тадан ажратилган техник дренаж штатларига одатда бу соҳадан мутлақо йироқ, хўжалик раҳбарининг кўзига ола кўринган кишиларни тайинлаб қўярдилар. Ойлиги ҳам шунга яраша бўларди.

Умуман, чўл совхозларида муҳандис-мелиоратор, муҳандис-ирригатор мутахассислари кам. Ҳеч бўлмаса, техникумни битказган мутахассислар ҳам етишмасди. Етишганда ҳам эътибор камлиги, шароити ноқулайлиги вазидан улар техникумни битиргандан кейин совхозларга келиб, ўз мутахассисликлари бўйича ишламасди. Совхозларга кўчиб келиб, бригада пудратига бошчи, эндиликда фермер бўлиб ишлаётган олий маълумотли, ўрта маълумотли мутахассислар ҳам бор, албатта. Масалан, бизнинг совхозда олий маълумотли мутахассис Равшан Тожиев ўн йилдан ортиқ оилавий пудрат бригадасига бошчилик қилиб, 80 гектар ерда пахта етиштирди. Доимий юқори ҳосил олиб келди. Давлатга арзон, сифатли маҳсулот топширди. Бундайлар оз эмас.

Мирзачўл ҳудудида кескин муаммолардан яна бири — кишиларнинг турмуш шароити. Афсуслар бўлсинки, уй-жой қурилиши талабга жавоб бермасди. Бунинг устига газ йўқ, иссиқлик йўқ...

Хайриятки, уйлар электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Лекин қишда бунинг хатарли жиҳатлари бор. Одамлар уйларини иситиш учун қўлбола асбоблар ясаб олишарди. Натижада электр қуввати етмай, чироклар ўчиб қоларди. Умуман «Голодностепстрой» раҳбарларининг қизиқ одатлари бор эди, то бирон объектни топширгунча, парвона бўлаверардилар, ваъда бераверардилар. Қабул ҳақидаги ҳужжатга қўл қўйдириб олганларидан кейин эса қораларини кўрсатмай кетардилар.

## ПАХТАКОРЛАР КЕНГАШИ

Москва пахтакорлар қурултойи 1958 йил бошида йиғилди. Қурултойга Урта Осиё, Қозоғистон, Кавказ орти пахта экадиган республикаларидан илғор колхоз раислари, совхоз директорлари, туман, вилоят фирқа қўмиталарининг биринчи котиблари, республикалар Комфирқалари Марказқўмларнинг биринчи котиблари, Министрлар Советлари раислари, қишлоқ хўжалик соҳасининг мутахассислари йиғилган эдилар.

Қурултой Кремлдаги Съездлар саройида бўлиб, унинг ишини КПСС Марказқўми президуми аъзолари навбат билан олиб бордилар. Қурултой 5 кун давом этди. Қурултойда ҳамма республикалардан раҳбар ходимлар, академик олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, илғор хўжаликлар вакиллари сўзга чиқиб, Иттифоқда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш истиқболлари ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистондан Марказқўмнинг биринчи котиби А. Ниёзов, Ҳ. Турсунқуловлар сўзладилар. Москвада бўлган пахтакорлар Қурултой кенгашида Ўзбекистон алоҳида нуфузли ўринни эгаллагани билиниб турарди.

Москвада ўтказилган пахтакорлар Қурултойи пахта экадиган республикалар халқига пахта ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш ҳақида мурожаатнома қабул қилди. Ҳукумат номидан қатнашувчиларга совғалар улашилди. Жумладан, менга берилган совға ичида ўша вақтда ноёб бўлган бир костюмлик кўк ранг бастон ҳам бор эди. Уни тиктириб, узоқ йиллар тантанали йиғилишларга борганимда кийиб юрдим.

1958 йилнинг охирида Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси бўлди. Республикамиздаги атоқли адабиёт ва санъат арбоблари шу анжуманда иштирок этиш учун чақирилдилар. Улар орасидан менинг хотирамда муҳрланиб қолган бир санъаткорни алоҳида эсламоқчиман. У севимли санъаткор Пискентда камолга етган Фахриддин Умаров бўлади. Ҳақиқатан ҳам Фахриддин Умаров бетакрор овози, жозибадор сози билан ўша пайтлардаёқ халқимизнинг севимли ҳофизига айланиб улгурганди.

## БАЪЗИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Маълумки, 1955 йил Иттифоқ ҳукуматининг қарори билан Сирдарёни бўғиб, Қайроққум сув омборини қуришга киришилди. Шу сабабли Ленинобод вилоятининг бир неча колхозларининг ерлари сув остида қолди. Шу вақтда Мирзачўл ерларини ёппасига ўзлаштириш масаласи кўрилаётган эди. Қайроққум сув омборининг қурилишидан асосий мақсад ҳам Мирзачўл ерларини мунтазам равишда сув билан таъминлаш эди.

Шундан буён ҳам 45 йилдан зиёд вақт ўтибди. Эндиликда Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам Аллоҳнинг марҳамати, инояти билан Мустақилликка эришди. Энди марказнинг тазйиқидан қутилдик, халқларимиз ўртасидаги минг-минг йиллардан буён давом этиб келаётган дўстлик, биродарлик янада кучаяди, борди-келдимиз, олди-беримиз янада ривожланади, деган ниятдамиз.

Лекин, ҳаммага маълум, Тожикистон мустақил бўлибди-ки, у ерда тўс-тўполон, келишмовчиликлар давом этиб келаётир. Туғилиб ўсган қишлоғим ёнидаги Пучуғой қишлоғининг оқсоқоли Йўлдошбой Эрбековни дафн қилиш маросимига борсам,— деди. «Энди қишлоққа қандай борамиз?» — десам, «Зомин тумани орқали борасиз», — дейди. Янги йўл орқали 150 километр экан, эски йўл эса 35 километр эди, холос. «Бу қандай бўлди?» — десам, «Бошқа иложи йўқ», — деб жавоб қайтаришди. 35 километр ўрнига 150 километр йўл босиб келдик.

Халқ иккала томонда ҳам қийналибди. Ўратепа қадимий катта шаҳар. 360 та қишлоғи бор, ҳаммаси адиртоғ орасига жойлашган. Ўзбек ва тожик халқлари икки тилда гаплашса ҳам, лекин дили, урф-одатлари жуда ҳам яқин, тандош, қондош халқ. Қиз олиб, қиз бериб келишган.

Менинг марҳума аёлим Фотимахон Ўратепадан эди. 70 ёшида вафот этди. Ундан 5 ўғил ва бир қиз ёдгор бўлиб қолди. 50 дан ортиқ невара-чеварам бор. Унинг авлодлари Ўратепада. Фарзандларим она авлодиникига бориб келолмаса ёки аёлимнинг авлодлари бизларни-кига келолмаса, қандай ҳаёт бўлади...

Икки республика миқёсида бу муаммони ҳал этиш вақти етди, деб ўйлайман.

Наввий театри биносида 1955 йил 20 декабрда пахта етиштирувчи республикалар иштирокида қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгаши йиғилди.

Мажлисни Ўзбекистон Олий Советининг Президиуми раиси Шароф Рашидов очди. Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси Нуриддин Муҳиддинов маъруза қилди. Музокарада илғорлар, республика раҳбарлари қатнашди. Шундан сўнг КПСС Марказқўмининг биринчи котиби Н. С. Хрушчев узундан-уzun нутқ сўзлади.

Шу кенгаш якунида Ш. Рашидов таклифи билан Н. Муҳиддинов, А. Ниёзов ўрнига Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби қилиб сайланди.

Ўтмишда содир бўлган барча воқеа-ҳодисалар, — ижобийси ҳам, салбийси ҳам, — ўз тарихимиз, аждодларимиз хотирасидир. Шу боис тарихнинг халқ учун энг оғир, шу билан бирга энг азиз бўлган саҳифалари асло унутилмагай.

II

**ҶАРИШТАЛИ ОДАМ ЭДИ**

Ҳаётда кишиларнинг тақдири ҳар хил бўлади. Ўз келажаги қандай бўлишини ҳеч ким билмайди. Ҳатто ҳеч ким қачон ўлишини билмайди. Лекин барибир охири бир куни дунёдан ўтади. Дунё — бевафо, деганларининг сабаби ҳам шу бўлса керак. Лекин бировлар бор, ўзларидан яхши ном қолдириб дунёдан ўтадилар, бировлар бор ёмон ном қолдириб кетадилар. Бу иккала тоифани ҳам халқ бот-бот эслайди. Айниқса, яхшиларни кишилар кўпроқ эъзозлаб, эслаб гапирадилар. Дунёда хато қилмаган кишининг ўзи йўқ. Ҳар қандай улуғ кишилар ҳам умри давомида бирор хатоликка йўл қўйганлар. Айбсиз фақат Аллоҳ таолонинг ўзи, дейдилар-ку! Лекин кўпчиликнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлиб, улуғ ишларни қилиб ўтган кишилар бу дунёда озчиликни ташкил қилади...

Халқимизнинг бир нақли бор: «Бир обрўда халққа етакчи раҳбар бўладиган одамнинг онаси бир асрда битта туғади». Бундай кишилар худо берган фаҳм-фаросат, истеъдод, улуғ инсоний фазилатлар соҳиби бўлиб, ўзларининг шахсий ҳаётларини ўйламасдан, фақат эл-юртни ўйлаб, ўз куч-қудратини, билимини, ҳаётини халққа бағишлайдилар. Шу билан бундай кишилар тириклик чоғларидаёқ ўзларига ўзлари ҳайкал қўйганларини ҳам билмай қоладилар.

Шундай улуғ кишилардан бири Шароф Рашидов эди. Шароф Рашидов 1917 йилнинг ноябрида Жиззахда деҳқон оиласида туғилди.

1941 йилда Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. У университет комсомол қўмитасининг котиби ва бир вақтнинг ўзида Самарқандда чиқадиган «Ленин йўли» газетасида масъул вазифаларда ишлади. 1941 йили уруш бошланганда армияга олиниб, 1942 йилда яра-

дор бўлиб урушдан қайтади. У кишининг умр йўлдоши Хурсаной Ғофурова бир умрлик садоқатли дўсти ва ҳамроҳи бўлиб қолади.

Шароф Рашидов 1943 йили Самарқандда чиқадиган «Ленин йўли» газетасига бош муҳаррир этиб тайинланган.

Мен Шароф Рашидов билан бирга республикамизда қарийиб 35 йил ишладим. 1942 йилда Волхов фронтида бирга жанг қилганимиз кейинчалик маълум бўлди. У кишининг даврида бир катта мартабага эга бўлганим йўқ, бирор нарсадан манфаатдор ҳам бўлмаганман, бу ҳақда ўй-хаёлим ҳам бўлмаган, аксинча, мен у кишига қадар Пискент тумани фирқа қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлардим. Бу киши даврида вазифамдан олиниб, Ўрта Чирчиқ туманидаги колхозга раис этиб тайинландим. Мен хафа бўлганим йўқ. Ўзбекистон Олий Советининг депутати эдим. Рашидов даврида бирор нишон-унвон ҳам олганим йўқ. Орденомдаларни Рашидовгача олганман. Мирзачўлдаги совхозларда 23 йилдан ортиқроқ раҳбар бўлиб ишладим. Бу давлат хўжаликларининг эришган ютуқларини, бутун республика халқи эшитган. Ўша давр удуми бўйича ҳар йили режани бажариб, машина теримида намуна кўрсатганларга энг олий мукофотлар бериларди. Мен пахта теримига талабаларни жалб қилмай, ҳатто ўзимизнинг мактаб ўқувчиларимизни ҳам пахтазорга чиқармай, машина терими билан режани 12 иш кунинда бажариб, ҳар гектар ердан 34 центнердан, жами 16 минг тонна пахта топширганимда ҳам ҳеч қандай мукофот таъма қилмаганман. Меҳнат Қаҳрамони бўлсан, деб 13 йил лақиллатиб юрганларидан ҳам нолиганим йўқ. 1976 йили бир фарзгўйнинг туҳмати билан хўжаликда 10 тафтишчи ва 10 терговчи юборишиб, ҳамма идораларни 126 кун муҳрлаб, тафтиш-тергов қилдиришганда ҳам парво қилганим йўқ. «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич», — деб бежиз айтишмаган. Бу гапларни ёзишимдан мақсад ўқувчи билсинки, биз Шароф ака билан фақат умумиши бўйича таниш ва яқин эдик. Айниқса, умрининг сўнгги йилларида ўзаро яхши муносабатда бўлганмиз. Шунинг учун ҳам мен Ш. Рашидов ҳақида ўзим кўрган-билганларимни баҳоли қудрат қаламга олмоқчиман.

## БОЁВУТДАГИ УЧРАШУВ

Мен илк бор 1950 йилнинг кузида Боёвут зонаси-ни ўзлаштиришда Шароф Рашидов билан яқиндан та-нишган эдим. У киши ўшанда Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси ва Комфирқа Марказқўми-танинг аъзоси сифатида Ховос (Боёвут) туманига ке-либ уч кун юрган эдилар. Мен ўша вақтда Ховос тумани ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлардим. Ту-ман фирқа қўмитасининг котиби Нурбой Маматқулов Рашидовни олиб юришни менга топшириб қўйди. Биз уч кун бирга далаларни отда айландик, бизнинг уйда истиқомат қилдик. Чунки у даврларда ҳам тунаш учун тузукроқ жой бўлмас эди, янги ерларда (Боёвут зонасида) одамлар ҳали ертўлаларда яшардилар. Шу сабаб-ли келган ҳар қандай меҳмонни ўз уйимизда қабул қилар эдик. Пахта терими мавсуми бўлгани учун биз Рашидов билан уч кунни ҳам ҳозирги Боёвут воҳасида отда юриб ўтказдик.

Шароф Рашидов кенг яғринли, новча, қўллари ҳам узун, қорамағиздан келган, юзидан нур ёғилиб тура-диган инсон эди. Одамлар билан суҳбатлашганда, улар-ни елкасига узун қўлларини ташлаб, бағрига тортиб, меҳрибонлик билан худди ўз яқинлари билан гаплаш-гандек гаплашар эди.

Боёвутнинг янги ерларида энди иккинчи йили пахта экилаётган эди. Биз котловангача «Победа» маши-насида дала йўлидан бордик. Ундан нарига машина юрадиган йўл йўқ эди. Тумандаги колхозларнинг раис-лари Атавулло Қурбонов ва Жўра полвон Йўлдошев-дан от сўраб олиб, эртадан кечгача далаларни отда айландик. Шу уч кун бирга юрган вақтимда мен Ша-роф Рашидовга зеҳн солиб юрдим. У киши жуда мада-ниятли, инсонларга ғамхўр, ёшларга меҳрибон, айти пайтда ўта доно, зийрак, ишбилармон, қатъиятли киши экан. Қайси колхоз даласига бормайлик, мендан олдин отдан ирғиб тушиб, меҳнат қилаётган ишчилар билан самимий кўришарди. Улардан ҳол-аҳвол сўраб, шаро-итдан нолиган одамларга: «Ҳали яхши кунлар кела-ди», — деб самимий далда бериб, руҳлантирарди. Да-ладаги бола боғчаларида бўлиб, беланчақларга боғлаб

қўйилган болаларга меҳрибонлик изҳор қиларди. Ўша йилларда оила билан ертўлада яшаб, кунига 600 грамм нон олиб, кечаю кундуз янги ерлар очиб яшайдиган одамларнинг оғир аҳволини кўриб Шароф ака чин дилдан ачиниб, куйинарди. Илож қанча?

Кетар чоғида у киши менга битта кичкина қоғоз узатди. Уқиб кўрсам, хизмат сафари қоғози экан. Дарҳол котибга тасдиқлатиб, қайтариб бердим. Шунда билдим, ўша вақтда 33 ёшлардаги раҳбаримизнинг давлат ишига муносабатини. Ҳақиқатан ҳам у ўзининг одамийлиги, инсонпарварлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Тошкентга қайтиб боргандан кейин Шароф Рашидов Ховос туманини янги очилган ерларига тош йўллар, янги кўчиб келган оилалар учун уйлар қуриш, электрлаштириш, Боёвутда янги боғлар яратиш ишига масъул қилиб Ризамат ота Мусамуҳамедовни юбориб, Юсуф ота Хожибеков раислик қиладиган колхозда катта боғ яратишда ташаббускорлик қилди. Шредер номли институт раҳбари М. Мирзаев ҳам 100 гектарли боғ яратилишига ёрдам қилди.

## **ВАКИЛЛИК ДАРДИСАРИ**

Шўролар тузумининг беъмани расмиятчиликлари жуда кўп эди, қуйида шулардан бири ҳақида икки оғиз сўз.

У пайтлар республика, вилоят ва туманлардан энг масъул кишилардан тортиб то ижтимоий таъминот, маиший хизмат, савдо ташкилотларининг ходимларигача колхоз, совхоз, туманларга вилоят фирқа кўмитасининг вакили сифатида юборилиб, 2—3 ойлаб бирор хўжаликка боғлаб қўйилар эди. Улар пахта, чорва ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларига раҳбарлар қатори жавобгар деб ҳисобланар эдилар. Гарчи бу вакиллар қишлоқ хўжалик соҳасидан мутлақо хабарсиз бўлишса-да, хўжалик ишларига аралашиб, аксарият ҳолларда ишни бузиб, хўжаликка катта зарар келтирар эдилар. Бу хўжалик раҳбарларининг гашига тегар эди. Уларни қишлоқда пичинг қилиб «текинтомоқлар» деб аташар эди. Ўз навбатида вакил сифатида «боғланган»

бечоралар ҳам ноилож эдилар. Чунки юқори фирқа ташкилотларидан сўроқсиз уларнинг бир соат ҳам жи-лишига ҳақлари йўқ эди. Мабодо сўроқсиз уйига бор-ганларини билиб қолишса, нақ асфаласофилинга ке-тар даражада жазоланар эдилар. Шу сабабли туманлар-га, колхоз, совхозларга «боғланган» вакил катта-катта байрамлару тантаналар пайтида ҳам «боғланган» жо-йида тунаб қолар эди.

Вакилларни, комиссия аъзоларини биз — хўжалик раҳбарлари тақсимлаб уйларимизга олиб бориб меҳ-мон қилардик, улар тунаб ҳам қолишарди. Ёдимда, туманга борганда жой бўлмагани сабабли бизнинг уйда нафақат вилоят, балки республика мартабали раҳбар ходимлари ҳам тунаб кетишарди. Бу ҳол фақат менинг уйимдагина рўй бермасди, балки ҳамма хўжалик, ту-ман раҳбарлари уйларида ҳам аҳвол шундай эди. Ўз навбатида мен ҳам колхоз-совхозларга вакил этиб та-йинланган пайтимда фақат раҳбарларнинг уйида тунаб қолардим. Масалан, Ховосда туман ижроқўмининг ра-иси бўлиб ишлаган чоғимда, гарчи остимда енгил ма-шина бўлса-да, қарорни бузиш мумкин бўлганидан (қолаверса, виждоним ҳам бунга йўл қўймасди, тар-бия шунақа эди) кўпинча Боёвут туманидаги колхоз-нинг раиси, ажойиб инсон Жўра полвон Йўлдошев-нинг бир ертўладан иборат «уйи»га кириб бориб меҳ-мон бўлиб, тунаб, эрталаб яна ишга кетардим. Бир хоналик ертўлада менга бешикнинг орқасига жой со-либ, хонадон соҳибларининг ўзлари — 9 жон, йўлакка яқин томонда ётардилар...

## **ЎША ДАВРНИНГ МУҲИТИ**

Шароф Рашидов Жиззахда бир зукко ўзбек деҳқо-нининг оиласида таваллуд топган. Ўтган ҳар бир улук инсоннинг ҳаёти билан қизиқиш халқимизга хос бўлган азалий хусусиятлардандир. Шароф Рашидов каби буюк инсонлар, аввало, туғма қобилиятга эга бўладилар. У киши туғма истеъдод соҳиби бўлганлар. Шароф Раши-дов билан Самарқанд университетида бир гуруҳда ўқиган, узоқ йиллар Ленинобод вилояти Ўратепа ша-

ҳар фирқа қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган, шоир Тожи Жумаев менга шундай ҳикоя қилиб бергандилар: «Биз 1930-йилларда, Самарқанд дорилфунунда бирга ўқиган пайтларимизда ҳам Шароф Рашидов ўзининг ақл-идроки, ишчанлиги ва ташкилотчилиги билан ҳамма талабалардан ажралиб турарди. У дорилфунунда комсомол ташкилотининг котиби бўлиб ишларди, ниҳоятда ишчан, кўп тadbирларга бош-қoш эди». Лекин ҳар қандай қобилиятли инсоннинг ҳам тарбиячиси, уни муайян маънода бошқариб турувчи устози бўлади...

1953 йил бошида мен замонанинг зайли билан Ховос туманидан Пискент тумани ижроия қўмитасига раис бўлиб ўтганимда, Носир Маҳмудович Маҳмудовни туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби қилиб тайинладилар. Биз Носир Маҳмудович билан Пискентда бир йил биргаликда жуда иноқ ишладик. Якшанба кунлари дам олгани Тошкентнинг эски шаҳарига борар эдик ёки вилоят мажлисидан чиққан кунларимда Носир Маҳмудович менга: «Худоёр Латипович, юринг, Шароф Рашидовични кўриб келамиз», деб мени Ш. Рашидовнинг ҳузурига олиб кирардилар. Ўша вақтда Ш. Рашидов Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси бўлиб ишларди. Биз унинг иш кабинетига кирган заҳотимиз, у киши зўр эҳтиром ва илтифот кўрсатарди. Ш. Рашидов Н. Маҳмудовни ниҳоятда ҳурмат қилишини мен ўшанда кўрганман. Икковлари узоқ гаплашарди, мен тинглаб, жим ўтирар, улар ўртасидаги самимий дўстлик ва меҳрибонликка ҳавас қилардим. Менга ҳам шундай ҳурмат ва илтифот кўрсатилаётганидан қувонардим. Ш. Рашидов қабулига неча марта кирган бўлсак, ҳаммаша у киши бизни чой билан сийламасдан чиқармас эдилар. Кетар чоғимизда то машинагача шахсан ўзлари қузатиб қўярдилар.

Йўлда бир гал мен: «Носир ака, сизни Шароф Рашидович жуда ҳурмат қилардилар, бунинг сабаби нимада?» — деб сўраганимда, Н. Маҳмудов менга қуйидагиларни гапириб берган эдилар: «Мен бир пайтлар Самарқанд вилояти фирқа қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлардим. Жиззахдаги «Москва» колхо-

зи жуда хароб аҳволга тушиб қолди. Бир неча марта колхоз раисини ўзгартирсак-да, аҳвол ўзгармади. Кейин ўзим келиб, мазкур хўжаликдаги барча аъзоларни йиғдим. «Жамоага кимни раис қиламиз», деб улардан сўраганимда ҳаммалари бир овоздан Ҳамроқул Носировни раисликка тавсия қилишди. «Ҳамроқул Носиров деганларингиз ким, у киши қани», десам у киши мажлисда йўқ экан. Ҳ. Носиров ферма мудирини бўлиб ишлаганлиги учун тоққа қўйлардан хабар олишга чиқиб кетган экан. Одам юбориб, топтириб келдик. У киши билан обдон суҳбатлашиб, Ҳамроқул Носировни ушбу хўжаликка раис қилиб сайладик.

Яна бошқа сафар келганимда машинага раисни миндириб, далада, галла хирмонининг яқинида тўхтадик. У ерда деҳқонлар от, хўкиз қўшилган «хўп» билан бугдой янчаётган эканлар. Саломлашиб ҳол-аҳвол сўрашдик. Шунда нигоҳим хирмон ёнида турган, эғнида погонлари олинган жигарранг ҳарбий либос кийган, бошида шапка, новчагина хипча йигитчага кўзим тушди. Унинг қўлида оддий мактаб боласининг дафтар ва қалами бор эди. У кейин билсам, қолақ колхозни донгдор хўжаликка айлантирган тadbиркор раҳбар, одамохун инсон Ҳамроқул Носировнинг жияни — Шароф Рашидов экан. Ш. Рашидов кўринишидан истарали, эс-ҳушлилиги яққол сезилиб турарди, одамни ўзига оҳанрабодай тортиб турарди. У билан анча суҳбатлашдим, ундан ҳол-аҳвол сўрадим. У менга ўз фаолияти ҳақида гапириб берди. Ш. Рашидов менга яқинда урушда ярадор бўлиб келиб, газеталарга мақола ёзиб, мухбирлик қилиб юрганлигини айтди. Урушга кетишидан олдин Самарқанд вилояти газетасида масъул хизматларда ишлагани ҳақида ҳам сўзлаб берди. Ҳозиргача ишга киргани йўқ экан, шу кун мен уни машинага ўтқазиб, Самарқандга олиб келиб, вилоят газетасига ишга жойлаштириб қўйдим. Кейинроқ шу газетага бош муҳаррир, бир оз фурсат ўтиб, Самарқанд вилояти фирқа кўмитасига кадрлар бўйича котиб этиб тайинладик. Кунлардан бир кун Ўзбекистон Комфирқаси Марказкўмнинг биринчи котиби Усмон Юсупов менга: «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир керак», деб қолдилар. Мен уларга: «Бизда кадрлар бўйича вилоят фир-

қа қўмитасининг котиби бўлиб ишлайдиган ўткир журналист Шароф Рашидов бор», дедим. Усмон ака: «У кишини тезда ҳузуримга юборинг», дедилар, мен у кишининг илтимосини бажардим.

Кейинроқ республика Комфирқаси Марказқўми пленумида Шароф Рашидов номзодини Ўзбекистон Республикасининг Олий Совети Президиуми Раислигига тавсия этиш ҳам менга насиб этди. Қисқаси, Шароф Рашидов ғоят ақлли, камтар, инсонпарвар, ҳалол, адолатли ва ишчан йигит, шунинг учун ҳам у ҳар қандай олий мартабага лойиқ инсон», деганди Носир Маҳмудович ўшанда.

## **ШАРОФ РАШИДОВНИНГ РЕСПУБЛИКА РАҲБАРЛИГГА САЙЛАНИШИ ҲАҚИДА**

Ёзувчи Комил Икромовнинг 1987 йил 10 июлда «Литературная газета»да эълон қилинган мақоласида, Шароф Рашидов битта ортиқ овоз билан, ўзига ўзи овоз бериши натижасида, Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби этиб сайланган эди, деб ёзгани мутлақо нотўғри. Шароф Рашидовни бу юксак лавозимга Марказқўм бюро аъзолари ва Марказқўм пленуми аъзолари кўтаринки руҳда бир овоздан сайлагандилар.

Келинг, яхшиси, тарихий ҳужжатлар асосида бу воқеаларнинг тафсилотига бир назар ташлайлик.

КПСС Марказқўмининг кўрсатмаси билан 1959 йил 12—14 март кунлари Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум 3 кун давом этиб, Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби С. Камолов даврида йўл қўйилган хатокамчиликларни жўшқин муҳокама қилди. 14 март куни эрталабки мажлисда эса С. Камолов ўз вазифасидан бўшатилади. Ўшанда бюрода Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмига янги биринчи котибни сайлаш масаласи муҳокама қилинди. Бюро мажлисига Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг иккинчи котиби Р. Мельников раислик қилди. Биринчи бўлиб Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг котиби З. Раҳимбобоева сўзга

чикди. У: «Мен биринчи котиблик вазифасига Шароф Рашидов номзодларини таклиф қилсак, деган фикр-даман», — деди. Раҳимбобоеванинг бу фикрини М. Абдураззоқов, Г. Габрильянцлар ҳам қувватлашди. Улардан сўнг Тошкент вилоят фирқа қўмитасининг котиби С. Нуриддинов сўзга чиқиб: «Шароф Рашидов номзоди жуда ҳам маъқул», — деди. Министрлар Советининг Раиси М. Аҳмедов ҳам: «Шароф Рашидов номзоди жуда арзийди», — деди. Бироқ Министрлар Советининг раиси муовини Муҳаммаджонов: «Шароф Рашидов ҳақиқатдан ҳам арзийдиган номзод, лекин унинг соғлиғи бақувват эмас. Мен биринчи котибликка Ориф Алимов номзодини таклиф қиламан», — деган фикрни билдиради.

Министрлар Совети Раисининг биринчи муовини Р. Фуломов: «Шароф Рашидовни ўтқир ёзувчи, фақат унинг соғлиғи мазаси йўқ, ўйлайманки, ўртоқ Алимов номзоди шу ишга лойиқ номзод. У киши ишчан, соғлом. Бу борада Рашидов ўз фикрини айтиб, ишимизни енгиллатса», — деди.

Шундан сўнг Комфирқа Мирзақўми бюроси аъзоси Ш. Рашидов сўз олиб: «Мен ўртоқ Алимовга овоз бераман. Бироқ шуни айтишим керакки, менинг соғлиғим ҳақидаги гаплар мутлақо нотўғри, саломатлигим ҳозир жуда яхши. Бошқа бюро аъзолари қаторида ишлаётирман. Яқинда Трускавецга бориб даволаниб келдим. Соғлиғимдан шикоят қилмайман», — деди.

Р. Мельников: «Ўртоқлар муҳокамани тўхтатамиз, ҳар иккала номзод ҳам текширилган, ишчан, арзийдиган одамлар. Келинглар, Ш. Рашидов номзодини бир овоздан маъқуллаб пленумга олиб чиқайлик», — деди. Пленум Шароф Рашидовни Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби этиб сайлаш ҳақидаги таклифни бир овоздан маъқуллади.

Ш. Рашидов Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиблигига сайлангандан сўнг ишни усталик ва осойишталик билан бошлади. У пайт Москванинг иштаҳаси ниҳоятда очилиб, республика маҳсулотларига нисбатан талаб жуда ошиб кетган эди. 4 миллион тоннага яқинлашиб қолган пахта тайёрлашни 5 миллионга, ундан сўнг 6 миллион тоннага

етказиш кераклиги режалаштирилганди. Шу билан бир қаторда, Н. Хрущёв маккажўхори, шоли, пилла етиштиришни ҳам кескин кўпайтиришни, Мирзачўлни, Қарши чўлларини ўзлаштириб, суғориладиган экин майдонини кенгайтиришни қаттиқ талаб қиларди.

Айни чоғда республиканинг ичида ҳам айрим мансабпарастлар ҳар хил бўлмағур гапларни тарқатишиб, низолар келтириб чиқаришга уринишлари сабабли аҳвол анча оғир эди.

Шундай оғир шароитда ҳам Ш. Рашидов ўзининг туғма қобилияти, ақл-идроки, маданий савияси, ишчанлигини кўрсатди. У ҳамма қийинчиликларни усталик билан бартараф қилиб, республика олдига қўйилган вазифаларни уддабуронлик билан адо этиб, ўз халқини Ўзбекистон раҳбарияти атрофида жипслаштиришга эришди. Маълумки, Ш. Рашидов биринчи кетиб бўлиб ишлаган вақт ҳамма нарсани, ҳар қандай майда-чўйдани Москва тақсим қилар эди, иттифоқчи республикалар ҳуқуқсиз эди. Шундай шароитда ҳам Шароф Рашидов Москвадаги барча ҳукмдор шахсларга таъсир қилувчи йўлларни топиб, муомала қилиб, республикада улкан ишларни амалга оширди.

Н. Хрущёв Краснодар шаҳрида сўзлаган нутқида Ўзбекистонни асоссиз қаттиқ танқид қилгани ҳануз кечагидай ёдимда. Унинг маърузаси бўйича Ўзбекистон пахта режасини камайтирмасдан, 700 минг гектар ерга шоли, 600 минг гектар ерга маккажўхори экиши керак эди. Унинг фикрича, Ўзбекистонда яна 400 минг гектар шартли суғориладиган фойдаланмай ётган ер бор экан. Бу нутқ ҳақиқатан ҳам мутлақо асоссиз бўлиб, республикага очиқдан-очиқ бўҳтон эди. Шунда ҳам Шароф Рашидов босиқлик ва уддабуронлик билан Хрущёвга жавоб қилиб, 312 минг гектар ерга шоли экса бўлади, 600 минг гектар ерга макка эка олмаймиз, унда пахта камайиб кетади, деб ётиғи билан тушунтирган эди.

Иқтисодий масалада муаммолар кўп эди. 1946 йилда республика 1 миллион тонна пахта учун курашган бўлса, 1964 йилда 3 миллион 670 минг тонна пахта берди. 1980 йилларга келиб бу кўрсаткич 6 миллион тоннадан ҳам ошиб кетди. Ана ўшандан бошлаб Моск-

ванинг зўравонлиги туфайли пахтадек тоза нарсага нисбатан хиёнат йўлига ўтилди. «Кўшиб ёзиш» ибораси пайдо бўлди. Дарвоқе, кўшиб ёзиш масаласида 1974 йиллардан бошлаб иттифоқ бўйича шундай «касаллик» пайдо бўлди. Шунга қарамай, ҳамма хўжаликлар, туманлар раҳбарлари ёппасига бундай ифлос иш билан шуғулланганлари йўқ. Мен Рашидов билан шунча суҳбатлашиб, бирор марта бу масалада менга шама қилганини билмайман. Аслида, кўшиб ёзиш айрим мансабпараст, шуҳратпарастлар иши эди. Тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, қанча уста пахтакор бўлмасин, бир гектар ердан 40—45 центнердан ортиқ ҳосил олиш жуда қийин. Битта пахта териш машинаси бир мавсумда 150—200 тоннадан кўп пахта теролмайди. Ростини айтганда, ўша йилларда кенг тарқалган бир гектар ердан 100 центнер ҳосил берувчилар, бир машинада 1000—1500 тонна пахта терувчилар ҳаммаси шўролар даврининг ёлғон ташвиқотидан бошқа нарса эмас эди.

Ваҳоланки, кўшиб ёзмасдан ҳам Ўзбекистонимиз ерларидан баракали ҳосил олса бўлади. Мен турли сабаблар билан Европанинг қатор давлатларида, шунингдек, Куба, Арабистонда бўлганимда, уларнинг ерларига зеҳн солдим. Бизнинг еримиз серунум, қуёшимиздай ёқимли, сувимиздай хосиятли сув, биздагидай иқлимга эга жойларини кўрмадим. Бизнинг юртимиздай жаннатмакон юрт жаҳонда йўқ. Тўғри, табиати чиройли ерлар кўп, бироқ мевасининг, ҳосилининг таъми, ширинлиги, ернинг серунумлиги борасида Ўзбекистонга тенг келадиганини учратмадим. Фақат биз тўғри, ҳалол ва адолатли ишласак бас, ернинг ўзи бизни тўйдиради.

## **МАРД ЖАНГИИ, МОҲИР РАҲБАР — БЕШАҒҚАТ ТУҲМАТНИНГ ҚУРБОНИ**

Шўролар замонида халқимизнинг не-не доно йигитлари бешағқат туҳматнинг қурбони бўлиб, ҳаётдан кўз юммади дейсиз. Шундайлардан бири Сирож Нуриддиновдир. У 1941—1945 йилларда фашизмга қарши урушда катта жонбозлик кўрсатди, мард ва жасурли-

гини намоёиш этди. Ватанни ҳимоя қилди. Ўшанда ҳамма республикаларда миллий гвардиячи дивизиялар тузилди. «Ҳамма нарса фронт учун» деган шиор ҳар бир инсоннинг қалб амрига айланди. Ўзбекистонда ҳам 1942 йилда ўзбек дивизияси тузилди. Бу дивизияга халқимизнинг энг мард йигитлари сафарбар қилинди. Ўзбек дивизиясига «Урушда жасур аجدодларимиз руҳлари сизларга мадаккор бўлсин, дея оқ фотиҳа берилди. Ўша вақтда Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби, Ўзбекистоннинг ҳақиқий жасур фарзанди Усмон Юсупов ўзбек дивизиясининг бошлиғи қилиб тайинланди.

Дивизия ҳарбий комиссарлигига ўша вақтда масъулиятли ишларда синалган, ақлли, абжир, жасур йигитларимиздан Сирож Нуриддинов тайинланди. Ўзбек дивизияси қисқа тайёргарлик машқидан сўнг жанг майдонига жўнатилди. Тиш-тирноғигача қуроланган, 1941—1942 йилларда деярли Европани босиб олган гитлерчи фашистлар галасига қарши ўзбек йигитлари қаҳрамонона жанг қилдилар. 1942 йил охирида Сталинград остоналарида бўлган жангда (мен ўзим ҳам шу фронтда иштирок этганман) ўзбек йигитлари ҳам рус ва бошқа миллатлар қатори қаҳрамонларча жанг қилдилар. Немис-фашист армиясининг асосий кучлари Сталинград остонасида мажақлаб ташланди, немис-фашист 6-армияси қўмондони фельдмаршал Ф. Паулюс армия-си билан таслим бўлди. Фашистлар шундан кейин ўзларини тиклай олмай, орқага қоча бошлади.

Алалоқибат 1945 йил 9 майда Рейхстагга галаба байроғи ўрнатилди.

Ўзбек дивизиясининг сиёсий комиссари бўлиб кетган ўзбекнинг жасур йигити Сирож Нуриддиновнинг ҳаёти қутилмаганда фожиали бўлиб чиқди. Сирож Нуриддинов урушдан 1944 йили ногирон бўлиб қайтиб, Тошкентдаги уйига кирди. Ёшликда Тоҳир-Зухрадек бир-бирларини севиб турмуш қурган умр йўлдоши Хайрихон қирғин барот урушдан саломат қайтиб келган эри Сирож Нуриддиновни хушрўй кутиб олиш ўрнига, безовта бўлиб қолди. Севимли қизлари Лола ва Донолар ҳам отани бағрини очиб, кутиб олиш ўрнига, отага кўринмай қочиб кетдилар. Ақлли, сезгир Си-

роҳ Нуриддинов лол-ҳайрон қолди. Кейин маълум бўлишича, Нуриддинов фронтда қон кечиб юрган вақтида Хайрихон вафосизлик қилиб бошқа кишига турмушга чиққан экан. Кўнгилсиз воқеадан ҳайратга тушган мард йигит иккиланиб ўтирмасдан, Ўзбекистон Комфир-қаси Марказқўмининг биринчи котиби Усмон Юсупов ҳузурига кириб, бўлган воқеани сўзлаб берди. Ўзбекистоннинг отахони деб ном олган Усмон ота шу ерда яна бир оталигини кўрсатди. У ўтган воқеадан қаттиқ афсусланди ва Сирож Нуриддиновни юпатди: «Ўғлим, хафа бўлманг. Ҳозирги кунда аёллар кўп. Мана, Тошкент вилояти комсомол кўмитасининг биринчи котибаси Ёдгорхон Насриддинова — пок, ишчан, мард қиз. Сизга шу қиз жуда муносиб, гаплашинг. Ўзингизга эса иш берамиз», — деб юпатиб чиқариб юборди. Орадан кўп вақт ўтмай Сирож Нуриддинов билан Ёдгорхон Насриддиноваларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Сирож Нуриддинов Тошкент вилояти фирқа кўмитасининг биринчи котиби сифатида узоқ йиллар ишлади. 1956—1958 йилларда Сирож Нуриддинов Тошкент вилояти фирқа кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаганда, мен Пискент тумани фирқа кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлагандим. У «Узсовпроф» раиси бўлиб ишлаган вақтида, мен Ўрта Чирчиқ туманида колхоз раиси эдим, сўнг Мирзачўлда совхоз директори бўлганимда, Сирож Нуриддинов «Каршистрой» трести бошқарувчиси бўлиб ишлади. Ё. Насриддинова эса Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва узоқ йиллар Ўзбекистон Олий Советининг раиси бўлиб ишлади.

Мен Сирож Нуриддинов билан унинг умрининг охиригача бирга учрашиб, дўстлашиб кўп мулоқотда бўлиб келдим. Шу боис унинг бошига тушган мудҳиш воқеалардан хабарим бор эди. У сиқилган пайтларида ов қилиб, дам олдириб юпатардим. Лекин барибир душманлар уни тинч қўйишмасди. Собиқ оиласи билан боғлиқ иғво туҳматлардан фойдаланиб, уни «Қаршистрой» трестига бошлиқ қилиб Қашқадарёга жўнатдилар.

1965 йил ёз вақтида Мирзачўлда янги ташкил бўлган Акмал Икромов номли совхозда директор бўлиб иш-

лаб юрган чоғимда Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси Ё. Насриддинова шофёри ва соқчиси билан келиб қолди. Мен уларни «Шарқ» деб ном қўйган омонат шийпончада ош-нон билан кутдим. Ўшанда Ёдгор опа бизга «Сирож акангизни кўргани Қашқадарёга борган эдим. Кўриб икки кун туриб келяпман. Ҳаммаларингга салом айтиб юбордилар», — деб қолди. Биз ҳам ҳол-аҳволларини сўрадик. «Тузук энди», деб қўйдилар, холос. Мен чойни стаканда у кишига узатаётганимда олиб: «Биламан, пиёлаларинг ҳам йўқ чоғимда», — деб шофёрига машинадаги иккита пиёлани келтиртириб, менга узатиб, «Сизга мендан совға, чой ичиб, чўлларда гупиллаб саломат ишлаб юринг», — деб топширдилар. Мен: «Раҳмат», деб пиёлаларни қабул қилиб олдим. Улар кетишди.

Ўша оқшом совхозимиз меҳмонхонасига Ўзбекистон халқ шоири Шухрат келиб қолдилар. Ёдгор Содиковна Тошкентга жўнаб кетгандан сўнг, мен ҳассос шоир билан учрашиб: «Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси Ё. Насриддинова Қашқадарёдан турмуш ўртоғи олдидан келаётиб, совхозда тўхтаб, бир пиёла чой ичиб кетдилар, кетар чоғида мана бу пиёлаларни чўлда чой ичиб юринг, деб совға қилдилар», — деб кўрсатдим.

Севимли адиб Шухрат домла ўша совға пиёлага атаб бир шеър ёзганди. Мана ўша шеърдан бир парча:

*Бу чинни пиёла Сиздандир Ёдгор,  
Бунда кўзингизнинг нурли акси бор.  
Бунда қалбингизнинг меҳригиёси,  
Бир меҳрибон юрак, дўст муддаоиси.*

Эртаси кун ирталаб ардоқли шоиримиз менинг ишхонамга кириб, «Пиёла» ҳақидаги шу гўзал, пурмаъно шеърини тақдим этадилар. Мен шеърни ўқиб, завқим келиб, Шухрат домлага кўпдан-кўп миннатдорчилик билдирдим. Шоир Мирзачўлда чўлқуварларнинг ҳаёти билан танишиб, бу ўлка ҳақида бадиий асар ёзиш ниятида эканларини айтдилар.

Сирож Нуриддинов, адашмасам, 1968 йили Қашқадарёдан қайтиб келиб, аламини ичкиликдан олиб, тухматларга бардош беролмай, айни навқирон чоғида

дунёдан ўтди. Сирож Нуриддинов ўткир ақл соҳиби, моҳир ташкилотчи, ўзини тутиб олган, оғир-вазмин, одамларга меҳрибон, ҳалол инсон эди. Ёдгор Содиқовна Ўзбекистон Олий Советининг раисилигидан СССР Олий Советининг Миллатлар Советининг раиси лавозимига кўтарилди. Ё. Насриддинова ҳақида ҳам кўп уйдирма, ифволар тарқалди. Лекин, «Ҳақ эгилмас, эгилса ҳам синмас», деган доно халқимизнинг мақоли бор. Ҳақ экан, уни ҳеч ким, ҳеч нарса қилолмади.

### **МИРЗАЧЎЛНИНГ РАВНАҚИ**

Мен 1965 йили 26-совхозга директор этиб тайинландим. Совхознинг 11800 гектар суғориладиган ери бўлиб, давлатга 13 минг тоннадан 19 минг тоннагача пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берарди.

Бу ердаги уй-жойлар, ижтимоий ҳаёт талабига жавоб бермасди. Мен бу ҳақда вилоят фирқа қўмитасининг раҳбарларига айтганимда, улар гапимни маъқуллашиб, бу масалада Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўми ва «Сердазирсовхозстрой»га ёзишимни маслаҳат беришди. Мен Мирзачўл қўриқ ерларидаги меҳнаткаш деҳқонларининг асабини бузаётган камчиликларни Боёвут зонаси мисолида шахсан Ш. Рашидов ва А. Саркисовлар номларига ёзиб юбордим. Саркисов мен ёзган хатни кўпайтириб, «Голодностепстрой»нинг ҳамма ташкилотларига жўнатибди. У ерда сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлаб турган Қутбиддинов менга бу хатни «Голодностепстрой»нинг ҳамма ташкилотларида муҳокама қилинганлигини ва уни кўпчилик маъқуллаганини айтиб берган эди. Шу гапдан бирор ҳафта ўтгач, совхоздаги икки қаватли меҳмонхонада жойлашган идорамда ишлаб ўтирсам, бехосдан Носир Маҳмудов, Шароф Рашидов, Акоп Саркисовлар кириб келишди. Гапни Носир ака Маҳмудов (Сирдарё вилояти фирқа қўмитасининг биринчи котиби) бошлади: — «Шароф Рашидович ёзган хатингизни ўқибдилар, шу масалада халқнинг фикрини билгани келдилар», деди. Мен хатда ёзилганидек: «Икки қаватли уйларнинг икки

сотихли томорқаси кам, сигири борлар бузоғини иккинчи қаватга, айвонга чиқариб боқишяпти, бундай шароит халқни қониқтирмайди, бўлимларда ҳеч бўлмаса, 50—60 уй қуриш керак», деган гапларимни айтдим. Ш. Рашидов: «Ҳақиқатдан ҳам гапларингиз тўғри», деҳқонларнинг талаблари ҳам қонуний, лекин чўлни ўзлаштиришга пулни Москва ўз бюджетидан ҳар гектар учун 3500 сўмдан режалаштирган. Мирзачўл кўриқ ерларида нотекис, шўр жойлар ҳам кўп, ўзлаштириш учун режадаги ажратилган пул камлик қияпти. Бунинг устига, Мирзачўлни ўзлаштиришга қарши одамлар ҳам кўп. Улар чўлни ўзлаштиришнинг кераги йўқ, бу ишларга пул берилмасин, деб талаб қилмоқдалар. Халққа тушунтиринглар, биз бу ҳақда яна Москва билан мунозарани давом эттираемиз, икки қаватли уйлар билан бирга, ҳеч булмаса, 7 сотих томорқаси бўлган бир қаватли уйлар ҳам қураемиз. Мирзачўл ерларини ўзлаштираемиз, камчиликларни Саркисов билан бирга тузатаемиз. Мирзачўлни гўзал, гуллаган масканга айлантираемиз. Халқимизнинг ҳаёти ҳам яхши бўлади. Таклифларингизни албатта инобатга олаемиз», — дея гапини якунлади.

А. Саркисов шу вақтда бир оғиз ҳам гапирмасдан тинглаб ўтирди, у ўзбек тилини яхши тушунар эди.

Идорадан кўчага чиқсак, идоранинг олдида 100 кишига яқин совхоз ишчилари тўпланиб туришибди, уларнинг кўпчилиги билан Шароф Рашидов қўл бериб кўришди, ишчиларга қараб: «Совхозларингдаги камчиликларни муҳокама қилдик, Мирзачўлни ҳали жуда гўзал бўстонга айлантираемиз», дея барча билан хайрлашди. Совхоз ишчиларининг боши кўкка етди. Ордан йиллар ўтса-да, ҳалигача бу учрашувни чўлқуварлар ҳаяжон билан эслаб юришади.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Шўролар даврида Ўзбекистонда ҳалол хизмат қилган, ақлли, ишчан кишилардан бири арман ўғлони Акоп Абрамович Саркисовдир. У Фарҳод ГЭСи қурилишида, Мирзачўл, Қарши кўриқ ерларини ўзлаштиришда фидокорона меҳнат қилди. Мен Мирзачўлни ўзлаштиришда 1948 йилдан то Саркисов умрининг охиригача у киши билан яқин ҳамкорликда ишладим. Акоп Абра-

мович кечаю кундуз ишларди, айниқса Мирзачўлни ўзлаштиришда унинг қилган хизматлари бениҳоя катта. Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ўрнига, шу пулга химия заводлари қуриш маъқул, деб Мирзачўлни ўзлаштиришни уч марта тўхтатиб қўйганларида, Шароф Рашидов билан бирга КПСС Марказқўмига ва Иттифоқ ҳукуматига бориб ётиб олиб, Мирзачўлда 600 минг гектардан ортиқроқ ерни ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатганларидан бири ҳам А. А. Саркисов эди. Шунинг учун ҳам унинг номини Мирзачўл халқи эъзозлаб тилга олади. Жанубий Мирзачўл каналини унинг номи билан аташади.

## ТОШКЕНТДА ЗИЛЗИЛА

1966 йил 26 апрель азонда уйда ухлаб ётгандим. Бир нарса қарсиллаб кетди. Сапчиб уйғондим, ҳовлига чиқсам, осмон қип-қизил олов ёнгандек. Электр симларидан чарсиллаб чақмоқ чаққандек олов сачрамоқда. Рус қўшим овозининг бориचा «Бомбят!», «Бомбят!» дея бақирарди. Уйда қизим Муҳаббатнинг туғилган кунига келган меҳмонлар ҳам, ер қимирлаяпти, ер қимирлаяпти, дейишиб, ташқарига ўзларини отдилар. Қарасам, уйимиз бир неча жойдан ёрилиб кетибди. Дарҳол машинага ўтириб, Тошкент кўчаларини айландим. Кўп ерларда иморатлар ёрилган, баъзи жойлардаги хом гиштдан қурилган иморатларнинг ярми қулаб ётибди. Кўчалар қўрққанидан уйидан қочиб чиққан одамларга тўла. Кишилар бир-бирлари билан гаплашиб туришибди.

Шу куни Тошкентга КПСС Марказқўмининг Бош котиби Л. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг раиси А. Косигин етиб келишди.

Мен 26 апрель куни тушдан сўнг ўзим ишлаб турган Мирзачўлга жўнаб кетдим. 27 апрель куни эрталаб вилоят фирқа қўмитасидан одам келиб, тезлик билан «Пахтакор» темир йўл станциясига чиқиб туришимни айтди. Дарҳол станцияга чиқдим. Ўша куни соат 10.00 да бир паровоз иккита вагонни тортиб «Пахтакор» станциясига келиб тўхтади. Ҳаво очиқ, офтоб борлиққа

нурини сочиб турар, кўклам атрофга яшил гилам ёй-гандек. Ҳатто темир йўлларнинг тагидан ўтлар чиқиб, асфальт йўлаклар четида сон-саноксиз қоқи ўтлар гуллаб, темир йўл вокзалининг чиройига чирой қўшиб турарди.

Поезд аста-секин келиб перронга тўхтади. Проводник вагон эшигини очиб, пастга тушди. Вокзалда вилоят раҳбарлари, «Голодностепстрой»нинг бош муҳандиси, бир неча совхоз директорлари пешвоз чиқишганди.

Ўша вақтдаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: Брежнев ва Косигиннинг Тошкентга келишидан беҳабар бир кун илгари Москвага учиб кетган А. Саркисов олий даражали меҳмонларни «Пахтакор» станциясида биринчи бўлиб кутиб олди. Воқеа бундай бўлган экан:

25 апрель кечаси Саркисов Москвага бориб, Л. Брежнев ва Н. Косигинларнинг Тошкентга кетганини эшитди. Дарҳол яқин дўсти, маршал Баграмяннинг самолётини сўраб олиб, 27 апрелда Тошкентга келиб тушди, уларнинг поезд билан саҳарда Мирзачўлга жўнаганини эшитиб, машинада поездни қувиб ўтади. Шу тарзда поезд билан бир пайтда станцияга етиб келиб, меҳмонларни қабул қилиб олади. Вагон эшигидан биринчи бўлиб, ўрта бўйли, пиликдек қоп-қора қошли, бошига шляпа кийган, қорамтир мовут плашли Брежнев, унинг ортидан Косигин, Рашидов ва бошқа раҳбарлар тушишди.

## **ТОШКЕНТДА МЕТРО ҚУРИЛИШИ**

Кўп йиллар Министрлар Советида қурилиш бўйича муовин бўлиб ишлаган Акрам Хўжаев шундай ҳикоя қилганди:

— Мен 18 йил Шароф Рашидов даврида Ўзбекистон Министрлар Советининг қурилиш ишлари бўйича раис муовини бўлиб ишладим. 1966 йил 26 апрелда Тошкентда ер қимирлаб, вайронагарчилик бўлди. Тошкентни нима қилиш керак, деган масалани муҳокама қилдик. Шунда Рашидов Тошкентни қайта қуриш билан бир вақтда метро ҳам қурилиши керак деган маса-

лани илгари сурди. Шу пайт КПСС Марказқўмининг қурилиш бўлимининг бошлиғи (исми, фамилияси эсимда йўқ) Рашидовнинг гапини бўлиб: «Сиз қизиқ одам экансиз, шахрингиз вайрон бўлиб ётибди-ю, сиз уни қайта қуриш ўрнига метро қуришни таклиф этасиз»,— деб сўз қотди.

Шунда Брежнев билан Косигиннинг ўртасида ўтирган Шароф Рашидов кўзларидан ўт чақнаб, сакраб ўрнидан туриб, КПСС Марказқўмининг бўлим бошлиғига қараб: «Сиз Тошкентга келганингизга бир соат ҳам бўлгани йўғ-у, Тошкент шаҳри тўғрисида фикр билдирасиз»,— дея, шундай ташландики, мен 18 йил бирга ишлаб унинг бундай жаҳли чиққанини биринчи марта кўришим эди.

Шундай қилиб, Тошкентни қайта қуриш билан бирга, Тошкент метросининг қурилиши тўғрисида КПСС Марказқўми ва Иттифоқ Министрлар Советининг раҳбарлари билан келишиб олинганди.

Ўшанда Тошкентда икки ярим миллион халқ яшайди, дейишарди. Ҳозир эса Тошкентда уч миллиондан ортиқ одам яшайди. Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарди, улғайди. Муҳташам саройлар, маъмурий бинолар, меҳмонхоналар, аҳоли яшаши учун шинам бинолар, кенг равон йўллар, кўприклар, улкан завод-фабрикалар қурилди...

Бир йили Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа, Бөрүний, Хўжайли ва бошқа туманларига сафар қилгандим. Қора, шўр ерларга ҳам чиройли асфальт йўллар, туманлар ва Нукус шаҳри оралиғидаги йўллар, туман марказларига маъмурий бинолар, турли хил маиший-хизмат уйлари, ресторанлар қурилганини кўриб қўйил қолдим. Ҳамма вилоятларга сув омборлари, янги-янги йирик иншоотлар қурилибди.

Илгарироқ содир бўлган бир воқеа ҳеч менга тинчлик бермайди. 1987 йили эди, Зомин туманидаги оналар ва болалар учун қурилган санаторий ва оромгоҳларга давлат пули нотўғри сарфланган деган кишилар мени ва туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби Аҳад Сойибназаровни чақиртиришди. Сўнгра биз биргаликда шу қурилган биноларни бориб кўрдик. Ўшанда текширув гуруҳининг бошлиғи, биноларга қараб нима

дейди денг: «Эсизгина давлатнинг пуллари, бу биноларнинг нима кераги бор экан?» деса бўладими?! Шунда менинг жаҳдим чиқиб, у кишига қараб: «Нима деяпсиз? Шароф Рашидов бу биноларни қурдириб гўрига олиб кетмади-ку? Халқимиз Кавказга қатнайвериб қийналиб кетди-ку, шунда ҳам ҳамма бора олмас эди. Бу ерларнинг Кавказдан нима камчилиги бор. Ўзбек халқи дам олиб, даволанади. Тагин бориб Марказқўмда бу гапингизни айтиб юрманг», дедим. У киши айтган гапига пушаймон бўлиб уялиб қолди.

### **МИРЗАЧЎДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛТИРИЛИШИ**

Бир куни 26-совхознинг Асад Ёрматов бошлиқ бўлимда бетон кўтарма ариқ тагида ишчиларга палов сузилаётганининг устига Шароф Рашидов, Носир Маҳмудов, Акоп Саркисовлар билан бирга бехосдан бориб қолдик. Шунда Шароф ака ишчилар олдида тўхтаб, темир лаганга сузилган ошдан, ёғоч қошиқда (у ҳам уч томони оловда куйган) аввал А. Саркисовга, кейин Н. Маҳмудовга, сўнгра менга ошатганларидан кейин ўзлари ҳам маза қилиб еб, бир лаган ошни бўшатиб, ишчилар пиёласидан чой ичиб кетганларини ҳали ҳам яхши эслайман. Ўшанда совхоз ишчилари ва деҳқонлари Рашидовнинг жуда ҳам оддий, соддадил инсонлигига тан беришганди. Шу куни кета туриб, Шароф Рашидов менга қарата: «Совхозингиз даласида палов едик, энди ишчиларга сигир олиб берсангиз, келаси гал келганимизда сут ҳам ичсак, яхши бўларди», — деди куйиб. Мен улар кетиши биланоқ шу мақсадда бу хўжаликка дарҳол 400 бош ғунажин олиб келтирдим...

1967 йили пахта тайёрлаш вақтида яна Шароф Рашидов совхозимизга келиб, далаларни айланди. Эломон Эштоев раҳбарлик қиладиган 9-бўлимнинг дала шийпонида нонушта уқштирдик. Шунда дастурхонга янги соғиб олинган сутни олиб келиб, Ш. Рашидовга: «Мана, ўтган йилги орзуингиз амалга ошди, бу ўзимизнинг ферма сутидан», — дедим. У киши сутдан бир пиёлани тўлдириб, қуйиб ичдилар-да, қолганини ушбу

анжуманда қатнашаётганларга бир пиёладан қуйиб бердилар.

Ш. Рашидов: «Худоёрхон, оғайни, Мирзачўлнинг сутини ҳам ичдик. Энди бу йирик совхозларда чорвачиликнинг бошқа турларини ҳам ривожлантирсак. Шу ишга ҳам сиз қарвонбошилиқ қилиб берсангиз. Бу ерларда қўйчилик, паррандачиликни ташкил этсак ва балиқ боқсак, тут кўчатларини экиб, пиллачиликни йўлга қўйсак. Ҳамма бригада шийпонлари теварагида, ҳовлиларда боғлар яратсангиз. Мева болаларимизни чиройли, одамларимизни саломат ва бақувват қилишини ҳамма яхши билади. Мевали кўчатлар экайлик. Ахир ота-боболаримизнинг удумини яхши биламиз — ҳар бир бола туғилганда улар ҳовлисига 30—40 тупдан терак кўчати экишган, бола вояга етганда ана шу тераклардан уларга уйлар қуриб беришган. Кўпроқ терак қаламчаларини экайлик», — деди.

Дарвоқе, мен 22 йил директор бўлиб ишлаган ҳар иккала совхозда ҳам Шароф Рашидовнинг бу савобли топшириқларини бажону дил бажардим. Тожикистондан 100 бош ҳисори совлиқ, 10 бош ҳисори қўчқор олиб келиниб, 800 бошдан ортиқ қўйчилик фермаси доим ишлаб турди. 34 километр узунликдаги марказий коллекторнинг олдини бетон тўр мослама билан тўсиб, эскаватор билан коллекторни энига 100 метргача кенгайтириб, балиқчилик учун катта ҳовуз-қўл барпо қилдик. Шу коллекторда 10 мингта ўрдак урчитиб боқдик. Гўшти маҳаллий халқ эҳтиёжларига яради, тайёрлов пунктига ҳам топширдик. 30 минг товуққа эга ферма ташкил этдик. Пиллачилик ҳам ривожланди. 100 гектар алоҳида боғ, ҳар бир дала шийпони атрофида ҳам бир гектардан боғ яратдик.

1967 йили совхозимиз катта муваффақиятларга эришди. Пахта қатор ораларини 70 см экишдан, 90 см қилиб экишга ўтиш Мирзачўлнинг кенг, йирик пахта майдонларида қўл келди. Ўша йили ҳамма режалар ортиғи билан бажарилди. Пахта режасини қўл кучи ишлатмай, 100 фоиз терим машинаси билан бажардик. 13 минг 500 тонна пахта топширдик. Бу қўриқ ерларида ҳар бир ишчига 10 гектардан ортиқ пахта майдони тўғри келганлиги учун, албатта, жуда катта ютуқ эди.

Совхозда 100 ўринли болалар санаторийси, 280 киши ўқийдиган техникум, 2 болалар боғчаси, 100 нафар бола ўқийдиган замонавий мактаб, пахта заводи, 400 ўринли шинам клуб ва бошқа жамоат бинолари, 1000 хўжаликка мўлжалланган пишиқ гиштдан уй, асфальт йўллар, совхозга кираверишда «Наврўз» чойхона-ресторани, савдо дўконлари мажмуи қурилди. Шаҳарча типигаги қишлоқча қад кўтарди.

1967 йилнинг кузида 26-совхозга Ўзбекистон Олий Совети Предицидумининг раиси Ё. Насриддинова ва вилоят фирқа қўмитасининг биринчи қотиби Н. Маҳмудов «Средазирсовхозстрой» бошлиғи А. Саркисовлар келдилар. Улар тантанали йиғилиш ўтказиб, бизни ғалабалар билан табрикладилар. Мен уларни янги ишга тушган пахта пункти ва ошхонанинг очилиш маросимига таклиф қилдим.

Носир Маҳмудов билан «Средазирсовхозстрой» мажлисида бирга ўтириб қолдик, ушбу мажлис ниҳоясида у киши менга: «Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмида Шароф Рашидов билан келишиб қўйдик, биз сизни қилган хизматларингиз эвазига тақдирлаб, шу йил декабрь ойининг охирида чет эл сафарига Кубада бўладиган байрамга қатнашиш учун делегация таркибига киритиб қўйдик. Тайёргарлик кўринг», деб жўнаб кетди.

## **КУБА САФАРИ**

Ҳозир «Тасвирий ойна»да ишлаётган дўстим Шавкат Ниёзов Москвада делегацияга бошлиқ этиб тайинланди.

1967 йил 20 декабрда Ўзбекистондан 13 киши, жами 40 га яқин собиқ Иттифоқ фуқаролари самолётга ўтириб, Москвадан чет эл сафарига жўнадик.

Тасаввур қила оласизми, осмону фалакка кўтарилиб Европадан Америка қитъасига учиб бораётган самолёт тўрт томонда ҳам бир парча ер кўринмайдиган ҳаво узра муаллақ, пастда — океан, океан. Парвоз вақти оз эмас, кўп эмас нақ 12,5 соат! Тўғриси айтсам, стюардессалик касби учун қадди-қомати самбитдек, хушрўй қизларнинг танланиши бежиз эмас, шекилли.

Мана, улар ҳар бир йўловчига истаса китоб, истаса газета-журнал келтириб беришяпти, сув дейсизми, ичимликларнинг ўткирроғиданми — бамисоли беҳиштга тушиб қолгандексиз! Фақат... Самолёт чайқала бошлади. Унга парво қилмайман деган хаёлга келиб улгурмай, самолёт чунонам шўнғидики!... Азбарои нафасимиз бўғзимизга тиқилди, ким курсининг суянчиғига тирмашган, ким қоғоз халта сўраган. Ўзбекистонлик сайёҳлардан бир-иккиси раҳбаримиз Шавкат Ниёзов томонга қараб кета бошлашди, гўё гуруҳ раҳбарининг самолётни чайқалишдан тўхтатиш имкони бордек!

Мен ҳам гуруҳ раҳбарига ёрдам берган бўлдим, юртошларга, айниқса аёлларга далда беришга уриндим, бундай чайқалишлар узоққа чўзилмаслигини айтдим. Дарҳақиқат, «башоратим» кўп ўтмай тасдиғини топди — самолётнинг учиши маромига тушди, стюардессалар чеҳрасидан табассум аримай, йўловчиларнинг кўнглини олишга киришиб кетишди. Парвоз тугашига 3—4 соат бўлса-да, битта-яримта йўловчилар юк халталарини йиғиштиришга киришиб кетдилар.

Гавана аэропортида бизга пешвоз чиққан мезбонларнинг илтифотию меҳрибонликлари парвоз чоғидаги таҳликаларни қувиб юборди. Йигирма дақиқалик йўл босиб «Гавана-пласт» меҳмонхонасига жойлашдик. Хоналар кенг, ниҳоятда озода, салқинлаштирилган. Кечки овқатдан сўнг биринчи марта сайр қилиб кўчага отландик. Гавжум, ҳар ким ўзи билан ўзи овора, ўйин-кулги, шўх мусиқа садолари остида рақсга тушаётганлар қанча! Пальма дарахтлари остида гурунқуриб ўтирганлар қанча! Оксаннын узоқ-узоқ кенгликларида сузиб бораётган катта-кичик кемаларга хаёлчан боқиб завқланаётган бахтиёр жуфт ёшлар қанча!..

Эрталаб ҳали уйғониб улгурмасимиздан хоналаримиз эшиги остига янги газета таҳламаларини қўйиб кетишибди. Аксари 20—22 саҳифали газеталар. Рангли чиққанлари ҳам бор. Испан тилида саводимиз «зўр»лигидан ўзимизнинг ташрифимиз ҳақидаги хабарларни ҳам таржимон ёрдамида билиб олдик.

Ҳаво иссиқлиги боис декабрь оyi (1967 йил) эканига қарамай, кўйлакчан юришга тўғри келди. Хонала-

римиздаги графинларда сув, ёнидаги махсус идишда муз тайёр. Меҳмонхона ходимлари эрталаб сув келтиришганида столда турган пахта гулли чойнак-пиёлаларни кўриб ҳайратдан қотиб қолишди. Бунақасини кўришмаган-да! Улардан бири ниҳоят ҳушини йиғиб олди-да, чойнакка аква солайми, деб сўради. Мен чойнакни тўхфа қилишимни сўраяпти деб тушиндим-да: «Майли, олавер, сенга совға», — дедим. Ходима менинг марҳаматимни тушунмай, чойнакка сув тўлдирди-да, индамай чиқиб кетди. Ўша-ўша менга сувни Кубада «аква» дейишлари ёд бўлиб кетди. «Буни қаранглар, испан тилини бир кунда ўрганиб олдим-а!» — деб мутойиба қилиб юрдим.

Меҳмонхонадаги хонамиздан ўтадиган лифт бизни тўппа-тўғри океан пляжига олиб тушар, мириқиб чўмилгач, «ғиз» этиб яна хонамизда пайдо бўлардик.

Вададерогача автобус бир соат юрди. Бизни антиқа кубача таом билан сийлашди. Масаллиғи нимадан, дейсизми? Денгиз ва океан неъматларидан-да! Биз аёлларимиз халталарида қолган-қутган патир бурдалари билан кифояландик. Сўнг тимсоҳлар оролчаси ва Гавана аквариумини томоша қилдик. Тимсоҳлар фермасида бу «гўзал» жониворлар билан «яқиндан» танишдик, ўша ердаги дўконларда сотилаётган чинакам тимсоҳ терисидан тикилган сумкалардан харид қилдик.

Гавана аквариумига тенг келадиган бундай маскан ер юзида йўқ дейишади! У ҳақда ул-бул ўқиганимиз бор эди-ю, лекин ўз кўзинг билан кўрганга не етсин?! Жониворлар бамисоли океанда табиий шароитда яшаётгандек, барча шарт-шароит муҳайё этилган! Ўша ерда аквариум раҳбарлари билан тил топишиб, аквариум ертўласига олиб тушишларига рухсат олдик. Ваҳоланки, у ертўлага унча-мунча сайёҳлар ҳам киритилмас экан, биз кирдик. Энг ноёб ва нодир сув жониворлар ўша ерда экан. Виктор Гюгонинг «Денгиз заҳматкашлари» асарида тасвирланган осминоглар — саккизоёқларни кўриб кўзингиз тўймайди, бир ҳайратингизга юз ҳайрат қўшилади!..

Эртасига эрталаб Гаванадаги муҳташам майдонга олиб боришди, махсус меҳмонларга мўлжалланган ўриндиқлардан жой олдик, Фидель Кастро Куба ин-

қилобининг тўққиз йиллигига бағишлаб роса нутқ сўзлади. У чунонам жунбушга киришдики, маъруза ана тугайди, мана тугайди деб ўтириб, бир маҳал соатга қарасак, роса 4 соату 15 дақиқа сўзлабди! Тоқати тоқ бўлган аёлларимиздан бири менга қараб: «Вива, Худоёр ака», — деди диққат бўлганини яширолмай...

Маърузани эшитиб, яна Гавана кўчалари ва хиёбонларини томоша қилиб, роса айландик.

### «НАВРЎЗ» КОШОНАСИ

Кубадан қайтиб келганимдан сўнг Акмал Икромов номли 26-совхозга ташриф буюрган Шароф Рашидов мендан: «Худоёрхон, Кубада ва бошқа мамлакатларда нималарни кўриб келдингиз», деб сўраб қолдилар. Мен: «Шароф Рашидович, қайси мамлакатга борсак, қадимий бинолар, ҳайкаллар, музейларни кўрсатдилар. Бизга ҳам мана шу «Пахтакор» станциясининг муюлишига Акмал Икромовнинг ҳайкалини, худди Тошкентдаги Луначарский йўлидаги «Салом» чойхона-ошхонасига ўхшаган ошхона ва магазинлар қурдириб берсангиз, жуда соз бўларди. Тоқайгача бу чўлда чанг, тупроқ ютиб юрамиз, қолаверса, қурилишлар Сиздан ҳам биздан ҳам эсдалик бўлиб қолади», — дедим. Ш. Рашидов гапимни маъқуллаб: «Эрталаб вакилингизни Тошкентга менинг хузуримга юборинг», — деди. Эртаси куни вакилимиз Эгамқул Расулов Тошкентга бориб, Ўзбекистон Комфирқаси ва Министрлар Советининг қўшма қарорини келтирди. Шундай қилиб, Акмал Икромов номидаги 26-совхозга кираверишдаги муюлишда «Наврўз» чойхона-ошхона, магазин мажмуаси қурилишига эришдик.

Афсуски, ўша пайтда Акмал Икромовга ҳайкал ўрнатишга муваффақ бўлолмадик. Бугунги кунда машҳур «Наврўз» ошхона-чойхонаси Ш. Рашидовнинг ташаббуси ва ҳотамтойлиги билан қурилганди, қолаверса, мен учун бу қурилиш чет элга саёҳатимнинг халқ учун амалий натижасидек туюлди.

Ҳа, Шароф Рашидов Мирзачўлни чин қалбидан севарди. Бу инсон чўлда қишлоқ хўжалиги ҳамма тар-

моқларини кўргиси келарди. Бунга кўп жиҳатдан эришди ҳам, шунинг учун мирзачўлликлар Ш. Рашидов номини тоабад ҳурмат билан қалбларида сақлайдилар.

## **БЕТОН ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ**

1960-йиллар Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, айниқса, пахта йиғим-теримини жадаллаштириш билан бир қаторда, мудофаа аҳамиятига эга бўлган Тошкент-Термиз йўлини жадал усуллар билан қуриш масаласи кўндаланг қўйилди. Ўзбек катта мудофаа йўли деб ном олган Тошкент—Термиз тракти Тошкентдан Янгийўл, Чиноз, Сирдарё, Жиззах, Ғаллаорол, Булунғур, Жомбой, Самарқанд каби қишлоқ, туман ва шаҳарлар орқали ўтади. Бу янги бетон йўлининг айниқса Мирзачўл, Қарши чўлларини ўзлаштиришдаги аҳамияти катта эди.

Мен 1965—1967 йиллардаги йўл машаққатлари қандайлигини ҳали эсимдан чиқарган эмасман. Ҳар хил сабабларга кўра тез-тез Тошкент, Гулистон, Пискент каби шаҳарларга бориб келишимга тўғри келар эди. Қинғир-қийшиқ йўллар билан Тошкентга Қозоғистоннинг Жеттисойи орқали ўша замоннинг тош йўлида, замонамизнинг энг арзанда машинаси етти ўринли «ГАЗ-69» да бориб келардик. Ҳатто Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби Ш. Рашидов ҳам «ГАЗ-69» машинасида шу мен айтиб ўтган йўллар билан совхозга келиб, бизга далда бериб, шундай дерди: «Тошкент—Термиз бетон йўлини қуриб битказиш чорасини кўряпмиз, бир-икки йил ичида охирига етади. Шаҳарларимиз, хўжалиklarимиз орасида асфальт йўллар қурамиз». Биз бу гаплардан чексиз руҳланардик.

Чўл томон сувдек оқиб келаётган 20—50 яшар одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўша йўлсиз дала чанг-тўзон йўллардан юриб, совхозларга келар эдилар. 40—42 даражали иссиқда Мирзачўл гармсели эсиб турар, улар кўпинча эгниларида пахтали чопон ёки эски-туски костюм-шим, бошларида дўппи, оқ похол қалпоқ, оёқларида эски этик, ранги ўчган ботинка, чориқ кийган

сувсизликдан танглайи қотган, баъзилари ёш болаларни ёки чол ва кампирларни етаклаб, посёлкаларни сўраб-суриштириб келар эдилар. Автобус қатнови йўқ. Баъзи пайтларда кетаётганимда, уларга раҳмим келиб, машинамга ўтқазиб, посёлкага элиб кўяман. Уларга кимнинг ҳам раҳми келарди?..

Беихтиёр уларни ўйлайман. Мен машинада Тошкентга кела туриб, сувсизликдан шунчалик қийналдим-у, бу чўлларни туяда кезиб юрган бечора одамлар қандай қилар экан. Таваккал, деб совхознинг бош устaxonаси бошлиғи Бердиқўл Мардиевни чақириб, топшириқ бердим. Ер қовлайдиган тракторни труба тешадиган ва ямайдиган асбобларни олиб, «Пахтакор» станциясига буриладиган муюлишга чиқишини тайинлаб, ўзим ҳам бирга келдим. Билардим. Сангзор сувидан олинган водопровод катта трубаси шу ердан ўтган эди. Қавлаб трубани очдик, забт билан сув осмонга отилди. Ўзимиз билан бирга олиб келган водопровод колонкасини трубанинг оғзига қўйиб, ямадик. Усталар роса тер тўкиб ишлашди. Водопровод колонкасига занжир қўйиб, унинг бир учига темир крушка, иккинчи учини водопровод колонкасига сварка қилиб қотирдик. Шундан сўнг бу йўлда юрган инсонлар тоза сув ичадиган бўлишди. А. Саркисов келиб, вақти чоғ бўлиб, менинг илтимосим билан шу ердаги лотокнинг устига битта йигирма киши сиғадиган шинам шийпон ҳам қурдириб берди. Бу шийпон Мирзачўлда биринчи қурилган шийпон бўлиб, ҳозир «Наврўз» кошонасида буфет вазифасини ўтаб турибди.

Шу ерда учта катта ҳовуз қурдириб, Ж. Эшмуродов Каттақўрғон сув омборидан олти машина балиқ олиб келиб ҳовузларга ташлади. Бетон йўлини қуришга келган мутахассислар менинг олдимга келишарди. Мен уларга совхознинг меҳмонхонасидан жой берардим. Улар менга, бетон йўлини қуриш учун муюлишдаги учта ҳовузни ёпамиз, дейишди. Мен розилик бергандек бўлдим-у, лекин ичимда ўйланиб қолдим. Шу куни кечқурун улар жойлашган меҳмонхонага бордим. Улар билан яқиндан танишиб олганимдан сўнг, бошлиқлари Иван Петровичдан илтимос қилдим: «Ўзбекистоннинг ёзи иссиқ, ишимиз оғир, иссиқда ишдан

сўнг, чарчаганда ҳовузнинг бўйида, дарахтлар тагида ҳордиқ чиқармасак бўлмайди. Ҳеч бўлмаса, йўл бўйидаги ҳовузнинг биттасини қолдирсангиз, шу ҳовузнинг бўйидаги толларни экканимизга энди уч йил бўлди. (Шу мажнунтоллардан бутун чўлга тарқатилди. Биздаги мажнунтол ҳамма совхоздаги мажнунтолларнинг онаси.) Шунинг учун битта ҳовузни лойиҳада қолдирсангиз».

Бошлиқ тушунадиган одам экан: «Хўп» деди. «Наврўз» лойиҳасига кирган ҳовуз, шундай қилиб, бетон йўл муюлишидаги ҳозирги «Наврўз» комплекси қурилишига сабаб бўлди. Бу орада мени бошқа совхозни тузиш учун олиб кетишди. «Наврўз» комплексидаги чойхона, ошхона, дўконлар ҳозир ҳам ишлаб турибди. Ундан бетон йўлидан ўтган ҳар бир йўловчи баҳраманд бўл-моқда.

## 10-А СОВХОЗИДА

1972 йил ёзида мен ишлаб юрган совхозга Шароф Рашидов Сирдарё вилояти фирқа кўмитаси биринчи котиби Қудрат Аҳмедов билан бирга келди. Совхозда қилинаётган ишлар билан танишиб, мамнун бўлиб машинада кетарканмиз, Қудрат Аҳмедов Шароф Рашидовга қараб:

«Худоёр Латипович ишни кўзини биладиган раҳбар бўлгани учун илгари ишлаган совхоздаги ишчилар у кишининг орқасидан эргашиб, бу совхозга келиб қолишяпти. Бизга, айниқса чўл шароитига шу кишидай хўжалик раҳбарлари жуда-жуда керак экан-да», — деди салмоқлаб. Шароф ака унга жавобан: «Чунки ишчилар Худоёрхонга ўрганиб қолишган, биргаликда меҳнат қилишса, ишлари янада юришади. У совхозга ҳам, бошқа хўжаликларга ҳам кўпроқ шу кишидай раҳбарларини топиб қўйиш устида ишлашимиз керак бўлади», — деди. Ўшанда Ш. Рашидовнинг жавобини эшитиб, унинг нақадар узоқни кўра биладиган, доно раҳбарлигига қўйил бўлганман.

«Оқолтин» туманидаги мен ишлаб юрган илғор совхозга Шароф Рашидович 1975 йили ёзда ҳам келган

эди. Ўшанда у 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари хотирасига қурилган ёдгорликка ва биздан 80 метр олисликда турган танкка кўзлари тушиб, бу ҳақда сўрадилар. Даврада ўтирган туман ижроқўми расиси Н. Фозилов «Худоёр акам, урушда минган танкларини олиб келиб, уруш қатнашчиларига ёдгорлик қилиб қўйдилар», — деди. Шунда Шароф Рашидов менга қараб: «Бориб кўрсам бўладими?», — деди. Мен у кишига: «Сизнинг пойи қадамингиз тегса, мўтабар жой янада обод бўлади», — дедим.

Ш. Рашидов уруш қатнашчилари шарафига қурилган ушбу мажмуани эътибор билан айланиб чиқди. Урушда ҳалок бўлган кишиларнинг исм-шарифлари ёзилган рўйхатни ўқиди, танк, мотамсаро она ҳайкали, мангу олов ва янграб турган мусиқани тинглаб, тасаннолар айтиб: «Буни ким бунёд қилди? — дея сўради. Мен Кўқондан кўчиб келган халқ устаси Эшхўжа Имомсиддиқовни кўрсатдим. Шароф ака Эшхўжанинг қўлини ушлаб, кўп раҳматлар айтди. Шунда гапта туман фирқа қўмитаси биринчи котиби Тетуев аралашиб: «Шароф ака нархи ҳам арзон, ўттиз минг сўм кетади, холос», — деганди. Ш. Рашидов: «Бунинг баҳоси йўқ, бундай ишларга қанча маблағ сарфласак, шунча кам», — деганда у кишига ҳамма қойил қолди. Қайтиб кета туриб янги текислаб мингта чинор эккан жойимизда машинани тўхтатиб, Шароф акадан: «Сиз ҳам шу минг чинорга бир туп эсдалик чинор экиб беринг», — деб илтимос қилдим. У киши: «Хўп дея машинадан тушди. Тахта тувакдаги олдиндан тайёрлаб қўйилган чинорни икки киши кўтариб, чуқурга қўйди. Ш. Рашидов қўлига кетмони олиб, (у киши кетмон чопганда ҳам ҳар қандай деҳқонга дарс берарди) чинорни экди. Халқимиз ҳозиргача шу чинорни Шароф акадан ёдгорлик деб эъзозлаб ўстирмоқда.

Шароф Рашидов дала меҳнаткашларига жуда меҳрибон эди. Хўжаликларга келаркан, бирорта сувчи суғориш ишлари билан банд бўлиб турган бўлса, ёки тракторда ер ҳайдаётган механизаторга ёки чопиқ қилаётган ишчиларга йўлиқса, дарҳол машинани тўхтатиб, тушиб, улар билан қўл бериб бирма-бир сўрашарди. Эски танишлар бўлса, қучоқлашиб кўришар эди. У

киши айниқса ёш болаларни севар эди. Ўша вақтда жуда кўп учрайдиган боғча, яслиларга тўхтаб, болаларнинг ҳар бирига чўнтакларидан бир-иккитадан конфет олиб бериб, ардоқларди. «Болаларни боқишга, тарбиялашга ҳеч нарсани аяманглар», — деб тайинларди. Шу сабабдан бўлса керак, охириги йилларда, Рашидов келади, деган гап тарқалса, одамлар ўзларича йўлларга чиқиб кутишар эди.

Ш. Рашидов ободончиликни боғ-роғлар яратган меҳнаткаш кишиларни яхши кўрарди. Мен раҳбарлик қилган совхозга Жиззахнинг «Сангзор» сув ҳавзасидан ичимлик суви қийинчилик билан келарди. Халқ ичимлик суви борасида бир оз қийналарди. Қўшнимиз 19-совхоздан сув келтириш учун бир миллион сўм керак экан деганимда, Ш. Рашидов «Средазирсовхозстрой»нинг бошлиғи Н. Ҳамроевга: «Бир миллион сўмни шу халқдан аяманг, ҳали бу совхозга бутун дунёдан келган меҳмонларни олиб келасизлар. Пулни топиб, сув келтириб беринг», — дегандилар.

Шароф ака бирор киши дастурхонга таклиф қилса, ранжиб қолмасин, деб тушиб, бир пиёла чойи билан бир бурда нонини еб қайтарди. У киши кўп овқат еёлмасди, товуқ шўрва, товуқ гўштидан қилинган котлет истеъмол қиларди, холос. Баъзан махсус назоратчилар талабини бузиб, қатиқли ош, исмалоқ сомса, филминди каби деҳқонча овқатларни олиб келсак, оз-оздан тановул қиларди.

Шароф Рашидов ҳар йили икки, уч марта колхоз-совхозларни айланарди. Ишчилар, колхозчилар, раҳбар ходимлар билан гаплашиб, маслаҳатлашиб, уларнинг ишларини ўз кўзлари билан кўриб, камчиликларни ҳал қилиб берарди. Саратовнинг жазирама 40—45 даражали иссиғида ҳам у кишини колхоз-совхоз далаларида учратиш мумкин эди... Дала меҳнаткашлари у кишига шунча ҳам кўнгил қўйиб, ўрганиб қолган эдиларки, бригадаларга чиқишим билан: «Шароф Рашидов қачон келади?» — деб суриштириб, саволлар беришарди. Ўша давр одатига кўра, Шароф Рашидов вилоят, туманларга келишидан 5—6 кун илгари эълон қилинарди. Шароф Рашидов келар экан деб, ҳар бир хўжалик ўз ҳудудини тартибга соларди. Кетмон билан

идораларнинг олдини, йўллари текислаб, супуриб, сувлар сепиларди. Қишлоқ хўжалик техникасини, қурилиш ускуналарини тартибга солардик. Соқол-мўйловларни қиртишлаб, ювиниб, тоза кийинган ишчилар: «Шароф Рашидов қачон келади? Қайси йўлдан келади?» — деб суриштиришарди. У кишини кўрмай қолмайлик деб, йўлга яқинроқ жойларга чиқиб ишлашарди, интизор бўлиб кутишарди.

Эсимда, 1979 йилнинг охири бўлса керак, Шароф ака Пахтакор туманига келиб, фаоллар мажлисини ўтказди. Биз ҳам шу мажлисга таклиф қилинган эдик. У киши мажлисдан олдин янги қурилган касалхонани кўргани борган экан. Биз туман марказидаги клубнинг олдида тўхтадик. Ҳеч кўз олдимдан кетмайди: Туман марказлари, кўчалар, хиёбонлар одамга тўла. Кишиларнинг ҳаммаси яхши, тоза кийинган. Хотин-қизлар атлас либосларда, бутун чор-атроф байрам тусини олган. Ҳамма Рашидовни кутгани ҳозирлик кўрарди. Бу эса раҳбарнинг кўп йиллик адолатли, ҳалол хизмати эвазига халқнинг жавоби, ҳурмат-иззати бўлса керак. Ҳар қандай инсонга ҳам бу бахт насиб этавермайди.

Бир мисол. 1988 йил май ойида мен ишлаб турган ташкилот ҳудудида вилоят, туман, совхоз раҳбарларининг муҳим бир мажлиси бўлди. Мажлисни вилоятни уч кундан буён айланиб юрган ўша пайтдаги Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби ўтказди. Шу одамни кўрайлик деб, халқ йиғилмади. Демак, гап амалда эмас, элга адолатли хизмат қила билишда экан.

Қаерга бормайлик, қайси йиғинда бўлмайлик, халқ албатта Шароф Рашидовни эслайди. Унинг хислатларини тилга олади. Шароф Рашидов ҳамиша биз катта-кичик раҳбарларга: «Республикамизда одамлар сони кўпайиб борапти. Барака топкурлар, келинларимиз 5—6 тадан фарзанд кўриб тўхтамаяпти. Чўлларни ўзлаштирмасак, янги ерларни очиб, ҳосилдорликни кўтармасак, қишлоқларга корхоналарни қуриб, одамларни иш билан таъминламасак, халқни қандай боқамиз, қишлоқларда, айниқса, аҳоли зич жойлашган ерларда маҳаллий саноатни ривожлантириш зарур, майда фаб-

рикалар очиб, халқни иш билан, кийим-кечак билан таъминлашимиз керак. Бунга колхоз-совхоз раҳбарлари, туман, вилоят раҳбарлари бош-қош бўлишсин»,— дерди куйиниб.

Ҳа, дарҳақиқат, Шароф Рашидов элнинг фидойи фарзанди эди. Биз у кишини фариштали инсон, дердик. Ҳозир ўша вақтда вилоят фирқа қўмиталарининг биринчи котиби бўлиб ишлаган О. Алимов, С. Нуриддинов, А. Абдалинов, Н. Маҳмудов каби ишбилармон, билимдон, маҳоратли кишиларни ҳам ҳалол, инсофли раҳбарлар бўлганликларини эслаб, ёшларга айтиб ўтираман. Ўша вақтда қўшиб ёзиш, бировдан пора олиш, тамагирлик қилиш у ёқда турсин, ҳатто кундалик оддий ахборотда ҳам бирор рақамни ёлғон айтиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Бир кунда бир кишига 600 грамм нон, бир коса атала бериларди, баъзан фақат нон, чойга қаноат қилиб ҳам барча ўз бошлиғи айтган ишни бажармагунча тинчимасди. Раҳбар бўлган кишининг ўзига итоат этадиган одамлар олдида обрў-ҳурмати катта бўларди, шунинг учун ҳам иш натижалари яхши бўларди. Аммо ўзаро қаршиликлар, амалпарастлик ҳолатлари ўша вақтда йўқ эмас эди. Бундай аҳвол ишга зарар келтирар, кўпчилик истеъдодли, ишбилармон, садоқатли кишиларнинг ноҳақдан ишдан олиниб, жувонмарг бўлиб кетишига сабаб бўларди. Масалан, менинг хотирамдан Ҳабиб Абдуллаев деган олимимизга қилинган ноҳақ ҳужумлар, ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорга, Абдували Мўминовга, Усмон Юсупов, Носир Маҳмудов, Раҳмонқул Курбонов, Алихон Мансуров каби ажойиб инсонларга қарши қаратилган манфур зуғумлар ҳали-ҳануз ёдимдан кўтарилган эмас. Дарвоқе, уларнинг аксарияти яна шундай тазйиқлар, туҳматларнинг зиёнзаҳматидан бевақт хазон бўлиб кетдилар...

Хайриятки, мамлакатимиз истиқлолга эришиб, ноҳақликлар қурбонларининг шанидаги ғуборлар тозаланди, энди улар ўзбек халқининг тарихида муносиб мавқеларини топдилар. Бунинг учун адолатни қўлга машғалдек тутиб олган доно юртбошимиз И. А. Қаримовга ҳар қанча таҳсинлар айтсак камлик қилади, деб ўйлайман.

## МИРЗАЧУАНИНГ СОҶ ОБ-ҲАВОСИ

Устозларимдан бири — Халил ака институтга раҳбар вақтларида (1969 йил) менга қайғули оҳангда шундай ҳикоя қилган эдилар: «Анча вақтдан буён ўпкам оғрийди. Қаратмаган профессорим қолмади. Станционарда, ТошМИ касалхонасида ётиб чиқдим. Бир ой Иссиққўлга бориб санаторийда дам олиб келдим. Ҳеч биридан даво топмадим. Энг билимдон врачлар ҳам ўзимга, энди давонинг фойдаси йўқ, касалликни ўтказиб юборибсиз, дейишди. Ҳали Москвадан келмаяпти, докторлик дипломини олиб ўлсам ҳам майли эди, армоним қолмасди», — деди.

Мен: «Халил ака, бу гапларни қўйинг, бирор иложи топилар», дедим.

У киши ёшланган кўзларини рўмолча билан артиб, гапни давом эттирди. Бир мутахассис: «Сиз бир тоғли ер топинг, у ерда ҳамма емиш табиий бўлсин, янги гўшт, ёғ, мевалардан еб, қўлбола қимизни сурункасига 15—20 кун ичиб кўринг-чи, нима бўлар экан, деб маслаҳат берди. Шундай қилиб кўрмоқчиман», — деди.

Мен: «Ундай бўлса, жуда йўли осон экан, ўша киши айтган жой менинг туғилган юртим экан-да! Хўжамушкент деган жой бор, жуда об-ҳавоси тоза жой. Олим дўстингиз айтган шароитнинг бари муҳайё. Фақат битта камчилиги бор. У ҳам бўлса, телевизор йўқ, одамлари қишлоқча, содда яшашади. Шу томондан зерикмасангиз, қолган ҳамма нарса жойида бўлади», — дедим. Шунда Халил аканинг рухсори очилиб, вақти чоғ бўлиб, деди: «Мен маданият қидираётганим йўқ, қишлоқда зерикмайман. Шифо топсам, бўлгани. Укажон, иложи бўлса, мени ўша айтган ерингизга тезроқ олиб бориб қўйсангиз», — деди.

У жой бу ердан 300 километрдан ҳам узоқлигини тушунтиришимга қарамай, Халил ака: «Майли ука, кечга қолмасдан жўнайлик, мен тезроқ шифо топмоқчиман», — дея қаттиқ туриб олди. Мен у киши билан жўнашга мажбур бўлдим. Хўжамушкентга қараб равона бўлдик. Йўлда кеч бўлиб, қоронғи тушди. Жанубга Туркистон тоғлари томон кўтарилиб борувчи асфальт йўлдан кетяпмиз. Ёз ҳавоси, чўлда юрган биздек одам-

ларга тоғнинг майин шабадаси ўзгача ҳузур бағишларди. «Газ-24» машинасида анча йўл юриб, толиқиб, ниҳоят, Хўжамушкентга етиб келдик. Икки тоғнинг орасида турли қушларнинг дарахтдан дарахтга сакраб учиб юриши, булоқ сувларининг жилдираши, майин шабадасидан терак баргларининг шилдираши, тоғ гулларининг атри, ифори димогингизга уриши ажойиб манзараларини кўз олдингизга келтиради.

Бу ерга келгач, шогирдим, ажойиб мард инсон Мамадалининг уйига кирдик. Мамадали бизни қулоч ёзиб меҳрибонлик билан қабул қилиб, уйга таклиф этди. Оқшом дастурхонига қўй гўштидан шўрва, турли нозу неъматлар, шокосаларда қимиз қўйилди. Кечаси не маҳалгача гурунглашиб ўтирдик. Уйқудан туриб, Мамадалининг қир устидаги кенг ҳовлисини, тоғнинг барқ урган нокзору олмазорларини, муҳташам ёнғоқзорларини сайр қилдик.

Дарахтларнинг таги бедазор. Юқорироқдан қиялаб бир ариқ булоқ суви оқмоқда. Ҳовлининг этагидаги молхонада яқинда қулунлаган бия, кўрада 12 чоғли боқилган қўй, сигир, бузоқлар, четроқда пичан ва беда ғарами босилган... Қисқача айтганда, яхшигина қишлоқ, баракали, билимдон деҳқон ҳовлиси.

Эрталабки нонуштадан сўнг ҳовлини айланиб юриб: Мамадали Халил акадан: «Сизга қаердан жой қилиб берайлик?» — деб сўради. Бу пайтда ҳовлининг ўнг бурчагида синч тортиб, гувала билан қурилган бир уй ва олди айвонли даҳлиз, ҳали қўйилмаган эшик ва деразага яқинлашдик, иморатнинг фақат усти ёпилиб, хом сувоқ қилинганди, холос. Шу уйга кирдик. Халил ака: «Менга қаравотни шу уйга қўйиб берасизлар. Мен учун шу жой қулай экан», — деди. Биз бунга қаршилик қилсак-да, у киши унамади. Шу уйга қаравот қўйиб, ерга шолча солиб бердик. Уйдан 20 метр нарироқда катта бир туп ёнғоқ тагида тупроқдан кўтарилган кенг шохсупа бор эди. Халил ака учун шу супада кундуз кунлари ўтириб, дам олиб турадиган жой қуриб берадиган бўлдик...

Алиқул аканинг ўғли машҳур улоқчи чавандоз Тўйчи полвон бир кучоқ беда ўриб, қулунли бия турган отхона томон бораётганда, бия кишнаб ер тепинди. Қўлига

сирланган челак кўтарган келин Хадичахон эса бияни соға бошлади, мен Халил акага қараб: «Мана, шу келин соғаетган биянинг қимизини ичиб, янги сўйилган қўй гўшти, сут, қатиқ, қаймоқларни баҳорги бугдой нон билан тановул қилиб, шу супа устида дам олсангиз бўлгани, отдай бўлиб кетасиз. Хоҳласангиз, мана, Тўйчи полвоннинг қашқа улоқчи тулпорини миниб, сайр қилиб келаверинг», — дедим...

Тез орада супага жой қилиниб, дастурхон ёзилди. Ранг-баранг мева-чева, тандир нон, қаймоқ келтирдилар. Оқшом сўйилган қўйнинг каллапочаси, хасип, қуйруқбоври билан шўрва тортилди. Қўлбола қимиз ичига ёнғоқдек-ёнғоқдек бурдаланган қуй думбаси солинган, мириқиб симирдик. Қимиз ичгач, Халил ака билан хайрлашиб, биз уйга жўнаб кетдик.

Халил ака Хўжамушкентда 14 оқшом тунаб, кечаю кундуз даволанди. Давоси нима — соф об-ҳаво, химиявий ўғитни кўрмаган ноз-неъматлару қимиз, холос. Халил ака айтишларича, улар кўп ерларга бориб, ҳеч бир жойда Хўжамушкентдагидек наф топмаган. Бу ернинг ҳавоси, ноз-неъматни бениҳоя шифобахш бўлгани боис, бу ерга болалар дам олиш масканлари, санаторийлар қурилган. Халил ака ўн тўрт кун туриб, бу ерга бир умр мафтун бўлиб қолди.

У киши: «Хўжамушкент — ҳақиқий шифохона, мен бу қишлоқнинг халқидан миннатдор бўлганим учун бу шифобахш масканни обод қилиб, булоқларнинг кўзини очиб, дарахтлар экиб, ўстириб, гиёҳ гулларини авайлаб-асраган боғ-мозорнинг шайхи билан кийим алмаштирдим. Яъни, ўзимнинг устимдаги хорижий кийимларимни, чуст дўппимни, хуллас, бошдан-оёқ шу боғ-мозорнинг шайхига совға қилдим, у кишининг устидаги эски чопонни, оқ яхтак ва кўйлак, шими, эскириб ранги ўчиб, ўртаси йиртилиб кетган дўпписини кийиб олдим. Шу дўппини институтдаги илмий кенгашда ҳам ўлмайд қолганим учун кийиб ўтирмақчиман», — деди.

Мен ҳам Халил аканинг соғлиғи яхши бўлганини, у ўзини яхши сезаетганини кўриб, роса қувондим. «Энди мен соғайдим, мени олиб кетинглар, бола-чақаларим

олдига борай, ишимни ҳам давом эттирай», — деди Халил ака. У киши уй эгаларига, парвариш қилган уй бекасига кўпдан-кўп ташаккурлар айтиб, ижозат сўраб, биз билан бирга жўнади.

Мана, шу воқеага ҳам 30 йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Халил ака Жалилов 90 ёшдан ошиб, институтда дарс бериб, бардам ишлаб юрибди. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини ҳам олган. Хўжамушкент қишлоғи ва Мамадали оиласи билан, кўпчилик хўжамушкентликлар билан дўстлик борди-келдилари ҳали ҳам узилгани йўқ. Халил ака Хўжамушкентдан Мамадалининг жиянлари, Алиқул аканинг ўғиллари Рустам ва Исломжонларнинг ўқиб, олий маълумот олишларига сабабчи бўлди. Қишлоқда маърифат уруғини сочган бу инсон туфайли қишлоқ хийла обод бўлди, уйларни электрлаштириш тезлаштирилди. Энди бу ерда ҳам телевизор кўрсатадиган бўлди. Халил ака ҳали ҳам ёру биродарларига Хўжамушкент ҳақида тўлқинланиб гапириб юради. Ҳа, юртимизда бундай шифобахш масканлар сон-саноқсиз. Хўжамушкент-ку, тоғли, баҳаво, хушманзара жой, аммо бизнинг чўлларимиз ҳам шифобахш...

Мирзачўл саҳросини ўзлаштириш ниҳоясига етай деб қолган йиллар эди. Москвадан машҳур адиб Константин Симонов ёзувчи Ҳамид Фуломлар билан биргаликда Нурий абзий деган татар режиссёри ҳам келиб бу ердаги баҳодир чўлқуварлар ҳақидаги фильмни ола бошладилар. Нурий абзий ўзлари билан хотини Людани ҳам олиб келган эди. У киши аёли билан шийпоннинг бир хонасида бирга яшади. Ўзбекларнинг одати бўйича меҳмонлар нозу неъматлар билан ҳар куни зиёфат қилиб турилди. Нурий абзийга ва унинг рафиқаси Людага ўзбекнинг қайнатма шўрваси жуда ёқиб қолган эди. Меҳмонлар ишларини битказиб жўнаб кетдилар. Орадан бир йилча ўтгандан кейин Нурий абзийдан хат олдик. Абзий ёзбдилар: «Мирзачўлнинг тоза ҳавоси билан қайнатма шўрваси туфайли хотиним қиз туғди. Отини шўрвага уйқаш қилиб, Шура қўйдик. Сизларга минг-минг раҳмат».

## ХАВАТОҒ ШИФРОБАХШ СУВИ

1949 йилнинг кўклами, мен у пайтлар Ховос тумани ижроқўмининг раиси эдим. Ишхонамга уч киши кириб келди ва салом-алиқдан сўнг: «Биз Тошкентдан келдик, сизнинг туманингиздаги Хаватоғдан нефть қудуғи қовламоқчимиз, бу ерда нефть мавжуд деган эҳтимол бор», — дедилар. Мен рози бўлдим, туман ижроқўмининг қарорини тайёрлаб, қўл қўйиб бердим. Тез орада қудуқ қовлайдиганлар иш бошлаб юбордилар. Бирор ойча вақт ўтгандан кейин яна ўша уч киши кабинетимга келиб: «Бу ерда нефть эмас, аллақандай бадбўй иссиқ сув чиқди. Қудуқни тош, тупроқ ташлаб кўмсақ ҳам барибир беркита олмадик, озроқ сув чиқяпти. Биз кетяпмиз, хайр», — деб чиқиб кетдилар. Бу воқеадан 3—4 ой ўтгач, халқ ичида гап тарқалди: Хаватоғдан чиққан иссиқ сув шифобахш экан, кўп одамлар ундан даво топибди... Ҳатто 90 ёшдан ошган, бир пайтлар машҳур от ўғриси бўлган Зиё бобо Хаватоғдаги шифобахш сувга даволаниш учун кўп одамлар келаётганини билиб, «Чангаул» бобо мазоридagi шайхлигини тарк этиб, Хаватоғга кўчиб келиб, «Иссиқ сув»га шайх бўлиб олибди.

Хаватоғнинг иссиқ сувини лабораторияда анализ қилиб кўрсалар, бу сув Сочидаги Мацеса сувидан қолишмас экан. Дунёда шундай сув яна Африкадаги Мозамбикда бор, деган гапларни эшитганман. Кейинчалик Ўрта Осиё темир йўли идорасининг бошлиғи Қодиров шу сувдан шифо топганлиги туфайли Москва билан келишиб темир йўлчиларга кафта, шинам санаторий қурдирган.

1978 йил бўлса керак... Совхоз чинорзори тагида овқатланиб ўтириб, вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби В. Хайдуrow Хаватоғ тўғрисида гап очди. Шунда у: «Тожикистоннинг Ленинобод вилояти раҳбарларига бориб ижозат олдик, шу ерга санаторий қурмоқчимиз», — деб қолди. Бу гап бир оз менинг нафсониятимга тегди. Хаватоғ тарихи, туман ижроия, қўмитасининг раиси вақтимдаги кечган воқеалар, нефть қидирганларимизни эсладим. Нефть ўрнида шифобахш иссиқ сув чиққани ва ўша вақтда мен шиша идишга

сувни солиб, Тошкентга олиб борганимда, менга бундай сув ҳамма ердан чиқяпти, сен шуни Тошкентга кўтариб келдингми, деб раҳбарларимиз изза қилиб қайтариб юборганларини, бу шифобахш сув 15 йилгача қаровсиз ётганини эсладим. «Ховос туманининг юқори ҳудудида 70 минг гектар олтиндай ер бор. Об-ҳавоси Кисловодскникидан қолишмайди. Зомин тоғларидаги дунёда ҳавоси тоза «Фуралаш» билан бир чизиқда. Илгари жаннатмакон боғ-роғлар эди. Ҳозир боғлар қуриб, қишлоқлар ташландиқ бўлиб ётибди. Боришга йўллар ёмон», деб тушунтирдим. Шунда Шароф Рашидов Хайдуров ва Кўчқоровларга қараб, эртага Боёвутга эмас, ўша ёққа борайлик, деб маслаҳат берди. Мен Шароф Рашидовга: «У ёққа чиқиб бўлмайди, йўл йўқ», дедим.

Шунда Шароф Рашидов Марказқўм ходимига: «Сиз эртага автомобиль ва йўл ишлари вазирини ҳам, лойиҳа институти директорини ҳам Гулистонга чақиринг»,— дея топшириқ берди.

Шароф Рашидов бошқа пайт келганларида гаплашиб ўтириб, менга: «Ховос юқори ҳудудида жойлашган ҳамма қишлоқларни ва Хаватоғни ҳам кўрдик, сиз айтганингизча бор экан, жуда яхши жойлар экан»,— деб қолди. Сўнг лойиҳа тузилаётгани, ўша ерларга газ, сув олиб борилиши, қишлоқларнинг остидаги текисликда туман марказининг бунёд қилинишини, йўл қурилиши бошланишини айтганди...

Эндиликда Хўжамушкент, Соввот, Жўйлангаргача Ховосдан равон асфальт йўллари орқали бориб келамиз. Беадад шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли ўша амалга ошмай қолган барча ишлар рўёбга чиқяпти. Ховос туманининг юқори зонасига газ, сув чиқариляпти.

## «СУПА» ОРОМГОҲИ

1978 йилда Шароф Рашидов 10-А совхозининг боғида учрашувга келган туман, вилоят раҳбарларидан бир гуруҳига шундай ҳикоя қилиб берганди:

«Аниқланишича, Зомин туманининг тоғида жойлашган «Супа» деган текислик ва шу ердаги «Гура-

лаш» деган жойнинг об-ҳавоси, табиати ва иқлими Швейцариядан ортиқ бўлса борки, кам эмас экан. Олимларнинг бундай хулосасидан сўнг бу ерга болалар ва оналар учун 500 ўринли санаторий, спорт мажмуаси, меҳмонхона, дам олиш уйи, пансионатлар ва бошқа иншоотлар қуриш учун давлат бюджетидан 281 миллион сўм маблағ ажратилиб, лойиҳалар тузилиб, тасдиқланди. Бундан буён халқимиз дам олиш, даволаниш учун Кавказга бориб сарсон бўлиб юрмайди. Ўзимизнинг Зомин тоғларида дам олиб, даволанадилар».

Афсуски, Ш. Рашидов айтган 281 миллион сўмдан 100 миллион сўм сарфланиб, қолган қурилиш ишлари ярим йўлда қолиб кетди... Дарҳақиқат, Зомин туманидаги оромгоҳнинг табиати ва иқлими, шифобахшлиги ҳақида халқимиз орасида жуда кўп ривоятлар, ҳаётий ҳангомалар юради. Шу ўринда камина ҳам имкон қадар бу мўъжизакор оромгоҳ тўғрисида шахсан ўзим кўрган-билган бир-икки воқеани баён қилмоқчиман.

Зомин тумани марказидан жануб томонга қараб тор водий бўйлаб, илон изидек буралиб-буралиб кетувчи текис, равон кенг асфальт йўл бор. Машина тик ёнбағирлар оралаб кўтарилар экан, ён томон яланғоч адирлар борган сари кўк либос кийиб, турли-туман шифобахш гиёҳлар оёқ остингизни қоплаб олади.

Сон-саноксиз тоғ буталари адирларнинг қат-қат қирра тошлари устидан бўйин чўзади. Қалин арча ўрмонлари гўё бахмал гиламдек товланади. Харсанг тошлар орасидан сизиб чиққан булоқ кичик-кичик жилғаларга айланиб йўлингизга пешвоз чиқади. Саратонда ҳам гоҳо бошингизда булут пайдо бўлиб, ёмғир заррасини аямай сочади. Табиатнинг бу каби мўъжизасини кўриб завқингиз ошади. Кўнглингиз ҳайратга тўлиб, кайфиятингиз кўтарилади. Зомин сув омборида сайр қилиш учун махсус қайиқлар мавжуд. Бу ердаги водийларда олча, ўрик, олма, шафтоли яхши ўсиб, мазали мева беради. Шифобахш гиёҳларни айтмайсизми?! Бу тоғтошлар, арчазорларда, асосан, аҳоли чорвачилик билан шуғулланади. Кўй, эчки, йилқи боқади. Турли тоғзиравор-гиёҳларини йиғади. Зоминнинг хушбўй зирасининг таъминини ким тотмаган дейсиз?! Тандир кабоби, қимизи ҳам жуда машҳур.

## МАРКАЗНИНГ ТАЗЙИҚЛАРИ

Шароф Рашидов Москванинг тазйиқларидан эзилиб, букилиб юрган вақтлари ҳамон эсимда.

1979 йили Брежнев Тошкентга келиб, фаоллар йиғилишини ўтказганда, Ш. Рашидов нутқ сўзлаб: «Бу йил пахтамиз 5 миллион 750 минг тонна бўлади», — деганди. Брежнев эса: «Кел, Шароф, «6 миллион», — деди. Шароф Рашидов индамай минбарда туриб қолди. Шунда Брежнев залда ўтирганларга қараб: «Сизлар мени қўллайсизларми?» — дея мурожаат қилди, ҳамма бирдан қарсақ чалиб юборди.

Бундан руҳланган Брежнев: «Кўрдингми, Шароф, сен бир ўзинг қолдинг, ҳамма менинг тарафимда, кел, 6 миллион тонна бўла қолсин», — деса ҳам лом-мим демасдан, сўзини давом эттириб кетавергани ҳали-ҳануз кўпчиликнинг ёдида. Ваҳоланки, шу шароитда қайси мард чиқиб Бош котибга қарши гапира оларди.

1981 йил октябрь ойида Шароф Рашидов Сирдарё вилоятига келди. Туш вақти эди. Туман, вилоят раҳбарлари билан совхозимиз боғидаги ҳовуз бўйига тушди. Шу куни ҳаво очиқ, кун иссиқ эди. Биз бирга айландик, шунда у киши менга қараб, маъюс овоз билан: «Худоёрхон, оғайни, жуда ҳам қийналиб кетдим, Брежнев ҳеч кўймапти, 6 миллион тонна пахта берасан, деб. Бунинг устига Қозоғистон 370 минг тонна гўшт бериши керак эди, бермай кўйди. Кунаевни Брежнев ҳимоя қилади. Мени эса, макка экасан, совхозлар ташкил қилиб, ўзингни ўзинг боқ деб мажбур қилади. Бунинг имконияти йўқ. Халқнинг аҳволи оғир», — дея арз қилганди. Ўшанда мен у кишига: «Хафа бўлманг, соғлиғингизни асранг», — дея далда бергандим. Ҳозиргача ўша гаплар эсимга тушса, шундай улуғ мартабали киши ҳам мустабид тузум исканжасида бўлганлигига ачинаман. Дарвоқе, ўша куни Шароф Рашидов ниҳоятда хафа, кўзларининг таги кўкариб кетганди. Ўша кунларда республикада пахта топширишнинг даражаси ҳам анча паст эди.

1982 йил ноябрда Л. Брежнев вафот этди. Пленумда КПСС Марказқўмининг Бош котиби қилиб Ю. Андропов сайланди. У касалманд деб, бу вазифани эгаллаш-

га қаршилиқ қилган эди. Шунга қарамасдан, уни сайладилар. Бироқ кўп ўтмай бевақт ўлим уни олиб кетди. Андропов ишлаб юрган вақтда марказий нашрларда Ўзбекистон ҳақида танқидий мулоҳазалар кўпайиб кетди. 1983 йили «Правда» газетасида «Хлопковая аномалия» деган танқидий мақола босилди. Радио-телевидение, журналлар ҳам Ўзбекистонни тез-тез танқид қила бошлади.

Мен шу ўринда юқорида ҳикоя қилинган учрашувда Ш. Рашидов айтиб берган бир воқеага диққатингизни жалб этмоқчиман. Ушанда Ш. Рашидов биз бир гуруҳ хўжалиқ, туман ва республика раҳбарларига: «Мен яқинда Москвада бўлганимда Андроповнинг қабулига кирдим. Унга Ўзбекистонда иш, айниқса пахтанинг иши машаққатли, оғир, халқимиз 12 ой ишлайди. Шунга қарамасдан, кейинги вақтларда газетчилар, радио-телевидениедагилар Ўзбекистон ҳақида ортиқча гапларни кўпайтириб юборяптилар», — дедим. Гапимга эътибор билан кулоқ солиб турган Андропов: «6 миллион тонна бўладими?» — дея сўради. Мен: «Бўлади!» — дедим. «6 миллион тонна пахта бўлса, бўлади, қолганига парво қилмай ишлайвер, агар 6 миллион тонна бўлмаса, ўзингдан кўр», — деб бошқа сўз айтмасдан, мени хонасидан чиқариб юборди. Энди, азиз биродарлар, сизлар ҳам ҳаракат қилмасаларинг бўлмайди», — деди.

Кейин менга қараб: «Худоёр Латипович, сиз вилоятга карвонбошилиқ қилиб берсангиз», — деди. Суҳбат давомида ҳам у кишининг ранги ўчиб, бир ҳолатда бўлаверади, унда нимадандир хавфсираш аломати ҳам сезилиб турарди. Дастурхондаги овқат ҳам яхши ейилмади. Ҳамманинг табиати нимагадир тирриқ эди. Ўтирганларнинг аксарияти юқори лавозимлардаги раҳбарлар эди. Ҳамма Ш. Рашидовга: «6 миллион тонна пахта учун ҳаракат қиламиз», деб ваъда берди. Шундан кейин у вилоят ва туман раҳбарлари билан бирга бошқа хўжалиқларга ўтиб кетди. Зеро, ўша йили пахта кечки бўлиб қолиб, кўсаклар очилиши орқага сурилиб кетди. Ишлар ҳам ниҳоятда оғир кўчди. Бунинг устига, Москвадаги фармонбардорлар — Андропов, Горбачёвларнинг кўрсатмаси билан Ўзбекистонга келиб, ҳарбий

вертолётларда вилоятма-вилоят юриб, тирноқнинг орасидан кир қидириб юрган Гдлян ва Ивановларнинг жосуслиги авжга минди. Уларнинг ниятларини Шароф Рашидов яхши биларди. Бу жосусларнинг қора ниятлари, ҳаракатлари унинг соғлиғига таъсир қилмай қолмади.

Ш.Рашидовнинг ёши 70 га яқинлашиб қолган бўлса-да, у республика учун, халқ учун кунига 12—13 соатлаб тинимсиз меҳнат қиларди. Бунинг устига, Андропов даврига келиб марказий матбуотда Ўзбекистон ҳақида ноҳўя гапларнинг тарқатилиши ҳам унга ниҳоятда салбий таъсир қилгани яққол сезилиб турарди.

## ХОТИРА

Шароф Рашидов саломатлиги у қадар яхши бўлмаса-да, тинимсиз ишларди, у ҳар куни матбуотдан хабардор бўлиб турар, вилоятма-вилоят, туманма-туман юриб, хўжаликлар оралаб, одамлар билан учрашиб, халқни руҳлантирарди. У қаерга борса, ишлар жонланиб, далада байрам бўлиб кетарди. Адашмасам, 1983 йил 13 октябрь куни Сирдарёга келиб, вилоятнинг кенгайтирилган фаоллар йиғилишини ўтказиб, КПСС Марказқўмининг талабларини халққа тушунтириб, пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштириш долзарб масала эканлигини таъкидлади. Фаоллар мажлисида ҳамма сўзга чиққанлар ҳам, залда ўтирганлар ҳам бу борада бутун чораларни кўришга ваъда бериб, қарор қабул қилишди.

Кейин Ш. Рашидов қўшни вилоятларга ўтиб кетди. Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида бўлди. Сўнгра Қорақалпоғистонга бориб, у ердаги ишларни кўриб, 1983 йил 31 октябрь оқшомида Нукус шаҳрида 66 ёшида вафот этди. Бу хабар бутун республика халқини чуқур қайғуга солди. Унинг жасади Тошкентнинг марказидаги сўлим хиёбонга дафн этилди. Мен 3 кун Тошкентда бўлиб, дафн маросимида қатнашдим.

Назаримда, Ш. Рашидовни мустабид тузумдаги адолатсиз, раҳмсиз бошқарув тартиби ҳалок қилди. Имко-

ниятлар билан ҳисоблашмай, юқори ташкилотлар, хусусан, Москвадаги раҳбариятнинг тазйиқлари, ноҳақ таъна-дашномлари ҳар қандай кишини бевақт хазон қилиши шубҳасиз. Ш. Рашидов эса ниҳоятда софдил, адолатли бўлганлиги учун, бундай ноҳақ тазйиққа дош беролмади. Айниқса, у меҳнаткаш ўзбек халқининг ёмон отлиққа чиқарилишига чидаб туrolмади, қаттиқ куйинди. Оқибатда энг гуллаган вақтида хазон бўлди. У халқ назарида адолатли, софдил инсоннинг, бетакрор раҳбар шахсининг олий намунаси бўлиб қолди. Ш. Рашидовнинг порлоқ хотираси ҳали узоқ йиллар авлодларимизнинг эъзозига мушарраф бўлмоғи шубҳасиздир.

Тарихдан маълумки, улуғ одамлар ўтганларидан кейин халқ орасида улар ҳақида турфа хил ривоятлар тўқилади. Айниқса, улуғ кишиларга ўзларини ғаним санаганлар, улар ҳақида турли хил ифволар ўйлаб топиб, халқ ўртасида тарқатишлари табиий. Шу боис тарихий шахслар ҳақида ёзганда холислик ғоят муҳим.

Мана, Шароф Рашидов вафот этганига ҳам 23 йилга яқинлашиб қолди. Мен кўпроқ бу инсоннинг 24 йил мобайнида Ўзбекистонга биринчи раҳбар бўлиб амалга оширган ишларини ўзим билганча баҳоли қудрат холисона қаламга олишга ҳаракат қилдим. Ҳали у кишининг мен билган-билмаган қанчадан-қанча фазилату хислатлари, хайрли ишларию аъмоллари бор. Улар ҳақида келгуси авлод албатта ёзади, деган умиддаман. Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим. Бу йўлда бизга Йўлбошчимиз И. А. Каримовнинг Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқи — «Халқимизнинг оташ қалб фарзанди» асари йўлчи юлдуз бўлмоғи даркор.

### III

#### **ЗУЛМ УСТИГА ЗУЛМ**

Мустабид тузум «жаллодлари» ўтган асрнинг 20-, 30- ва 50-йилларида халқ бошига қатор қатағонларни солди. 80-йилларга келиб ўша қатағонларнинг ошкора, ваҳшиёна кўриниши «ўзбек иши», «пахта иши» номлари билан Ўзбекистонда такрорланди. Бу даврда республикамиз ўта таҳликали-асабий ҳолатни бошидан кечирди. Бу салкам ўн йиллик қатағон жазаваси даврининг зулм-зўравонликлари, фожиаларининг чек-чегараси йўқ эди. Ўша йиллар аянчли манзарасини тасвирловчи мисоллар ҳам кўплаб содир бўлди. Қуйида «сўнгги қатағон» билан боғлиқ айрим лавҳаларни хотирамда жонлантиришга ҳаракат қиламан.

1984 йилнинг куз фасли. Деҳқонлар пахта ва бошқа экинларни йиғиб олиш ташвишида. Республикада тартиб бузилган. Бу аҳвол қишлоқ хўжалик ишига салбий таъсир қилди, ишларимиз оғир кўчди.

Куз ҳам оғир келди. Ёгин-сочин кўп бўлганлигидан деҳқонлар бемалол ишлашининг иложи йўқ. Бунинг устига, Тошкент шаҳридан ва бошқа шаҳар, қишлоқлардан талабалар, ўқувчилар, ишчи-хизматчилар пахта теримига сафарбар қилинган. Мен раҳбарлик қилаётган 10-А совхозда ҳам 7 минг кишидан ортиқ ёрдамчилар бўлиб, улар ТошДУ талабалари, Янгиер, Бекобод шаҳарларидан келган ишчи-хизматчилардан иборат эди. Ёрдамчилар учун совхозда жой етишмайди, бир қисмини ишчиларнинг уйларига жойладик. Яна унинг устига, Бекобод, Тошкент шаҳарлари идораларидан тўпланган 2500 кишини олиб келиб ташлаб кетдилар.

Мирзачўлнинг қаттиқ шамоли, тинимсиз ёмғир аҳволни янада оғирлаштирмоқда... Шундай кунларнинг бирида ёрдамчилар жойлашган хонадонларни айланиб, 2-қаватдаги совхоз идорасига кирдим. Эрталаб соат 8.00 лар эди. Совхознинг бош ҳисобчиси Анорқул Ҳаққулов

менинг келишимни пойлаб турган экан, ортимдан кириб мен билан кўришди. Қарасам, ранги ўчган, ҳаяжонда. «Ҳа, нима гап», десам, у прокуратурадан вилоятнинг махсус ишлар бўйича бош терговчиси А. Сафаров бошчилигида бир гуруҳ терговчилар келиб, совхознинг бухгалтериясини, кадрлар бўлимини, кассани, омборни муҳрлаганларини, бир гуруҳ ташкилотчилар эса совхозни текширмоқчи бўлаётганларини айтди.

Мен: «Тафтиш қилишса, қилаверишсин, текширишаверсин, кимдан кўрқамиз», — дедим. Анорқул эса: «Булар 250 минг сўм пул берасизлар, бўлмаса, директорингни ҳам, сени ҳам, ҳаммаларингни қамаймиз деб айтишяпти», — деди ҳаяжонланиб.

Мен: «Анорқул, ўзингизни босинг, ўтиринг. Менга ростини айтинг, текшириб, тафтиш қилишса, қандай камчилик чиқади?» — деб сўрадим. «Ҳеч нарса», — деди у. «Менга билдирмасдан, биронта бўлим бошлиғи ёки бошқа ходимлар билан бирор иш қилганмисизлар, ёлғон ведомость тузмаганмисизлар?» — дея такрор сўрадим. Анорқул: «Йўқ, Худоёр ака, бирор сўмлик ҳам хиёнат иш қилганимиз йўқ», — деди. «Бўлмаса, нимадан кўрқасиз, агар кўрқадиган хиёнат иш бўлмаса, кўрқманг. Дунёда ҳақиқат бор, худо бор. Туҳмат қилиб, қасддан қамасалар, пешонадан кўрамиз», — дея унга далда бердим. Кейин: «Терговчига чиқиб айтинг, қанақа қилиб текширишса, текшираверишсин, қўлларидан келганини қилишсин, 250 минг тугул бир тийин ҳам бизда пул йўқ экан, денг», — дедим.

Анорқул дадил бўлиб чиқиб кетди. Орадан 10 дақиқача ўтгач, новча, қотмадан келган, сочлари оппоқ, кўзлари кўкиш, юзи тиришган, рангида қон йўқ, сохта кулимсираган, ёши 45 лардаги бир йигит кириб келди. Қўл бериб саломлашаркан, нотаниш йигит илтифот билан бир варақ қоғозни менга узатди. Ўқиб кўрсам, вилоят прокурори имзоси билан ёзилган хат. Унга кўра, «Оқолтин» туманидаги 10-А совхозни тафтиш қилиш ва тергов ишлари олиб бориш шу йигитга топширилган экан.

Мен: «Маъқул», дея хатни унинг қўлига қайтариб бериб: «Бемалол ишлаш учун тўлиқ шароит беринг», — деб Анорқулга топшириқ бердим.

## ҚАТАҒОННИНГ БОШЛАНИШИ

Ўзбекистонга алоҳида топшириқ билан бегуноҳ халқни қатағон қилишга келган (1983 йилда Ш. Рашидов ҳали ишлаб турган вақтда) Гдлян «шайкаси» ҳамма вилоятлар каби Сирдарё вилоятига ҳам келиб, рўйхат тузган эди. Уларнинг асл мақсади, Ўзбекистондаги атоқли кишиларни йўқотишдан иборат бўлган. Шундай қора рўйхатга Сирдарё вилояти бўйича 13 киши тушган экан. Булар асосан Шароф Рашидовнинг энг яқин кишилари деб ҳисобланган раҳбарлар эди. Шу рўйхатни ўқиган кишиларнинг менга айтишларича, рўйхатнинг бошига Латипов Худоёр, яъни менинг фамилиям ёзилаган экан. Кейин Қодиркул Султонов, Собиржон Сиддиқов, Содиқжон Отахонов, Шамсиддин Титуев каби қатор хўжалик ва туман раҳбарларининг фамилиялари қайд этилган. У кунларда Гдлян «шайкаси»нинг зуғуми авжга миниб, республика аланга ичида қолган вақт эди. Сирдарёда раҳбар фаолларини ёппасига (совхоз-колхоз фаолларини) қамаша бошлаганди. У ерда у эмиш, бу ерда бу эмиш. Нима эмиш, тумандаги Меҳнат Қаҳрамони Собиржон Сиддиқов раҳбарлик қилаётган «Фарғона» совхозини ҳам «десантчилар» босган эмиш. Шунга ўхшаш ваҳимали миш-мишлар тарқалган, қаерга борманг, одамлар 4—5 та бўлиб олишиб миш-мишларни, нохуш хабарларни бир-бирларига айтиб турганининг устидан чиқасиз.

Тафтиш-текшириш бошланди. Терговчи Сафаров олдимга ранги ўчган, важоҳати баланд, қовоғи солиқ аҳволда кириб, ўзи қизиққан одамларни сўрайди, мен парво қилмай, жавоб бераман, у зарда билан чиқиб кетади.

Бир ёқда ҳаво ёмонлашиб боряпти. Туман, вилоятдан белгиланган пахта топшириш графигини бажаришни талаб қилишади. Ҳар куни туман фирқа қўмитасининг бюроси, у ерда вилоят фирқа қўмитасининг бюро аъзоларидан бири албатта қатнашади. «Нима учун топшириқни бажармайсизлар?» деб дағдаға қилишади. «Ҳаво ёмон, ёмғир, пахтазорга кириб бўлмаёпти», — десангиз, «Биз ҳеч нарсани билмаймиз, фирқанинг топширигини бажариш керак», — дейишади. Хуллас,

хайф-санни ҳам, шакардан «ширинроқ», соғноқ тошдан силлиқроқ, ҳақоратомуз сўзларни ҳам эшитавериб, эшитавериб, ўрганиб қолган эдик. Ҳар куни бир хилда топшириқ олиб, индамай чиқиб кетамиз.

Совхозга қайтиб келаман. Бу ердаги етти мингта ёрдамчи турган жойлар мутлақо талабга жавоб бермайди, ҳатто ичимлик сувни «Белорусь» трактори билан 19-совхоздан, Гулистондан, Янгиердан ташиб келтирамиз. Сув келганда хотин-халаж, ёш болалар, чолу кампирлар худди Иккинчи жаҳон уруши вақтида нонга навбатда тургандек, турнақатор бўлиб, челақларни сувга тўлдириб оладилар, сув етмай қолгандаги қий-чувни кўринг...

Сув бўлмагандан сўнг қозонхоналар ҳам ишламади, иссиқ сув, канализация ишламагач, икки қаватдаги иморатларда яшайдиган одамларнинг аҳволини кўз олдингизга келтириб кўринг, даҳшат!

«Совхоз раҳбарияти сув, иссиқлик, канализация масалаларини ҳал қилса бўлмасмиди?» деган савол туғилиши табиий. Аммо ўша вақтдаги ёзилмаган қоидалар бўйича совхоз қуриб битирилмаганлиги учун «Средазирсовхозстрой»нинг тажриба участкаси ҳисобланарди. Совхоз ҳар йили 2,5—3,5 миллион соф даромад олар ва уни дарҳол Янгиер совхозлар бошқармаси ихтиёрига берарди. Қурилишни «Голодностепстрой» юқоридаги аҳволда ташлаб кетар эди. Бу борада қанча арз-дод қилмайлик, барибир ҳеч қандай натижа чиқмасди. Шу йўсинда совхоз ишчилари ишга қизиқмай қолган, халқнинг интилиши ҳам пасайган эди.

«Оқолтин» туман фирқа кўмитасининг иккинчи котиби Сорокин ва бошқа вакилларнинг ҳам менинг кетимдан қолмай, юқоридаги ачинарли аҳволга гувоҳ бўлиб юришдан бошқа иложи йўқ эди. Шундай шароитда совхознинг бухгалтерияси, кадрлар бўлими, каса омбори қулфланган. «Очиш мумкин эмас, қаттиқ текширилсин», деган кўрсатма бор. Текширишса, майли текшираверишсин, лекин совхоз халқининг аҳволи ҳеч кимнинг эсига келмасди. Халқ кўриб, билиб турибди, аҳволни яхши тушунади. Шунинг учун бир оғиз бир нарса демайди. Бунинг устига, минглаб ёрдамчини ҳам нон-ош билан таъминлаш керак...

Ўша вақтда «Оқолтин» туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби П. Йўлдошев эди. У ёш, тажрибасиз эди. У: «Сизга тақсимотда 2500 тонна пахта бор, пахтани заводдан олинг», — деб қисталанг қилишини қўймади. Шунда мен унга: «Ука, менинг ёшим 63 да, II гуруҳ уруш ногирониман, аслида 55 ёшдан пенсияга чиқишим керак эди. Мени булғаманг, мен умримда пахта сотиб олиш у ёқда турсин, бирор-бир кўзбўямачилик қилмай ишлаб юрибман. Бу топшириғингизни бажара олмайман, яхшиси, мени пенсияга чиқаринг. Кимни хоҳласаларинг, ўрнимга қўйинглар, кейин нима қилсаларинг, ўзларинг биласизлар», — дедим.

У жаҳланиб, хайрлашмасдан машинасига ўтириб жўнаб қолди.

Кейинги ҳафта туман фирқа қўмитасидан вакил келди. Бу пайтда мен аламларга чидай олмасдан, касал бўлиб қолган эдим. Шунга қарамай, идорага чиқдим, у ҳам эски гапни қайтарди: «Янги хўжайин вилоят режасини бажармоқчи, келинг энди шу 2500 тоннани олинг!» — деди. «Мен бу ишни қилолмайман, яхшиси, мени бўшатинглар, кейин билганларингни қилаверинглар», — дедим. У эса ўйлаб кўришим лозимлигини тайинлади.

Мен кечаси пахта пунктидаги штабда ўтирган эдим, туман раҳбари Йўлдошев, туман прокурори Сармонов, Сардоба пахта заводининг директори Собитовлар штабга кириб келишди. Бир оз гаплашганимиздан сўнг завод директори Собитов мени ташқарига етаклади.

Ташқарида Собитов гап бошлади: «Худоёр ака, 2500 тонна пахтани оласизми-йўқми? Мен кириб хўжайинга айтишим керак», — деди. Мен эса: «Илгари ҳам айтганман, олмайман, кириб хўжайинга айтинг, яхшиси мени ишдан бўшатишсин», — дедим. «Бўпти», — деб Собитов ичкарига кириб кетди. Шу заҳоти Сармонов чиқиб қолди, менинг олдимга келиб: «Нима деяпти Собитов?» — деб сўради. «2500 тонна пахта сотиб олинг, деяпти. Сиз билармишсиз, мана, прокурорни ҳам олиб келдик, сиз кўрқманг», — деяпти дедим. «Сиз нима дедингиз?» — деб сўради Сармонов. «Мен бундай ишни қилолмайман», — дедим. «Тўғри айтибсиз, уларнинг кетидан давлат одамлари юрибди, пахтани олол-

майман, деб яхши айтибсиз»,— деди. Шу-шу Сармоновни ҳалол йигитлиги учун яхши кўраман.

Яна тўрталамиз штабда жам бўлдик. Биз Сармонов билан хўжайиннинг олдига кирганимизда завод директори унга бўлган гапни айтиб берган бўлса керак, хўжайин: «Худоёр ака, графикни бажаринг, бўлмаса ишингиз чатоқ бўлади»,— дея ўрнидан турди. Мен унга жавобан: «Оби ҳавони кўриб турибсиз, пахтани териб бўлмаяпти, борини топширишга ҳаракат қиламиз»,— дедим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, туман фирқа кўмитасининг иккинчи котиби Сорокин кириб келди. Унга бўлган воқеани айтиб бердим, у ҳам ҳайрон. График катта, топширган пахтамиз унинг ўндан бир қисмини ҳам ташкил қилмайди. Эртага соат 10.00 да бюро. У ҳам мен билан баробар бюрода типпа-тик туриб, анча гап эшитди. Эртаси куни совхозга келиб мазам бўлмади. Вилоятдан вакил келди, у уйга кириб: «Сиз ётиб дамингизни олинг, бош агроном келар, пахтани олишни ўшанга тайинланг»,— деб чиқиб кетди. Тез орада совхознинг бош агрономи Умматқул Жўраев кириб келди. Мен унга бўлган гапни тўлиқ айтдим, ўз фикримни ҳам тушунтирдим, у ҳам менинг фикримга қўшилди. Чунки бу вақтда пахта ва бошқа экинларни қўшиб ёзишда айблаб одамларни қамаш, ваҳима бутун республикани босган эди: совхозни прокуратура текшириб турган пайт эди, кимнинг жони иккита дейсиз. Бу кеч ҳам топшириқ бажарилмади. Хуллас, агроном ҳам сохталаштиришга бош қўшмади, чунки мен унга: «Юқоридагилар нима қилишса, қилишаверишсин, лекин сен пахтанинг фақат борини топширтиргин, бир килограмм ҳам қўшиб ёзишга йўл қўйма»,— деб тайинлаб юбордим.

У кетгач, ўзимни янада ёмонроқ сеза бошладим, юрагим сиқиб, баданим ловуллаб қизиб кетаверди. Врач келиб, дори-дармон қилиб, қимирламай ётишим лозимлигини тайинлаб кетди. Менинг эса ётишга тоқатим йўқ, уйқум ҳам қочган. Шу аҳволда эрталабгача юриб чиқдим. Аҳволим оғирлашяпти, яна дўхтирлар келиб, текшириб, касалхонага ётишимни маслаҳат беришди.

Мен: «Шундай оғир вақтда шифохонага бориб ётсам, атайлаб ётиб олди, деб гап чиқазишади, ўлсам ҳам майли, ишлаб турай»,— дея рад жавобини бердим.

Шу аҳволда уйда ётсам, бир куни совхознинг идорасидан иқтисодчимиз кириб келди-да: «Идорага катталар келишади, Сизни чақиришяпти», — деди. Кийиниб, чиқиб бордим, уйим идоранинг олдида эди.

Борсам, кабинетимда вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Антонов одамлари билан ўтирибди. Яна ўша гап — пахта сотиб олиш масаласи кун тартибига қўйилди. Ҳаммаси бўридек ташланишди. Катта жанжалга айланиб кетишига сал қолди. Мен ўз сўзимда қатъий турганлигим уларга қаттиқ алам қилди. Ниҳоят, мендан бир айб топишларини айтишди.

Мен уларга пинагимни ҳам бузмай: «Топаверинглар», — дедим. Шундан сўнг туман раҳбари Йўлдошев: «Туман фирқа қўмитасига боринг, ўртоқ Антонов иштирокида бюро бўлади»,— дея тайинлади. Унинг овозида аллақандай таҳдид сезилиб турарди.

Уларнинг ҳаммаси машиналарга ўтириб кетишаркан, хайр ҳам дейишмади. Раҳбарлар кетгандан кейин ишчилар мени ўраб олишди ҳамда: «Нима гап, Худоёр ака»,— дея сўроққа тутишди. Мен уларга билдирмасдан, кулиб: «Пахтани кам топширяпсизлар, шунинг жанжали-да. Бориб ишни қилаверинглар»,— дея уларни жўнатиб юбордим. Ўзим бизда азиз меҳмон бўлиб турган ўзбек халқининг севимли ёзувчиси Саид Аҳмад аканинг олдига қайтдим. Аксига олиб, шу киши меҳмон бўлиб келишларига юқоридаги нохуш воқеалар тўғри келса бўладими! Мен бу машмашаларни муҳтарам меҳмонга сездирмасликка ҳаракат қилиб, у кишидан кечирим сўрадим: «Муовиним билан боғдаги кошонада меҳмон бўлиб турасиз, мен туман фирқа қўмитасининг бюросига қатнашиб, тезда қайтиб келаман»,— деб уларни боққа кузатдим.

Ўзим машинада туман фирқа қўмитасига келиб, тўғри иккинчи қаватга чиқдим, ҳали ярим соат вақтим бор. Ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб, машинка қилдиришга кирдим. Ариза машинкадан чиққандан сўнг ўқиб кўриб, қўл қўйдим. Аризамни туман фирқа раҳбари кабинетида ўтирган Антонов ва Йўлдошев-

ларнинг қўлига топширдим. Антонов индамасдан ўқиб кўриб, Йўлдошевга узатди ва унга идорамда берасан, деди. Ташқарига чиқсам, 17-совхознинг директори Омонгелди турган экан, у менга: «Ариза бериб тўғри қиласиз, Худоёр ака, бу нима деган гап, ахир ҳалол одамни ҳам йўлдан уришмоқчи бўлишади-я»,— деб кўнглимни кўтарган бўлди. Мажлисга ҳамма қатори кирдим. Бюро бошланди. Бирма-бир хўжалик раҳбарларини турғазиб, эзиш бошланди. Ҳақоратомуз гаплардан иборат бюро мажлиси икки соатча давом қилди. Ниҳоят, ҳаммага шундай топшириқ берилди: Вилоят режаси бажарилмагунча ҳеч кимга тинчлик йўқ! Бюро мажлисида кўпчиликни турғазиб қаттиқ гапиришган бўлса-да, менга индашмади. Назаримда, совхоздагиси етарли, дейишди, шекилли.

Сорокин билан иккимиз совхозга келдик. Ёмғир уриб турибди, ҳаво совуқ изғирин, ёмғир туфайли ерлар шилта лой. Идоранинг олдига кела солиб, Саид Аҳмад акани суриштирсам, у киши бизни ортиқча безовта қилмай, деб кетиб қолибдилар. Сорокин иккимиз совхоздаги ёрдамчиларнинг аҳволидан хабар олгани бирма-бир ётоқхоналарга, мактаб, баракларга кириб чиқа бошладик. Кеч кириб, қоронғи тушди. Биз ҳамон одамларнинг аҳволидан хабар олиб юрибмиз, ҳашарчиларга иложи борича шароит яратиб беришга ҳаракат қилаётирмиз. Тўғриси айтганда, ёрдамчиларнинг шароити ёмон эди. Айниқса, об-ҳавонинг паст келиши ишнинг белига тепарди. Қолаверса, совхозда ҳаммаси бўлиб 3500 кишини жойлашга имконият бор эди. «Сенда пахта кўп»,— дея яна 3500 кишини зўрлаб келтириб ташладилар. «Ёмғир-қорда ҳам пахта терасизлар»,— деб клеёнкадан ёпинчиқ фартук қилиб келтирдилар. Фойдаси бўлса-да, уларни совхоз сотиб олиб ҳашарчиларга тарқатиб берди, бунинг устига, Министрлар Советининг қарорига асосан, мажбурий ишга чиқмаганлиги сабабли деб, кунига ҳар бир кишига 1 сўм 20 тийиндан овқат пули тўлаймиз, буларнинг бари совхозга зарар эди.

Ваҳоланки, бизнинг совхоз бир неча йиллар ҳашарчи қабул қилмай, пахта режасини машина терими билан бажариб келар эди.

Бу йил ҳам ёрдамчи олмасдан, пахтани ўз кучимиз билан териб оламиз, деб август ойининг бошидаёқ

туман, вилоят раҳбарлари билан келишган эдик. Шунинг учун ҳам ёрдамчи олишга тайёргарлигимиз йўқ эди. 40 та шийпон, бошқа биноларни таъмирлашга қанча харажат кетади, ўзингиз ўйлаб кўринг-а?...

Хуллас, вилоят фирқа кўмитасининг биринчи котиби Антоновнинг менга нисбатан олиб борган ғайриқонуний ва ғайриинсоний уринишлари бежиз кетмади. Бир умр ҳалол ишлаб келганим сабабли ноҳақ танқидни, зулм-зўравонликни кўтара олмадим, юрак хуружи билан шифохонага тушиб қолдим.

Шифохонада 20 кундан ортиқ ётдим. Шифокорларга минг ташаккур, ҳафсала билан қараб, дори-дармонлар қилдилар. Анча яхши бўлиб қолдим. Ўша кунлари мени кўриш учун вилоят ижроқўми ходими Эркинжон Қодиров келиб қолди, у қўйидаги хабарни олиб келди: «Худоёр ака, сизни Иттифоқ миқёсидаги фахрий нафақага чиқаришди, кўп йиллик ҳалол хизматларингиз учун фахрий ёрлиқ билан мукофотландингиз. Совхозга директор қилиб «Фарғона» совхозининг фирқа кўмитаси котибини тайинладилар. Мажлисида сиз ҳақингизда одамлар жуда яхши фикрлар айтишди, тезроқ соғайиб кетишингизни тилашди».

Бу гапларни эшитиб устимдан тоғ қулагандай бўлди. Худойим шу заҳотиёқ шундай бир тани сиҳатлик бердики, бутун дардларим кетиб, соппа-соғ бўлиб қолдим. Эркинжон ҳам аҳволимнинг яхши бўлганини кўриб, суюниб кетди. Кейин «нима қиламиз ака?» — деб сўради. Мен: «Иложи бўлса, мени касалхонадан чиқариб, Тошкентга олиб бор, бир ўйнаб келайлик», — дедим. У докторларни чақирди, шифокорлар ҳам аҳволим яхши бўлганини кўришиб, ҳайрон бўлишди. Қон босимим 80 га 140 бўлиб қолганди.

## ТЕРГОВ

Шундан кейин ҳам совхозда тафтиш-тергов ишлари тўхтамади. Уч йиллик иш фаолиятимиз текширил-япти. Гумон қилинган ведомостлар терговчилар қўлида. Шу ведомостлар бўйича ишчиларни бирма-бир чақиришиб, шу ведомостлардаги пулни олганмисиз, имзо ўзингизникими, деб сўроқ қилишяпти.

Бош тафтишчи уч йиллик тафтишни тамомляпти. Майда-чуйда камчиликлардан бошқа ҳеч қандай камомад чиқмаяпти. Пахта, чорва маҳсулоти бўйича ва бошқа даромадлар, ведомостлар ҳаммаси қонуний, ҳеч қандай хиёнат йўқ, деб акт тузилибди. Фақат ведомостдаги, яъни 1983 йилги 39 минг сўмлик ТошДУ журналистика факультетининг талабалари кетгандан кейин 3-бўлим бошлиғи Э. Жўраев (тўғрироғи, ўзи касал бўлгани сабабли унинг ўғли, совхознинг кадрлар бўлими мудири Йўлдош Жўраев) томонидан тасдиқланган ведомостдаги имзолар сохта, пул талабаларга берилмай, ўзлаштирилган, деган гапни менга айтдилар. Терговчидан мен: «Шу ведомостни мен кўрсам бўладими?»,— дея сўрадим. У иккиланди, мен қаттиқ талаб қилдим, ведомостни бермасликка иложи қолмаган терговчи менга ведомостни кўрсатди.

Ҳақ қачон бўлса ҳам қарор топишига шунда яна бир марта иқроп бўлдим. Қарасам, тасдиқлайман деган жойида директорнинг имзо қўядиган графаси бўм-бўш, қўл қўйилмаган. Мен: «Бу ведомостни билмайман, кўрганим йўқ», дедим. Терговчи лол бўлиб қолди. Шу куни ведомостга қўл қўйиб, пулни ўзаро бўлиб олган бўлим бошлиғи, бухгалтер, кассир, бўлим бошлиғининг ўғли, талабани ушлашиб, Ховос тумани изоляторига олиб бориб қамашди.

Биринчи тафтишга ишончсизлик билан қаралди. Мен ҳам ҳужжатларимни нафақага чиқиш учун тайёрлаб уйда юрибман.

Шу кунлари албатта руҳим тушкун, текшириш, тафтиш ҳақида ҳар хил кўнгилсиз гаплар юрибди. Бош тафтишчи билан гаплашсам, менинг тафтишимга ишонмасдан қайтадан текширяпти, деди.

Кўп ўтмай қайта-қайта текширишлар ҳам тамом бўлди. Ҳеч гап чиқмади. Талабаларнинг 39 минг сўм пули бўйича тергов якунланиб, иш вилоят судига ўтди. Вилоят суди ишни Расулов раислигида кўриб, тергов нотўғри бўлган, деб қайта вилоят терговига берди, фақат бўлим бошлиғи Жўраевни қайтадан ҳибсга олишди, қолганларга рухсат беришди. Судга гувоҳ тариқасида мени ҳам чақирди.

Вилоятдагилар қайтадан тергов бошлашди. Қайта

текширишга тушган терговчи мени ҳам чақирди, вилоят прокуратурасида бош терговчи мени сўроқ қилди. «Менинг бу масаладан ҳеч хабарим йўқ. Қирқ беш йилдан ортиқ ишладим, умримда бир сўмлик ҳам хиёнат қилганим йўқ»,— деб жавоб бердим. Шундан кейин чиқиб, Тошкентга — Исфандиёр ўғлимни кетдим.

## ҚАЙТА ТЕРГОВ

Яна иш ўша вилоятнинг алоҳида ишлар бўйича бош терговчиси қўлига қайтиб келган. Мен нафақада, Тошкентда тураман. Яна вилоят прокуратурасидан «фалон кун келинг» деган мазмунда чақирув қоғози келади. Суддан, прокуратурадан ҳар бир чақирув қоғозини олганимда, баданимга пичоқ санчилгандай таъсир қилади. «Қайси қилган гуноҳим учун мени чақирадилар», дея ўйлайман. «Наҳотки, узоқ йиллар совхозларга раҳбарлик қилиб, халқни тўйдириб, чўлларни обод қилиб, юқори ҳосил бериш шунчалар гуноҳ бўлса?!» Ўйлаиб, ўйимга етолмайман.

Чақирилган жойга бораман. Вилоят прокуратурасининг биринчи қаватдаги кичикроқ хонасига бош терговчи олдига кираман. У сохта кулги билан «самимий» кутиб олгандан сўнг: «Хўш, Худоёр ака, совхоз пахта пунктдан пахта сотиб олингани йўқ, сохта ведомостлар ҳам йўқ. Лекин учинчи бўлимда талабаларга тегишли 39 минг сўм пулни уларга бермасдан, еб қўйганлар. Шунинг учун совхозингиз ходимлари турмада ётибди, буни яхши биласиз. Ведомостда сизнинг қўлингиз йўқ, сизга билдирмай ўзлаштирган бўлсалар ҳам, сиз шу совхознинг директори бўлгансиз. Совхозда обрўйингиз бор. Сиз бизга шу пулни ундиришга ёрдам қилишингиз керак. Чунки ўзингиз яхши биласиз, ҳозирги бошлиқларимиз Москвадан келган муҳтарам Гдлян ва Ивановлар қаерда ўғирлик фош қилинса, биринчи навбатда, давлат пулини ундириб олишни топширганлар. Шу 39 минг сўмни ундириб, йиғиб берсангиз, мен турмадан йигитларингизни чиқариб юбораман. Тошкентдаги хўжайинлар билан муносабатим яхши, улар мен нима десам, йўқ демайдилар», — деди.

Мен унга: «14 йил совхозга директорлик қилиб, кетар чоғимда минг сўм пулим ҳам йўқ эди. Буни совхоз халқининг ҳаммаси билади»,— десам, у менга: «Сиз совхозга боринг, обрўйингиз бор. Халққа айтсангиз йиғиб беради»,— деб топшириқ қилди. Бу гапни туман раҳбарига етказдим.

Орадан уч ойча ўтгандан кейин менга яна вилоят судидан гувоҳ тариқасида судда иштирок қилишим лозимлиги ҳақида хабарнома келди. Суд мажлисига кирдим, гувоҳлик бердим. Маълум бўлишича, ўша пул тўланмапти. Вилоят суди ишни яна қайта терговга жўнатди. Бу орада беш киши турмада 20 ойдан ортиқ ётди. Мени яна бош терговчи чақиртирди, ҳузурига келдим. Яна ўша гап, терговчининг олдидан чиқиб, фаолларни, таниш-билишларни ишга солдим. Қарз тариқасида 39 минг сўм пулни йиғиб, Й. Жўраевга бердик, унинг ўзи совхоз кассасига топширди, уч марта суд қилинди, шундан сўнг ҳибсдагиларнинг ҳаммаси бўшатилади. Шу орада терговчи ҳибсдагиларни яккама-якка бўшатиб, яна ҳибсга олиб турди. Иш тўхтаб, суд ҳибсга олинганларни бўшатганидан сўнг бош терговчи: «Барибир директор бир сўм бермаган бўлса ҳам, лекин биринчи кунда айтилган 250 минг сўмни совхоз одамларидан, турмадагилардан ва бошқа алоқадор кишилардан ундириб олдим»,— деб мақтаниб юрди. Дарҳақиқат, Гдлян ва унга содиқ итдек хизмат қилган ўзимизнинг ичимиздан чиққан малайлар халқ ўртасида ваҳима солиб, битта қилинган жиноят учун ўнлаб ҳалол кишиларни ноҳақдан ушлаб, ишлаб турган жойида тўсатдан ҳибсга олиб, бир неча ойлаб сўроқсиз қамаб қўйиб, ноқонуний ваҳшийликлар қилдилар. Турли жинойий йўллар билан айбсиз кишиларнинг бўйинларига уйдирма айбларни қўйиб, айбни тан олиш тилхатларига мажбуран қўл қўйдириб улардан жиноятчи ясаганликлари кейинчалик маълум бўлди.

Мен бугунги 80 ёшимда ўзимга ўзим савол бераман: «Республикамиздаги энг оғир участкаларда 56 йил ҳалол ишлаб, ўзимнинг манфаатим учун нима қилдим?» Ўзимга ўзим айтаманки, ҳеч нима. Тузукроқ ҳовли-жойим, машинам бўлмаса, ваҳоланки, раҳбарликнинг доим юқори лавозимларида ишладим, оилам

учун уйимга гарнитур, гилам деган анжомларни олиб келишни манманлик, содда халқ анъаналарига хиёнат деб билдим. Мана, шунча ёшга кирдим, ўғил-қизларим, 60 дан ортиқроқ невара-чеварам бор, ҳеч кимдан кам эмасман. Юзим ёруғ. Шунисига шукур дейман.

## **«ГДЛЯНЧИЛАР»НИНГ НОҲАҚ ҚУРБОНЛАРИ**

Гдлян бошчилигидаги десантчилар ўз халқи учун ҳалол ишлаб, бузоқнинг ҳаққи бор деб, сигирнинг сутига хиёнат қилмаган ўзбекнинг мард, ақлли иш-бошчиларини ноҳақдан қамаб, азобладилар, қамоқларда ўлдириб юбордилар. Баъзи раҳбарлар юқорининг тазйиқ-сиқув иснодини кўтара олмай, ўз жонларига ўзлари қасд қилдилар. Айримлари бундай тухматларни кўтара олмасдан, камолотга етган вақтида, халқимиз учун энди иш берадиган даврда ҳаётдан кўз юмиб кетишди. Мен уларнинг кўпи билан бирга ишлаганман. Уларни яқиндан билардим, танирдим. Уларнинг порлоқ хотираси олдида таъзимдаман. Уларнинг беш-ўнглаб фарзандлари сағир қолишди. Улар қатағоннинг жабрини, маънавий азобини чекмоқдалар.

Пискент туманидаги «Гулистон» колхозининг раиси Ислиддин Ҳайдаров 40 йилга яқин шу колхозга раислик қилди. Колхоз ўзининг ҳосилдорлиги билан, маданияти билан вилоятда эмас, балки республикада ҳам энг илғор хўжаликлар қаторидан ўрин олганди. Оҳангарон дарёси тошқинидан доим зарар кўриб вайрон бўлиб ётган кичик-кичик қамиш уйларни бузиб, халқ учун замонавий тартиб билан уйлар қуриб берди. асфальт кўчалар, клуб, болалар боғчаси, катта мактаб, маданий-маиший бинолар бунёд этди. Шредер номли институтнинг раҳнамолигида улкан боғ бунёд қилди, сарҳовуз (шу ҳовузнинг лабига 1954 йили мен ўз қўлим билан эккан чинор ҳозир ҳам сайқал бериб, кўкариб турибди), иссиқхона, ишчи-деҳқонлар учун санаторий ва ҳоказолар қурди. Қишлоқ ҳудудини шаҳардек кўркам масканга айлантирди. Шу ишларни қиламан деб кечани кеча, кундузни кундуз демай, ишлади. Халқнинг ҳурматига сазовор бўлди. Оқибат

нима бўлди? «Гдлянчилар» келиб, Шароф Рашидовнинг одамисан, деб тўсатдан ҳибсга олди. Узоқ вақт Тоштурмада ётишга мажбур бўлди. «Турмада ит азобини тортдим, тушимда кўрмаган тўхмат гапларни бўйнингга оласан, деб не-не азобларни бердилар»,— деганди у кишини кўргани борганимда. Минг афсуски у ҳақиқат тантана қилиб, турмадан чиққач, озроқ вақтдан сўнг оламдан ўтди. Чунки унинг умрини азоблар билан турмада хазон қилиб қўйган эканлар, фарзандлари, неварачеваралари ортида зор-зор йиғлаб, доғда қолишди.

**Аҳмад Дўстбеков** — 2-Пискент совхозининг директори, 1953 йилдан буён шу совхозда, бир вақтлар Пискент тумани ижроқўмининг раиси ҳам бўлиб ишлаган. Унинг ўзи менга шундай ҳикоя қилиб берганди: «Мен бир куни вилоят прокурори билан тўқнашиб қолдим. Унинг таъна гапларига чидай олмай, гапига гап қайтардим. Орадан 10 кунча ўтган эди. Ёз вақти, ҳаво очиқ, куюш чарақлаб турибди, совхознинг даласини айланиб келиб, идорага кириб айрим ишларимни ҳал қилиб, сартарошхонага бориб сочимни олдираётган эдим. Эрталаб соат 10 лар бор, сартарошхона олдига битта «Волга», битта усти дўкончали юк машинаси келиб тўхтади. Сартарошхонадан чиқсам, вилоят прокурори иккита милиционер билан турибди. Вилоят прокурори мени кўрган заҳоти ёнидагиларга: «Бу муттаҳам, ўзидан кетган жиззахликнинг қўлини боғланглар, машинага тиқинглар», деб буйруқ берди. Милиционер дарҳол келиб, икки қўлимга занжир сола бошлади, ўзимни туртиб-туртиб, туйнугига темир панжара ўрнатилган юк машинасига тиқиб олиб кетдилар. Нима гап эканини билмай, ҳанг-манг бўлиб кетаётирман. Олиб бориб Тоштурмага тиқдилар. У ерда жуда кўп менга таниш раислар, совхоз директорлари ётишган экан. Ислиддин Ҳайдаров ҳам ўша ерда экан, у билан бирга бўлдик. Узоқ вақт ҳеч қанақа сўроқсиз ётдим. Ҳақиқат қарор топди...

Кейин суд менга ўхшаганларнинг аксариятини гуноҳсиз деб бўшатди».

Ҳа, ўшанда уни турмадан бўшатган куни халқ уни суд залидан кўтариб олиб чиқиб кетганди. Лекин Аҳмад

Дўстбеков турмадан касалманд бўлиб чиқди. Алпомишдек бақувват йигитни турмада эзиб, мажруҳ қилиб юборган эканлар. Бир йилга ҳам етмасдан турмадаги азоблар туфайли орттирган касали билан оламдан ўтди. Унинг ҳам фарзандлари, 50 дан ортиқ набиралари доғда қолишди.

**Собиржон Сиддиқов** — Андижоннинг Чинободидан. 1960-йилларда Мирзачўлнинг кўриқ ерларини очишга ўз ҳиссамни қўшаман, деб отилиб чиққанлардан, «Пахтакор» совхозида бўлим бошлиғи бўлиб ишларди. 1965 йили «Фарғона» совхозига директор қилиб тайинланди.

Собиржон Сиддиқов билан тез-тез кўришиб турардик. 3—4 йил ичида «Фарғона» совхози Собиржон Сиддиқов раҳбарлигида республикадаги энг донгдор совхозлар қаторига қўшилди. Собиржонга Меҳнат Қаҳрамони унвони ҳам берилди.

Гдлян гуруҳи Собиржонни ҳам тинч қўймади. Унинг ҳам бошига етишди. Тошкентдаги Луначарский кўчасидаги санаторийда даволанаётган чоғимда, Собиржон Сиддиқов тўсатдан оламдан ўтди, деган таъзияномани ўқидим. Фотиҳа ўқиш учун уйига келдим. Турмуш ўртоғи, директорнинг хўжалик ишлари бўйича муовини фожианинг сабабларини менга айтиб беришди: 5—6 ойдан буён тафтишчи-текширувчилар раҳматлига ҳеч тиним беришмади. Бири келиб ўн беш кун текширади, кетади. Яна тўрт-беш кундан кейин иккинчиси келади. Улар ҳам ўша тафтишда топилган камчиликларни сўроқ қилиб-қилиб, кетиб қолишади. Хотинининг айтишича, Собиржон ҳар куни хафа бўлиб уйга келар экан, эски астма касали хуруж қиларкан, кечалари ухлолмай, юриб чиқар экан. Шу аҳвол 5—6 ой муттасил давом қилган.

Охирги марта текширувчи, терговчилар келиб, яна сўроқ қилганларида, уни астма хуружи тутиб қолади. Бурнига ҳидлаб юрадиган ҳидлагичи уйда қолган экан. Ўша куни ниҳоятда хафа бўлиб, йўталиб уйга қайтади. Токчанинг тагидаги диванга ўтириб, ҳидлагичини оламдан деб токчага қўлини узатади-ю, жони узилади.

Дуои фотиҳадан сўнг бир пиёла чой ичиб, турдим. Шу пайтда Собиржоннинг хотини бир белбоққа тўн,

дўппи туғиб қўйган экан, менинг олдимга қўйди. Мен ажабланиб, бу нима учун, десам, келин менга қараб: «Собиржон укангиз Сизни устозим, акам бўладилар, деб юрарди. Бизнинг Андижон одати бўйича ўлгандан кейин марҳумнинг яқин кишиларига сарпо қўйилади, эслаб кийиб юрсин деб. Сиз ҳам укангизни эслаб, елкангизга ташлаб юрасиз», — деди. Олмайман, десам ҳам қўймасдан машинамга чиқазиб қўйди.

Мана шундай чўл Алпомишини, суткада 16—18 соатлаб ишлаб, йўқдан бор қилган, Мирзачўлнинг кўриқ ерларини очиб, донғини оламга таратганлардан бири, чўл қаҳрамонини «гдлянчилар»нинг малайлари ўлдирдилар. Агар шундай қатагон зулми бўлмаганда эди, у ҳали қанчадан-қанча Ватан равнақи йўлида ишлаб юрган бўларди. Собиржон эндигина 54 ёшга кирган эди. Шўрлик фарзандсиз ўтди. Яккаю ягона хурсандчилиги эл-юртига қилган меҳнати эди. Халқни эъзозлаб, у обод қилган совхозни, яъни ҳозирги ширкат хўжалигини Собиржон Сиддиқов номи билан аташмоқда.

## **КАЗЗОБЛАРГА ЁЛЛАНГАН ТЕРГОВЧИНИНГ АЙТГАНЛАРИ**

Ўзбек халқининг бошига 1983—1987 йиллар давомида яна бир улкан зулм ва истибдод балоси ёғилди. Ўша кунларни эсласам, назаримда, ўша вақтлардаги прокурор, терговчи, милиция, ОБХСС, суд ходимларининг вазоҳати худди диний китобларда тасвир этилган дажжолни эслатарди. Улар жамоат ўртасида юрган да ўзларини қандай тутишларини кўрсангиз эди. Ҳозир ҳам хотирлаган кишини даҳшат, ваҳима босади. Уларни кўрган одамлар ўзларини йўқотиб қўйишарди, зеро, бу босқинчилар шиддат билан кириб келиб, хоҳлаган кишисининг қўлларига кишан солиб, ҳеч қандай арзодига қарамасдан, унинг гуноҳини айтмасдан, туйнукчасига қоп-қора панжара ўрнатилган қамоқ машинасига тиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Улар жамоат жойларида ёки қамалаётган шўрпешона кишининг болачақаси, невара-чеваралари олдида ҳам зўравонлик қила олардилар... Йиғилган халойиқ, «маҳбус»нинг бола-ча-

қаси дод-фарёд солгудек бўлса, ваҳшийлар: «Дамингни чиқарма, бўлмаса, сенларни ҳам турмага тикамиз!» — деб, дўқ-пўписа қилардилар...

Аксар ҳолларда «айбдор»лар 45 дан 70 ёшгача бўлган, камида 25—50 йил халқ хизматини қилган, соғлиғи ночорлашиб қолган, дори-дармонсиз ухлай олмайдиган, ҳалол, меҳнаткаш, беайб кишилар бўларди.

Момақалдиरोқли довул каби келган бундай даҳшатга уларнинг кўплари бардош беролмай, қурбон бўлдилар. Бу ифлос гуруҳ аъзолари Гдлян ва Ивановни пеш қилиб, на маҳаллий ҳукуматнинг гапига, на ишчи жамоанинг фикрларига эътибор бермай, ҳеч кимга қулоқ солмасдан, қонунларга хилоф равишда хоҳлаган кишисини жиноятчи деб эълон қилиб, ўзларича тартиб ўрнатиб, ўзбошимчалик билан иш тутдилар. Тўғри, терговлар орасида олдинга тушунмай, кескин иш олиб борган, сўнг қилмишини тушуниб қолиб, пушаймон бўлганлари ҳам бор эди.

1989 йил ёз фаслида Зомин туманидаги 16-совхоз ижара корхонасида ишлаб турган пайтимда Гдлян гуруҳида ишлаган терговчи Расулов билан учрашиб қолгандим. У ўшанда жиноий тўлада икки йилдан ортиқроқ ишлаб, кўп ишлар қилганини, кейинроқ ўз ишидан пушаймон бўлганини батафсил ҳикоя қилиб берганди: «Биз гуруҳ бошлиғининг топшириғи билан белгиланган одамнинг ишхонасини, уйини тўсатдан босардик. Унинг бор мол-дунёсини олиб, столга қўярдик. У одам оиласи билан ўзини йўқотиб қўйиб, бизга бор нарсасини олиб чиқиб қўярди. Керагини ҳибсга олардик. Босган тергов гуруҳи 2—3 кун текширган бўлиб ўзимизга керакли қимматбаҳо молларни олиб қўйиб, 2—3 кун ўтгандан кейин қолган нарсаларни акт қилиб ёзиб чиқардик. Бу тартибни бошлиқларимиз — Гдлян ва Ивановлар билишарди, аниқроғи, уларнинг ўзлари бу тартибни ўрнатишган эди. Шу мусодара қилинган моллардан уларнинг ўзлари манфаатдор эдилар. Энг қимматбаҳо, яхши нарсаларни Гдлян билан Ивановга совға қилинарди. Тез орада Гдлян ва Иванов гуруҳида ишлаган одамларнинг ҳаммаси машина, шинам участка сотиб оларди. Қариндош-уруғларининг номига расмийлаштирилган 2—3 тадан машина, ҳовли жой олиб,

бойиб кетдилар. Гдлян ва Ивановларнинг ўзлари ҳам аҳён-аҳёнда бизларни йиғиб зиёфат берардилар. Бир куни шундай зиёфат вақтида, маст бўлиб, оғзидан кўпиклар чиқиб ўзини тутолмаган Гдлян шундай деди: «Сизнинг боболарингиз Темурланг Кавказга бориб, менинг аждодларимни қиличдан ўтказган. Мен шунинг учун ўзбеклардан қасос олишим керак»,— деди. Унинг бу гапларидан кейин мен бу лаънати босқинчилар гуруҳига кириб ишлаганимдан қаттиқ пушаймон бўлдим».

Ҳа, терговчи Расуловнинг пушаймон қилганлигига ишондим, унинг миллий гурури, орияти борлигини англадим. Лекин ўзбекнинг минглаб, гуноҳсиз ўғлонлари Гдлян ва унинг малайлари қурбони бўлганини эсласам, яна кўнглим эзилади. Улар қонунларни поймол қилиб, гуноҳсиз одамларни жиноятчи сифатида жазоладилар. Қонунга кўра инсонни фақат суд қарори чиққандан сўнггина жиноятчи деб аташ мумкин!

Яна бир гап эсимда, ўша йиллари Жиззах шаҳар фирқа кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган акамнинг ўғли Муҳиддин Нарзиқулов ҳали янги уйга кўчиб бормагани сабабли вилоят фирқа кўмитасининг дачасидаги бир хонада яшар эди. Дачанинг бошқа хоналарида ўша пайтларда Москвадан келган Гдлян гуруҳининг одамлари бу кишига қўшни яшар экан. «Баъзида улар билан бирга ўтириб қолардик, — деб менга ҳикоя қилиб берганди Муҳиддин. «Гдлянчилар» сизларда ишлаш осон экан, дейишарди. Чунки йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида маҳаллий одамларнинг ўзлари келиб чақиб беришарди, бир-бирларининг сирларини фош қилиб берардилар. Уларнинг орасида грузинлар ҳам бор эди. Улар: «Грузинлар ўз миллатдошлари қилган бирор ишни ҳеч қачон бошқаларга сотишмайди»,— дейишарди. Бундай гапларни тинглаб, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам, дердим».

Дарҳақиқат, ўша йиллари бизда ана шундай ўз миллатини сотадиган сотқинлар ҳам чиққанлиги тарихимизнинг энг машъум саҳифалари ҳисобланади.

## КЎРГЎЛДИК

1965 йили эди. Мен 26-совхозга директор эдим. Совхозда ҳаммаси бўлиб 600 дан ортиқроқ ишчи бор эди, уларнинг ҳам ярми етиштирган ҳосилини олиб, сентябрь—октябрь ойларида ўз қишлоқларига кетиб қолишарди. Чўлда уларни шу сабабли «сентябрчилар», «октябрчилар» деб аташарди.

Кўкламда улар яна ишга қайтиб келишарди. Бир куни дала шийпонида ўтирсам, тракторга мой бочкани тиркаб олган новча, оқ-сарикдан келган, 18—19 ёшлардаги истараси иссиқ йигитча келиб, шийпон ёнида тўхтади.

У бригадирга қараб: «Ҳой, Сами ака, саярка олиб келдим, тракторингизни заправка қиласизми?»— дея чақирди. Бригадир: «Ҳозир тракторни чақираман»,— деб жавоб қилди. Бола эътиборимни тортди. Чақириб гаплашдим. У: «Булуғур тумани Тегирмонбоши қишлоғидан бўламан, чўлга яқинда келганман, тракторларга мой ташийман. 10-синфни битирганман»— деди. Мен ундан: «Нега ўқишга бормадинг»,— деб сўрадим. «Ўқишга ҳавасим катгаю, буёғи чатоқ, онам қари, отам вафот қилганлар. Акамлар бор, бироқ улар алоҳида ажраб чиқиб кетганлар, менга ёрдам қиладиган кимса йўқ, бўлмаса, албатта ўқирдим»,— деди хўрсиниб. «Агар мен сени Тошкентга қишлоқ хўжалиги институтига совхоз номидан юборсам, ойлигингни тўлиқ олиб турсанг, яна фонддан ҳам ёрдам қилиб турсам, ўқийсанми?»— деб сўрадим. «Қани энди, шундай бўлса, жоним билан ўқийман», деди йигитча севиниб. «Келишдик, эртага идорага боргин»,— дедим. Эрталаб у келди. Ҳамма ҳужжатларни тўғрилаб ўша вақтдаги қарорга асосан харажатни совхоздан тўлайдиган қилиб, институтга мажбурият хати ёзиб, унга асосан ҳалиги йигитча — Баҳром Маллаевни, Абдураҳмонов деган яна бир йигитчани Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига юбордик.

Йигитча ўқишга кирди, 4 йил давомида ўқиш харажатларини тўлаб турдик, «аъло» баҳолар билан институтни битириб, яна 26-совхозга олим-агроном йўланмаси билан ишга келди. Мен уни бош агрономга

ёрдамчи қилиб тайинладим. Баҳромжон росмана агроном, одобли, тартибли, ишчан йигит бўлибди. Уни келгуси йилда совхозга бош агроном қилиб тайинладик. Ақл-идрок билан иш юритиб, вазифасини эплаб кетди.

Менга ҳам анча енгил бўлиб қолди. Совхоз белги-ланган режаларни бажариб, даромад анча кўтарилди.

1971 йили мени «Оқолтин» туманидаги янги ташкил бўлган 10-А совхозининг ишини мустаҳкамлаш керак, деган буйруқ билан ўша ерга директор қилиб юбордилар. Шу орада Сирдарёдан ажратилиб Жиззах вилояти тузилди. Шогирдим билан иккимиз иккита вилоятда ажралиб қолдик. Ростини айтсам, Баҳромнинг ишчанлиги, самимий инсонлиги, адолатлилиги ва ҳалоллиги менга ёқиб, уни худди ўғлимдай кўриб қолгандим. У ҳам тез-тез совхозга мени кўргани келиб турарди.

Бир куни эшитдим, шогирдимни Собир Раҳимов номли совхозга директор қилиб юбордилар. Бир-икки йилда у илғор раҳбар бўлиб, республика газета-радиосида, телевизорларда тез-тез чиқиб қолди. Жиззах вилоятининг энг юқори ҳосилли илғор хўжалиги Собир Раҳимов номли совхоз, унинг директори, моҳир ташкилотчи Баҳром Маллаев менинг шогирдим, қувонмай бўладими?! Шундай қилиб, йиллар ўтди. Баҳром Маллаев бошчилик қилаётган Собир Раҳимов номли совхознинг додруғи мамлакатга таралди.

1985 йил Баҳром Маллаевни ўзига кўшни бўлган қолоқ Охунбобоев номли совхозга директор қилиб ўтказдилар. Мен нафақада, кўргани бордим. Баҳромжон билан бир пиёла чой устида гаплашдим. У менга бошига ноҳақдан ёғилган маломатларни гапириб берди: «Биринчи бор Москвадаги аллақайси меҳмонхона ресторанида ичиб, жанжал бошлаб, қўлга тушган пахта пункти ва пахта заводи раҳбарлари Собир Раҳимов совхозининг ҳам пахтасини қабул қиладиган йигитлар эди. Улар совхоз «Хлоптрест» бошлиғи Қ. Шодиевни ҳам ҳибсга олишди. Мен ишлаган совхозни ҳам тафтиш қилишиб, тергов ишларини бошлаб юборишди. Совхоздан кўп ёлғон ведомостлар, камчиликлар чиқди. Гдлян туруҳидаги терговчилар вилоят фирқа кўмита-

сига ҳам, туманга ҳам қулоқ солмас экан, кунора чақириб, сўроқ қилавериб, жонимга тегиб кетишди. Менга ҳам жиноий иш очилган, бу 15 йил қамоқ жазоси дегани экан. Мени сўроқ қилаётган терговчи таниш чиқиб қолиб: «Менинг қўлимдан келадигани шуки, шу чиққан 680 минг сўмга Маллаев пахта олган, бу пулларни ўзи ўзлаштирамаган, деб хулоса чиқариб бераман, шунда ишингиз бирмунча енгил бўлади. Аммо бу қилган ишим учун менга 100 минг сўм пул бера-сиз», деди. Мен яна куюндим, иложи қанча, бечоранинг катта бошлиқлари шундай йўл кўрсатишганди».

Шогирдимни совхоз директорлигидан бўшатиб, 119-прим модда билан айблаб қўйдилар. Лекин уни қамамадилар. Гдлян гуруҳидагилар ундан воситачи сифатида фойдаланишиб, бошқа хўжалик раҳбарларидан у орқали пул ундириб олмоқчи бўлдилар.

Унинг ўзидаги бор пулини-ку, бутунича қоқиб олдилар. Унга ўргатишиб, соғ одамни касал қилиб, Зафаробод туман касалхонасига бир неча ойлаб ётқиздилар. Кейин Чилонзордаги 16-касалхонада ҳам узоқ вақт ётишга мажбурлашди.

Ўша пайтларда нафақада бўлганим учун бўш вақтим бор, ўғлимдай бўлиб қолган Баҳром Маллаевни касалхонага кўргани борардим. Бир куни уни касалхонага кўргани борандим, шунда Маллаев менга Республика прокурорининг муовини Гайданов уни чақириб: «Маллаев, сени қаматмаймиз, лекин сен пулдор одамларни аниқлаб, бизга айтасан, биз уларнинг устидан жиноий иш кўзгатамиз, шундан кейин ўртага сен тушиб, уларнинг пулини олиб берасан, биз уларни қўйиб юборамиз», — деганларини айтиб қолди. Буни эшитиб мен Маллаевга: «Укам, Баҳромжон сизни қамоқ у ёқда турсин, отаман десалар ҳам бу ишни қилмайсиз. Бундай қилсангиз, уят бўлади. Бу иғволар бир вақтлар келиб тинчиб, ҳақиқат барибир юзага чиқади, ўшанда халқ сиздан нафратланади. Бу ишнинг исноди бутун авлодингиз, бола-чақаларингизга ҳам қолади», — дедим. Маллаев, бу ишни қилмайман, деб ваъда берди. Ваъдасини охиригача бажарди. Шундан кейин уни кўп қийнадилар, ишни судга топширдилар. Жиззахда уни суд қилиб, саккиз йил қамоқ жазосини белгилаб,

қамоққа тикдилар. У 3 йил ётиб, мустақиллик шарофати билан ҳақиқат юзага чиққач, умумий афв билан турмадан чиқиб келди.

Мен уни касалхоналарда ёлғондакам касал бўлиб 2 йилча ётган вақтида ҳам бир неча бор бориб кўрдим. «Қамоқхонада ётган вақтида ҳам йўқлаб турдим. Қамоқда ётганга нисбатан ёлғондакам касал бўлиб гдлянчи, гайдановчилар ётқизган касалхонада ётиш бир неча бор маънавий ва жисмоний жиҳатдан оғир бўлди,— дейди у. — Чунки соғ одам касалхонада ётса, устидан қўзгатилган 119-прим моддага доир жиноий ишни ўйлаб асаби бузилиб, диққинафас бўлиб кетаркан, хотин, бола-чақаси, ошна-оғайни, қариндош-уруғлари навбат билан касалхона олдида сарғайиб қатнаб туришини ҳис этиш азоби қамоқдагидан ҳам ёмон бўлар экан».

Бу Гдлян, Гайданов ва уларнинг малайларининг қабих ишларига бир мисол. Ҳа, мустақиллик шарофати билан ўзбекнинг кўплаб қатағон қилинган фарзандлари қатори 1989 йилда Баҳром Маллаев ҳам қамоқдан озод қилиниб, ўз оиласи бағрига қайтди. Ўзи раҳбарлик қилган 29-совхозга келиб 100 гектарча ер олиб бригадир бўлиб иш бошлади, 2 йил ўтиб 29-совхоз халқи уни яна директор қилиб сайлади. Албатта, бундай инсонларнинг ҳаётга қайтишида, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Муҳтарам Президентимиз ўзбек халқини бўҳтонлардан қутқариб қолди, кадр-қимматини ва шаънини оқлади, «гдлянчилар» гуруҳининг ишлари жиноят, уйдирма, иғво эканлигини жаҳонга ошкор этди. Жафокаш, меҳнаткаш халқимизнинг юзи ёруғ бўлди. Баҳром Маллаев ва у қатори ноҳақ қатағон қилинган юзлаб ишбилармон йигит-қизларимиз ўз жойларига қайтиб келиб, ишлай бошладилар. Афсуски, ноҳақдан азоб-уқубатлар зарбидан кўплаб тadbиркор кишиларимиз дунёдан бевақт ўтиб кетдилар. Саломатлиги бардош берганлар ҳозир турли соҳаларда хизмат қилмоқдалар...

## БАЪЗИ ТАҶСИЛОТЛАР

1982 йили март ойида Тошкентга Л. Брежнев келди ва 24 мартда «Халқлар дўстлиги» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Давлатга 6 миллион 150 минг тонна пахта топшириб, ҳамма турдаги режаларни ортиғи билан бажаргани учун республикани ва унинг раҳбари Ш. Рашидовни орден билан тақдирларкан, Л. Брежнев бу йил олти миллион уч юз минг тонна пахта топширасизлар деб, топшириқ берди. Лекин 1982 йил 10 ноябрда у вафот этди. Унинг ўрнига Ю. Андропов сайланди. 1983 йил 31 октябрда Ш. Рашидов вафот этди.

Ю. Андропов кўп ишламади, узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди, аммо Ўзбекистонда амалга оширилиши керак бўлган қатағон ташкилотчисига айланиб улгурди. Унинг ўрнига яна касалманд К. Черненко КПСС Марказқўмининг навбатдан ташқари пленумида Бош котиб, Олий Совет Президиумининг раиси қилиб сайланди. Бу одам Брежневга хушомадгўйлик қилиб КПСС Марказқўми бюроси аъзолигига сайланиб қолган эди. Айтарли бирон-бир иш қилишга ҳам улгурмай, 1985 йил 10 мартда у вафот этди. М. Горбачёв КПСС Марказқўмининг Бош котиби ва Олий Совет Президиумининг раиси қилиб сайланди. Миллий республикаларга, бир оз бўлса-да, эркинлик бериш, ошкоралик, демократия, кўппартиявийлик Горбачёв даврида бошланди.

Ўзбекистонда Шароф Рашидов вафот этганидан кейин ўрнига Бузрукхўжа Усмонхўжаевнинг ўғли Иномжон Усмонхўжаев (аслида отасининг ҳурмати учун) биринчи котиб этиб сайланди. Москвага итоаткор раҳбар керак эди. Бўлмаса, ишчан Н. Худойбердиев, довлорак О. Салимов каби кадрларимиз кўп эди-ку...

Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг XVI Пленумида у ўзбекни булғаб, республикага ашаддий, ғаразгўй кимсаларни чақириб келиб, ёнбошига олиб, асосий раҳбарлик ўринларини ўша дайдиларга бериб, чунонам халқимизни эзди, қувди, қирдики, 130 йил мустамлакалик даврида ўзбеклар шунчалик эзилган, туҳматда қолган давр кам бўлса керак. Аслида Раши-

довнинг тобути бошида туриб, унга онт ичиб: — До-нишманд ва тажрибали оғамиз, дўстимиз энди сафи-мизда йўқ. Биз уни инқилоб ишига буюк садоқатлили-ги, собитқадамлиги, масъулиятни ҳис эта билиши, ўта камтарлиги учун севдик. У ёрқин байналминалчи, са-доқатли раҳбар эди. Унинг бутун ҳаёти фирқага, халққа садоқат билан хизмат қилишнинг намунаси эди... — деб гапириб, тобут бошида йиғлаб, қасамёд қилган ҳам ўша эди.

Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон кўчасини Шароф Рашидов шоҳ кўчаси деб ўзгартириш топширилди. Шу-нингдек, Тошкент шаҳридаги Герман Лопатин кўча-сидаги 61-уйга ҳамда Самарқанд Давлат университети биносига Ш. Рашидов хотирасига ёдгорлик тахтачала-ри ўрнатилиши, Тошкент тўқимачилик комбинатига, Жиззах шаҳридаги вилоят кутубхонасига, Қорақалпо-ғистоннинг Қораўзак туманидаги «Маданият» давлат хўжалигига Шароф Рашидов номи берилиши, Раши-дов қабрига қабртоши ўрнатилиши топширилди.

Орадан бир йил ҳам ўтмасдан устозининг тобути олдида туриб кўз ёши қилган кимса ва унинг сафдош-лари Ш. Рашидов шаънига мутлақо номуносиб уйдир-ма, тухматларни ўйлаб топиб, ҳамма «жиноят»ларга у сабабчи деб, Гдлян ва Лигачёв каби Москвадаги ўзбек халқини кўролмайдиганларнинг ғаразгўйлигидан фой-даланди. Уларнинг буйруғи билан Ш. Рашидов жасади-ни гўрдан чиқазиб, Форобий қабристонига олиб бо-риб кўмишди.

Катта оғаларига яхши кўринаман деб, ҳар қандай пасткашликка бориб, Ўзбекистонда қишлоқ хўжали-гини издан чиқазган, республика халқини оёқости қил-ган кимсани ҳам ишонган оғалари давлатга хиёнатчи сифатида қамадилар. 1988 йил 12 январда унинг ўрни-га Нишонов келди. У ҳам вафот қилиб кетган Ш. Ра-шидовни қоралаш, «рашидовчилик» деган тамғани бо-сиш билан овора бўлиб, узоқ ишлай олмади. 1989 йил июнда Москвага равона бўлди.

Шу орада «пахта иши», «ўзбек иши» деган уйдирма билан 19 минг киши фирқа сафидан чиқарилди. «Пах-та иши» бўйича 22 мингга яқин киши ҳибсга олинди.

Пахта тозалаш саноатининг вазири Усмонов отилди. Бухоро вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Каримов отишга ҳукм қилинди. Қашқадарё вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Ғойибов, Ички ишлар вазири Эргашев, унинг ўринбосари Давидов, яна бир қанча раҳбарлар ўзини ўзи ўлдирди. Жиноий жавобгарликка тортилганлар ичида 442 нафар қишлоқ аҳлининг бошлиқлари — қишлоқ хўжалик ишининг усталари, колхоз раислари, совхозларнинг директорлари бор эди. Ҳаммаси бўлиб 7 мингдан ортиқ киши ҳибсга олинди. Уларнинг бир қисми қамоқда ҳаётдан кўз юмди, кўплари мустақиллик шарофати билан, Юртбошимиз саъй-ҳаракати туфайли қамоқдан озод бўлиб келдилар. Уларни халқимиз кўкрагини очиб, бағрига босиб, хурсандчилик билан кутиб олди. Ҳақиқат қарор топди, «Ҳақиқат эгилса эгиладики, синмайди», деган мақол амалда яна бир марта исботланди. Афсуски, уларнинг кўплари қамоқ азобига бардош беролмай, касал бўлиб вафот этдилар. Саломат қолганлари ҳам қишлоқ хўжалиги ишидан узоқлашдилар ва айни ишлайдиган пайтларида нафақага чиқиб ёки бошқа енгилроқ иш, ё бўлмаса, тижорат ишларига ўзларини урдилар. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишларининг ночорлашганининг сабабларидан бири ана ўша ғаламисларнинг фаолияти натижаси деб биламиз.

Хуллас, халқимиз бошига ўтган асрда, мустабид тузум замонида тушган барча кўргиликлар, шу жумладан «ўзбек иши», «пахта иши» деб аталган қатағон ҳам эркисизлик туфайли содир бўлди. Минг шукрки, Ўзбекистон халқи пешонасига Ислом Каримовдай жасоратли раҳбар битган экан, юртимиз мустақил бўлди. Айниқса, асоссиз тарзда қатағонга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номи тикланиши, уларга етказилган маънавий ва моддий зиён ўрни қопланиши таҳсинга лойиқ иш бўлди.

#### IV

### МУСТАҚИЛ БЎЛДИ ЭЛИМ

Мустақиллик Ўрта Осиё, айниқса, ўзбек халқининг дилидаги пинҳоний дарди ва азалий орзуси эди. 1985—1990-йилларда СССР халқлари ўртасида кўтарилган қайта қуриш, ошкоралик, миллий республикаларнинг мустақиллик учун интилиш орзунинг ушалишида қўл келди. Бунинг устига, миллий республикаларда мустақиллик учун кураш кучайди. Айниқса, Болтиқбўйи республикаларида, Ўрта Осиё республикаларида (шу жумладан Ўзбекистонда) Кавказорти республикаларида баралла очиқ овоз билан мустақиллик учун кураш авжига чиқди. 1989 йил июнь ойида Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби қилиб сайланган И. А. Каримов мустақиллик сари халқимизни астойдил етаклаб борди. 1990 йил 24 март куни Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Мустақил давлат деб эълон қилинди. 1991 йил 29 декабрь куни озод ва мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти умумхалқ сайлови ўтказилди ва мамлакатимизнинг Биринчи Президенти қилиб халқимиз яқдиллик билан Ислом Абдуғаниевич Каримовни сайлаганини Марказий сайлов комиссия эълон қилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик ўз эркини қўлга киритган халқ ва миллат учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган тарихий қадриятдир. Мустақиллик ҳар қандай халқ ва миллатнинг қонуний эҳтиёжи, чинакам эркинлигидир. Мустақиллик — қарам бўлмай, ўз юртида эмин-эркин яшаш имконидир...

Президентимиз ўшанда айтдики, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта масала кишиларимиз дунёқарашида, жамиятимизда Ватанга меҳр ғояси

биринчи ўринда туриши керак. Ҳар қандай иш асосига миллий орият, миллий ғурур, миллатчиликка алоқаси бўлмаган мана шу мамлакат, мана шу халқ мансублиги учун куч-қувват бағишлайдиган ғурур қўйилиши лозим. Шу гўзал Ватан меники, деб, уни гуллатиб-яшнатиш учун, келгуси авлодга озод ва обод Ватан қолдириш учун ҳар биримиз виждонан меҳнат қилишимиз керак.

Мулқдорлик бу изланувчилик, яратувчанлик, комилликка узлуксиз интилиш демакдир. Эски собиқ тузумнинг илллати шу эдики, давлат бой бўлса, ҳар бир оила, ҳар бир одам бой бўлади, деб ҳисобланар эди. Ваҳоланки, ҳар бир одам ўзига тўқ, мулқдор, бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади, ҳар бир оила обод бўлса, мамлакат ҳам обод бўлади. Мулқдор одам доимо яратувчанлик ҳақида ўйлайди. Юрт барқарорлигидан манфаатдор, юрти учун жон фидо қилишга доим тайёр. Зеро, беқарорлик унинг мулкига хавф солади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш бош мезон қилиб олиниши муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, И. А. Каримов ислоҳотларни амалга ошириш ва иқтисодий ўсишга эришиш йўлида республика раҳбарияти беш муҳим тамойилга таянганини айтди. Булар — иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат ҳамда эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш. Бу тамойиллар асосида Ўзбекистон ўз моделини яратди ҳамда ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлади. Ўзбекистоннинг ўзига хос бу модели хориждаги кўплаб мутахассислар томонидан маъқулланиб, ўрганилмоқда ва биз ҳақли равишда бундан фахрланамиз.

## **МУСТАҚИЛЛИК ЁҒДУСИ**

Президентимиз Ислам Каримов «Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз» китобида шундай таъкидлайди:

Она юртимиз Ўзбекистон тупроғида, бетакрор ва гўзал диёрда не-не улуғ аждодлар ва буюк зотлар яшаб ўтдилар. Улар биз ворис бўлиб турган бугунги тарих ва маданиятни бизга мерос қилиб қолдирдилар.

Ҳар бир авлод эл-юртининг тарихини ва обрўйини ўзининг фарзандлик муҳаббати ва эътиқоди, садоқати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади.

Бизнинг бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз — Ўзбекистон тарихидан ўзимизга муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришидир.

Биздан мангу қоладиган нарса Ватан шону шуҳрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишидир...

Президентимиз И. А. Каримов кечаю кундуз виждонан, ҳалол, оқилона меҳнат қилаётир. 1993 йил декабрь ойининг охирлари эди. Президентимиз телевизор орқали қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг бориши тўғрисида қайғуриб гапирди. Ўшанда ислохотлар қишлоқда яхши натижа бермаётгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсмаётганини, жойлардаги раҳбар ходимлар бу масала билан яхши шуғулланмаётганлари ва бошқа иллатларни қаттиқ танқид қилиб, бу йўлда қилиниши зарур бўлган ишларни яна бир маротаба чуқур таҳлил этиб берди. У кишининг гаплари менга жуда таъсир қилди.

Шу сабаб Тошкентдаги халқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт факультетини битирган қизим Муҳаббат билан фикрлашиб, узоқ вақт биргаликда ишлаб, ерни деҳқонларга ижарага бериш масаласини муҳокама қилдик. Ўшанда шундай фикрга келгандик: ҳақиқатан ҳам ернинг ўз эгасига, деҳқонларга берилиши масаласи жуда ҳам муҳим ва долзарб масала. Тўғри, айрим раҳбарлар, «Деҳқонлар ерни ижарага олмаяптилар», деган фикрдалар. Лекин улар ерни ишбилармон, асл деҳқонга ижарага берсалар, натижаси ёмон бўлмайди. Аслида ҳар бир хўжаликда 30—40 нафардан ишбилармон, ажойиб йигитларимиз бор. Улар агроном, участка ва бошқа вазифаларда ишловчилар бўлиб, хўжа-

лик раҳбарининг айтганини қилиб, елкасини қисиб, деярли югурдаклик қилиб юришибди. Агар шулардан танлаб, қобилиятига қараб, бир тракторга ўртача 80 гектар, баъзиларига 2 тракторига 160 гектар, 3 тракторига 240 гектар ва ҳоказо ерни ижарага 40—50 йилга бериб, қўлига муҳр, банкда счёт очиб берилса, қишлоқ хўжалигининг янада гуллаб-яшнаши, баланд чўққиларга кўтарилиши шубҳасиз. Ширкат хўжалиги керак. У акционер-концерн сифатида деҳқон-фермерларга шартнома билан ёқилғи, уруғ, бульдозер, малютка, лаборатория, транспорт, маҳсулотни сотиш ва ҳоказолар бўйича келишиб, қилинган ишга фермердан ҳақни олаверади.

Хўжаликларда барпо қилинган ижара деҳқон-фермер хўжаликларига ёрдам керак.

Дарҳақиқат, Президентимиз И. А. Каримовнинг инсон манфаатларини кўзлаб, адолатли, шижоатли, ҳалол фаолияти самараларини ҳамма кўриб, тан олмоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалиги жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишга ишончимиз комил. Чунки Ўзбекистонимизнинг ери, суви, халқи мард, ҳалол покиза раҳбар ўғлонлари йўриғида.

Мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилмаслиги, бу жараён машаққатли, мураккаб, муаммоли кечиши аниқ.

Қишлоқ хўжалигидаги аҳволнинг оғирлашгани ҳам шундан. Айниқса, янги ерлардаги хўжаликларнинг аҳволи янада мураккаблашди. Улар тайёрлов ташкилотларига топширган пахта, пилла, чорва маҳсулотларининг пулини ўз вақтида ололмаёпти, ишчилар бир неча ойлаб иш ҳақларини ололмаётирлар. Хўжаликларининг дебитор-кредитор қарзлари кўпайиб кетди. Натижада ишчиларнинг ишга бўлган эътиборлари сусайди. Ҳар ким ҳам ўз оила аъзоларини едириб-ичиришни, кийинтиришни ўйлайди. Қишлоқдаги халқ болажон, серфарзанд. Камида ҳар бир оилада учта бола бор. Кўпидан 10—12 тадан фарзанд тарбия топмоқда. Кўп қишлоқларда болалар боғчаси ишламайди. Ишчиларнинг аксарият қисми тижорат, мардикорлик қилиш билан банд.

Маълумки, пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиш тақдирни кузги шудгор, шўрланган ерларни куз-

қишда ювиш, эрта баҳорда яхоб суви бериш, ариқ, зовурларни тозалаш ва бошқа ишларни бажариш ҳал қилади. Пахтадан юқори ҳосил олиш учун ерни камида 45—50 сантиметр чуқурликда ағдариб, кузда шудгор қилиш, кўкламда ўтини чизел, культивация (албатта, кечқурун, оқшомда), қилиб доналаб, аниқ уяларга пўсти олинган қора чигитни махсус сеялка билан экилса, ҳеч қандай қўл кучи ишлатмасдан (ягана қилмасдан, кетмон билан ўт чопмасдан, ўтни «салимқулоқ» билан кўмиб) 1—1,5 марта сув бериш, 3—4 марта культивациялар билан (ўртада бир культивацияни якка лапка билан ўтказиб, эгат ўртасини 40 сантиметр чуқур бўшатиб) ҳам юқори ҳосил олиш мумкин. Бундай тажриба ўзимизда бор. Таниқли олим Нажим Раҳимов шу ишларни Мирзачўлда кузатиб, таҳлил қилиб, фан доктори бўлган. Мен ўзим 8 йил Акмал Икромов номи 26-совхозда, 13 йил 10-А (ҳозирги Усмон Носир) совхозида директор бўлиб, охириги йилларда қўл кучи ишлатмай, 30—35 центнергача пахта топшириб келганман. Совхозимизда қолган пахтани ҳар йили бошқа вилоятлар хўжаликларидан келиб териб кетишарди. Ота-лиғимиздаги ТошДУ талабалари теримга ҳашарга келгунларича, биз белгиланган режани 10—12 октябрларда бажариб қўйган бўлар эдик. Бу ишларга ўша вақтдаги Университетнинг раҳбарлари гувоҳ. Бундан 32 йил илгари ҳам бизда пахта топшириш режаси қўл кучи ишлатмай бажарилган. Бу ҳақда 1980 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Мирзачўлнинг забт этилиши» номли китобда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ўша йили совхозимиз давлатга 12.244 тонна пахта топширганли.

Ундан кейин шу тажрибани 13 йил 10—А совхозида қўллаб, пахтачиликда мисли кўрилмаган натижаларга эришдик. Нима учун ана шу анъанавий, ўзимизга хос, ўзбек ҳамиша қилиб келган ишларни унутиб юборишимиз керак?!

Мен 1984 йилнинг декабрь ойида пенсияга чиқдим. 10—А совхозида ўрнимга тайинланган директорга қуйидагиларни топширдим: 860 бош зотли қорамол, шундан 400 бош сигир бўлиб, кунига 3500—4000 кг сут олинарди; 500 бош қўй, 30 минг товуқ, 5 минг ўрдак,

чўчка-от фермаси, сув ҳавзалари тўла балиқ. (36 км совхоз ичидаги зовурнинг олдини сетка билан тўсиб у ердаги сувларни балиқ билан тўлдиргандик.)

Совхознинг ҳеч кимдан қарзи йўқ эди. Аксинча, совхоз ўша замоннинг пули билан 22 миллион сўм соф фойда олган эди. Пенсияга кетар чоғимда совхозимизга берилган 50 минг сўм пул мукофотини ферма сут соғувчиларига ва мол боқарларига тарқатиб бердим, мукофотга берилган кичик автобус ҳам улар ихтиёрида қолди. Совхознинг марказий посёлкаси обод эди. Посёлканинг ичига кўк гамбазли ресторан-чойхона қургандик. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз руҳини шод этиш ниятида ёдгорлик ўрнатдик, идора олдида саккиз гектар ерни хиёбон ва гулзор қилдик. Совхозда ҳаммом мавжуд эди, қишлоқ хўжалиги техникуми фаолият кўрсатарди.

Бу ишларнинг ҳаммасини қўли гул меҳнаткаш ўзбек халқимиз қилган эди.

Мен кўп йиллик ўз иш тажрибамдан келиб чиқиб, республикамиз қишлоқ хўжалигини кўтариш учун кўйидаги таклифларни билдиришни истардим:

1. Хўжалик раҳбари тайинлашда 3—4 тадбиркор ходим танлаб олиниб, яширин овоз бериш йўли билан сайлов ўтказиб, ким кўп овоз олса, ўша киши қўйилса. Қишлоқ халқи жуда ақли. Ким уларга раҳбар бўлишини жуда яхши билишади ва унга овоз беришади. Бу қишлоқда демократияни амалга оширишга йўл очган бўлардик. Иккинчидан, ҳозир баъзи нопок йўл билан амал курсиларини эгаллаётганлар йўқ эмас. Бундай одил сайлов натижасида республикамиз улардан қўтилган бўларди.

2. Қишлоқда ташкил этилган МТПни кучайтириш керак. Республикамиз енгил машиналар, автобуслар ишлаб чиқараётир. Бунинг учун раҳмат. Эндиликда ерни 50 сантиметр чуқурликда ҳайдаш қувватига эга бўлган кучли занжирли трактор ва икки ярусли плуг ишлаб чиқарадиган завод ҳам қурдириб берилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

3. Президентимизнинг ерни деҳқонларга ижарага бериш кераклиги ҳақида фармойишлари бор. Ерга эгалик қилиш қўлидан келадиган ва буни хоҳлайдиган деҳқонлар жуда кўп. Нима сабабдандир баъзи раҳбарлар

ерни эгасига бермай, турли баҳоналар қилиб чўзиб келаётирлар. Кўрқмасдан ерни ҳақиқий эгаси — деҳқонларга ижарага бериб, фермер хўжаликлари тузиб, уларни қўллаб-қувватлаш лозим, айти чоғда улардан қонуний солиқ ундириб олиш керак.

Ҳар хил ташкилотлар кўп, банкларда, солиқ инспекциясида, ижарачилар билан алоқадор ташкилотларда айрим нопок ёки тушунмайдиган, бир қоғоз учун деҳқонни эрта келинг, индин келинг деб сарсон қиладиган, охири ниятига етгач, қоғозни тўғирлаб берадиган таъмагирларни жазолаб, бу соҳани тартибга солиш керак.

Акс ҳолда турли раҳбарлар деҳқонни сарсон қилмай, унинг даласига бориб, камчиликларини сўраб, дардини тинглаб, унга қонуний ёрдам бериб турса, ажойиб иш бўларди. Деҳқонлар орасида ақллилари кўп. Имконияти бўлса, улар ўзлари маслаҳатлашиб, ўз ишларини билиб, вақтида қилиб, юқори ҳосил олишади. Деҳқон ерни ўз боласидек севади. Фақат унга ҳалақит бермаслик керак. Топширган маҳсулотининг пулини ўз вақтида олиб турса, ишлаган еридан йиққан ҳосилдан даромад олиб, бола-чақасини едириб-ичириб, кийдиришга имони комил бўлса, деҳқон тижоратга ҳам, мардикорликка ҳам бормайди. Фақат ўз ерида меҳр билан ишлайди.

4. Қишлоқда ижтимоий шароитни яхшилаш чорасини кўриш керак. Болалар боғчалари ишласин. Мирзачўл хўжалиklarининг аксариятида темир-бетондан қурилган, 250—400 болага мўлжалланган боғчалар ишламай турибди. Сирдарё вилоятининг энг илғор Боёвут тумани халқ таълими бўлими мудири Қорабоев билан яқинда учрашиб қолиб, ундан туманда нечта болалар боғчаси бор, дея сўрасам, 42 та, деди. Нечтаси ишлайди, дея сўрасам, 22 таси ишлайди, қолган 20 таси ишламайди, деди афсусланиб.

5. Зарбдор туманининг Оқбулоқ участкасида Исоқ ота деган бир ёши улуг деҳқон бор. У 16-Тараққиёт хўжалигидан 20 гектар ерни олиб, пахта экиб, деҳқончилик қилади. Анча ёшга бориб, сочлари оппоқ қордек оқарган бўлса ҳам, кечаю кундуз тинмайди. Бўйи етган ўғил-қизлари кўп. Мен шу туманда 13 йил ишлаб, фақат шу йўлдан ўтиб юраман. Янгиер шаҳри

билан Жиззах шаҳри ўртасида Катта Ўзбек тракти бўйида Оқбулоқдаги кўриқ, ташландиқ 2 гектар ерни болачақаси билан қаттиқ меҳнат қилиб, обод қилди — олма, ўрик ва бошқа мевали дарахтлар экиб, чиройли боғ яратди. Ўз кучи билан пишиқ гиштдан дўкон, 40—50 киши ўтириб овқатланадиган шинам ошхона қурди. Натижада туман халқи, катта йўлдан ўтган йўловчилар бу ерда овқатланиб, дам олиб кетадиган бўлдилар. Мен ҳам баъзида бориб, Исоқ ота ошхонасида овқатландиган бўлдим. Овқатлари мазали ва арзон. Исоқ ота ҳалол ва меҳнаткаш одам бўлгани учун улар билан ошно бўлиб қолдик. Доим борди-келди қилиб турдик. Мен у кишининг даласига ҳам бориб, пахта ва бошқа экинларни кўриб, фикр алмашиб тураман. Исоқ отанинг катта йўл бўйига қурилган, доим гавжум ошхонаси нимагадир бирдан ёпилиб қолди. Мен Исоқ отани кўриб сўрадим: Нимага ошхонангиз ёпилиб қолди? У киши менга: 17 та текширувчи ташкилот бор экан. Кун ора «текширгани келади», болаларимнинг ҳам, ўзимнинг ҳам жонимга тегди. Унинг устига, 5—10 киши бўлиб келиб, овқат ейдилар. Ароқ сўраб ичадилар. Кетар чоғида бир тийин ҳам тўламасдан, «ёзиб қўйинг», деб кетаверардилар. Бу аҳвол бир марта бўлса ҳам майли эди, кетма-кет такрорланаверарди. Харажат ўзини ўзи қопламай қолди. Шунинг учун тинч юрай, деб ошхонани ёпиб қўйдим, дедилар. Худди шундай маскан—Зарбдор тумани билан Жиззах тумани чегарасида, Жиззах шаҳрига кетар йўлда доим хўрандалар билан гавжум бўладиган «Қалин дарахтзор» ошхона-чойхонаси ҳам, анча вақт бўлди, ёпилиб қолди. Бундай иллатлар кўпайиб кетди. Пул харажат қилмасдан қорнини тўйғизадиган бундай текин томоқлар жифилдонига латта тиқиш керак.

6. Қишлоқларда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга ёрдам тариқасида зарур объектлар қуриш учун икки йилга шаҳарлардан қурилиш ташкилотлари сафарбар қилиниб, кўшма корхоналар, айниқса боғларга кичик консерва, меваларнинг сувини оладиган цехлар қуришга ёрдам қилинса, қишлоқ меҳнаткашларининг ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари нобуд бўлмасдан, улар даромади ошарди.

7. Бозорларда деҳқон ишлаб чиқадиган маҳсулотларни ўзи сотиши учун шароит яратилса, бирга олиб, иккига сотадиган, бозорларда томир отган олибсотарларга барҳам берилса, бозорларда арзончилик, халққа тўкинчилик яратилган бўлар эди.

Шу каби камчиликлар қанчалик жадал бартараф этилса, мамлакатимиз шунчалик тез ривожланарди. Мен шундай кунлар тезроқ келишини орзу қиламан.

### **БОҒЛАР ЧИРОЙ ОЧГАНДА**

1987 йилнинг февраль ойлари. Ҳаво совуқ, изғирин шамол бўлишига қарамай, мен Зарбдор туманининг 16-Тараққиёт совхозига келиб ишга жойлашдим. Аввало, режадаги 40 гектар ерга кўчат экиш олдидан Тошкентга Шредер номли институтга, олийжаноб инсон, академик, қадрдон биродарим Маҳмуджон Мирзаевнинг олдига бордим. У кишига нафақага чиққанимдан кейин яна Мирзачўлда боғ барпо қилишга бел боғлаб, ишга киришганимни айтдим.

Маҳмуджон Мирзаев роса хурсанд бўлди: «Биздан нима керак бўлса, ёрдам бераман, ўзим ҳам тез-тез бориб тураман, улуғ ишга қўл урибсиз», деди.

Яна совхозга қайтиб келиб мутахассисларни олиб, ерларни 8x8 метрдан тақсимлаб, кўчатларни Шредер институтининг филиалларидан, яъни Маҳмуд ака Мирзаев тавсияси бўйича Дўстлик туманидаги Кўчатчилик совхозининг директори, ажойиб боғбон Файзулло орқали олдик.

Апрель ойининг бошларида 40 гектар ерга кўчатни экиб бўлиб, парваришга киришдик. Мевали дарахтлардан ташқари, уч мингдан ортиқ терак, чинор, тол, мажнунтол, арча ҳам эдик. Катта ҳовуз кавлаб, ичига балиқ ташладик, ҳар хил қушларни келтирдик, Тошкент денгизидан иккита қайиқ сотиб олиб бориб ҳовузга қўйдик. Ишчилар, ёш болалар ишлаб ҳордиқ чиқазшига шароит яратдик. Бу боғни барпо этишда совхоз меҳнаткашлари ҳам бизга катта ёрдам кўрсатдилар. Кўчатлар бехато униб, гуркираб ўсди.

Куз фасли эди, ҳовуз бўйида, янги экилган ниҳолча тагида ўтирган эдим, тушликка яқин 3—4 кишидан бўлиб ҳовуз бўйига вилоятдаги боғдорчилик совхозининг директорлари, агроном ва бригадирлари йиғилиб кела бошлашди. Уларни кутиб олдим. Улар: «Вилоят фирқа қўмитасидан Ислом Умаров имзоси билан телеграмма олдик. Сизнинг боғингизда соат 17.00 да боғдорчилик масалалари бўйича семинар бўлар экан, шунга келяпмиз», — дейишди. Келган одамларнинг кўпи эски танишларим, чўлқуварлар эдилар. Гилам, кўрпачаларни ёзиб, уларни ўтқиза бошладим. Шу орада совхоз директори Бўронов ҳам стол-стуллар, скамейкалар ортилган машина билан етиб келди. Бир жойни дарҳол шайладик. Соат 17.00 да вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби И. Умаров келгач, мажлис бошланди. Бизнинг шаънимизга ҳам илиқ сўзлар айтилди. Шундан сўнг келган боғбон-мутахассислар ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар, айниқса Мусамуҳаммедов номли колхоз агрономи берган маслаҳатларини семинарга келганлар мароқ билан тинглашди.

Ислом Умаров семинарга яқун ясар экан, қатнашчилар олдига муҳим вазифа қўйди, вилоятда мевали боғларни кўпайтириб, уларни парвариш қилишга эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкидлади. У: «Келгуси йил эрта кўкламдан бошлаб Жиззах—Обрчўп орасидаги катта автойўл трассасининг икки томонига бошдан-оёқ эни 300 метр кенликда мевали дарахтлар экимиз. Шу йил вилоят туманларига ерларни бўлиб беремиз. Ҳар бир хўжалик, ҳар бир туман ўз участкасини сифатли қилиб экиб, парвариш қилиши керак. Бу ишга шахсан ўзим бошчилик қиламан», — деди. Мажлис иштирокчилари бу вазифани мамнуният билан маъқуладилар.

Мажлисдан кейин семинарга келганлар боғимизга экилган ниҳолларни оралаб кўрдилар, баъзи масалаларда боғ ичида кўрғазмали маслаҳатлар бердилар. Бир пиёла чойдан кейин ҳамма тарқалди. Кетар чоғида вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Умаров менга қараб: «Бизнинг вилоятга ишга келибсиз, бир менинг олдимга кирмабсиз-да», — деб қўйди. Мен у кишига: «Сизнинг ишингиз кўп, бориб ишдан қолдира-

манми,— деб истиҳола қилдим. Энди менга иш керак эмас. Шу ерда битта боғ кўкартирсам, қариганимда халққа мендан эсдалик бўлиб қолади»,— дедим. Бу гапим у кишига маъқул бўлди. Шунда у: «Энди мендан сизга нима ёрдам керак?»— дея савол берди. Биз И. Умаров билан 20 йилдан ортиқроқ Сирдарё вилоятида жуда иноқ бирга ишлаган эдик. Эски қадрдон бўлганим учун тортинмасдан унга: «Менинг ўзимга шахсан ҳеч нарса керак эмас, агар имкониятингиз бўлса, шу боғнинг ўртасидан ўтган Катта Ўзбек тракти кунжида бир қулай жой бор, ўша ерга битта ошхона-чойхона қурдириб берсангиз, сиздан ҳам, мендан ҳам халққа яхши эсдалик бўларди»,— дедим. «Юринг, ўша ерни кўрсатинг»,— деди у киши. Олиб бориб кўрсатдим. Жой маъқул бўлди. У киши «Жиззахцелинсовхозстрой»нинг бошлиғи Хурсанд ака Тошевга: «Шу ерга чойхона қуриб беринг»,— деб топшириқ берди. Мен гапга аралашиб: «Яқинда бир кўнгилсиз иш билан Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятига бориб, тушлик қилмасдан Ёзёвон орқали орқамизга қайтдик. Йўлда овқатланайлик десак, то Зарбдорга келгунча бирор жойда ҳам овқатланадиган чойхона-ошхона тополмай, оч қолиб, зўрға уйга етиб келдик. Агар бу ерда ошхона-чойхона қурсак йўловчиларга ҳам яхши, савоб иш бўларди-да»,— дедим. Умаров ҳам, Тошев ҳам бу таклифни чин дилдан қабул қилгани кўриниб турарди. Шунинг учун мен яна: «Ислом Султонович, Зомин туманида Аҳад ака Сойибназаров чиройли ошхона-чойхона қуриб номини «Сайқал»— деб қўйибди. Фарғонанинг Бешариқ туманида, Ленинобод вилоятининг Кистакўзида чиройли чойхоналар бор. Биз шуларнинг ҳаммасидан нусха олиб, улардан яхшироқ қилиб қурайлик. Бу дунёда фақат яхши, савоб ишлар қолади»,— дедим. Умаров чиройи очилиб, маъқул, деди. Тошевга қараб: «Кутиб ўтирмасдан, лойиҳани ўзингизнинг лойиҳачиларингиз тузаверсин»,— дея таъкидлади. Иш бошладик. Лойиҳачилар таклифига биноан, «Жиззахводстрой»нинг икки «С—100» скрепер билан 8 та ҳовуз ковлаб, 6 ой ҳовузларни сувга тўлдириб турдик. Чунки бизнинг ерлар таркиби сизувчан, шундай қилинмаса, лойиҳадаги иморатни ер кўтармайди, дейишди. 6 ой бир скважен сув қўйиб,

мироблик қилганман. Бу масала қурилишдаги асосий жиҳат эди. Орадан 8 ойлар чамаси ўтгандан кейин Умаров ва Тошев билан бирга «Средазирсовхозстрой»нинг ўша вақтдаги бошлиғи Эркин Турсунов келиб қолди. У ҳам иморат қурилишига розилик берди. Умаров ва Тошевларнинг ҳам вақти чоғ бўлди...

Орадан 2—3 кун ўтганди, ишчилар учун бир картага қулупнай эктираётган эдим, кечки пайт боғдаги йўлакка бир машина келиб тўхтади. Қарасам, Эркин Турсунов, бу пайтда у вилоят фирқа кўмитасининг биринчи котиблигига сайланганди. Дарҳол у кишини қарши олдим. У машинани қолдириб, пиёда боғ ичкарасига юра бошлади. «Одамлар нима қилишяпти?»— деб сўради. «Кулупнай экишяпти»,— дедим. Вилоятнинг янги раҳбари уларнинг олдига бориб, ишчилар билан самимий кўришди. Кейин боғнинг ичида ўзининг қўшимча таклифлари билан қурилаётган меҳмонхона ва ҳовузни кўрди. Боғда фақат иккимиз, атрофида ҳеч ким йўқ. Шу пайт у: «Нима учун бу чойхона-ошхона қуриб битирилмайди?»— деб қолди.

Орадан 2—3 кун ўтгандан кейин қурилиш ишлари чунонам тезлашиб кетдики, асло сўраманг. Самарқанд меъморчилиги услубидаги чиройли устунлар тайёрлаб келинди. Телефон қўйилиб, туман фирқа кўмитасининг штаби «Ипак йўли» чойхонасига кўчирилди, ўша вақтдаги Зарбдор тумани раҳбари Турдиқуловнинг ҳам ушбу қурилишда муносиб ўрни бор.

Шундай қилиб, «Ипак йўли» кошонаси қуриб битказилди. 1992 йилнинг апрелида «Ипак йўли» чойхона-ошхонасининг очилиш маросими бўлди. Маросимга Жиззах вилоятининг ҳамма туманларидан раҳбарлар, фаоллар, вилоятдан «Средазирсовхозстрой», «Жиззах-степсовхозстрой»дан кўплаб мутахассислар келишди. Умуман, бир ярим мингдан ортиқ ишчи-хизматчи маросимда қатнашди. Шу кун байрамга айланиб кетди. Ош тортилди.

1992 йил 2 май куни мамлакатимиз Президенти муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов, Қишлоқ хўжалиги вазири Норбек Қаюмовлар ҳам келишиб кошона ва боғни кўришиб, мамнун бўлдилар. Уч кундан кейин газеталарда Президентимизнинг мени Ўзбекистон Рес-

публикаси Фархий ёрлиғи билан мукофотлаши ҳақидаги Фармони эълон қилинди.

Шундай қилиб, бугунги кунда кўпчиликнинг иштироки билан халқ манфаати учун катта йўл устига қурилган «Ипак йўли» чойхона-ошхонасидан, 100 гектарли боғдан йўловчилар ҳам, маҳаллий халқ ҳам баҳраманд бўлиб, бу савоб амалларнинг ижрочиларига раҳматлар айтишмоқда.

Бундан буён ҳам шу йўл устига экилган мевали дарaxтлардан, ошхона-чойхонадан, асраб-авайлаб фойдалансалар, мен мингдан-минг рози бўлардим.

## **МЕҲР-ОҚИБАТ. ОДОБ-АНДИШАДА ГАП КЎП**

*Оқибат эрур ақлнинг кўзи,  
Оқибат эрур дилнинг сўзи.*

Оқибат деб кишиларнинг бир-бирларига меҳр-шафқатлари, қадр-қимматлари ва иззат-ҳурматларини айтадилар.

Қадимдан ота-боболаримиз бир-бирига меҳр-шафқатли, оқибатли бўлганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам кишиларни бир-бирига меҳр-шафқатли, иззат-ҳурматли бўлишга чақирганлар. Айниқса, ота-оналар, опа-сингиллар, ака-укаларни, иззат-ҳурмат қилишга, қадрлашга бир-бирлари билан иноқ бўлишга, бир-бирларидан молу дунёни аямасликка чақирганлар. Ака-укалар, қариндош-уруғлар бир-бирлари билан иноқ бўлишлари, бир-бирларининг ҳурматларини бажо келтириб, меҳрибон бўлишлари шарт. Айниқса, ёру жўралар, бир-бирлари билан дўстлашган кишилар бир-бирларини қадрлашлари, ўртадаги дўстликни кўз қорачиғидай асрашлари керак.

Пайғамбаримиз айтдаларким, қариндош-уруғ, дўст-биродарлар бир-бирлари билан мабодо аччиқлашиб қолсалар, бу аччиқланиш уч кундан ошмаслиги керак. Дарҳол ярашиб, яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишлари зарур. Қариндош-уруғлар, дўстубиродарлар тез-тез бир-бирларининг ҳол-аҳволдан хабар олиб туришлари: тўй-томошасида, ўлим-маъракаларида (жамоат ўртасида тут-

ган мавқеидан қатъий назар) келиб, бошдан охиригача туришлари шарт. Бу қариндош-уруғчиликнинг, дўст-биродарлик, қолаверса, одамгарчиликнинг асосий шартидир.

Эл қатори келиб, дуои фотиҳа қилиб кетиш қариндош-уруғ, дўст-биродарнинг иши эмас, қариндош бўлсанг, дўст-биродар бўлсанг, шу маърака хизмати-нинг бир чеккасини қўлингга ол. Мўруввати, оқибати бир кунига ярамаган, касал бўлганда хабар олиб, мадад бериб турмаган қариндош-уруғ, дўст-биродарларнинг нима кераги бор? Биродар бўлсанг, эл, халқ олдида кўрсат, бу сенинг инсоний бурчингдир.

Шу масалада жиззахликларга тан бердим, менинг ўзим кўҳна мирзачўлликман, умримнинг кўпроғи Сирдарёда ўтди.

Мен ўн йилдан ортиқ Жиззах вилоятида яшадим. Улар мени тўй-маъракаларга чақирардилар, канда қилмай, бориб қатнашардим. Уларнинг иш тутишга зеҳн солардим, ҳамма ерда бўлгани каби жиззахликларда ҳам баъзи бир нуқсонлар учраб турарди. Бу нуқсон шундан иборат эди-ки, маърака қилган одам амалдор ёки бадавлат киши бўлса, ўшаники гавжумроқ, мароқлироқ ўтарди. Камбағал-бечора деҳқонники мундайроқ бўларди. Баъзи қариндош-биродарлар ҳам келмай қўя қоларди. Бу ачинарли ҳол эди.

Лекин асосан бу ерда бирлик, бир-бирини ҳурматлаш, бир-бирига ёрдам кўрсатиш ва меҳр-оқибат кучли.

Жиззахликлар бир-бирлариникига тез-тез борди-келди қилиб турардилар. Тўй-маъракаларда, айниқса яқин кишиси тоби қочиб, касалхонага тушса, тўпланишиб тез-тез бориб кўриб турардилар. Беморнинг кўнглини олиб, дори-дармондан мадад берардилар. Фозил кишиларнинг, ўз устозларининг ҳурматларини жойига қўйиб юрардилар. Ота-оналарига, қарияларга жуда меҳрибон, қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар иноқ. Ёш болаларни эъзозлайдилар, ўспиринларнинг ўқишига катта эътибор берадилар. Бу ерда айниқса шеърятга, адабиётга эътиқод катта, бу эса ёшларнинг маданиятли, одоб-ахлоқли бўлишга катта таъсир кўрсатади. Бекорга Жиззахни шоирлар макони демайдилар-да. Бу

ерда тадбиркор кишилар кўп. Кишилари бир-бирига ҳар соҳада кўмаклашишади, ғийбат кам, тўй-маъракада бўлса, эгаллаб турган лавозимидан, мавқеидан қатъий назар, баб-баробар хизмат қиладилар. Энг ҳурматлилари анжуманда эл-халқ билан барабар тўрда ўтириб, сўз олиб бир-бирларига нисбатан ширин сўзлар айтишади, узоқ-яқиндан келган меҳмонларни иззат-ҳурматини жойига қўйиб, хушнуд этадилар.

Айниқса, савдо ходимларининг тўй-томоша, маъракаларда югуриб-елиб қиладиган беминнат хизматлари таҳсинга сазовор. Дастурхонларни тўкин-сочин, дид билан тузайдилар, ноз-неъматлари одамнинг иштаҳасини очади. Воҳанинг кўпчилик ерлари тоғ ёнбағри, адир, яйловлар, тўқайзорлардан иборат. Мол боқиб, кўпайтиришга қулай, бу ерда молдорлар кўп. Бунинг устига, Мирзачўл қўриқ ерларига кўплаб насослар ўрнатилганлиги Жиззах воҳаси халқини янада бадавлат қилиб юборган. Бу ердаги тўй-томошаларни кўриб ҳавасингиз келади. Кўпқари — улоқларни айтмайсизми, жуда ҳам мароқли ўтади. Ўрта Осиёдаги энг чидамли қорабайир отлар биргина Жиззах от заводида эмас, ҳар бир қишлоқ хонадонидан учрайди. Оилаларда ҳеч бўлмаганда иккита асл зотдор от бўлади. Бизнинг Сирдарёда ҳам халқнинг турмуши, тўй-томошалари бундан қолишмайди, лекин бизда, менинг назаримда, маросимларда, тўй-томоша, маъракаларда бир-биримизга борди-келди, ҳол-аҳволдан хабар олиш, оқибат камроқ. Тўғри бизнинг турмуш ташвишлари, иш шароити сочиб юборган, халқимиз илгарилари тоғ остидаги қишлоқларда яшаган, ҳозир эса турли ерларга сочилиб кетган. Кўпчилиги бир-биридан узоқда яшайди, менимча, барибир, бу баҳона бўлолмайди. Чунки ҳамма йўналишларда автобуслар қатнайди, кўпчилик хонадонлар шахсий енгил машиналарга эга. Телефон, телеграф каби қулайликлар бор. Ҳамма гап — оқибатда.

Мен истардимки, халқимиз яна ҳам меҳр-оқибатли, бир-бирига мададкор бўлса, бир-бирининг камчилигини тузатиб, янглишганга йўл-йўриқлар кўрсатиб, қўллаб-қувватласа.

Бирор киши касал бўлиб қолса, у қаердалигидан, кимлигидан қатъий назар, хабар топиб, етиб келиб, кўнгил сўраса, мадад берса.

Тўй-томоша, маъракаларда қариндош-уруғ, ёр-биродарлар олдида турса, халқ билан бирга бўлса, каландимоғликка берилмаса. Чунки инсон ҳеч қачон ўтган кунларини унутмаслиги керак. Бугун вақтинча бирор мансабни эгаллаган бўлсак, манманликка берилиб, халқ айтмоқчи: «Худони Худойбердича кўрмай кетмайлик», халқнинг ичида бўлиб, халқ билан барабар ўтириб-турайлик, хизматини қилайлик. Мен амалдорман, деб ўзимизга бошқача муносабат, алоҳида иззат талаб қилмайлик. Шундагина халқимизнинг бирлиги, бир-бирига меҳри ошади. Ёшлар ҳам биздан ибрат олиб, тарбияси, ахлоқи яхшиланади. Ана шунда қариялар ва устозлар, «барака топ», деб дуо қилишади.

«Ёмғир билан, ер, дуо билан эл кўқарар», — деб бекорга айтмаганлар. Шу ўринда яна бир гап эсимга тушди.

Бир неча йил олдин ўратепалик раис Тўраев қизини турмушга чиқарди. Шу тўйга борган эдим, бир дастурхон теварагида Ленинобод вилояти Пролетар туманида собиқ колхоз раиси, икки марта Меҳнат Қаҳрамони, машҳур ташкилотчи Абдуқодир Саматов билан бирга ўтириб қолдим. Улар билан узоқ суҳбатлашдик. Хайрлашиш вақтида у киши менга қараб: «Худоёржон, сен мени ҳар куни бир марта, қаерда бўлмасин, эсингга олиб, мен сени ҳар куни дуо қилиб тураман», дедилар.

Мана, ўшанда 8 ёшга кирган муътабар инсоннинг ҳаётдаги энг муҳим хулосаси!

Мана шу оддийгина инсоний оқибат! Ким бўлган бўлсанг ҳам — пировард шу! Яна қайтиб ўрнингга келасан. Оқибат шу бўлгандан кейин, бунча ўзингдан кетиб, нима қиласан? Халқ дилини овлаб, қўлингдан келса, одамларга яхшилик қилиб, вазифангни бажариб юравермайсанми?..

Беандиша киши деб садоқатсиз, беҳурмат, беҳаё, калтафаҳм кишиларга айтилади. Бундай кишилар ўзларининг ҳам, бошқаларнинг ҳам қадрини билмайди. Буларнинг ҳаёти охири вой, бунга мисоллар кўп.

Одоб масаласи халқнинг одамларга нисбатан қўядиган тош-тарози. Бу ҳақда жуда кўп ёзилган, ҳаммасида ҳам жон бор. 1985 йил 27 декабрь куни мени Гулистон-

дан Тошкентга икки киши кузатди. Бири — катта раҳбар, ишимни битказиб бериб, иккинчи қаватдаги хонасидан машинанинг олдиғача келиб, ширин такаллуфлар билан хайрлашиб қолди. Ҳеч нарсаи кетгани йўқ. Вақтим чоғ бўлди. Иккинчиси — ўртоғимнинг ўғли. Уникида ётиб қолдим, оқшом яхши меҳмон қилди. Эрталаб автостанцияга машинада олиб келиб қўйди. Лекин хайрлашаркан, машинадан тушмади, машинасига газни бериб, жўнаб кетди. Жуда хафа бўлдим. Киши кўнгли гулдан нозик, озгина бепарволикка ҳам хафа бўлар экансан. Шунинг учун инсон кўнглини ола билиш энг олийжаноб ишлардан, фазилатлардандир. Зеро, бу фазилат инсоннинг ақл-идроки, фаҳми фаросатидан дарак беради. Инсонларнинг бир-бирлари билан ўзаро эътиборли, оқибатли, одобли ишларида гап кўп. Оқибатлилиқ, одоблилиқ инсон руҳини кўтаради, унга кўтаринкилик бағишлайди, умрини узун, ишини баракали, обрўсини эл орасида кўтаради. Инсонга бундан бошқа яна нима керак?!

Андиша ҳақида. Одамлар икки хил бўладилар андишали ва андишасиз.

Андишали киши деб, кишиларга нисбатан ҳурмат, садоқат билан узоқни ўйлаб иш тутадиган, диёнатли кишиларга айтилади. Бундай кишилар эл орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўладилар.

Баъзилар менга: «Ёшингиз бир жойга бориб қолди, сизга ишлаш нимага керак?», — дея насиҳат қиладилар. Тўғри, менга мол-дунё, маишат ҳам, пул ҳам керак эмас. Давлатдан оладиган нафақам етарли. Урушнинг иккинчи гуруҳ ногирониман, имтиёзларим бор. 6 та ўғлим, 4 та қизим бор. Фарзандларимнинг ҳаммаси олий маълумотли. Болалардан тинганман. Барчаси уй-жойли. Ўзларини уй-рўзгорлари билан тинч, ҳаммаси бизга меҳрибон. Керак бўлса, ёрдам ҳам қилиб туришади.

Лекин масаланинг иккинчи, маънавий томони борда. Нафақага чиқдим, деб солпа-соғ, бақувват, ақл-хуши жойида одам, қачон ўламан, деб оғзини очиб ўтиравериши ҳам яхши эмас, ахир! Имконият бўлса, инсон бир дақиқа ҳам ишсиз, бўш ўтирмаслиги керак. Катта бўлмаса, кичикроқ, қўлидан келадиган ишни қилавериши керак. Шунда киши соғ-саломат ва узоқ

яшайди. Агар, қаридим, деб ўлимингни кутиб ўтирсанг, ўлим куттирмасданоқ келиб, касал кийикни бўри олиб кетгандек, олиб кетаверади. Ҳаёт учун курашиш керак, кураш йўли фақат битта — ҳаракат, меҳнат. Иложи борича, ҳар ким ўзининг нонини топиб, яшамоғи керак. Пайғамбаримиз ҳам шундай уқтирганлар. Ахир, улуғ бобокалонимиз Баҳовуддин Нақшбанд ҳам фақат ўз меҳнатлари эвазига кун кечирганлар. Аҳмад Яссавий ҳазратлари эса қошиқ-чўмич ясаб, хуржунга солиб, садоқатли ҳўкизларида бозорга олиб бориб, сотиб кун кечирган эканлар. У киши авлиё бўлсалар-да, мурид овламаганлар, ўқиган тиловатларига таъма қилмаганлар. Мусулмонга таъмагирлик ҳаром, куфр, гуноҳ ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги замонда кўпайиб қолган ҳожиларнинг айримлари, мен ҳожиман, деб, эл орасида ўзларига алоҳида иззат-ҳурмат талаб қиладилар. Ваҳоланки, ҳожилик кишига ҳеч қандай имтиёз бермайди, аксинча, масъулият юклайди, холос.

## ИСТИҚДОЛ БЕРТАН ИМҚОН

Мустақиллик шарофати билан ҳар йили минглаб ўзбекистонликларга ҳаж амалларини Маккаи Мадинага давлатимиз шафелигида бориб, эмин-эркин адо этиш мушарраф бўлмоқда.

Маълумки, ҳожилик шартларига кўра, Маккаи Мукаррамага сидқидилдан бориб, Байтуллоҳни етти марта айланиб, Аллоҳим ташлаган муборак «Ҳажар-ал-Асвад» (Муқаддас Қора Тош)га етиб бориб, уни ўпиб, тавоф қилган кишига қайси ойда боришидан қатъий назар Ҳожи деган унвон берилади. Каъбатуллоҳни тавоф қилиб келган баъзи кишилар бу муқаддас тош Каъбатуллоҳнинг учуда, осмонда туради, деган гапни айтадилар. Аслида, Иброҳим Пайғамбар ҳазратлари ўғиллари Исмоил билан Аллоҳимнинг буйруғига биноан Аллоҳим уйи Каъбатуллоҳни кураётган вақтларида нишона учун пойдеворнинг устига битта каттароқ тош қўяйлик деганда, Аллоҳим шу тошни осмондан ташлаган экан, ота-бола ул тошни Каъбатуллоҳнинг пойдевори устига қўйиб, кейин девор кўтарган экан-

лар. Ушбу муқаддас тош деворнинг кунжагида пойдевор устида рангидан нур ёгилиб ялтираб турибди. Тош 1 метрдан узунроқ, эни 80 сантиметрча, Каъбатуллоҳнинг теварагидан етти бор айланаётган зиёратчилар бу муқаддас тошга боришга ҳаракат қилиб, кимга насиб қилган бўлса, уни тавоф қилиб келадилар.

Аллоҳим уйига зиёрат. Ҳар бир мусулмон фарзандининг дилида бўлганидек, менинг ҳам дилимнинг бир чеккасида Маккаю Мадинани бир зиёрат қилсам, деган орзу тинчлик бермас эди. Лекин шўролар замонида туғилиб, фирқанинг 50 йилдан зиёд вақт аъзоси бўлиб, унинг фаол хизматкори бўлган, мусулмончилик қонун-қоидаларига қарши турган мендай бир даҳрий одамга Маккаю Мадинага бориш, Аллоҳнинг уйи Байтуллоҳда бўлиш, у шаҳарлардаги табаррук жойларни, Муҳаммад алайҳиссалом қабрларини зиёрат қилиб, ўша ерларда туриб, Аллоҳга тавба қилиб, намоз ўқиш ҳеч қачон насиб қилмаса керак, деб, ўзимдан-ўзим куюниб юрардим. Чунки мен асли зукко ўзбек, мусулмон оиласиданман, қолаверса, она авлодим, мулло, эшон, ҳожилардан. Ота авлодим ҳам ўқимишли. Бобом Эшмат оқсоқол замонасининг баобрў диндорларидан, отам бахши-шоир бўлган. Мен бўлсам, шўро мактабларида ўқиб, тарбия кўриб, узоқ йиллар шу ҳукуматнинг хизматини қилдим. Рўза, намоз ва бошқа мусулмончилик шартларига риоя қилмаган инсон эдим. Нима хислатларим учун Аллоҳ таоло мени Маккаю Мадинага бошлаб борди, ўзим ҳам ажабландим. Чунки бундай муборак зиёрат Аллоҳнинг ижозатисиз ҳар қандай инсонга ҳам насиб этавермайди.

Мен Маккаю Мадинага бориб келишимни фақат Аллоҳнинг марҳамати, деб биламан. Шу боисдан Аллоҳга минг бор шукр қилиб, билиб-билмасдан, ўз ихтиёрим ёки мажбурий қилган гуноҳларимни кечиришини илтижо қилиб сўрайман.

Аллоҳ таолонинг ижозати билан Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг руҳлари раҳнамолигида фаришталар йўлбошчилигида Ўзбекистонимиз Мустақил бўлиши шарофати-ла мамлакат ташқи дунё саёҳатгоҳи тайёрлаган ҳужжатлар билан умра ҳажига 1993 йил 9 декабрда жўнадим.

Тошкент вақти билан соат 15.40 да самолёт осмонга парвоз этди. Аллоҳнинг марҳамати билан самолётимиз ҳам равон учиб борар, самолётда Ўзбекистондан умра сафарига бораётган 144 кишимиз. Улар Наманган, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Тошкент вилоятларидан эдилар. Ҳаж сафарига отланганларнинг аксарияти 60—70 ёшдаги кексалар — чоллар, кампирлар, орамизда 1895 йилда туғилган мўътабар кишилар ҳам бор эди. Ҳамманинг руҳи тетик, вақти чоғ.

Бир-бирлари билан меҳрибонлик ила гурунг қилиб, чақ-чақлашиб, кулишиб, самолёт магнитофони орқали берилаётган ўзбекча ашула ва мусиқага ҳам эътибор бермай, гурунг қилиб кетмоқдалар.

Орамизда бундан илгари ҳам ҳаж сафарига бориб келган фарғоналик, асакалик ҳожилар Маккаю Мадинада кўрган-билганларини завқ билан одамларга айтиб берардилар. Бўлажак ҳожилар уларни мароқ билан тинглар, ҳар хил саволлар бериб, мунозара қилиб борардилар. Соат 17.40 да самолётдаги хизматчи қизлар озода ва чиройли идишларда тушлик овқат келтириб, олдимиздаги столчаларга қўйдилар, қовурилган семиз товуқнинг бир сони, салат, ширинликлар, ширин чой, апельсин суви, охирида Тошкент минерал суви бердилар.

Берилган овқат жуда мазали эди, дуойи фотиҳа қилиб, яхши ниятлар билан самолётда кетардик. Фарғоналик ҳожи домла самолёт радиоси орқали умра сафарига бораётган зиёратчи кишилар ўзини қандай тутишлари кераклиги ҳақида гапириб, бўлажак ҳожиларни табриклар, одамларни руҳлантириб юбордилар. Самолёт гувиллаб, равон бормоқда, боғичинг ҳам қимирламайди. Каспий денгизи, Эрон мамлакати устидан ўтгач, эҳром кийими кийишга шошилдик, чунки самолётдан тушибоқ Маккаи Мукаррамадаги Байтуллоҳга боришимизни, хуфтон намозини у ердаги маҷидта ўқишимизни айтишди. Соат 20.35 да таблолар чироғи ёнди. Самолёт Жидда аэропортига қўниш учун пастга тушяпти, камарларни белга боғлаб олинглар, дедилар бизга қарашиб келаётган стюардессалар. Тошкент вақти билан соат 21.10 дақиқа (уларнинг вақти биздан 2 соат кейин экан) самолётимиз Жидда аэропортига қўнди.

Жидда шаҳри чунонам электр чироқлари билан ёритилган, кўркам шаҳар эканки, кишининг баҳри дилини очади. Зиёратчилар, Аллоҳнинг уйига яқин келдик, деб бир-бирлари билан тўлқинланиб, маҳлиё бўлиб гурунглашарди. Бизни Жидда, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳаво йўллари мутасаддилари, улар орасида Амин Бухорий кутиб, самимий кўришиб, хуш келдиларингиз, деб илтифот билан қарши олдилар. Амин Бухорий тошкентлик Азизбек билан мени ўзининг «Мерседес» машинасига миндириб, меҳмон қилгани уйига олиб кетди.

Жиддада 3 та аэропорт бор экан, бири ёзда келади-ган зиёратчилар учун, иккитаси умра сафарига келганлар учун, учинчи аэропорт эса оддий ишлар билан бориб келадиганлар учун экан. Бизни иккинчисида қабул қилишди.

Аэропорт ичкарасига кирган заҳотим, у ерга зеҳн солдим; чунонам шинам, тоза, оқ мрамрдан ишланган, ҳамма жойи ярқирайди. Ҳавоси соф ва ёқимли, зиёратчилар учун қулай шароитлар муҳайё. Мен таҳоратхонага чопдим, тоза, шинам, ялтироқ мрамр тошлардан ишланган, зўр босим билан қувурлар жўмрагидан шовуллаб сув отилди, ниҳоятда роҳатландим, душга тушдим. Шу ерда эҳром (кафанга ўхшаш махсус кийим) орқа-олди очиқ, мутлақо тикилмаган, резинка аралаш шиппак кийдик. Тошкентдан кийиб борган уст-бошларимизни сумкага жойлаб олдик.

Арабистон расм-русумига биноан, мабодо ҳожилардан биронтаси бандаликни бажо келтирса, шу 4 метр эҳром билан кўмиб юборар эканлар.

Амин Бухорий уйи Жидда шаҳрининг марказларидаги кўчалардан бирида бўлиб, ҳовлисининг саҳни 10 сотихча, икки қаватли уй, биринчи қаватида қўлимизда чамадонларимизни олиб, ўзимизни иккинчи қаватга таклиф қилдилар. Ҳовли бошдан-оёқ оқ мрамр билан ишланган, киноларда кўрсатилганидек, бурама зинапоялардан иккинчи қаватга кўтарилдик. Пастда ҳам, юқорида ҳам чиройли тувакларда анвойи гуллар хоналарни безаб турибди. Йўлаклардан ўтиб залга кирдик, тўрт томони ҳам 10 метрли кенг ва кўркам хона, замонавий мебеллар қўйилган, гиламлар тўшал-

ган. Оппоқ ором курсиларда ўтирарканмиз, ишқилиб, кир қилиб қўймасмикинмиз, дея тортиниб ўтирдик. Фотиҳадан сўнг узун столдаги дастурхонга нозу неъматлар тортилди. Қовурилган, қайнатилган гўшт, товуқ гўшти, шўрва, кўкатлар аралаштириб пиширилган қуймоқлар, янги узилган гиёҳ ўт, резавор аралаштирилган салатлар. Бизни овқат ейишга таклиф қилдилар. Биз қайси бирини ейишни билмай, тортинар, шўрвадан бошлаб ҳамма қўйилган таомларни оз-оздан олиб тановул қила бошладик. Уй бекаси залдан кўриниб турган кенг ошхонада филиппинлик хизматкор 15—16 ёшлардаги қорамтиргина, сочлари қирқилган кўзлари қисик, бурни пучуқ, ўрта бўйли қизча билан бирга кетма-кет овқат, ичимлик шарбатлар тортар эди. Уй бекаси Амин Бухорий тортинганимизни сезиб, ўрнидан туриб, кенг столга қўйилган овқатлардан қошиқ билан бизнинг ликопчаларимизга соларди. Бизнинг, раҳмат, ўзимиз оламиз, дейишимизга ҳам қарамасдан илтифот кўрсатарди. Уй эгаларининг икки ўғил, икки қизлари бор экан. Кенжа ўғли 18—19 ёшларда, тўладан келган новча, 70—80 килограмм вазнда, икки бети қип-қизил, юзларидан нур ёғилиб турган йигитча келиб, бизнинг қаторга, отасининг ёнига ўтириб, биз билан овқатлана бошлади. Кейинроқ соф ўзбекчалаб, олинг овқатдан, деб ўрнидан туриб, йўқ, деганимизга қарамай, ликопчаларимизга қошиқ билан овқат солиб, ҳурмат кўрсатди. Яхшилаб овқатланганимиздан сўнг видеоманитофон аппарати орқали телевизорда Шерали Жўраевнинг қўшиқларидан қўйиб бердилар. Шу вақтда хизматкор қиз келиб, аллақандай гиёҳлар солиб тутатилган, кимхоб матолар билан безатилган чилимни уй соҳиби Амин Бухорийга тутди. У киши тахминан 40 дақиқа чилимни тортиб, биз билан суҳбатлашиб ўтирдилар. Биз энди ўзимизни анча босиб олган эдик. «Бу чилим нимадан?»— деб сўрадик, шунда уй эгаси хизматкор қизни чақириб, арабчалаб нималардир деди. Бизлар учаламиз ҳам тил билмаймиз, ҳеч нима англамадик, шу пайт хизматкор қиз бир катта лаганда қориштириб қўйилган 3—4 кило келадиган қорамтир бўтқани келтириб бизга кўрсатди. Амин Бухорийнинг айтишича, бу қоришма Арабистонда ўса-

диган анвойи гуллардан тайёрланган экан. Унинг ичида ҳеч қандай заҳарли гиёҳ бўлмай, хуштаъм ҳид берар экан. Бундай чилим шифобахш ҳисобланаркан.

Маккаи Мукаррамадан Мадинаи Мунавварага кетар йўлда шаҳар четида автобус шофёри паспортлари-мизни йиғиб олиб назорат постига кетди. Машина тахминан 20 дақиқача тўхтаб турди. Бекатдаги бизнинг чойхоналарга ўхшаган шинам бино олдида ва ичкари-сида кўплаб тахта чорпояларда бойвуччалар ўтириб, биз Амин Бухорийникида ҳали кўрган чилимдан чекиб, гурунг қилиб дам олиб ўтиришганини кўрдик. Маккада ҳам бундай махсус чилимхоналар бор экан. Амин Бухорий ҳам бундай чилим чекиш одат эканини, лекин спиртли ичимлик ичиш, гиёҳванд модда истеъмол қилиш умуман мумкин эмаслигини айтганди. Агар спиртли ичимлик ичиб, гиёҳванд модда истеъмол қилиб бирор киши қўлга тушса, қўлини кесиб ташлаш мамлакатда қонун билан жорий қилинганини гапириб бердилар.

Амин Бухорийнинг иккита автомобили бор экан. Бири — Олмониянинг «Мерседес» ва иккинчиси — Япониянинг «Тойота» маркали машинаси, ҳар икки машинаси ҳам кўчада турар экан. Ҳеч ким тегмайди, дейди. Ҳаво иссиқ, биз борганда кечаси 27, кундузи 35—40 даража иссиқ бўлади. Ёзда иссиқлик 50—60 даражагача ошиб кетар экан, шу сабабли ҳамма биноларда кондиционер. Биргина Амин Бухорийнинг уйида 39 та совутгич ишлаб турибди. Амин Бухорийнинг айтишича, бир ойга электр ва бошқа хизматлар учун давлатга 2500 риал пул тўлар экан. Хотинига рўзғор харажатларига ҳар ойда 10 минг риал пул берар экан. Нима қилса, ўзи билади, ўзи бозор қилади, деб кулиб кўйди. Рўзғорида 15 та хизматкор бор. Улар барча уйининг рўзғор ишларини қилар, тижорат ишларига ёрдамлашар экан. Улар учун ҳовлининг чеккасида узун шинам уй турибди, шу хоналарда яшаб, ишлашар экан. Бу хизматкорлар асосан Филиппиндан, Малайзиядан ва Африка давлатларидан келиб шартнома бўйича 2—3 йил ишлаб кетар эканлар.

Жиддада ҳам, Макка ва Мадинада ҳам мен юқорида таърифлаган Амин Бухорийнинг уйидан анча кат-

та, жуда шинам уйлар кўп учрайди. 3—4 қават, камида 1000—1500 квадрат метрли чиройли уйлар, иморатларни кўп кўрдик. Машинада Амин Бухорий бизни шаҳар бўйлаб олиб кетаркан, бу уйлар давлатники бўлса керак-а, дея сўрадим, йўқ шахсий уйлар, одамларники, бизда давлатнинг иморати йўқ, деб жавоб берди. Шаҳарда давлатнинг нимаси бор? десам, йўл, кўприк, электр, водопровод давлатники, қолган ҳаммаси хусусий шахсларники, деди. Кўчалар кенг, равон, уларда икки томонлама машиналар юради, камида ҳар томони 3—4 қаторли йўл.

Амин Бухорий ўзи ўзбек, фарғоналик, ота-боболари 1922 йилда шўролардан қочиб кетган экан, ўзи Арабистонда туғилган, хотини ҳам ўзбек қизи. Оиласи билан соф ўзбек тилида гаплашишади. Унинг ҳикоя қилишича, отаси тайинлаган экан, қандай бўлмасин, ўз она тилимиз ўзбек тилини йўқотманглар, қачон бўлмасин, Аллоҳ таоло Ўзбекистонга мустақилликни ато қилади, дорилмомон замона Ўзбекистонга ҳам келади, шунда Ватанга борасизлар, она тили керак бўлади, деган экан.

Чет элдаги ўзбекларнинг аксарияти шу маслаҳату насиҳат-ўғитларга амал қилиб, ўз она тилларини йўқотганлари йўқ. Уйда-рўзғорда, имкони бўлган ерда фақат ўзбек тилида гаплашишади. Ҳаммалари ҳам, ҳатто ёшлари ҳам соф ўзбек тилида гаплашгани бизни қувонтирди. Бизда баъзи бир чала сатанг оилаларимиз болалари ота-оналари ўзбек бўла туриб, русча гаплашишади, ўзбекча билмайман, дейди. Ўзбекча гапирса ҳам аралаш қилиб, чала-пула гапиради. Шу билан ўзини маданиятли кўрсатмоқчи бўлади. Билмайдики, ўз она тилини билмаслик ўта маданиятсизлик ва одобсизликнинг ўзидир, шундайларни эшитганда кишининг гаши келиб, виждони қийналади.

Амин Бухорий оиласи билан хайрлашиб, Маккаи Мукаррама томон йўл олар эканмиз, йўлда кетаётиб, Амин Бухорий менга қараб: Худоёр ака, кўряпсизми, мен соатига 160 километр тезликда кетяпман, деб қолди. Ҳақиқатан ҳам, кўрсаткичга қарасам, 160 километрни кўрсатаётир, на машина чайқалади, на баланд овози чиқади. Олмонияда чиққан машина равон кетмоқда,

чунки бу ерда йўллар ҳам ниҳоятда текис ва пухта қурилган.

Маккаи Мукаррама. 1993 йил 10 декабрь соат 11.45 да Маккаи Мукарраманинг марказида жойлашган «Андижон» меҳмонхонаси олдида тўхтадик. Андижонлик Аббос Довудхон ҳижрий 1309 йили қуриб кетган шу меҳмонхонанинг 5-қаватидаги 3 кишилиқ хужрага жойлашдик. «Андижон» меҳмонхонасининг 144 хонаси бўлиб, 1000 кишилиқ ўрин бор. Хонанинг саҳни 10—12 квадратметр, хонага гилам тўшалган, битта юмшоқ матрас, битта чит чойшаб, битта мочалка, қалинлиги 20 сантиметр келадиган ёстиқ, ҳожатхона, таҳоратхона, душ. Бу меҳмонхона Байтуллоҳдан 500—600 метр масофада жойлашган бўлиб, сумкамизни хужрамизга қўйиб, кийилган эҳромда Байтуллоҳ мачитига равона бўлдик.

Меҳмонхона эшиги олди ҳам тижорат дўкони, ёнбоши ҳам тижорат дўкони, кўчанинг икки ёқаси ҳам то Байтуллоҳ мачитига боргунча кичик-кичик, лекин ичи қимматбаҳо матолар, кийимлар, электр моллар, радио, телевизорлар билан тўла, ҳар қайси дўкон ихтисослашган, ҳаммасига ҳам қимматбаҳо, замонавий моллар қўйилган. Камида 3—4 миллион долларли мол билан савдо қилаётган тижоратчилар ўзларида ҳеч нарса ишлаб чиқармас эканлар, ҳамма моллар Япония, Америка, Германия, Франция каби мамлакатлардан келтирилган. Нарх-навоси ҳам бизнинг мамлакатимиздигидан арзон эмас.

Байтуллоҳ. Мачитни кўриб ҳайратга тушдим, чунки ёшим 80 га яқинлашиб, Фарбнинг кўп мамлакатларида Чехословакия, Ирландия, Италия, Ватикан, ҳатто Кубада ҳам бўлганман. Ўша мамлакатлардаги қадам-жойларни, юқори қаватли биноларни, кошоналарни кўл кўрганман. Айниқса, католик динининг маркази Ватикан мени ҳайратга қолдирган эди. Лекин Маккаи Мукаррамадаги Байтуллоҳ мачитини кўргач, Европада кўрганларим ҳеч гап эмас экан, деган фикр келди. Аллоҳнинг уйи Байтуллоҳ (Каъбатуллоҳ)га гўзалликда қиёс йўқ. Дунёда ягона Аллоҳимнинг уйи ҳам ўзидек танҳо. Бутун дунёдан ҳар йили 1 миллиардга яқин мусулмон бу уйни кўриб, ҳаж зиёратини амалга ошириш

ниятида бу ерга келади. Қуръони Каримда мусулмонлар учун ислом динининг бешта шартидан бири шу зиёрат ҳисобланади. Бу ердаги мачит мажмуаси поёнсиз, бундай катта, шинам, баҳаво, улуғвор мачит-мадраса дунёда бўлмаса керак. Мачитнинг саҳни, менинг назаримда, 50 гектардан ортиқ. Оқ мармар тўшалган, бўйи 5 метрдан баланд, бир-бири билан туташиб кетган икки қаватли кўркам айвонмонанд мачитхоналар, йўғон темир устунлар қўли гул усталар ҳунари билан нақшланган. Ҳар бир шифтда 2 тадан минг-минглаб катта парракли шамоллатгичлар айланиб турарди. Эшиклардаги зулфинлар ҳалқаси, тутқичлар соф олтиндан ишланган, ялтираб бино кўркига кўрк қўшиб турибди. Билмадим, неча тонналаб соф олтин сарфланган. Аллоҳнинг уйи Байтуллоҳни Каъбатуллоҳ ҳам дейишади. Эшик ва кошинлар олтиндан ишланган. Мачит атрофидаги ҳовлига ҳам оқ мармар тўшалган, ойнадек ярқирайди. Иморат 8 қиррали, унинг ташқарисидаги ҳовли ҳам ҳар томони 10 гектарлаб ерни эгаллаган, мачитнинг ичига гиламлар тўшалган. Ҳар 5—10 қадамда қатор чиройли ишланган зам-зам суви тўлдирилган қават-қават стаканлар қўйилган. Ҳар бир зиёратчи мачитга кирар экан, бир-икки стакан шу табаррук сувдан ичади. Байтуллоҳдан 10 метрча масофада оби зам-зам булоғи, унинг ичида ювинадиган тоғораларга жўмраклардан шариллаб оби зам-зам тушади. Одамлар қатор туриб сувдан ичиб, таҳорат олиб, дуолар ўқиб, сифиниб кетаётирлар. Ҳамма зиёратчилар топган идишларини оби зам-замга тўлдириб келган, юртларига олиб кетардилар. Зиёратчилар мачит саҳнига қадам қўйган заҳоти оёқ кийимларини ечиб оладилар, қайтиб кетар чоғида яна ўша ердан оёқ кийимларини кийиб кетадилар. Мачитда 2—3 миллион мусулмон бир йўла бемалол намоз ўқиши мумкин экан.

## **ИСЛОМ ДИНИГА ЭЪТИҚОД**

Бу ерда мусулмонларнинг ислом динига, унинг борган Аллоҳ таолонинг яккаю ягона ҳокимлигига эътиқодни кўриб қойил қолдим. Каъбатуллоҳга биз борган

вақтда декабрь ойи, яъни қиш фасли эди. Лекин бу ерда қиш бўлмас экан. Дунёнинг барча қитъасидан зиёратчи мусулмонларни учратдим. Айниқса, Малайзия, Филиппиндан, Африка қитъасидан келган мусулмонлар эътиқоди кучли эканлигига тан бердим. Африкаликларнинг сирти қора бўлгани билан ичи сутдек оқ экан. Икки оёғи, икки қўли ҳам ишламаса-да, Байтуллоҳ атрофида етти марта эмаклаб, йиғлаб, айланиб юрган инсонларни кўрдим. Икки оёғи шол, бели букилган, кўзи ожиз бўлса-да, тоат ибодат қилгани борган, баҳоли қудрат намоз ўқиб, ҳаж қилиб юрган мусулмонларга таҳсинлар айтдим.

Зиёратга борган хотин-қизлар ҳам кўп. Уларнинг аксарияти қора ёки кўк узун либослар кийиб, юзларини дока билан ўраб олганлар, фақат кўзлари очиқ, қолган ерлари ёпиқ, эркакларга араллашиб зиёрат қилиб юрибдилар. Фақат намоз вақтида хотин-қизларга белгилаб қўйилган айвон мачитларда намоз ўқийдилар. Ҳамма зиёратчилар Байтуллоҳга термулиб, илтижо қиладилар.

Соат эрталабки 5.30 да, 12.15, 3.30, 6 да, 8 да азон айтиларди. Сўфининг чақириқ овози имомни намоз вақтида ўқиган тиловат намозининг оҳанги одам юрагига қандайдир майин таъсир қилиб, киши вужудини қамраб олади. Тозаликни мен шу ерда кўрдим. 7 кун оқ узун арабча қўйлак, оқ лозим, оқ дўппича кийиб юриб, Тошкентга келиб кўрдик, бир жойига гард юқмаган, бўлмаса, мен шу оқ кийимдан намоздан кейин қолиб, мачитларнинг ичида гилам устида бошимга қўйиб, икки соатлаб 5 марта уқладим, кўчаларда юрдим, дўконларда бўлдим, набираларимга ул-бул нарса сотиб олдим, хуллас, ҳамма вақт мана шу оқ либосда юрдим. Ана бунга тозаллик деса бўларкан.

Мачитларнинг ичида ҳам, ҳовлида ҳам хизматкорлар қўлларида узун энлик тоза ип тахта супурги билан айланиб, чанг, гардни тозалаб юрардилар.

Дўконларини ҳам кўрдим. Ҳар ким ўз дўконининг олдини тозалаб, молларини артиб турар экан. Одамлар ҳам тоза, пок, кунига беш марта таҳорат оладилар. Кунига беш марта азон айтилади. Намоз ўқиладиган вақтда барча автомашиналар тўхтади, дўконлар эшигига латта ёпинчиқ ташланади ёки қулфланади. Ҳамма

мачитда ёки хонада намозни ўқийди. Шаҳарда ҳаракат тўхтайдди. Намоз тамом бўлиши билан ҳаёт ҳаракатга киради. Намоз ўқиладиган вақтда бир неча миллион аҳоли бир имомнинг овозига итоат этади. Бошқа гинг деган овоз эшитилмайди. Микрофон имом овозини бутун шаҳар бўйлаб янгратади. Байтуллоҳнинг тевараги лиқ тўла одам, ухламасдан 24 соат сажда қилиб айлангани айланган. Бир кун хуфтон намозидан кейин мачитнинг ичида гилам устида бошимга дафтаримни қўйиб ухладим, мақсадим — одамлар кечаси тарқалиб кетса, Муқаддас Қора Тошни бемалол қучоқлаб тавоф қилиш эди. Уйқудан соат саҳар 4 да уйғониб қарасам, тошнинг теварагида одам худди кундузгидек гавжум, айланиб ётибди.

Нақл қилишларича, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга инсонлар Аллоҳга ибодат қилишлари учун бир уй қуришни буюради. Бу бўлажак уй Байтуллоҳ экан.

Маккаи Мукаррама атрофидаги зиёратгоҳлар. 1993 йилнинг 11 декабри эрталаб соат 8.00 да Маккаи Мукаррама атрофидаги зиёратгоҳларга бориб кўриш мақсадида автобусларга ўтирдик.

Шаҳардан чиқаверишда чўққили Савр тоғини зиёрат қилдик. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Маккадан чиқиб, Мадинага ҳижрат қилган вақтларида биринчи марта шу тоғда тўхтаб, кейин Мадинага кетган эканлар.

Икки томонлама равон қурилган йўлга чиройли хурмо дарахтлари экилган, баҳри дилингиз очилади. Машиналарда сув келтириб қўймоқдалар. Дарахтлар тагига чуқур ҳовузчалар қуриб қўйилган.

Арофат тоғига қараб бормоқдамиз. Тоғ Макканинг кун чиқар томонида экан. Автобус равон йўлда 120—130 километр тезликда кетмоқда. Эрталабдан қуёш қиздиради. Текис бўз ер кўринмайди. Катта-кичик қиррали қоратошли далаларда йўл бўйида бир қўтон оққора қўйлар, эчкилар ўтлаб юрганини кўрдим. Арофат тоғи зиёратгоҳи атрофидаги текисликда чодирлар қурилиб ичига ҳаво совитгич (кондиционер)лар ўрнатилган миллионлаб зиёратчилар шу ерда тоат-ибодат қиладилар. Бу ердаги улкан мачитда ҳам намоз ўқидик.

Арофат тоғи. Маккадан 20 километр узоқликдаги Арофат тоғида дуо-фотиҳалар ўқиб, тоғ чўққисига элитувчи кенг йўлакдан тоғ тепасига чиқдик. Ҳамма зиёрат, тоат-ибодат қиларди. Тоғнинг тепасига Байтуллоҳнинг ёқимли бир ҳиди уфуради. Кишининг баҳри очилади, роҳатланади. Тоғнинг тепасида дуо-фотиҳа ўқиб бўлгандан кейин, шу ерда суратга олиб дарров кўлимга тутқаздилар. Шу ерда туя олдида кўпчилик суратга тушар экан. Нақл қилишларича, бу туя Муҳаммад алайҳиссалом туяларининг наслидан экан, шу туяга ҳам миниб суратга олдирдим, 3 шишачада атру муаттар олдим. Ундан кейин Муздолифа мачитини зиёрат қилиб, пиёда зиёратчилар юрадиган узунлиги 9 километр, эни 60 метрлар чамасида усти ёпиқ йўлдан ўтдик.

Бундан сўнг Ҳира тоғига келдик. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бутга сиғинганлардан нафратланиб, Иброҳим пайгамбар динига сиғиниб, кўп вақтини шу тоғда ўтказган эканлар, ҳатто ётиб қолган эканлар. Ҳира тоғидаги ғорга келиб узоқ зиёрат қилдик. Шу ғорда Жаброил алайҳиссалом Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий келтириб, «ўқи», деган эканлар.

Мадинаи Мунавварада (кечқурунги соат 5.30. Макка вақти). 1993 йил 12 декабрь, иккита автобусга ўтириб, ўзбекистонлик умр сафарига келган зиёратчилар Мадинаи Мунавварага жўнадик. Соат 10.00 да Мадинага кириб келиб, машинада Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳақларига қайта-қайта дуои фотиҳа ўқиб, «Бухоро» меҳмонхонасига жойлашдик.

Биз бу ерда ҳам 7-қаватдаги уч кишилик кичик хонага жойлашдик. Бизни яхши кутиб олган ходимлар Абдуқодир қори бошчилигида дарҳол кечки овқатга таклиф этдилар. Катта залда дастурхонда Мадина хурмоси, мастава ва бошқа нозу неъматлар мунтазир экан. Овқатланиб, Абдуқодир қорининг маърузаларини тинглаб, роҳатланиб дам олдик.

Бу ерда биз жойлашган меҳмонхона ва унинг одамлари Маккаи Мукаррамадагидан кам эмас экан. Шаҳарнинг умумий кўриниши ҳам Маккаи Мукаррама билан бемалол рақобатлаша оларди. Шаҳарлар тоза, бежирим, чиройли қурилган. Ҳамма жойда тартиб-ин-

тизом, одамлардаги имон, эътиқод, бирлик кучли, одамлар эркин.

Замонавий экскаватор, бульдозер, грейдер, кран, ерни ингичка ва чуқур қавлайдиган механизмлар, хуллас, ҳамма керакли техника шаҳарни янада ободонлаштиришга жалб этилган. Туркия, Филиппин, Африкадан келган ишчилар қурилишларда шартнома асосида ғайрат билан ишлаётирлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом учун қурилган кўк гумбазли мақбара дунёда тенги йўқ, осмон-ўпар гумбаз, Аллоҳ таолонинг назари тушиб тургандек туюлади. Мақбаранинг ичига Муҳаммад алайҳиссалом ёнларига Абу Бакр Ас-Сиддиқ, Умар Ибн ал-Ҳаттоб жасадлари ҳам кўмилган экан. Мақбара панжараси ҳам гўзал, бошдан-оёқ олтиндан қуйилгандек, ҳар жой-ҳар жойда қуйилган тешиклардан қараб, Пайғамбаримиз сағанасини кўрса бўлади. Мақбара теварагидан ўтар эканмиз, қандайдир хушбўй муаттар ҳид сизга роҳат бахш этди. Ўзингизни жуда ҳам енгил ҳис этасиз.

Минг-минглаб зиёратчилар югуриб, эртарақ Пайғамбаримиз сағанасини кўриш, Пайғамбаримиз ҳақиға яқинроқдан жой олиб, намоз ўқишга шошиладилар. Чунки Пайғамбаримизнинг мачитида намоз ўқиган бир савоб олса, Пайғамбаримиз мақбараси теварагида намоз ўқиган 8 минг савоб олади, деган нақл бор экан. Буни менга Мадинада яшайдиган биродаримиз Турсунбой қори айтиб берди.

Мадинадаги Муҳаммад алайҳиссалом мачитлари шундай роҳатбахш жойки, намоз ўқиб бўлгандан кейин ҳам туриб кетгингиз келмайди. Кўпчилик зиёратчилар ётиб, дам оладилар. Анча зиёратчилар ўзлари билан 5—10 ёшли болаларни етаклаб келиб, халқ билан баробар намоз ўқитиб, тиловат қилдирадилар. Мачитнинг ичида ҳар 10—15 метрда 3—4 чиройли идишда зам-зам булоғидан келтирилган сувни зиёратчилар ичиб роҳатланадилар.

Мадинаи Мунавварада кўп олим — фозил кишилар билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдим. Пешин намозидан сўнг ёзувчи, олим Абдул Воҳид Яссий билан узоқ суҳбатлашдим. Бу киши ўзбек, Арабистонда туғилган бўлиб, дўқондорлик ҳам қилар эканлар.

Пайғамбаримиз хоки ётган мақбарани турклар қурган экан. Ҳозирги подшолик ҳам эски биноларни бузиб, кўчаларни тўғри кенг қилиб қурмоқда. Мадинаи Мунаввара кўп миллатли мусулмон юртидир.

Озиқ-овқат сотиладиган кичик-кичик ошхоналар ишлаб турибди. Дўконлар кийим-кечакка тўла. Фақат пальто, костюм-шим, чинни идишлар кам. Ёмғирлар фаслида Мадинада ёмғир кўп ёғар экан. Тўрт кун турдик, уч кун пешиндан кейин кучли ёмғир ёғди. Кўчаларда сув тўлиб оқади.

Бу ерда одамлар ўзини ўзи идора қилади, қонунни, диннинг қоидаларини бузмаса, ҳеч ким нима қиляпсан, деб суриштирмайди. Бир-бирлари билан қаттиқ овоз чиқариб гаплашмайди. Шаҳарда аҳоли яшайдиган бинолар ва кўчаларда хушмуомалалилик, ширин сўзлик, иззат-икром ҳукмронлик қилади. Имон, эътиқод кучли.

Маккада ҳам, Мадинада ҳам ҳужрамиз эшиклари очиқ. Сотиб олинган қимматбаҳо буюмларимиз очилиб-сочилиб ётди. Ҳеч ким бир нарсага теккани йўқ.

Пайғамбаримиз мақбараларига яқин, 300 метрча жойда баланд девор билан ўралган қабристон бўлиб, у ерда пайғамбаримиз қизлари Фотима ва хотинлари қўйилган экан. Уларни ҳам зиёрат қилдик.

14 декабрь куни соат 9.00 да автобусларга ўтириб, Кубо шаҳрига бориб, Кубо мачитини зиёрат қилиб, намоз ўқидик.

Мадинада хурмо боғлари кўп, хурмо боғини 4x4 м ҳажмда қилиб, шахмат усулида экканлар, бир туп хурмо 50—150 килогача ҳосил берар экан. Анвойи гуллар иси димоғингизга урилиб, танангизни тетик айлайди. Йўлларга ниҳол кўчатлардан деворлар қилинган. Шамшод дарахтининг 70 хили бор деб ҳикоя қилиб бердилар. Арабистонда анор, анжир, жуда ҳам ширин узумлар ҳам бўлар экан. Афсуски, биз шу ерларни бориб кўролмадик.

## **МАДИНА ШАҲРИ ЯҚИНИДАГИ УҲУД ТОҒИ ЗИЁРАТИ**

Шу ерда Муҳаммад алайҳиссалом билан Маккадан келган мушриклар жанг қилишган экан. Пайғамбаримизга душманлар найранг ишлатиб, қимматбаҳо буюмларини қолдириб, ўзлари тоғ орасига қочадилар.

Пайғамбаримиз аскарлари уларга қулоқ солмасдан, душманлар ташлаб қочган ўлжаларни олишга ёпирилиб кетадилар. Бу аҳволни кўриб турган мушриклар қайтадан тоғ ортидан ҳужумга ўтиб 70 кишини ўлдирадилар. Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакилари Амир Ҳамза ҳам шу жангда ҳалок бўладилар. Улар дафн этилган қабристонни баланд шинам девор билан ўраб, зиёратгоҳ қилиб қўйибдилар. Қабрларнинг ҳаммаси бир хил текис, устида биттадан кичкина тоши бор, холос. Шу жангда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом 13 жойларидан ярадор бўлиб, бир чуқурда ётиб қолган эканлар. Кейин саҳобалар келиб, у кишини кўтариб олиб даволаб кетган эканлар.

Пайғамбаримиз ҳижратнинг 9-йили 360 кишилик аскар билан Маккага бориб, мушрикларни енгдилар.

### **ҚИВААГОҲ МАЧИТИНИНГ ЗИЁРАТИ**

Бу кўҳна мачитда одамлар илгари намозини Қуддуси Шарифга қараб ўқир эканлар. Мусулмон дини жорий қилингандан кейин Маккаи Мукаррамага — Байтуллоҳга қараб ўқийдиган бўлибдилар.

Мачит биноти кичикроқ, бўз шолча ташлаган оддий мачит. Бу ернинг ҳавоси ёқимли, 35 даража иссиқ, ғир-ғир шабада эсиб равон кенг йўл ва хиёбонларда манзарали дарахтлар одам кайфиятини кўтаради.

Хандақ. Макка мушриклари яна ҳужум қилиб келишларини билиб Пайғамбаримиз эни ҳам, чуқурлиги ҳам тўрт метр келадиган хандақ кавлаб, душман йўлини тўсган эканлар. 12 минг аскари билан душман хандақнинг нариги томонида тўхтаб, чодир тикиб, ҳужумга тайёрланиб турган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳга илтижо қилиб, дуо қилибдилар. Аллоҳимиз дуони қабул қилиб, шамол юбориб, чодирларни ағдариб ташлабди, тўрт киши ўлибди, 25 кундан кейин мушриклар қайтиб кетибдилар. Мадина теварагида ҳамма зиёратгоҳларни кўриб меҳмонхонамизга қайтиб келдик. Бу кунги зиёратимиз жуда унумли ва сермазмун бўлди.

Эрталаб пайғамбаримиз мачитларига бориб, бомдод намозини ўқиб, соат 8.30 да автобусларга ўтириб,

Жидда аэропортига жўнадик, масофа 6 соатлик йўл экан. Автобус бекатида атрофни томоша қилиб турган эдим. Аллоҳнинг амри билан мен тўрт кундан буён суҳбат қуриш иложини топа олмаганим шаҳарнинг энг мутафаккир билимдони Абдуқодир Қори тор кўчада олдимдан чиқиб қолдилар. Югуриб бориб саломлашиб, уларни саволга тутдим.

Биринчи гапим шу бўлди: «Тақсир, зиёратга келган одамлар орасидан энг гуноҳкори мен, чунки шўролар ҳукуматининг 50 йил хизматини қилганман, даҳрийларнинг буйруғини бажарган одамман. Менинг мусулмончилигим нима бўлди?» У киши юзимга термулиб қарадилар. Қори соқоли кўкрагига тушган, ёши 80 дан ошган, новча, бардам киши. Мени бағирларига босиб, қучоқлаб, бирдан ҳўнграб йиғлаб юбордилар. Сўнгра гапга кириб: «Укам, бу ишларга сиз айбдор эмассиз, замонангиз айбдор, менинг хабарим бор, сиз жон сақлаш учун уларга хизмат қилгансиз, улар хизматини қилмаган миллатимизнинг қанчадан-қанча ватанпарвар ўғлонларини йўқ қилиб юборишганини биламиз. Сизга пайғамбаримиз ҳадисидан бир воқеани айтиб берай», дедилар. Мана у киши айтган ўша ҳикоят:

«Аллоҳим олдига икки киши келибди, биринчиси, мен 100 кишини ўлдирдим, хато қилибман, тавба қилиб, Сендан нажот сўраб келдим, дебди.

Аллоҳим фариштага топширибди, тавба қилдим, дебди, тавба қилгани учун гуноҳини кечдим, яна 100 савоб бериб жаннатга киргиз, дебди, фаришталар 100 савоб бериб, уни жаннатга киргизиб юборибдилар. Иккинчиси, умр бўйи мачит мадрасаларда мулла-имомлик қилиб, намоз ўқиб, рўза тутиб келибди, лекин диндор такаббур, калондимоғ экан, ҳаммага мен мулламан, деб ғўдаяр экан, муридларини юбориб, таъмагирлик йўли билан ишламасдан, кун кўрар экан. Аллоҳим Жаброилга бу имомни дўзахга юборгин», — дебди.

«Ана шунақа гаплар. Сиз тавба қилиб ҳажга келибсиз, ҳамма гуноҳларингизни Аллоҳим кечиради. Бундан кейин намозни қанда қилмай, мусулмончилик қоидаларига риоя қилиб юринг», — Қори шундай деб, яна бир марта мени қучоқлаб, бағирларига босдилар.

Суҳбатимиз 20 дақиқа давом этди. Кўп тушунмаган саволларимга жавоб олдим, бундан кейин мусулмончилик қоидаларини бузмасликка ваъда бердим. У киши қўлларини очиб, дуо қилдилар. Мен Абдуқодир Қоридек улуғ эшондан фотиҳа олганлигимдан гурурланиб кетдим. Суҳбатимиз чоғида учта зиёратчи келиб бизни тинглаб турар, улар ҳам дуо қилдилар. «Мусулмонлар, мартабангиз қанча кўтарилмасин, мен ҳеч ким эмасман, деб ўзингизни камтар олиб юринг, шунда жаннатга борасиз», — дедилар Қори жаноблари.

Мадинаи Мунавварага киришда бирма-бир паспортимизни текшириб ўтказдилар. Жидда шаҳри томон автобуслар равон юради. Шаҳар ичидаги катта йўлда машина ниҳоятда кўп, икки томонлама йўлдан 15—20 дақиқада автобусимиз 4—5 километр йўл босди. Постида турган миршаб олдида автобус тўхтаб паспортларимизни яна кўрсатиб, йўлда давом этдик. Ҳамсафарим Акрамжон Каримов, молия институтининг декани, ўзи билан видеокамера олган экан. Аммо бу ерда мачитлар, мақбаралар у ёқда турсин, шаҳар кўчаларини ҳам видеотасвирга тушириш мумкин эмас экан. Фақат меҳмонхона ичида ва шаҳардан чиққандан кейин автобусда йўлда бир неча марта видеотасвирга туширдилар. Маккаи Мадинада шунча юриб фақат бир жойдагина, яъни тоғнинг тагида кичкина лойқа оқар сув кўрдим, шу сой устидан ҳам шинам, узунлиги 50 метрча келадиган кўприк қурилган. Шу дарёча соҳилида, тоғнинг бағрида ҳар жой-ҳар жойда 10—15 тадан қишлоқ уйлари бўлиб, улар оралиғи 200—300 метр келади. У ерда вагончаларни кўрдик. Бу қишлоқларда чамаси 100—150 та қўй-эчкилар ўглаб юрибди.

Шофёр машинани бензин қуйиш учун тўхтатди. Навбат у ёқда турсин, биронта машина йўқ, 5 дақиқада мой қуйиб бўлди. Йўлда ҳар қадамда бензин қуйиш жойи. Шу ерда машиналарни тузатиладиган станциялар ҳам бор. Усталар кутиб турибдилар. Машина бузилса, қўнғироқ қилар эканлар, ўзлари бориб машинани олиб кетиб тузатиб берар эканлар. Мадинаи Мунавварадан Жидда шаҳрига кетар эканмиз, автобус тезлиги соатига 120—140 километрни кўрсатади. Бирор ери тик этмайди. Икки томонлама йўл, беш қатордан ўн қатор.

Йўлда келаётиб, қишлоқларга зеҳн солдим, ери қумлоқдан иборат, тоза бўз ерни кўрмадим. Шу ерга ҳам тоғ бағридагидек чиройли ҳовли уйлар қуриб қишлоқ одамлари яшамоқда. Уйлар деворлар билан ўраб олинган, қўй-эчки боқмоқда. Узумзорни кўрдим. 1,5 метрча ишқомга кўтарилган тоқлар, узуми жуда ширин. Лекин 7 кун юриб биронта ҳам дунёга донғи кетган машҳур араб отларини кўрмадим. Ўзим отга ишқибоз бўлганим учун роса қарадим, афсус, учратмадим. Арабистон отларни ўздан орттириб, дунёга ҳам сотади, лекин ўша ерларга бориш ҳам, ўша учқур дулдул отларни кўриш ҳам бизга насиб этмади.

Кундуз куни соат 14.00 да Жидда аэропортида автобусдан тушдик. Аэропортда ҳаво иссиқ, дим. Сумкадаги юкларга ҳам қарамай, салқин жой ёки сув истаб аэропорт ичкарасига кирдим. Аэропортнинг ичкарасида совутгичлар ишлаб турибди, салқин. Икки стакан сув ичиб ором олдим. Аэропорт кўркам бино экан, ҳамма ёқ тоза, оқ ҳаворанг бўёқлар билан безатилган. Кўрсаткич (табло)лар, касса жойлашган залда божхона ходимлари, хона узунлиги 100 метрча келади. Залда одам гавжум. Бинонинг ичида кўркам қаҳвахона.

Маккаи Мадинада, Жиддада савдо ходимлари жуда уста, ширинсўз, сиз агар уларнинг дўконига кирсангиз, бор нарсасини кўрсатиб, яна сизга нима керак, деб парвона бўлади. Керакли нарсани топиб беришга ҳаракат қилади. Ўзида бўлмаса, қўшни дўконни кўрсатади, қиммат десангиз чиқазмайди, унинг муомаласидан уялганингиздан бирор нарсасини сотиб оласиз. Аэропортда дунё билан улаб берадиган телефон, телеграф бор. Божхона ходимларига юкларни топширдик, самолёт Ўзбекистондан келиб аэропортга тушганлигини айтишди. Соат ўзимизнинг вақт билан 22.00 да самолётимиз осмонга кўтарилди. 17 декабрь саҳар соат 4.00 да жонажон пойтахтимиз — Тошкентга етиб келдик. Мени Исфандиёр ўғлим кутиб олди.

Хуллас, Маккаи Мукаррама, Мадина Мунавварани зиёрат қилиб, бутунлай бошқача одам бўлиб келдим. Фикрудунёқарашим ўзгарди. Руҳан ва маънан покланганимни яққол ҳис этдим, жуда енгил тортдим.

## ХОТИМА ҲРИДА

Менинг ёшим 84 да. Ўтган кунларим, тортган азобларим, даҳшатли Сталинград, Волхов-Ленинград фронтлари, ундан сўнгги 56 йиллик меҳнат fronti — Боёвут ерларини ўзлаштириш, Пискент, Ўрта Чирчиқ, яна 45 йил Мирзачўл саҳросини ўзлаштиришдаги чанг-тўзонларда кечган яхши-ёмон кунларни эсласам, юрагим зирқирайди. Аммо ҳозир ҳам сафдаман, баҳоли қудрат ишлаб юрибман-ку, дея ўзимга ўзим таскин бериб ғурурланаман.

Дўппимни бошдан олиб қўйиб ўйлайман. Менинг тенгдош-сафдошларимдан 90 фоизи бу оламни тарк этдилар-ку. Менда бу қувват қаердан экан?.. Ўйлаб, ўйлаб ўтган кунларимни кўз олдимга бирма-бир келтириб, шундай хулосага келдим:

Ҳамма қувватим отамдан. Отамнинг менга ёшлигимда берган тарбиясининг самараси. Масалан, бу қанақа тарбия, дейишлари мумкин?! Мустақил бўлган республикамизда раҳбарларимиз ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб, асосий умидни ёшларимизга боғлаб тўғри қилаётирлар. Спортга алоҳида эътибор берилиши, шаҳарлардаги йирик иншоотларни ҳамма ерда, айниқса, қишлоқларда бирдан бунёд қилиш қийин. Лекин менга отам берган тарбиясини ҳозир ҳам қишлоқда, ҳамма оилада ота-оналар болаларга бемалол берса бўлади. Отам менга ўша вақтлардаги қоқ қишлоқда қуйидаги жисмоний тарбия машқларини ўргатган эдилар. Бу ҳунар ҳаётимда мени сақлади.

Отамнинг бир «Куёнча» лақабли бўз улоқчи оти бор эди. Мени 7—8 ёшларимда шу отни минишга ўргатдилар. Шу сабабли отнинг ҳаракатларини ўрганиб, отга меҳр қўйдим, умрбод уйда отим бўлди. Ҳозир ҳам лочиндек улоқчи отим бор. Доим ўзим минаман. Уни миниб юрсам, гўё Туркистон тоғларининг чўққисига чиққандек руҳланиб, соғайиб кетаман. Отмиш ёшимгача улоққа қатнашиб, ҳар замонда соврин ҳам олганман. Ҳозир шаҳардагина эмас, балки қишлоқда яшайдиган кўпчилик йигитлар ҳам отдан кўрқадилар. Шундай йигитлардан гашим келади. Ҳайвонларнинг ичида

инсонга отдан меҳрибонроқ, дўстроқ, яқинроқ жонивор бўлмаса керак.

Уйимизда жундан тўқилган олақоп бўларди. Отам шу олақопга мен бемалол кўтариб отадиган оғирликда тупроқ солдилар. Ҳовлимизда бир сотихча текис тупроқли қуриқ ер бор эди. Шу ернинг ўртасига отимизни бойлаб, айланиб туриш учун «ўрта қозиқ» қоқиб қўйилган эди. Шу ернинг бир чеккасига отам менга тупроқ солинган қопни айлантириб ўйнатиш учун жой ажратиб бердилар. Ўзлари қопнинг бир чеккасидан ушлаб кўтариб, беш-олти марта айлантириб отиб юбордилар. Қоп уч метр нарига бориб тушди. Сўнгра ўзлари чўнқайиб ўтириб олиб, менга буйруқ бердилар, сен ҳам қопни олиб, мен айлантиргандек қилиб, беш-олти марта айлантириб отасан, дедилар. Мен ҳам отам кўрсатганидек, қопни кўтариб, беш-олти марта айлантириб ташладим. Қоп оғир эмас эди. Ичидаги тупроғи билан олти-етти кило келарди, холос. Мен ўша вақтда 11 ёшга кириб, йигитча бўлиб қолган эдим. Шу йўсинда отам мени яна қопни айлантириб отишга саккиз марта ундадилар. Ўзлари бошимда қараб турдилар. Айтганларини қилиб бўлганимдан сўнг менга раҳмат айтиб, елкамга қоқиб, яхши тилаклар тилаб дуо қилдилар. Шундан сўнг тупроқдан бир чигал олиб, қопга солиб, сўнг қопнинг оғзини чилвир билан боғлаб, қопни менга бердилар, бир чеккага олиб қўйгин, кейин яна такрорлайсан, дедилар.

Шу йўсинда ҳар куни уч марта олақопни тупроғи билан кўтариб, айлантириб отадиган бўлдим. Отам ҳамма вақт ҳам машқ қилганимда келиб, рўпарамда чўнқайиб ўтириб олиб, машқимни назорат қилиб турардилар. Кейинроқ машқ қиладиган вақтимда ўртоқларим, отам жўралари келиб томоша қилиб ўтирадиган бўлдилар. Айниқса, отамнинг жўраси Муҳаммаджон бобо кун ора келиб томоша қилиб, отам билан гаплашиб ўтирарди. Отам жўраларига ўғлимни Раҳмонали полвондай паҳлавон қилмоқчиман, деб мақтаниб ҳам қўйганларини эшитганман. Раҳмонали полвон дегани Уратепанинг Сўфиориф қишлоғидан эдилар. «Фарғонача», яъни белбоғли курашда зўр номдор, елкаси ерга тегмай ўтган паҳлавон курашчи эди. Яқин минг

хўжалик яшайдиган катта қишлоқда болалар ҳам кўп бўларди.

Қишлоғимиз ўртасида Каттатепа деган бўз, ўт ўсадиган тепалик бўлиб, шу тепага болалар чиқиб, ҳар доим бир чеккасида кураш, бир чеккасида чилак-лоп, бир чеккасида қулоқ чўзма, хўроз уриштириш, ит уриштириш ўйинларини ўйнар эдилар. Қишлоқдаги бекорчилар тепага чиқиб, ҳар ким хоҳлаган ўйинини томоша қиларди. Мен отам ва акамлар билан борсам ҳам, ёлғиз борсам ҳам фақат кураш бўладиган тўпга борардим. Борган заҳотим полвонбоши дарҳол чақириб, мени ҳам полвонлар кўрига ўтқазиб, навбат билан ҳар кимни ўз тенгига қараб курашга туширишарди. Тўрт-беш йил шу тепада тенгдошларим билан, ҳар сафар тўрт бештаси билан курашга тушиб, бирор марта ҳам йиқилганим йўқ. Чунки отамнинг машқи — қопдаги тупроқни ўйнатганим менга асқатарди.

Қишлоқнинг кунчиқар томонидаги 20 гектардан ортиқча бўз ерда улоқ чопадиган майдон бор эди. У ерда куз ва қишда улоқ бўларди. Мен бўз «Қуёнча»ни миниб улоққа борардим. Афсуски, яқинда қишлоғимга бир таъзияга борсам, Кўпкаритепамизни қабристонга беришибди.

Отам ўша олақопга тупроқни ҳар куни бир сиқимдан солавердилар, мен эса ўйнатавердим. Уч йилдан ортиқроқ вақт машқ қилдирдилар. Олақоп тупроққа тўлай, деб қолди. Мен уни кўтариб, айлантириб отавердим. (Оғирлиги 100 кг дан ортди). 14 ёшимда шу 100 кило тупроқни кўтариб, айлантириб отадиган бўлдим.

Шундан сўнг Ўратепа шаҳридаги Педагогика билим юртига ўқишга кирдим, битириб ўқитувчилик қилдим...

1941 йили уруш бошланган заҳоти аскарликка олдилар. Машқ қилдик. Бўйим 172 сантиметрли йигит бўлдим. 1942 йилнинг декабрида билим юртининг курсантлари билан бирга Сталинград фронтига олиб боришди. Мен у ерда танкка қарши 45 миллиметрли ПТР командири бўлиб жангга кирдим. Кўп жанглarda қатнашдим.

1943 йил март ойида Волхов фронтда (сўнгра Ленинград fronti деб номланган) ботқоқликларда,

Ўрмонларда оғир артиллерия билан фашистларни қувдик. Шу жангларда уч марта найзабозлик жангига кирдим. Фашистлар мени ўлдиролмадилар. Мен уларни янчдим. Шу пайтда отамнинг менга берган «тупроқли қоп» машқини эслаб, отамга раҳматлар айтдим. Чунки мен бақувват эдим. Чиниққан эдим. Гитлер охириги вақтда 15—16 ёшли ҳали мўйлаби чиқмаган, нимжон болаларни ҳам аскарликка олиб, фронтга юборган эди. Уларга қараб ўқ отардик, қўлини кўтарганини асирга олар эдик.

1943 йил 18 апрелда Новгородга яқинлашганимизда оғир ярадор бўлиб, олти ой Киров вилоятида касалхонада даволаниб, иккита қўлтиқ таёқ билан, иккинчи гуруҳ ногирони деган ҳужжат билан қишлоғимизга кириб келдим. Урушдаги ҳарбий рақамим бўйича Ўзбекистон Куролли кучлари музейида, ёшларга кўргазмали бурчак қилиб қўйишган.

Келсам, қишлоқда вабо, ота-онам, қариндошлардан ҳеч ким қолмабди. Иккита акам ҳам контузияга учраб, қўлтиқ таёқ билан ўлмай келдилар. Сўнгра қишлоқ хўжалик ишларида ишлаб тузалиб кетдим.

1945 йилда Тошкентга Ховос тумани суди раисаси Манзураҳон Қосимова билан тушиб, у кишининг отасиникида меҳмон бўлдим. Қосимованинг таклифи билан Пушкин боғига томошага тушдик. Паркни айланиб юриб бир жойга борсак, одам гавжум, катта кўр фар-ғонача — белбоғли кураш бўлаётир. Ёшлиқда ўрганган ҳунарим эмасми, Манзураҳонни кураш бўлаётган кўрга бошлаб бордим, типпа-тик туриб курашни томоша қилдик. Курашни бошқариб турган кўрбоши қўлидаги ярим метр чамасидаги карнай билан курашаётган йигитларнинг исм-шарифини, юртини эълон қилиб турибди. Шу пайт курашга тушган йигитни ўратепалик паҳлавон деб эълон қилди. Мен эса Қосимовага, менинг ҳамшаҳарим, деб мақтаниб қўйдим. Бир маҳал бизнинг ҳамшаҳар йиқилиб қолди. Кўрбоши эълон қилди. Мен Қосимова олдида изза тортиб турувдим, бирдан Манзураҳон менга қараб, ҳамшаҳарингиз йиқилди, қани, йигит бўлсангиз ёнига тушинг, деб қолди. Менинг номусим кўзиб, тушсам, тушай, дедим. Мен тушай, деган гапимни эшитиб қолган ёнимиздаги кўрда турган нотаниш кишилар, мана бу ерда талабгор йи-

гит бор экан, деб бақириб қолди. Бундан ташқари, кўрбоши карнайи билан:

— Қани курашга талабгор бўлса, ўртага тушсин, — деб чақираётган эди. Шу бўлди-ю, мени кўлимдан етаклаб ўртага тортиб олиб тушдилар. Мен бу вақтда Жўйлангар қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб ишлардим. Устимда ўша вақтдаги урф бўлган оқ жужунча матодан тикилган кител-шим ва оёғимда оқ матодан тикилган, таги резинка ботинка. Кўрбоши тик ёқамга кўлини кўйиб, ким билан кураш тушмоқчисиз, деб сўради. Мен, энди тушадиган бўлсам, ҳамшаҳарим — ўратепаликни йиқитган билан тушаман, дедим. Дарҳол менга йўл-йўл фарғонача беқасам тўнни кителим устидан кийгиздилар. Устидан белбоғ боғлаб, белбоғимдан ушлаб туришди. Икки киши бир йўғон, қорачадан келган йигитни олиб келиб менга тўғирлади. Беллашдик, беллашган замон у полвон мени писанд қилмай, бир қисиб ҳаракат қилиб кўтармоқчи бўлди. Лекин йигиб ололмади.

Навбат менга келган, отамни берган тарбиясини ёдимга олиб, «ё пирим», деб қисиб кўтариб олиб бир неча марта айлантриб отдим. Рақибим узунасига шалпайиб тушди. Кўрда гулдурос қарсак янгради. Кўрбоши келиб елкамга қоқиб, дуо қилди. Битта янги калиш мукофот берди. Шу вақтда бир неча ўратепаликлар келиб, мени кўтариб кетишди. Мени 1-синфдан 4-синфгача ўқитган ўқитувчим баландчақирлик (урушда бир оёғини йўқотиб келган) Мансур домлам иккита қўлтиқ таёқ билан тўдага кириб келиб, ўшанда мени кучоқлаб қутлаган эдилар. Вақтим чоғ бўлиб мукофотга берилган калишни домламга узатдим. Кейин кўрбоши келиб мени олиб бориб қаторда ўтирган йигитларнинг ёнига ўтқазди. Ўтиргандим мени яна турғазиб йиқилган йигитнинг ёнига ўтқазди. Мени яна турғазиб йиқилган йигитнинг Жўраси билан курашга солди. У билан беллашган заҳотим, уни ҳам кўтариб айлантриб ташладим. Шундай қилиб, шу оқшомда мени етти киши билан курашга туширдилар. Етталасини ҳам йиқитиб, анча майда-чуйда мукофотлар олиб, ўратепалик ва ховослик йигитлар билан бирга кураш тамом бўлгандан сўнг, ўртадан чиқиб кетдик.

Манзураҳон Қосимова ҳозирги кунда республика-миздаги машҳур киночи, менинг ҳам ҳаётим (10-А совхозидаги фаолиятим)ни 45 минутли рангли кинога олган Аброр Қосимовнинг сингласи билан бирга, у киши ҳам хурсанд, отасининг уйига кетдик. Эртаси кунни шаҳарни айланиб, Қосимовларникида яна меҳмон бўлдим. Индинига эрталаб улар хонадонидан ижозат олиб, юридик институтда ўқийдиган, бошланғич синфда бирга ўқиган жонажон ўртоғим Ҳабибулло Жўраевни бориб топдим. У ҳам эшитиб хурсанд бўлди. Биргалашиб ресторанга кириб овқатландик. Кейин шаҳарни айлангани чиқдик. 1945 йилларда Тошкентнинг энг завқли дам олиш, ўйин-кулги қилинадиган жойи ўша Пушкин истироҳат боғи эди.

Шаҳарни айланиб, кечқурун Ҳабибулло билан яна ўша боққа келдик. Қоронғи тушган эди. «Ўрганган кўнгил, ўртанса кўймас», деганларидек, яна ўша кураш майдонига келиб қолдик. Тикка туриб курашни томоша қиладиган одамлар қаторида турган эдик. Бир йигит томошабинлар ўртасидан ёриб ўтиб, менинг қаршимга келиб: «Ҳа, муаллимча, майдонга туш! Биз билан кураш»,— деди. Унинг гапи менга ёмон таъсир қилди. Баданимда озроқ иссиқ ҳам бор эмасми, тушсам, тушай, деб Ҳабибуллодан розилик олиб, ўша йигит билан бирга ўртага тушиб бордим. Кўрбоши мени таниб, саломлашиб, кўришиб, чопон кийгизиб, белимга белбоғ боғлади.

Иккинчи киши мен томонга қараб, қора тўн кийган, белида қизил рўмол, қорачадан келган, 100 кило чамасидаги, калласи хумдай, важоҳатли паҳлавонни белидан ушлаб келаверди. Мен ўша вақтда келсам, 80 кило келаман. Бизни бел оласизлар, деб қовуштирдилар. Рақибим анча иш кўрган паҳлавон экан. Елкамга қоқиб, қани ушланг, деди. Мен унга, сиз ушланг, деб навбатни унга бердим. У ўнг қўлини менинг белбоғимдан икки марта бураб ўтказиб, энди сиз ушланг, деб бир қўлини бўш қўйди. Мен ҳам чап қўлим билан белбоғидан бир бураб олдим. Сўнгра иккаламиз ҳам иккинчи қўлимизни ишга солиб, ҳаракатга киришдик, паҳлавон мени чап биқинимни шундай қисяптики, энтикиб зўрға нафас оламан. Шу пайтда ҳалиги

пахлавон мени кўкрагига тортиб, «ё», деб кўтармоқчи бўлди, мен ҳам бор кучим билан ерга ташландим. Полвон қилган ҳаракати билан ердан бир оёғимни уза олди. Иккинчи оёғимни ердан уза олмади. Шу вақтда мени қисиб олган белбоғим биқинимдан елкамга чиқиб кетди. Нафас олишим ростланди. «Ё пирим», деб отамнинг ўргатган ҳунарини эслаб, навбат менга келганда ҳалиги полвонни кўкрагимга кўтариб олиб, тўрт беш марта айлантириб, «Ё пирим, отам», деб отдим. Полвон ерга чўзилиб ётиб қолди, уялганидан чопонини қоқиб даврадан чиқиб кетди. Йиқилган кейин билсам номдор, катта полвон экан. Халойиқ гулдурос қарсак чалди. Улар паркентликлар экан. Мен билан кураш тушавердилар. Мен бир оз дам олиб, улар билан курашиб, йиқитавердим. Саккизинчисини йиқитдим. Ҳар сафар йиқитганимда совғалар бердилар. Ҳабибулло ховослик, ўратепаликлар кўпайиб қолганини айтди. Охирида сездимки, даврада ғала-ғовур гаплар бошланди.

Энг охирида қизил чопон кийган бир пахлавонга тўғирлаётирлар. Бундай қарасам, мендан ярим метр баланд. Шундай важоҳатлики, мен унинг қўлтиғининг тагидан келаман. Шунда мен, бу киши билан бел ололмайман, дедим. Юқоридаги бир киши туриб келди ва халойиққа, ҳакамларга юзланиб: «Нима қилмоқчисизлар? Бу бола бизнинг бола, асли полвонлик қилмайди, қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб ишлайди, шаҳарга иш билан келган. Буни Асқар полвон билан кураштириб, майиб қилмоқчимисизлар? Ўзи урушдан ногирон бўлиб келган бу»,— дея ёнимга тушди. Кўрбошилар ва Асқар полвон ҳам мени ҳимоя қилиб келган кишини танир эканлар. Бўлмаса, полвон болага битта тўн, Асқар полвонга битта тўн, деб менга ҳам Фарғона беқасам тўнини ёпишиб, курашни тугатдилар. Мен ва Ҳабибулло Ховоснинг, Ўратепанинг ёнига пичоқ таққан йигитлари билан бирга кураш майдонидан чиқиб кетдик. Бўлмаса, жанжал бўлиши муқаррар эди.

Кейинроқ суриштирсам, мени Асқар полвондан ажратиб олган киши I-Боёвут совхозининг фирқа кўмитаси котиби Очиллов экан. Кейин у киши билан ҳам ошно бўлиб кетдик.

Бизнинг қишлоқда ҳозир ҳам мен ҳақимда гап кетса, халқ Худоёр отасининг дуосини олган, дейишади. Менинг ўзим ҳам ота-онамнинг дуоси билан шунча йил униб, ўсиб юрганамга, дуонинг қанчалик улуғлигига иқрор бўлиб, тан бераман. Ҳамма ота-оналар ҳам фарзандларининг соғлом, доно бўлиб ўсишига ҳисса қўшсалар, ҳеч бўлмаса, юқоридаги ота-боболаримиз удумини қўллаб, машқ қилдириб, не-не орзу-умид ва тилаклар билан эришилган мустақил давлатимизнинг равнақи учун хизмат қиладиган фарзандлар тарбия қилиб берсалар — бу ниҳоятда савоб, олижаноб иш бўлган бўларди. Зеро, Мустақил Ўзбекистонимиз бугун ўзини кўз-кўз қилиб дунёга танилмоқда. Миллий ўзбек курашимизни дунё тан олди. Энди оламшумул полвонларни тарбиялашга ҳамма имкониятлар етарли.

---

ХУДОЁР ЛАТИПОВ

## МАШАҚҚАТЛИ ЙИЛЛАР ЁДИ

*(Тарихий қисса: 1928—2001 йиллар)*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2005

Муҳаррир *Э. Жўраев, Б. Эшпўлатов*  
Бадий муҳаррир *Б. Бобожонов*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Мусаҳҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Н. Окунжонова*

Теришга берилди 17.06.2005. Босишга рухсат этилди 10.11.2005.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоғи 10,92. Нашриёт-ҳисоб табоғи 11,05. Адади 500 нусха. Буюртма  
№ 3564. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.

2000

Л—98

**Латипов Х.**

Машаққатли йиллар ёди: (Тарихий қисса: 1928—2001 йй.).— Т.: «Шарқ», 2005.— 208 б.

Қўлингиздаги китоб иқтисод фанлари номзоди, кўп йиллар республикамиз туман ва хўжаликлари раҳбари лавозимларида ишлаган, истиқлол йилларида кексалик гаштини сураётган отахон — Худоёр Латипов қаламига мансуб. Муаллиф ўз бошидан кечирган воқеаларни, кўрган-билганларини бирма-бир хотирада тиклашга ҳаракат қилар экан, асосий эътиборни яқин ўтмишда қишлоқ хўжалигида қўлга киритилган ютуқлар ва юзага келган муаммоларни ҳолисона таҳлил қилишга қаратади.

**ББК.63(5)**